


Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти 1982



# МИРТЕМИР

ЗАМОНДОШЛАРИ  
ХОТИРАСИДА

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабнёт ва санъат нашриёти 1982

Тўпловчилар:

НАИМ ҚАРИМОВ ва ОТАЁР НАҲАНОВ

Миртемир замондошлари хотирасида/[Тўпловчилар: Н. Қаримов ва О. Наҳанов].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.— 224 б.

На олтин, на жаҳоҳир эдим,  
Армонли бир ёш шоир эдим,

деб ёзган эди Миртемир. Ушбу китобга ана шу камёб фидойи истеъдож соҳиби ҳақида унинг дўстлари, шогирдлари томонидан ёзилган хотиралар— қалб сўзлари жамланди. Улар камтарин ва камсуқум отахон шоиримизнинг шаклу шамойилини ўқувчилар тасаввурида жонлантиради деган умиддамиз.

Миртемир в воспоминаниях современников.

83.3Уз7

С  $\frac{70202-13}{М 352 (04)-82}$  145—82 4603010202

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХОТИРА ТУЛҚИНЛАРИ

Сендан нима қолди? Еруғ хотирот,  
Жангларда чархланмиш муқаддас қалам...

Ардоқли дўсти Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган «Шоир қабрида» сарлавҳали шеърда Миртемир шундай ёзган эди. Сўнг давом этиб, «Яхши от, ёрқин от, сира ўчмас от», деб такрорлаган эди у.

Хотира — инсон руҳининг ажиб жилваларидан бири. Инсон қалби ҳаётнинг унутилмас манзараларини, ажойиб кишилар билан учрашув дақиқаларини, дўстлик ва муҳаббатнинг, фарзанд ва асарнинг таваллуд лавҳаларини кино лентасидек ўзига муҳрлаб боради. Қалб кўзгусига бутун умрга нақшланган бу лавҳаларда биз учун азиз ва муқаддас кишилар ва воқеалар ўзининг бетакрор ва беназир хислатлари билан гавдаланадилар. Кишиларнинг тирик овози, юриш-туриши, табиатининг антиқа жилвалари ҳам бу кўзгуда акс этиб туради. Башарият, бу кишилар ардоқли ижодкорлар силсиласидан, маданиятимиз тарихида порлоқ из қолдирган сиймолардан бўлса, бизнинг хотирамиз бошқалар — мунаққидлар, китобхонлар ва томошабинлар учун ҳам на фақат завқли, балки ибратли ҳам бўлиши мумкин. Бу хотиралар шу маданият арбобининг ижодий протрети учун зарур чизмалар ва бўёқлар бўлиши, унинг ижодини тиравроқ ва яқинроқ англашимизга, уни ҳаяжонлантирган мавзулар ва қаҳрамонларни ҳис этишимизга кўмак бериши мумкин.

Назаримда, муҳтарам китобхон варақлаётган ушбу хотиралар мажмуаси ҳам унга шу маънода, ўзбек совет адабиётининг забардаст авлодига мансуб бўлган, атоқли ва ардоқли шоир Миртемирнинг ижодий ва инсоний қиёфасини яқиндан кўриш, унинг ижодхонасига

ташриф буюриш, унинг асарларида мужассамланган миртемирона руҳ билан ошно бўлиш имконини беради.

Ижод аҳли ҳақида хотиралар ёзиб қолдириш удуми қадимдан мавжуд. Лекин унинг яхлит ижодий қиёфасини, асарларининг яратилиш тарихини, қаҳрамонларининг реал ҳаётдаги илдизларини яққол кўрсатувчи, унинг инсон ва ижодкор сифатидаги мислсиз сиймосини гавдалантирувчи хотиралар — мемуар адабиёт намуналари сифатида — ўзбек адабиётида энди-энди туғилиб бормоқда. Бу борадаги дастлабки уринишлардан бири, янглишмасам, илк дафъа, 1973 йилда чоп этилган ва Ҳамид Олимжон тўғрисидаги хотираларни ўзига жамлаган «Сен элимнинг юрагида яшайсан» мажмуаси бўлди. Садриддин Айнийнинг 100 йиллиги, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 90 йиллиги, Ойбекнинг 70 йиллиги муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти мазкур адибларга бағишланган хотира тўпламларини эълон қилиб, бу янги жанрнинг шаклланиши ва юксалишига ўз улушини қўшди ва қўшиб келмоқда.

Қўлингиздаги ушбу тўплам ҳам ҳурматли ноширларимизнинг адабиёт шинавандалари ва мутахассисларини забардаст адиб ва шоирларимизнинг барҳаёт сиймолари билан яқиндан таништириш йўлидаги уринишлари, қолаверса, бу жанрнинг ривожини учун қилаётган ғамхўрликлари мевасидир.

Хотира... У инсон руҳининг ранг-баранг ва туганмас имкониятларидан, бойликларидан бири. Руҳнинг яшаш шакли. Қалбнинг борлиққа муносабати, кишилар ва воқеаларни саралаш ҳамда акс эттириш усули. Шунинг учун ҳам у тарихий ҳужжат ўлароқ қолиши ва яшаши лозим.

\* \* \*

У Қоратоғ этакларида, кўҳна Туркистон бағридаги Иқон қишлоғида туғилди. Қишлоқ ўртасида баланд, кўламлик култепа бор. Тепасидан олис Туркистон, сервиқор Яссавий мақбараси аён кўринади. Бир пайтлар теграси айланма қўрғондан иборат ана шу тепаликда туриб, Чингиз ё қалмоқ қўшинларининг ҳаракатини кузатганлар. Миртемирнинг еттинчи бобосига қадар шу тепаликда посбонлик қилган. Қишлоқдаги хўжаликнинг

икки тармоғи — деҳқончилик билан чорвачилик ҳам улар учун бегона бўлмаган.

Миртемир ўз қишлоғида атиги ўн бир йил яшади. Сўнг Тошкентга келиб, дастлаб Алмайй номидаги ишчи мактабида, кейин Ўзбек эрлар билим юртида таълим ва тарбия олди. Шу даврдан бошлаб унинг қарийб бутун ҳаёти Тошкентда кечди. Лекин Қоратоғ этакларидagi кўклам тошқинларидан лабларини ҳўллаб олувчи сойлар, қизғиш қирлар ва чексиз сайхонлар, онда-сонда бир-бир учрайдиган музбулоқлар, тошқинлардан пайдо бўлгувчи кўллар унинг хотирасидан чиқмади. Аксинча, шоир ана шу ўлканинг бокира табиатини, кишиларининг айни пайтда ҳам дағал, ҳам майин феълини, қадокли кўлларини, юрак дардларини куйлаш жараёнида ўз овозини, ўз мавзунини, ўз қаҳрамонларини топди. У кези-кези билан она қишлоққа бориб, болалик ва ёшлик хотираларини янгилаб, Тошбу ва Паттилар билан учрашиб, уларнинг машаққатли ҳаётлари ва тақдирлари билан янада яқиндан танишди; уларни шеъриятимизнинг шоҳ супасига — Кўканлар, Жўралар, Зайнаблар, Жонтемирлар, уста Ғиёсларнинг аҳил даврасига олиб кирди.

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Миртемир ижоди ўзбек совет адабиётининг тараққиёти тарихида айрича ўрин эгаллайди. У ярим асрдан зиёд давом этган ижоди билан ўзбек шеъриятининг юксалишига улкан ҳисса қўшди. Миртемир ўзининг ажойиб шеърлари, кўшиқлари ва дostonларида буюк Ленин ғояларини, жонажон Советлар диёрини ва коммунистик келажак меъморларини завқ-шавқ билан куйлади.

Миртемир ўзининг юзик табиати ва ҳассос қалби билан ҳақиқий Шоир эди. Шунинг учун ҳам у бутун умри мобайнида **Шеърятга — Гўзалликни, Нафосатни, Латофатни** куйлаш санъатига содиқ қолиб, инсон қалбининг нафис манзараларини тасвир ва талқин этди.

Тоғ дарёсидек жўшқин ва ўйноқи Миртемир шеъриятида кишини ром этувчи ажиб бир тиниқлик ва жўшқинлик бор; унинг мунаввар ҳаёт таровати билан тўла асарларида тўрт фаслнинг беназир ранглари товланиб туради.

Миртемир мансуб бўлган авлод адабиёт ва халқ олдигаги бурчини янги замон ғояларини тараннум этишда кўрди. Унинг — бу авлоднинг лирик «мен»и янги

давр ҳақиқатини, унинг ғоявий ва маънавий камолотини инкишоф этиш жараёнида намоён бўлди.

Миртемирнинг лирик олами Ленин ва Ўзбекистон мавзуини кашф қилиш, тенглик ва қардошлик ғояларини тараннум этиш, ўзи туғилиб ўсган тупроқни алқашда бошқа садолар ва ранглар оламига сиягиб кетмади. Аксинча, фақат унинг ўзига — Миртемирга хос бўёқлар, оҳанглар ва манзаралар касб этди. Бу миртемиронга бўёқлар, оҳанглар ва манзараларда эса даврнинг, халқ ҳаётининг такрорланмас гўзаллиги ва бойлиги ўз аксини топди.

Миртемир ижоди янгроқ тароналар ва нозик замнамалар поэзиясидир. Шоир Ленин ҳақида, замон ва замондошлари, Ватан ва ватандошлари ҳақида баланд пардаларда соз чертди. У ҳатто «Онагинам» сийғари лирик шеърларида ҳам муқаддас ўкинч ва аламларини аччиқ изтироб билан, барала ифодалади. У на севгиси ва қайғусини, на севинчи ва ўкинчини яширди. Шу маънода у ўз шеърларида куйлаган ҳис-туйғулари ва кечинмаларида ўта самимий бўлди.

Катта ва олис йўл турли босқичлардан, довлардан иборат бўлади. Миртемир босиб ўтган йўл ҳам бундан истисно эмас. Агар унинг дастлабки ижодидаги қайнар булоқдек тошқин сочмаларида асовлик ва жўшқинлик ҳукмрон бўлган бўлса, урушдан кейинги лирикасида эпиклик ва кенглик биринчи ўринга чиқди. 60-йилларда авж олган патетика кейинчалик ўйчанлик, сокинлик, собитликка ўз ўрнини берди. Бу сифатлар, бу ранглар тарихий даврлар тақозаси билан ўзгариб ва турланиб турди.

Чинакам санъаткор ўзининг ҳар бир асариде истиснонинг янги бир қирраси билан намоён бўлади. Бу қиррада шу санъаткорнинг кечаги бадиий тажрибаси ҳам, бугунги изланишлари-ю уларнинг эртанги йўналиши ҳам ёғду сочиб туради. Миртемирнинг сўнгги даврда яратган шеърлари шоир гулшанига қўнган балоғат фаслининг пўрсилдоқ мевалари бўлди. Миртемир гарчанд ўзининг шу даврда ёзган шеърларининг бирида «Ҳануз шеър ёзишни билмайман», деб бошқа бир шеърда эса «Нима тўқий олдим элга дегулик, тил учимда ҳануз элга айтарим», деб ўкинган бўлса ҳам, у аллақачоноқ шеърятнинг юксак довларини забт этган, ўзи ҳам устод шоирлар силсиласидан жой олган эди.

У ўзининг севдиги — устоз Ойбекка бағишланган



шеърида «Шеър—ҳикмат дарёси, сеҳр дарёси», деб ёзган эди. У ўзининг бутун ижоди билан, чўнг шоирлик кучи ва меҳнати билан ана шу асов дарёни жиловлашга интилниди, ундан қониб-қониб ичишни, унинг бир тўлқини бўлиб чўлу биёбонларни сероб этишни орзу қилди.

Бугун унинг тароналари ана шу улкан дарёнинг бир жилғаси бўлиб оқмоқда. Унинг учқур мисралари бу дарё устида парвоз қилмоқда. Ленин замонасининг нури ва сурури билан йўғрилган бу қўшиқлар, бу мисраларнинг ўзи ҳам ҳикмат жилғасига, сеҳр жилғасига айланиб бормоқда.

Ушбу сатрлар муаллифи қарийб йигирма йил давомида Миртемир билан мулоқотда бўлиб, у билан бир муҳитда яшаш шарафига муяссар бўлди. Бу давр ичида у жўшқин вулқондан сўниб бораётган гулханга айланди. Ижодий сафарлардан кўра шифохоналарга кўпроқ борадиган бўлди. У тобора тез одимлар билан келаётган кексалик ва унинг оқибатларига қарши ўзича курашди. Ҳаёт йўлини узайтириш йўлларини ахтарди. Бундай йилларда у газеталарнинг сўнгги саҳифаларида берилган таъзияномаларни секингина, ҳеч кимга билдирмай, қирқиб ташлар ва шу йўл билан ҳам ўз хонадонига шум хабарни келтирмасликнинг иложини излар эди. У қандай ҳолатда бўлмасин, соғми-бетобми, бундан қатъий назар, унинг хонадонига келган кишиларнинг хушнуд бўлиб қайтишларини истар эди. Сўнгги пайтларда у бизни ёруғлик ҳолда қабул қилар, аммо шунда ҳам кенг ҳовлининг нариги ёқасидаги уйга кириб, меҳмон бўлишимизга ва қадимгидек яхши кайфият ҳосил қилишимизга қистар эди. Кўпгина шифохоналарда даволанар экан, Тўраш кеннойига ўзи тамадди қилиши мумкин бўлмаган таомларни тайёрлаб келишни ўтинар ва бу таомлар билан зиёратчилар карвонини меҳмон қилар эди.

Миртемир аканинг хаста даврларининг ўзи ҳақида қанчадан-қанча воқеий ҳикоялар ёзиш мумкин. Унинг танти табиатининг ажойиб хислатлари ҳам, ҳадик ва безовталиқдан ҳоли бўлмаган изтироблари ҳам шу кезларда айниқса бўртиб кўринар эди. Бунинг боиси ҳар қалай, кишининг шифохонада хасталик билан, ҳаёт ва мамот ҳақидаги ўйлар билан юзма-юз учрашувида бўлса керак.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. У 1977 йилнинг кузида Фанлар академиясининг собиқ шифохонасида даволанар эди. Врачлардан бири унинг ошқозонидаги яллиқни наштар ёрдами билангина даволаш мумкинлигини айтиб, уни шошилич равишда операцияга тайёрлай бошлабди. Борсак, Миртемир аканинг кайфияти чатоқ. У жарроҳ столига ётишнинг ёмон оқибатга олиб боришини қандайдир ботиний туйғу билан сезган эди. Шунинг учун ҳам операцияга розилик бермади. Орадан бир оз вақт ўтиб, яна шифохонага тушиб қолди. Аҳволи оғирлаша бошлади. Лекин у яна қандайдир пинхона куч топиб, касалхонадан бир-икки кунга ижозат сўраб, Туркистонга борди. Эҳтимол, у ўзининг тақдир олдида иложсиз қолганини сезган бўлса керак, оламдан ўтган жигарларига фотиҳа ўқиб, она юрт билан хайрлашиб келди.

Мен шоирнинг ана шу сўнгги кунлари ҳақида ўйлар эканман, ҳаётни нечоғлик севган ва бутун кучи билан хасталикка, кексаликка, табиат олдидаги ожизликка қарши курашган бу ажойиб инсоннинг ўлим билан юзма-юз келган чоқларида ҳам ўз виждонига кўра иш тутганидан, юрти ва юртдошлари олдидаги инсоний бурчини ўтаганидан ҳануз таъсирланиб келаман.

Миртемир аканинг манави сўнгги сатрлари, эҳтимол, ана шу воқеанинг гувоҳи бўлганим туфайли менга шоир жалбининг теран қатламларидан юзиб чиққан кўринади:

Розиман, ризоман, ўла-ўлгунча  
Халқим деб ўлдим.  
Халқим нима бўлса, мен ўша бўлдим,  
Юрагим, бўғилма, ўртанма бунча!

Ўзимга хиёнат қилдиму аксар,  
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.  
Менинг юрагимни тешиб ўтдилар  
Халқимга отилган талай-талай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим,  
Лекин халқ номига юқтирмадим гард.  
Фарёд солар чоқда жим бўла олдим,  
Халқим дарди эди дил ўртаган дард.

Халқим етагида етдим вояга,  
Халқ билан кулдим.  
Бардошим сўз бермас, дейман, қояга,  
Розиман, ўлгунча халқим деб ўлдим.

Бу видо сўзларининг ҳар бир ҳужайрасидан хаста шоир қалбининг зарблари эшитилиб туради.

Менимча, шоирнинг бошқа кўплаб лирик шеърларида ҳам ана шундай мардона ростгўйлик, дилни ўйиб ва тилиб олувчи кечинма, юракка сиғдириш мумкин бўлмаган дард бор.

Миртемир ака ўз умрининг сўнгги манзили яқинлашгани сайин тобора жўшиб ижод қилди. Унинг бу даврдаги шеърларини ўқиб, қанчалик оғир касал билан оғриганини ва ҳориганини асло ҳис қилмайсиз. Фақатгина бир нарса — унинг ижодида Туркистон тароналарининг кенг ўрин эгаллаши бежиз эмас эди. Мен ана шу болалик хотиралари ва ёшлик армони билан йўғрилган гўзал шеърларни ўқир эканман, машҳур кинорежиссёр М. И. Роммнинг ажойиб ленталаридан бири — «Бир йилнинг тўққиз куни» фильмидаги нурланган физик олим Гусевнинг ўлим олдидан қадрдон қишлоққа бориши эпизоди кўз олдимга келади.

Ҳаётнинг ажойиб бир қонунияти бор. Улуғ кашфиётлар оддий бир мантиққа асосланади. Энг лаззатли мевалар сиз яшаётган тупроқда унади. Умрбоқий шеърлар олис юртлардаги учрашувлар эмас, балки қадрдон замин, қадрдон кишилар берган илҳом куртагидан унади.

Миртемир ака сўнгги йилларда уч-тўрт марта Туркистонга бориб, ҳар сафар дафтар-дафтар шеърлар билан қайтди. У — бошқа шоирлар сингари — янги, ҳатто ҳали хом (шоир ифодаси билан айтганда «қора») шеърларини ҳам кимгадир ўқиб беришга эҳтиёж сезарди. Бундай соатларда у китобхон фикрини билишни истарди.

Одатда у — таржимон шоир бўлгани сабабдир — шеърнинг хомаки, қофиясиз мисраларини тизиб чиқар, бу «қора» шеърни китобхон назаридан ўтказиб, сўнг унга сайқал берарди. У баъзан бизнинг фикримизни билмоқчи бўлгандек янги асарларини ўқир, аммо на мақтовли, на танқидли мулоҳазаларимизга жиддий эътибор берарди. Бундай пайтларда у ҳали ижод жараёнидан чиқиб улгурмаган, ўзи ўша туйғу ва кечинмалар гирдобида қоврилиб юрган бўларди.

Баъзан эрта тонг ё оқшом пайтлари у ўз ҳовлисини айланаверар, демак, шундай кезларда у ижоднинг еттинчи осмонида, ҳовурли чўққилар орасида мавзунни пиштаётган бўларди. Шундан кейин у ўз хонасига яшириниб олиб, оппоқ қоғозларни кетма-кет тўлдирар

эди. Баъзан шеърни тугатиб ё бошлаб қўйиб, сўнг бизлар билан келиб кўришар, аммо паришон ҳолатидан ҳали чиқмаган бўларди.

Бу унинг бахтли соатлари эди.

Чиндан ҳам, шоир учун ижод оғушидан, ижод қучоғидан ўзга жозиба бормикан оламда?!

Қаъбамсан, шеърят, эзгу эҳромим,

Оғу ҳам бол тўла бебаҳо жомим.

Амалим ва ишқим, умиду армон,

Уйқусиз тунларим — жиндак илҳомим...

Ҳа, унинг учун шеърят муқаддас ва илоҳий бир хилқат эди.

У ўз бахтини ва ўз дўстларини ана шу хилқатдан топди.

Ўзбек тупроғига меҳмон бўлиб келган қардош адиблар унинг уйига тушмай ўтмас эдилар. Москвалик шоир ва таржимонлар, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, туркман ва қорақалпоқ ёзувчиларининг аксари учун бу уй таниш ва қадрдон эди. Улар Тошкентга ташриф буюрган кезларда Миртемир ака Иззат Султонов, Ҳомил Ёқубов, Сулаймон Азимов каби қадрдонларини ва биз сингари ёш дўстларини ҳам таклиф этар, улар ўртасидаги суҳбат оғанилар учрашувидек самимий ва дилкаш бўларди. Бу меҳмонлар диёрида ҳам у ўз уйидагидек ҳис этарди ўзини.

Камина 1966 йилнинг ёзида Миртемир ака билан Фрунзеда, қирғиз адиблари даврасида бўлганман, сўнг Иссиқ кўлнинг мовий соҳилларида бирга дам олганман. Шу йилларда Қирғизистон Ёзувчилар союзига таниқли драматург Тўқтабўлат Абдумоминов раҳбарлик қилар эди. Биз унинг Ёзувчилар союзидаги хонасига кирганимизда, икки қардош халқнинг ёзувчиси худди ота ва боладек қучоқлашиб кўришишди. Маълум бўлишича, улар бир-бирларини тоға ва жиян деб аташар экан ҳатто. Миртемир ака эски қадрдонларини суриштириб, қирғиз адабиётидаги ва дўстлари ҳаётидаги янгиликлар билан бир зумда танишиб чиқди. Қардош халқ ва унинг адабиёти Миртемир акага шу қадар яқин ва азиз эди.

Миртемир ака билан бошқа қатор қардош халқларнинг ўртасида ҳам шундай яқинлик ва самимийлик бор эди. Унинг ижодида қардошлик тароналарининг айрича куч билан янграгани ҳам бежиз эмас. Унинг қўшни

халқлар адабиёти намуналарини кўплаб таржима қилгани ҳам ички эҳтиёжнинг натижасидир.

Ўта тантилиқ ва камтарлиқ билан бирга унда ўта принципааллиқ, қатъийлиқ ҳам бор эди.

Бундай қатъий табиатли кишилар ўз меҳрларида ҳам, ғазабларида ҳам собит бўладилар одатда. Миртемир ака ҳам шундай эди. Лекин у собиқ шогирдларининг, таниш-билишларининг унга бўлган муносабатлари ўзгарганини кўриб, қаттиқ азобланар эди. Ўзининг адабиётимиздаги мустаҳкам ўрнини ва хизматларини сезган ҳолда улардан кўз юмувчи кишилардан ранжир ва нафратланар эди.

Аммо у ижод майдонини бундай кишиларга жавоб беришнинг бирдан-бир жабҳаси деб билди. Тинимсиз, ҳатто бетоб кезларида ҳам ёниб ижод қилди. Шеъринг унинг учун бирдан-бир эзгу ва муқаддас маскан бўлиб қолди. Ана шу илоҳий масканда у ўзининг нималарга қодир эканини, нима билан она халқнинг юкини енгил қилиши мумкинлигини билди ва шу масканда бир умрга қолди.

Шоирнинг олтмиш йиллик шодиёналари унинг она қишлоғида ўтган кезларда унга қорабайир билан шу қишлоқ бағрида жўшиб турган бир булоқни совға қилдилар. Бу совға шартига биноан Миртемир ака булоққа ном қўйиб бериши ва у ном қўйган булоқ шоирдан қишлоқ аҳлига эсдалик бўлиб қолиши керак эди. Миртемир ака ҳеч ўйланмай, шу заҳотиёқ уни Суюк булоқ деб атади

Назаримда, кўҳна Туркистон ўзбек халқига, ўзбек маданиятига ҳамиша жўшиб турувчи бир булоқни ҳады этган. Бу суюкли булоқ — Миртемир булоғи. Фақат бу булоқдан покиза ва мусаффо туйғулар фаввораси отилиб, заршунос халқнинг гўзаллиқ ва эзгуликка бўлган ташналигини қондириб туради.

Наим ҚАРИМОВ

### **ЮЗИ ЁРУҒ ЁЗУВЧИ**

Туғилганига олтмиш, ёзувчилик меҳнатига қирқ беш йил тўлмиш МИРТЕМИРни мен кўп йиллардан бери танийман, у билан дўстман, сирдошман.

Авалло у менга, қозоққа жиян. Миртемир жиянлик жиҳатидангина эмас, балки маслакдошлик жиҳатидан ҳам жуда яқин. У элини таниб қўлига қалам ушлабдики, совет замонасини, меҳнаткаш халқимизнинг фаровон ҳаётини, бахт-саодатини ҳормай-толмай куйлаб келяпти.

Қирқ беш йиллик мобайнида Миртемир яратган го-вий юксак, бадий баркамол асарлар беҳисоб. Бу асарлар ўз республикасидан ҳатлаб, Иттифоқ миқёсига, жумладан, Қозоғистонга таралиб, машҳур бўлиб кетди.

Миртемир ҳозир Иттифоқ миқёсидаги миқти шоирлар қаторида. Таниғлик санъаткор!

Севимли шоир — жиянимга самарали ижод, руҳий бардамлик, соғлик ва узоқ умр тилайман.

1970

## **БУРЧЛИМАН**

Шоир Миртемирнинг олтмиш йиллигида унинг гўзал шеърятининг унутилмас саҳифаларини такрор-такрор ўқимоқ менинг севинчимдир. Миртемир шундай шоирларданки, унинг шеърятининг шуҳрати халқи шуҳратини орттиради, унинг ижоди халқининг ифтихор қилишига асос беради.

Мен Миртемир шеърятидан озми-кўпми воқиф бўлган бир одам сифатида айта оламанки, дўстим Миртемир билан шахсан таниш бўлмаган вақтимда, унинг асарларини ўқирканман, бу истеъдодли қариядаги адоғсиз тароват сири нимада экан, деб ўйлардим. Бу «қария» сўзи унинг поэзиясида қамровли ҳаёт тажрибасидан туғилган мушоҳадалар, ундаги фалсафий теранлик, нозик идрок, ақл, маънавий закийликнинг таъсири ила яралган бир образ эди.

Бир неча йил аввал Миртемир менинг «Ленин» достонимни таржима этаётган чоғида, у билан яқиндан танишдим. У дўстлик, қардошлик, шоирлик бурчини «Ленин» достонини таржима этишда сарф айлаган юрак ҳарорати, кўнгил навоси, санъаткорлик маҳорати билан ифодалади. Мен Миртемирга бурчлиман. Дўстимнинг шу байрам кунларида, бу бурчимни буюк Навойнинг гўзал ғазалларини, ўзбек совет шоирларининг ва албатта, Миртемирнинг ҳам шеърларини ўлмас Фuzuлий ва Собир тилига таржима этмак билан адо қилмоққа сўз бераман.

1971

## МИРТЕМИР ЮЛДУЗИ

Биз Миртемир билан шавкатли Туркистон ўлкасининг файзиёб осмони остида туғилдик. Биз ўз ҳаётимизда кўрган илк нур Туркистон қуёши эди. Биз Миртемир билан ўз умримизда илк бор тинглаган ва ҳузур қилган қўшиқ Туркистон шамолларининг навоси эди. Уша пайтда соҳиллари тўлиб-тошиб оққан Сирдарё тўлқинлари биз учун беланчак бўлди. Хуллас, бир қуёшдан нур эмган, кўҳна дарё сувларидан сероб бўлган, бир дастурхондан туз-насиба тотган қардошлигимиз туйғуси бизнинг ҳаётимизга бир умрга кирди ва бизнинг қонимизда яшади. Эҳтимол шунинг учундир биз Миртемир билан бир-биримизни сўзсиз ҳам тушунар эдик.

Биз Туркистон бешигида улғайиб, катта ҳаётга қадам қўйганимизда, биримиз ўзбек, иккинчимиз қозоқ бўлиб қолдик. Тақдирнинг тақозаси билан Миртемир ўзбек халқининг, Абдилда — каминани камтарни эса қозоқ халқининг оқини бўлдик.

Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз — Миртемир халққа дастёр бўлишдек буюк хизматга яради. Букун ўзбек халқи шундан шаҳодат бериб турибди: ажойиб шоирнинг олтмиш йиллиги миллий байрам янглиғ кенг нишонланмоқда. Аммо бу қозоқ халқининг ҳам тўйи, унинг ҳам байрамидир.

Барча халқларнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида шеърятга кенг ўриннинг берилиши бежиз бўлмаса керак. Улар шеърятни ўз виждонлари, ор-номуслари ва асосий бойликлари деб ҳисоблаганлар. Шеърят халқнинг маънавий ва руҳий тажрибасидир. Башарият ҳаётининг бу соҳасида фақат мусаффо ва юксак қалб





Миртемир. 1975.

соҳибларигина, шеърятни шуҳрат ва бойлик манбаи деб ҳисобламовчи кишиларгина, ҳуллас, шеърятга ўзга мақсадлар билан ёндошмовчи кишиларгина меҳнат қилишлари мумкин. Миртемир ўз мусаффолиги ва юксаклигига кўра ноёб кишилардан бири, тоза ва покиза қалб соҳибидир.

Ўзбек шеърятининг бўстонида у ўз узумлари ва олмаларини етиштирди, уларнинг таъмини бошқа таъмлар билан адаштириш асло мумкин эмас: унинг шеърлари шу қадар мислсиз ва ўхшашсиздир.

Шарқ илмий самосининг ифтихори, буюк Улуғбек қанчалик хизмат қилган бўлса, у ҳам ўзбек шеърятини учун шунчалик хизмат қилди. Шунинг учун ҳам биз бу кун Совет Ўзбекистони осмонида ёрқин нурларини сочаётган Миртемир юлдузи билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Узоқ йиллар нур сочиб тур, Миртемир — дўст, Миртемир — юлдуз!

Бошқа беҳисоб дўстларинг ва мухлисларинг сингари мен ҳам сенинг нурли истеъдодинг ва улуғвор қалбинг қаршисида бош эгиб, таъзим қиламан.

## ДУСТ ҲАҚИДА СЎЗ

Менинг ўзбек адабиёти билан танишлигим 20-йилларнинг аввалидан бошланган. Бу вақтларда Боку шаҳрида, олий таҳсил ўчоқларида Ўзбекистондан келган талабалар бор эди. Шулардан бири менинг ёшлик дўстим — ҳаётдан бевақт кетган шоир Ғайратий эди. У йилларда мен Ўзбекистонда нашр этиладиган «Маориф ва ўқитғувчи» журнали саҳифаларида ўзбек ёзувчиларининг чоп этилган асарлари ила яқиндан таниш бўлиб юрардим. Сўнгралар Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Мақсуд Шайхзода каби истеъдодли адабиёт арбоблари билан яқиндан дўст бўлдим.

Мен бугун ҳам ижод қилаётган Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Зулфия, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор, Воҳид Зоҳидов, Мирмуҳсин, Назир Сафаров, Шукрулло каби истеъдодли ёзувчилар ила дўстлигимни давом эттириш билан ҳам фахрланаман.

Ўзбек халқининг қудратли шоир фарзанди Миртемир билан ҳам дўстлигим жуда самимий эди. Миртемир билан Тошкентда, Бокуда, Москвада ва қардош республикаларнинг бошқа шаҳарларида бўлган кўп учрашувларимиз ва поэзия ҳақидаги суҳбатларимиз жуда самимий ва мароқли бўлур эди. Бу суҳбатлар ёлғиз ўзбек, озарбайжон шеърияти ҳақидагина эмас, умуман Октябрь инқилобидан кейин майдонга келган буюк совет адабиёти ҳақида, етишиб чиққан истеъдодли янги ёш авлод ҳақида бўларди. Миртемир бизнинг озарбайжон адабий муҳитида яхши танилган ва ҳурмат қозонган сўз устодларидан бири ҳисобланади. Жумладан, ёш шоирларимиз уни жуда севдилар.

Миртемир деганда кўзларим ўнгида олижаноб, тавозели, назокатли, ҳар томонлама маданий, самимий бир шахс гавдаланади.

Миртемирнинг қаламга олганлари, ёзган асарлари унинг қалбининг софлигидан, халққа, Ватанга, дўстликка, қардошликка ҳадсиз садоқатидан туғилган, унган шеър дурдоналаридир.

Миртемир деганда дунё классик поэзиясининг, ўз миллий поэзияларимизнинг улкан хазинасидан ва халқ шеъри дурдоналаридан чуқур хабардор бўлган ва шулар ила қанот қоқиб юксак парвоз қилган бир шоир кўз ўнгимизга келади.

Марҳум қаламкаш дўстим Миртемир Озарбайжон классик ва муосир шоирларининг асарлари ила яхши таниш эди. Насимийдан, Фузулийдан, Воқифдан анчагина шеърлар ўқиб берарди ёддан.

Миртемир бир таржимачи шоир бўлиб ҳам умуман адабиёт учун чўнг шарафли ва муҳим хизмат қилган эди. Унинг бу фаолияти баланд тақдирланадиган ижодий меҳнат эди. У устод таржимон сифагида таржималарига жуда масъулият билан қарарди. Жонли бир мисол келтирай. Миртемир халқ шоиримиз Расул Ризонинг «Ленин» поэмасини таржима этаётганида оригиналдаги хусусиятларни, фазилатларни сақлашга катта эътибор берган ва бу шарафли ишнинг уддасидан яхши чиққан. Бокуда йиғилишларда таржима ҳақида суҳбат кетганда Расул Ризонинг ҳамиша Миртемирнинг муваффақиятли ва ёрқин таржимасидан тўлиб-тошиб ҳурмат ила сўзлаб келаётганлиги тасодифий эмас.

Миртемир айтар эдики, «Мен бошқа бир тилдан таржима қилаётганимда аввало шоирнинг барча ҳолати, характери ва бутун ижоди ила, халқининг тарихи ва ҳаёти ила яхши таниш бўлишни жуда вожиб деб билман. Асарни таржима қилаётганда унинг муаллифининг — шоирнинг бошдан кечирган ҳаяжонларини, шеър яратишдаги азобларини мен ҳам ўз бошимдан кечиришим керак. Таржима вақтида мен ўзимни муаллиф каби ҳис қилишим — санашим керак, асарни ўз жонажон асарим каби ҳис этишим, ҳисоблашим керак...»

Марҳум қаламкаш дўстим Миртемир гўзал инсон, истеъдодли шоир эди.

Миртемир адабиётда ҳамон яшаётган сиймолардан биридир. Биз уни ҳамиша ҳурмат ила, муҳаббат ила ёд этамиз.

1980, июнь

**«... ЖАРАНГ ШЕЪР БУЛМАС ҲЕЧ УНУТ!»**

Миртемир — ўзбек совет шеъриятининг тамал тошини қўйган устоз, оқсоқол шоирларимиздан. У ғоятда меҳнаткаш, жафокаш, ҳассос, билимдон, камтар, зукко сўз санъаткоридир. Ватанпарвар шоир классик адабиётимизнинг барҳаёт анъаналарини, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганиб, ўзбек совет адабиётини бойитди, ҳозирги замон шеъриятимизни юксаликка кўтаришда зўр куч сарф этди. Давримизни авж пардаларда ҳарорат билан куйлаган Миртемирнинг жўшқин, чуқур партиявий, халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган чўнг ижоди социалистик реализм адабиётининг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Миртемир айқин дарёдай ҳаётбахш шеърияти билан совет Ўзбекистонининг поэтик солномасини яратган забардаст шоирларимиздан биридир. Атоқли сўз санъаткори кўп бадий юксак асарларини Ленин ва Шарқ, Октябрь инқилоби, халқлар дўстлиги мавзуларига бағишлади. Бир қанча бақувват шеърларида эса, бизнинг кунларимизда, бутун жаҳонда ленинча музаффар ҳақиқатнинг қудратли таъсири остида юз бераётган буюк ўзгаришлар манзарасини ўзига хос кенг тарихий назар билан теран идрок этиб, моҳирона тасвирлади.

Гўзалликнинг, ҳаётнинг чинакам ошиғи бўлган шоир она халқининг қалбини чуқур тушунар, бой ва рангин тилини ғоят нозик ҳис қилар, қудратли, пурмаъно ва нафис халқ сўзларини шеъриятимизга дадиллик билан олиб кириб, тилимиздаги гражданлик ҳуқуқини барқарор этар эди. Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг

тил соҳасидаги новаторлиги жиддий ўрганишга сазовор катта мактабдир.

Шоир ҳар бир асар устида кўп ва самарали меҳнат қиларди. Шу сабабли ҳам Миртемирнинг шеърлари чуқур ғоявий мазмундорлиги, бадиий юксаклиги билан ажралиб туради. У халқ жасоратининг илҳомбахш куйчиси сифатида кенг шуҳрат қозонди. Миртемир бепоеён совет диёрининг, жонажон Ўзбекистоннинг қўлга киритган оламшумул ютуқларини, бахту саодати ва бу бахтсаодат учун халқимиз олиб борган оғир курашларни инсоний дард, беқиёс ҳаяжон ва жўшқин илҳом билан куйлади. Шу тариқа шоиримизнинг бадиий баркамол асарларида юртимизда янги ҳаёт қурилишининг асосий босқичлари поэтик тарзда ёритилди.

Биринчи шеърини 1926 йили эълон қилган Миртемирнинг мўъжизакор қалами ярим асрдан зиёдроқ давр мобайнида бир нафас ҳам ёзишдан тўхтамади. Яратган асарлари бирин-кетин «Шуълалар қўйнида», «Зафар», «Қайнашлар», «Коммуна», «Бонг», «Пойтахт», «Қасос», «Сталинград ҳимоячиларига...», Уч томлик «Танланган асарлар», «Янги шеърлар», «Тингла, ҳаёт!», «Излаганим» каби йигирмалаб номларда чоп этилиб, шеърят мухлисларининг маънавий мулкига айланди.

Миртемир совет ленинномасини бойитган забардаст шоирдир. Улуғ Ленин сиймосига бағишланган «Ленин жилмайиши» китобидаги асарлар мамлакатимиз китобхонлари орасида жуда машҳур бўлиб кетди, СССР халқларининг кўп тилларида босилди.

Дўстимиз Миртемирнинг бадиий таржима соҳасида катта ғайрат кўрсатиб қилган меҳнатлари асло унутилмасдир. Гомер, Руставели, Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Гейне, Тагор, Бердақ, Нозим Ҳикмат ва жаҳоннинг бошқа буюк сўз усталари ижодидан намуналар, қирғиз эпоси «Манас», қорақалпоқ эпоси «Қирқ қиз» таржималари ўзи бир улуғвор олам. Миртемирнинг бу масъулиятли ва муқаддас жабҳадаги ҳалол меҳнати ибрат олса арзигуликдир. Зотан, отахон шоиримиз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам инсонийлиги, заҳматкашлиги, пок виждони, ғамхўрлиги билан ёш ижодкорларга, келажак авлодга чинакам намунадир. У узоқ давр мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги ёш ёзувчилар семинарини бошқарган йилларда ҳам, кейинги пайтларда ҳам доимо ёшлар, айниқса навқирон қаламкашлар даврасида бўлди. Устоз шоир шогирдларини «киприкларим», деб эъзоз-

лар эди. Ёшлар устозларининг буюк ижодий жасоратини ҳеч қачон унутмайдилар. Кейинги йилларда, оғир дард тез-тез хуруж қилиб туришига қарамай, Миртемир сабот ва қунт билан ижод қилди. «Гулистон» журналида, бошқа газета-журналлар саҳифаларида эълон қилинган бадний қўйма шеърлари, «Излаганим» китоби, Бердақ таржималари устида олиб борган фидокорона ижодий меҳнати фикримиз исботидир.

Ўзбек халқининг ардоқли шоири Миртемир ҳамиша барҳаёт. У халқимизнинг қалбида, авлодларимизнинг меҳру муҳаббатыда, шоирнинг мактабида ўқиган, ўқиётган қанчадан-қанча ёш шоир ва адибларимизнинг олмос истеъдодларида, саз қўшиқларимизнинг баланд авжида мангу яшайди.

### **ЗУККО ШОИР, ДИЛКАШ ИНСОН**

Миртемир ҳақида ўйлаш ва унинг муборак хотирасини ёдга олиш ҳам қувончли, ҳам қайғулидир. Шунинг учун қувончлики, Миртемир улкан шоир, жонажон дўст, тенги йўқ дилкаш инсон эди; шунинг учун қайғулики, қалбимизга жуда қаттиқ таъсир қилган бу кулфат ҳали унутилган эмас. Биз Миртемирни ҳамиша машҳур қаламкаш салафлари қаторида барҳаёт, деб биламиз. У биз учун Гафур Гулом, Ойбек, Шайхзода ва ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб бошқа санъаткорлар билан ёнма-ён туради. Шу билан бирга Миртемир, биз учун, қирғиз адиблари, қирғиз китобхонлари учун алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган ва қалбларимиздан алоҳида жой олган ижодкордир. Гап шулдаки, Миртемир ўз замонаси тўғрисида жуда катта ва ажойиб фикрлар айта олган нозиктаъб, ўта самимий шоир эди. Ҳа, худди шундай эди! Шеърятга 20-йилларда қадам қўйган Миртемир то етмишинчи йиллар ўртаси, аниқроғи, умрининг охирига қадар ўз замонаси, Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақида тўлиб-тошиб, куйиб-ёниб ёзди, катта гаплар айтди. У, айниқса, шу билан бир вақтда келиб чиқиши, тарихи, тил хусусиятлари жиҳатидан қонқардош бўлган қўшни халқларга катта эътибор билан қаради. Бу, албатта, табиий эди. Шунинг учун ҳам у бизнинг Қирғизистонда, Қорақалпоғистонда халқ меҳрини қозонди, атоқли шоир сифатида эъзозланди. Дарвоқе, «Қорақалпоқ дафтари», «Қирғиз дафтари» деб номланган шеърый туркумлари унинг ижодида энг сара, энг бақувват асарлардир, десам, янглишмасам керак,



дей ўйлайман. «Қорақалпоқ дафтари» ва «Қирғиз дафтари» деб номланган ана шу ҳар иккала туркум унинг ижодий меросида, унинг шеъриятида алоҳида ўрин тулади.

Ўйлайманки, ўзбек китобхонлари Миртемир ижодини менга қараганда чуқурроқ биладилар ва бу улкан шоирнинг номи уларнинг юрагига яна ҳам яқинроқдир. Мен фурсатдан фойдаланиб, шоирнинг эҳтимол ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ва кўпчилик илғамаган фазилатлари хусусида тўхталмоқчиман. Гап шундаки, шоир қанчалик миллий бўлишидан қатъий назар, ўзининг худди ана шу миллий табиатига, ўз халқи, ўз атроф-муҳитига қанчалик содиқ бўлишидан қатъий назар, агар у чинакам катта шоир бўлса, ўз миллий қобилиги доирасини албатта ёриб чиқади; ўзига янги китобхонлар, янги дўстлар, янги мухлислар орттиради. Бироқ у бунга тасодифан ва осонликча эришмайди. У бунга бошқа республикалар, бошқа мамлакатлар китобхонлари қалбида гўзал ҳис-туйғулар, эзгу ҳис-туйғулар уйғота олиш воситаси — яна ўша сермашаққат ижод ёрдамида, катта, заҳматли меҳнат ёрдамида эришади. Миртемирнинг номи эсланиши биланоқ қирғиз адабларининг чеҳраси ёришиб, юзида самимий табассум пайдо бўлади. Ҳа, Миртемир бизга жонажон дўст, сирдош оға эди; камтарин, камсуқум, ажойиб инсон эди; хусусан, мен уни ҳеч қачон унутмайман, негаки, у ана шу иззат-икромга арзирли иш қилган. У катта-кичик баҳоналар билан бизнинг юртимизда тез-тез бўлиб турар эди: съездларимизда, пленумларимизда, конференцияларимизда, хуллас, унинг эътиборига лойиқ кенгашларимизда иштирок этар, ҳамма ишларимизда фаол қатнашар эди. Уни ҳамма, у ҳам ҳаммани танир эди. У ўз кишимиз эди, унинг ташрифи самимият ва ҳарорат учқунларини алангалатиб юборар эди. Биз унинг сиймосида ўзбек адабиётини қадрлар эдик. Биз уни оқсоқол деб, ўзимизнинг оқсоқол, деб қадрлар эдик. У бунга биларди, билар ва қадрлар, шунга яраша муомала қилар, шунга яраша эзгулик билан, меҳнат билан, ўз истеъдодининг бир бўлаги, яъни, шеърияти билан жавоб беришга тиришар эди.

Мен ҳали, назаримда, Миртемир шаҳару қишлоқлари ёндош, чегарадош, халқлари азалдан қуда-қудагай бўлган Туркистон ўлкасининг улкан шоири, йирик интернационал шоир эканлигини намоён этган қорақалпоқ ва қирғиз дафтарларини эслатиб ўтган эдим. Гап шун-

даки, тилларимиз яқинлиги — ўзбек тилининг қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ тилларига яқинлиги бир жиҳатдан катта бойлигимиз, катта тарихий бисотимиз, улкан хази-намыздир. Миртемир ана шу бемисл тарихий бойлиги-миздан маҳорат билан фойдалана олди — унинг шеъ-рияти айни мана шу яқинлик моментини, халқларимиз-нинг этник яқинлиги ва тил яқинлигини ўз кўлам дои-раси ичига қамраб олди. Шунинг учун улуг қирғиз эпо-си «Манас» ни Миртемир, ҳа, бошқа биров эмас, худди шу Миртемир ўзбек тилига ағдарди. Ўйлайманки, бу умуман манасшуносликда, хусусан Миртемир шеърияти-да, унинг таржимонлик фаолиятида амалга оширилган жуда йирик, жуда қутлуғ ишлардан биридир. У бундай йирик ва мураккаб ишга қанчалик таъсирли, қанчалик жиддий, қанчалик теран муносабатда бўлганлигини мен ҳозир ҳаяжонсиз эслай олмайман. «Манас» эпосининг таржимасига қўл уришдан олдин у бизнинг республика-миз бўйлаб, худди шу «Манас» эпоси билан боғлиқ рай-онлар бўйлаб жуда кўп кезди, бутун Иссиқкўлни айла-ниб чиқди. Чуй водийсидаги кўп жойларни бориб кўрди. Унинг Талас водийси бўйлаб қилган сафари менинг назаримда, айниқса узоқ ва айниқса самарали бўлди. Талас — Манаснинг ватани, «Манас» эпосининг вужуд-га келиши тўғридан-тўғри шу Талас водийси, шу Талас тарихи билан боғлиқ. Агар янглишмасам, 1975 йили у бизнинг юртимизга охириги марта келган эди. Ўшанда ҳам у яна Талас сафарига отланди, ўшанда унинг тоби йўқроқ, саломатлиги унча яхши эмаслиги сезилиб турар эди. Қон босимининг ошиб кетганидан, бош оғриғи азоб-лаётганидан нолиган эди. Шунга қарамасдан у баланд тоғлар водийси — Таласга борди, Гумбаз мақбараси-ни — Манаснинг қабрини зиёрат этди. Ўшанда у бизга: «Мен бутун Таласни кезиб чиқдим, Манасни зиёрат қил-дим», деган эди. Бу, албатта, Миртемир меҳнатининг ул-кан ютуғи, тинимсиз изланиш ва интилишларининг да-лили эди.

Шуни мамнуният билан айтишим керакки, Миртемир қарийб бир миллион мисрадан иборат, катта-катта тўрт жилдли «Манас»нинг ярмидан кўпроғини таржима қилишга улгурди. Ўзбек тилида «Манас»нинг иккита катта китоби чоп этилди. Биз энди Миртемир таржима-сида ўзбек «Манас»ини ўқиймиз. Мен уни ўқир экан-ман, ҳар сафар Миртемирнинг туркий тиллар бўйича нақадар бой билимга эга эканлигини кўриб, ҳайратга

тушаман. Унга, чамаси, фақат ўзбек тилигина эмас, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, туркман тиллари ҳам яхши таниш эди, таъбир жоиз бўлса, унинг шеърӣ таомилига ошно ва ўнгай эди. Шунинг учун ҳам унинг ўзбек тилига қилган таржимаси «Манас»нинг буюқ, гениал асл нусхасига мос, жуда колоритли чиққан. Дарвоқе, ана шулардан кейин Миртемирни хотиржам ва совуққонлик билан ёдга олиш мумкинми, ахир! Бу мени ҳар сафар ҳаяжонга солади, ҳар сафар у билан бўлган учрашувларимизни, унинг юртимизга қилган сафарларини, унинг улуғ, хайрли ишларини хотирлашга мажбур этади. Хусусан, мен у билан миллий тилларга оид, ҳозирги тиллар тараққиётига оид,— мен ўзбек ва қўшни халқлар тилларини назарда тутяпман,— бир неча бор суҳбат қуриш бахтига мушарраф бўлганман. Ўшанда у, фақат бизнинг миллий тилларимиз тараққиети билан боғлиқ муаммо ва перспективаларга доир катта билими ҳамда тушунчасини намойиш этибгина қолмай, нима қилса яхши бўлади, қандай йўл тутиш лозим, деган масалаларда ҳам салмоқли фикрларини баён этган эди. Мисол учун у, хусусан, ҳозирги шароитда, илмий-техник революция шарофати билан халқларимиз бир-бирларининг тил бойликларини ўзаро фаол ўзлаштиришлари учун қарийб кундалик алоқанинг кўпгина имкониятларига эга бўлган бир пайтимизда, Ўрта Осиёдаги туркий тилда сўзлашувчи халқлар орасида бирмунча яқин алоқа ўрнатиш, тилларнинг бир-биридан узилиб, ажралиб қолмаслиги, ўз-ўзича ривожланмаслиги кераклиги тўғрисидаги бирмунча кенг ғояларни қўллаб-қувватлади. Яъни, Миртемир бундан анча бурун, Ўрта Осиёнинг ёндош республикалари телевизион программаларини бир-бирига узатиш ғоясини илгари сурган эди. Айни пайтда мен ҳам буни қизғин қўллаб-қувватлаган эдим. Биз қўлимиздан келганча, бизнинг республикамизда яшаётган ўзбек ёки қирғиз Тошкент программасидан ва аксинча, Қозоғистон, Ўзбекистон ҳамда бошқа қўшни районлар аҳолиси бизнинг эшиттиришларимиздан баҳраманд бўлишига таъсир ўтказиш учун ҳаракат қилган эдик.

Шуни айтишим керакки, Миртемирнинг жонажон дўстлари жуда кўп эди. Унинг мен билган ана шундай дўстларидан бири марҳум Мирзо Турсунзода у ҳақда жуда илиқ ва яхши гаплар айтган эди, яъни, бу билан мен, Миртемир форс адабиётини ҳам, табиийки, тожик адабиётини ҳам яхши билганлигини таъкидламоқчи-

ман. Бу эса унинг шеърятини, «Манас»га ўхшаш архаик текстларни ва ўрта асрга оид бошқа асарларни таржима қилишда унинг луғат фондиди бойитди.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, Миртемирни Ўзбекистонда қандай севсалар, ҳурмат қилсалар, қадрласалар, бизда, Қирғизистонда ҳам шеърят мухлислари ва умуман, «Манас»ни миллий-тарихий бойлигимиз сифатида, ақлий эпик ижоднинг чўққиси сифатида севиб, эъозлаб, қадрлайдиган ҳар бир киши, «Манас» ҳақида қайғуриб, уни республикамызга қўшни бошқа вилоятлардаги одамлар ҳам иложи борича кўпроқ ўқишини ўйлаган ҳар бир киши,—у ким бўлишидан қатъий назар,—Миртемирни ёдга олмаслиги мумкин эмас, уни миннатдорлик билан эсламаслиги мумкин эмас, бинобарин, биз зўр эътибор билан ўрганаётган ва ўрганишимиз лозим бўлган жуда қадимий анъаналарга, бой анъаналарга эга бўлган ўзбек халқи адабиётини, маданиятини эҳтиром билан ёдга олмаслиги мумкин эмас ва мен ўйлайманки, биз ҳам ўз навбатида, ўзбек адабиёти ҳамда маданияти бойликларини ўз ижодий системамызга қўшиш учун ҳаракат қилишимиз керак, албатта шундай қиламиз.

## КАМОЛОТ ЁШИ

1925—1930 йилларда ёш, шеърятда қайнаб пишиб етилмаган шоирлар эдик. Ана шу йилларда Сотти Ҳусайн ташаббуси билан каттагина ҳажмда «Кўрмана» шеърлар тўплами нашр этилди. Бу мажмуа бизнинг ниҳол ижодимизни китобхонларга етказиш билан бирга, ёш қалам соҳибларини ғойибона бир-бири билан яқинлаштиришга хизмат қилган эди, шундан кейин бир-биримизни истай бошладик. Уша йилларда мен Қўқонда, «Янги Фарғона» газетасида ишлар эдим; 1928 йилнинг ёзи эди. Кунлардан бир куни икки ёш йигит редакцияга кириб, мени сўраганларини, улар Самарқанддан келганларини, бирлари Ҳамид Олимжон, яна бирлари Миртемир эканлигини таъкидладилар. Бу хабарни эшитгач, бу азиз меҳмонларимни хиёбондан топдим.

Уша кунларда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сайёр сессияси Қўқон шаҳрида очилган бўлиб, унинг шарафига халқ сайили чақирилган эди. Водийнинг машҳур санъаткорлари, полвонлари Қўқонга тўпланган, «Катта Чорсу» деб аталувчи майдонда дор, кураш, ашулаю рақс авжида; халқ қизиқчилари ўз санъатларини кечаю кундуз намойиш қилмоқда эдилар. Менинг иккала азиз меҳмоним учун бу катта сайил завқу шавқ бағишлади.

Улар иккаласи Қўқонда бир-икки кун меҳмон бўлганларидан кейин гўзал водийнинг бошқа шаҳарларига йўл олдилар. Ҳамид Олимжон, Миртемир билан дўстлашим мана шундан бошланди ва мана шу йилдан бери бир чашмадан сув ичиб, бир буюк мавзуда турлича кўйлаб, сочу соқоли оқарган қаламкашлардирмиз.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзини катта-кичик чинорлар ҳиёбонига ташбеҳ этилар экан, бизнинг, Миртемири-миз шу хиёбоннинг кўрки бўлган ота-чинорлардан бири бўлиб, мустаҳкам илдиз отган, кенг қулоч ёзган, ўзининг мустақил услуби, овози, салобати билан адабиётда тўрдан жой олган шонрдир.

60 ёш — Ғафур Ғулом тили билан айтганда, ижодкорнинг камолот ёши! Майли! Тагин шунча ёш умр кўринг, кўзойнак устидан ойнак тақиб, бир қўлда ҳасса, бир қўлда қоғоз-қалам, қўлтиқда икки баркамол шогирдингиз, атрофингизни китобхонлар қуршаган ҳолда, ўзим ҳам шу кайфиятга дуч келсаму, бир юзу йигирма ёшингизни қучиб туриб табрикласам ажаб тугул!

Чунки, биз ижод қилаётган улғуф замон бу орзуга етказа олади. Соғ бўлинг, Миртемир!

1970

### УСТОЗНИНГ ТАБАРРУК УРНИ

Мен аввал шоир шахсининг ўзига хосликларига бир оз тўхталиб, унинг инсоний фазилатларини яна бир таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, Михаил Исаковский айтганидек, «Шоирлик истеъдоди шоирнинг ўз шахсиятига алоқаси бўлмаган мустақил бир ҳолат эмас, балки унинг ички руҳий қиёфаси билан узвий равишда боғлиқдир».

Миртемир шахсининг ички руҳий қиёфасини белгилайдиган ажойиб фазилатлардан бири, менингча, аввало одамийлик, меҳрибонлик эди. Унинг одамларга қиладиган яхшилиги атайлаб, махсус ўйлаб қилинадиган иш эмас, бу — унинг учун яшаш тарзи, ҳаётнинг ўзи. Унинг яхшилиги, меҳрибонлиги, шунчаки пассив бир беозорлик ҳам эмас, балки ўз ҳаётидай фаол, ижтимоий ҳаётимизга алоқадор, шеърятимизнинг олижаноб таъсирчанлигига бориб боғланидиган фазилатдир. Зулфия ёзганидай, унинг қаламини ўктамлик, эзгулик ва софлик бошқарар эди. «Миртемир деганда,— деб ёзади «Гулистон» журнаliga юборган мактубида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Озарбайжон халқ шоири Сулаймон Рустам,— кўз ўнгимизда пок қалбли, юксак маданий, виждони беғубор, олижаноб ва самимий инсон гавдаланади. Унинг асарлари ана шу софликдан, Ватанга, халққа, қардошлигимизга ҳадсиз садоқат ҳиссидан туғилган шеърӣ дурдоналардир».

Узоқ Озарбайжонда туриб Сулаймон муаллим пайкаган бу фазилатларни биз ўз ижодий ҳаётимизда бево-сита сезардик. Устознинг «бўтам», «жигарим» сўзлари билан бошланадиган меҳрибонликлари унинг ижодий

обрўси билан бирга қўшилиб, ҳаммамизга қаттиқ таъсир қилар эди. Шундай иқрорни биз Чингиз Айтматовнинг Миртемир ҳақидаги мақоласида ҳам ўқидик. Миртемирнинг буюк софлик, беғаразлик, серҳиммат одамлиқ таъсири қозоқ ва қирғиз, тожик ва туркман ҳамкасбларимизга ҳам маълум. Улар Тошкентга келганларида домлани йўқламай кетмас эдилар, ҳозир ҳам унинг хотирасига гул қўймай қайтмайдилар. Чиндан ҳам биз ундан қарздормиз. Шоир қалбининг поклиги, ҳаққоний инсоф ва ҳалоллик ундан бизга юқиб қолди, поэзиямизда эзгулик руҳини кучайтирди. Бу энг қимматбаҳо мерос, азиз ёдгорликдир.

Миртемир аканинг шоғирдларига мурожаатини эслайлик. Унинг устозлик талабчанлиги даражасига кўтарилган бу оддий меҳр сўзлари эндиликда унинг ёш шоғирдларигагина эмас, ҳаммамизга тааллуқли бўлиб қолди. У бизларни «киприкларим» деб атар эди.

Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим,  
Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган кўзларим!  
Эй азиз киприкларим,  
Кипригимдай азизларим, нечоғлик ҳам суюксиз,  
Армонимдай буюксиз!

Миртемир поэзиямининг азамат дарғаларидан бири, устоз шоир эди. Биз ҳаммани ҳам устоз деб атамаймиз. Поэзияда ўзига хос мактаб ярата олган, бутун ижоди билан халқнинг бадий-маънавий ҳаётида бир воқеа бўла олган шоирларнигина устоз шоир деймиз.

Ажойиб ҳаётий, ишчан, доимо терлаб-пишиб меҳнат қиладиган, юракда янги, илиқ ҳислар уйғотадиган меҳнаткаш ва меҳрибон поэзия бўлади. Буни танқидчилар гражданлик руҳидаги поэзия деб аташади. Миртемир аканинг поэзияси худди ана шундай.

Бу фазилатлар аввало шоирнинг такрорланмас ижодий шахсига, ижодий ва ҳаётий тажрибасига боғлиқ. Миртемир шахси унинг поэзиясига жуда ўхшайди. Шеърлардаги ёрқинлик ҳам, одамга меҳрибонлик ҳам, ўйчанлик ва оғирлик, собирлик ва оқиллик ҳам шоирнинг табиатида бор эди. Бу уйғунлик поэзияга узоқ умр бағишлайди, уни ҳар ўқиган киши ўз ҳисларини янгилаб олади.

Миртемир поэзиясининг ўзига хослиги унинг ажойиб сербезак, ҳар сафар оригинал эшитиладиган халқчил



поэтик тилига ҳам боғлиқ. Унинг тили ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бу гоҳо жиндак дангал, қишлоқироқ, лекин ҳамма вақт безакли, гоҳо Қоратоғ этақларидан шарқираб тушган Туркистон сойлари эпкинидек сарин, ҳамма вақт ширали, тежамли, тиниқ бир тил. Тил соҳасидаги синчковлиги унинг умумий ижодий изланишларининг бир қисмидир. Талабчан устоз ўз асарлари тилидан сира қоникмас, мағзи тўқ, қуйма сатрларини ҳам «қоралама» деб атар эди.

Ленин фалсафасин ҳам шу тилда мағзин чақдик,  
Юракка жойлай олдик шу она тилимизда.  
Замон оқинларида шу тилда равон оқдик,  
Чўққиларга йўл олдик шу она тилимизда...

Адабиётда ҳар хил вақтинча модалар, йўлакай шабадалар, оқимлар кўп бўлган. Миртемир эллик йил ижод қилган бўлса, шуларнинг биронтасига берилмай, ўз йўли билан сидқидил ишлаб келди. У традицион поэзиямизга содиқ эди. Шоир назарида, традиция — поэзиянинг жони. Новаторлик эса, минг йиллик шеърятимизнинг беҳисоб бой традицияларини мукамал эгаллаган одамларгагина насиб этади. Шунинг учун, миллий шеърятимиз традицияларини, унинг мусиқий асосини билмай, ёки билган ҳолда ҳам бутунлай инкор этиб, мода туфайли, совуқ ва осон верлибрга ўтиб олган ёшлар ҳақида ачиниб гапирар эди. Мен бу ўринда устозимга юз фоиз қўшиламан.

Аввал оламда музика ва музикага эҳтиёж пайдо бўлган. Сўнгра шеър яратилган. Музика эса — товушнинг вазиларда қонунлашуви. Вазн, ритм бўлмаса — музика йўқ. Музика бўлмаса — шеър ҳам йўқ. Шеър туйғулар билан бирга туғилади. Туйғулар аввало табиат билан уйғун. Шеърнинг биринчи хусусияти — табиийлик. Одам меҳри табиатга ҳам чамбарчас боғланган. Одамнинг табиатдан узилиши — фожиа. Бу бизнинг кунларда ҳаммага маълум бўлиб қолди. Шеърни табиийлигидан маҳрум қилмаслик керак. Майса ҳар йил баҳорда униб чиқади. Қанча тепкиламанг — барибир, униб чиқаверади.

Биз Лоркани ҳам, Роберт Фростни ҳам бениҳоя ҳурмат қиламиз. Бу гениал одамлар ўз заминида, ўз шароитида бир исён сифатида пайдо бўлдилар. Уларнинг шухратига шерик бўлишга уриниш билан иш битмайди. Булар ғарбда нега етилиб чиққан — бунинг сабаблари-

ни билиб-билмай, механик равишда эргашавериш ҳеч нарса бермайди. Ҳар нарсага эҳтиёж бўлиши керак, янгиликнинг туғилиши зўраки эмас, табиий бўлиши шарт.

Оламда энг ўзгарувчан санъатлардан бири архитектура бўлса, уни ҳам «қотиб қолган музика» деб атайдилар. Одамнинг гўзаллик тушунчаси ҳар нарсага қараб ўзгаравермайди. Минг йилдан бери буюк даҳолар томонидан инсон туйғусига, инсон табиатига мослаб яратилган эзгу традицияларни тўртта кечаги студент кўпориб ташлай олмайди. Бу буюк дарёдан чайқалиб чиқиб кетганлар бўлса, улар барибир қачон бўлса ўз табиий ўзанига қайтади.

Шеърни фикрдан, ҳисдан, мантиқ ва маслакдан, музикий завқдан маҳрум этишга уринган лўттибоз абстрактционистлар ҳақида гапириб, Миртемир ака «шеърни йўқотиб ҳам бўлмайди, ўйинчоққа айлантириб ҳам бўлмайди», дер эди. Йўқ, у эски традицияларни бузишдан қўрқмасди, ўз сочмаларининг музикий асосларини исбот қилар, қисқа, зарбдор сатрларининг қонунийлигини сидқидилдан тушунтирар, китобхон завқига асослашиш кераклигини уқтирар эди.

Чиндан ҳам, ҳар бир ҳалол қалбнинг тубида эмоционал бойлик бор. Шоир ана шу ҳислар тугёнини уйғотади. Бизнинг бахтимиз шундаки, миллионлаб китобхонлар билан яқдилмиз. Улар шеър ҳимоячиси. Улар қалбидаги эмоционал хазина поэзиямизнинг туганмас ва олижаноб манбаидир. Миртемир буни чуқур тушунар ва бизга тушунтирар эди.

Халқ шоири ўз тақдирини халқ тақдири билан бусбутун деб билар, унинг дарду армонлари билан яшар эди,

Ирмоқданман,  
Бахтим кулиб, сой бўлдим мен, қайта тошдим,  
Инсон бўлдим,  
Эркин инсон али инқилоб далдасида!

Ҳар бир шоирнинг севган мавзуи, севимли рамзий образи бўлади. Миртемир поэзиясида бу — она образидир. Она темасида ёзилган ўнлаб шеър ва поэмаларида бу образ катта ҳажмли, кенг миқёсли маъно касб этади, инсонийликнинг барча томонларини бадий таҳлил

этишга имкон беради. Ватан образи даражасига ўсиб чиқади.

Йиғласа дунёни ҳатто титратган,  
Доҳийлар бешигин бедор тебратган,  
Меҳри баҳорида элни яшнатган  
Онадай ошиқ йўқ она-Ватанга,  
Муҳтарам она...

Бир сатрида шоир ўз умрини «Оддийлардан тагин оддийдир» деб атайди. Лекин мана шу оддий умрдан танланган оддий лавҳаларни у шеърӣй сеҳр билан сирли, мураккаб драмалар даражасига кўтаради. «Оддий ҳақиқатлар бизга нур сочин!» деган эди Александр Блок. Миртемир мана шу васиятга амал қилди. Унинг изчиллиги шу қадарки, битта кичик шеърӣй парчасида ҳам, юқорида эсланган барча фазилатларни кўриш мумкин. Сиз унинг «Онагинам» шеърини яхши биласиз.

Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,  
Сенинг бир ишорангга юз ўмбалоқ ошиб кетолмаганим,  
Сени жиндек хушвақт қилгани,  
Сени жиндек хушбахт қилгани —  
Тегсиз жарлардан ўтолмаганим  
Тоғдай зил,  
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда, онагинам!

Бу шеърда Миртемирнинг бутун эстетик олами намоён. Қанчалик инсоний, қарийб фожий туйғулар!

Унда онанинг буюклиги ҳақида баланд гаплар йўқ, ҳамманинг юрагига жиз этиб тегадиган оддий инсоний ҳислар ифодаланган. Шунинг учун, ҳали айтганимдай, у ҳамма вақт ишлайдиган, доим туйғулар уйғотадиган меҳнаткаш шеър. У ётиб қолмайди, қачон, неча йил кейин, неча бор ўқисангиз ҳам юрагингизда муқаддас туйғулар қайта уйғонаверади. Бу шеър ҳеч қачон қалбингизни мудратмайди.

Сиз унда авторнинг меҳрибон, ўйчан, собир ва оқил одам эканини сезиб турсиз. Бу шеър Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода каби устоз шоирларнинг шеърларига, шох асарларига тенг, лекин уларга ўхшамайди. Умуман бу устозларнинг ижодлари бир-бирларига ўхшамаган ҳолда, ҳар бири алоҳида асилдир. Юқоридаги шеърни фақат Миртемир ёзиши мумкин.

Уни ўқиганда ҳам одам беихтиёр устознинг ўз оҳангига тушиб олганини билмай қолади. Ундаги «оч теваат», «аччиқ бўза», «бедаво сизлович», «чақиртиканак» лар Миртемиргагина хос тил безакларидир. Онага муҳаббат ҳақида шоирлар минг йилдан бери ёзади, бир қарашда ёзадиган гап ҳам қолмагандек. Мана шу шароитда ялт этиб илгаригиларга ўхшамаган яна бир ажойиб шеър пайдо бўлади, яна бир мангу олов лов этиб ёнади.

Устозлик мана шунда.

Миртемир поэзиясининг энг кучли томони — унинг очиқ, тенденциоз гражданлик пафосидир. У гражданлик туйғусини шоир шахсини юксалтирувчи, камолотга элтувчи хусусият деб билар эди. Бу ҳам унинг ўз шахсидаги табиий инсоний хусусиятларидан келиб чиқади. «Қорақалпоқ дафтари»даги катта дўстлик туйғуларининг ёқимли юмор билан бурканган ифодаларини яхши биласиз. Унинг қозоқ меҳмондўстлиги, Қирғизистон тоғлари, туркман биродарлари ҳақидаги цикллари қардошларча дўстлигимизнинг ажойиб мадҳи бўлиб қолди.

Миртемир шеърининг ижтимоий садосини оширишда ҳам энг яхши традицияларимизга содиқ эди. Унинг «Шеърларимда жилва қилсин замона» каби сатрлари улуғ Навоийнинг «Даврон элининг жисмида жон бўлгил» деган васиятига бориб уланади.

Миртемир ижодий камолотининг энг яхши йилларини улуғ Ленин ҳақида мустақил катта поэтик китоб яратишга бағишлади. Бу циклда унинг 50 га яқин шеър ва поэмалари китобхонга маълум. Шоир доҳий ҳаётидаги Шарқ халқлари тақдирига доир лавҳаларни эҳтиёт билан танлаб, поэтик маҳорат кучи билан уларнинг моҳиятини очади. Филологня фанлари доктори Сарвар Азимов адабиётшуносликка доир китобларидан бирида поэзиянинг табиати ҳақида батафсил гапириб, унда ҳаёт лавҳаларини бадий ҳақиқат даражасига кўтариш масаласини қўяди. Олимнинг фикрича, поэзияда бу — гўзалликнинг ижтимоий моҳиятини очишдан бошланади. Инсоннинг гўзаллиги унинг курашчанлигидадир. Ҳаёт эса курашнинг кўп хил кўринишларидан иборат. Инсон — кураш — гўзаллик! Миртемир ака Ленин ҳақидаги циклни яратганда поэзиянинг мана шу формуласига амал қилади. Бу циклнинг диапозони — оддий турмуш лавҳаларидан то романтик умумлашмаларгача. Миннатдор халқимизнинг буюк муҳаббати билан суғорилган бу

асарлар поэтик ленинномамизнинг ёрқян саҳифаларидан бири бўлиб қолди.

Миртемирнинг поэтик таржима санъатини ривожлантиришдаги хизмати — бутун бир коллективнинг меҳнатига тенг. «Манас» ва «Қирқ қиз» эпосларини, «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон», «Русияда ким яхши яшайди», «Руслан ва Людмила» каби шеърӣ романларини эслаш кифоя. Пушкинни ўзбек китобхонига танитган — асосан Миртемирдир. Булар ва Гомер, Гейне, Лермонтов, Маяковский, Абай, Тагор, Горький, Купала, Шипачев, Ҳикмат, Неруда, Вурғун, Твардовскийдан қилган таржималари кўп марта қайта нашр этилиб, эскимайдиган, хрестоматик асарлар бўлиб қолди. Миртемир таржималари тилимиз имкониятларини, поэтик ифода имкониятларини кенгайтириб юборди, деб дадил айта оламиз. Миртемир шарофати билан, Некрасовнинг тил жиҳатидан энг мураккаб буюк поэмасини биз худди ўзбек тилида ёзилган асардай завқ билан ўқиймиз.

Устоз сўнгги китобини ўз қўли билан таркиб берган эди, аммо, афсус, у авторнинг вафотидан кейин босмадан чиқди. У «Ёдгорлик» деб аталади. Бу чиндан ҳам атоқли шоир ва ҳалол инсондан муносиб ёдгорликдир. Унда шоирнинг улуғ ёшида ёзган энг сўнгги шеърлари жамланган, аммо бу давр, шеърхонларнинг яқдил эътирофича, шоирнинг гуркираган иккинчи ёшлиги эди. Унда йигит йилларида ёзилган «Сурат» каби машҳур лирик қиссалардан сира қолишмайдиган навқиронлик руҳи, шу билан бирга улуғ ёшдаги доно шоирнинг бой ҳаётӣ тажрибалари яққол сезилиб туради. «Ёдгорлик» поэзиямизнинг сўнгги йиллардаги энг яхши китоби сифатида, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Миртемир қимматбаҳо мерос қолдирди. Охириги шеърларидан бирида у китобларига мурожаат қилади.

Қўшиқларим, сиз учун ҳижолатлик эмасман,  
Сиз — ўтган йўлларимсиз, кечган дарёларимсиз.  
Сизни мен олтинга ҳам, кумушга ҳам бермасман,  
Сиз менинг тансиқ газнам, эзгу дунёларимсиз!

Шундай, Миртемир поэзияси биз учун ҳам тансиқ хазина. Устознинг адабиётдаги табаррук ўрни ҳамиша ардоқлидир.

## ОҚИН ҲАҚИДА СЎЗ

Миртемир оқиннинг шеърлари буюк ватанимиз ўқувчиларига яхши таниш. Оқиннинг биринчи шеърлар тўплами бундан қирқ йил муқаддам ёруғлик кўрган. Шундан буён у бир қатор тўпламларнинг муаллифи бўлди. Кунлар кетидан кунлар елиб, кўп сувлар оқиб ўтдилар. Неча довлар синови орғда қолди. «Бошима синовли кунлар тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч қачон тинмаганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтолганим йўқ, ҳали мен халқимга кўп қарздорман». Бу Миртемирнинг ўз сўзи. Чин дилдан чиққан жон сўз, бебўёқ, ҳақ сўз. Бироқ оқин «ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ», десада турмуш унинг чўнг оқин эканлигини кўрсатиб турганлигидан кўз юмолмаймиз. Унинг кўп шеърлари бошқа тилларга таржима қилиниб ўз мухлислари сафини орттираётир, музыкага эш бўлиб, оҳанг билан йўғрилиб дилларни забт этаётир. Миртемир аканинг асарларини қирғиз ўқувчилари ҳам севиб, қунт билан ўқиб келади, шеърлари аввалдан қирғиз тилига ўгирилиб, газета ва журналларимизда босилиб чиққан. Қўлингиздаги бу китоб — оқиннинг сизларга армуғон этган «шеърый гулдастаси».

Миртемир ака кўпни кўрган оқин. Унинг таржима соҳасидаги хизматлари эса муҳим ўринни эгаллайди. У эл дўстлиги билан адабиёт дўстлигининг жарчисидир. У ўзбек тилига рус, қозоқ, белорус, тожик, туркман қирғиз адабиётининг кўплаб асарларини таржима қилди. Кўплаб таржима асарларнинг эса муҳаррири бўлди. Халқимизнинг «Манас» эпоси бўлса Миртемир аканинг катта таржимонлик маҳорати орқали ўзбек ўқувчиларининг жавонларидан ардоқли ўрин олиб турибди.

### МИРТЕМИР

У киши Дўрмонни яхши кўргувчийди, ёзувчилар боғини. Анча-мунча асарлари ўша ерда туғилган, Тошкентнинг шундоққина биқинида. Шинам боғда.

Дўрмон кўп умрбоқий асарларнинг дояси бўлган.

У чарчашни билмасди. Қаттиқ ишларди, отдек ишлайман-да, деб куларди ўзи ҳам.

Шоирнинг бошқа касб эгаларидан тағин бир муҳим фазилати бор, дерди ижодий мулоқатларда, у умри бўйи дам олмайди, умри бўйи ишлайди, ҳатто уйқусида ҳам. Бошқаларни билмайману, мен шунақаман, дерди. Мабодо, дерди тағин, дам олиш шоирга ҳам насиб бўлса фақат қаттиқ ишлаганида дам олади, ишлаб дам олади. Шу сабабдан то у кишининг ўзи «кел» демагунигача ё ўзи келмагунича, ҳалал бермаслик учун ёлғиз кўярдик. Буни найнки, хаёлотда юрганидан билардик, у киши юрган йўлларида ҳам бармоқлари билан ҳавога чизик тортиб юрарди, «хаёлот скамейкасида» ўтирганида ҳам шундай ҳол содир бўлар эди. Хиёбонда бир скамейка бор эди, ана ўшанда кўп ўтирарди, уни шундай деб домла Шайхзода номлаган эди. Кейин бир йўқ бўлиб кетарди-да алла вақтгача чиқмасди хонасидан.

Вера Сергеевна яхши биларди унинг бу одатини. У кишига келган меҳмонларни ҳам қўймасди, остонадан қайриб олиб кетарди-да, арғувон тагига ўтқазиб, меҳмон қиларди, у киши чиққунича, «ҳалақит берманглар, барака топкурлар» деб. Вера Сергеевна Дўрмон ижод уйининг меҳрибони. Унинг ширин-шакар дастурхони ҳам кўп яхши асарларнинг тақдирига шерик.

Шоир шундай узоқ-узоқ хонасида қолиб кетганида сўрасак, «шошадиган бўлиб қолганман» дерди. Шоирларни дарёга ўхшатишади, шу ҳақ, деди. Дарё бир қарасанг, тўлиб оқади, бир қарасанг — тошиб. Бир қарасанг — ярим, паст, тагин бир қарасанг — жилдираб қолади. Қуриб қолган вақтлари ҳам бўлади. Мен буни ўзимга қиёс қиламан. Тўлиб-тошиб оққан вақтларимни ҳам, жимиб оққан вақтларимни ҳам ўзим биламан. Тиниб қолган онларим бўлган. Ана шу онларни тўлдирай дейманда, шошканим шундан...

Ҳадди сиққан дўстлари, қаламкашлари, шогирдлари билан шунақа очиқ, эркин гаплашарди. Ҳеч бир шогирдидан баланд туриб гаплашганини билмайман, тенгдошларидан эса мутлақо. Шухратпарастликни итидан ҳам ёмон кўрарди. Ҳадди сиққанлари кўп эди. Номаъқул ёзаётган шогирдларига шеърини ўқиб туриб рўйи-рост «номаъқул, укам», дерди. Бир яхши кўрган шогирдининг узундан-узоқ маснависини кўриб, «қулочкашлаб шеър ёзиш спортсменларга қўл келади, болам, шоиргамас» дегани эсимда. Бу наинки, ўша шогирдига, балки биз тингловчиларга ҳам тегишли эди. Маддоҳликни севмасдилар. Бунақа гапларни айтардию, бироқ бир неча кун ўзи ўзидан койиниб, қийналиб юрарди. Кейин «санъатқурбон талаб» бўлади деганлари шу-да, деб кулиб қўядилар.

Шогирдлари кўп эди.

Семинарга раҳбар эди-да!

Маддоҳликни севмасди

Шоир эди-да!

Миртемир катта мактаб ўтган шоир эди. Буни ўзи фахр билан айткучийди. Менинг домлам Навоий, дерди, Пушкин, Некрасов, дерди. Айниқса Некрасовни қаттиқ севарди, маслаҳатларда, суҳбатларда Некрасов тилидан тушмасди. «Мазай бобо ва қуёнлар»ни таржима қилардим. У кишига ўқиб берганим, роса кулишганимиз ҳамон эсимда. Некрасовнинг тилини, образларини, талқинларини ўзиникидек севгучийди, ўзбекчада ҳам мутаносибини топа қоларди. Толганда ҳам худди Некрасовчасига ўринлатиб топарди, Некрасовнинг ўзи келиб айтиб бергандай чиқарди. «Чол ҳазил-мутойибага жуда уста-да» деб қўярди, таржимада мос тушган мисраларни кўриб... Кейинроқ билсам, домла бу дostonчани таржима қилиб қўйган экану, менинг таржимамни кўриб, ўзиникини йиртиб ташлаган экан. Йўқ, ёмон бўлгани-



данмас, менга ёмон бўлади, деб. Ана шунақа қизиқ эди, Миртемир домла. Эртасига «Размышление у парадного подъезда» шеърининг таржимасини ўқиб бердим. Ҳаммаси маъқул бўлдию, аммо нимасидандир кўнгли чиқмади. Айтаверинг, дедим. «Сарлавҳасини топмабсиз», деди. Кейин «Маҳкама дегин, маҳкама» деди бирдан топгандай бўлиб. Хақиқатан ҳам худди ўзи эди: «Маҳкама эшиги олдидаги ўйлар...»

Мана шунақа катта мактабда узоқ ўқиди у киши: Пушкин мактабида, Лермонтов, Некрасов, Гейне, Эжен Потье, Абай, Абовян, Бердақ, Шевченко, Купала, Горький, Ҳикмат, Твардовский, Неруда, Вурғун, «Қирққиз» ва «Манас» мактабида! Шу сабаб унинг шеърлари ниҳоятда халқчил; ўта халқона, эркин, оҳори тўқилмаган.

Шеърлари шундан сержило, тили сеҳрли. Бир ибора билан манзара чизади — «тўрғайлар ухлашар явшан тагида» деб. Беихтиёр у туғилиб ўсган даштни кўрасан, киши, сарҳадсиз, кўз илғамас дашт. «Шуъла тўлқинлари қоя устида» дейди қуёш кўтарилиб келиши манзарасини чизиб, «Табиатнинг қизлик чиройи» дейди яна бир ўринда, кишини ҳайратга солиб.

Унинг мулоқотларида Некрасовга ҳамоҳанг мулоҳазалар, халқига муҳаббати, меҳри, ҳазиллари, эркаликлари уфуриб туради.

Буни Гафур ака ҳам яхши ҳис қиларди. Бир кун Дўрмонга кириб келатуриб, «ҳа, Мазай бобо, қалайсан» деб кўришгани эсимда.

Давр ўз келажagini ўзи тайёрлайди, шунингдек адабиёт ҳам. Миртемир тенги ижодкор авлодни яратган давр Миртемирни ҳам тайёрлаган. Миртемир ўзбек совет адабиёти ўзанига шовқин билан кириб келган чашма, бирдан китобхонини топган ва таниган, тан олган шоир. Бундай ҳолат адабиётда кам учрайди. Шунинг учун бундай ҳол содир бўлгани он дув-дув гап тарқайди адабий муҳитда. Миртемир шундай, ўз тенгдошлари орасида аниқ кўринди, китобхон эътиборини тортди бирдан. Унинг қораламалари китобхонга етмасидан тенгдошлари орасида, устозлари қўлида эътибор топди. Унинг мисралари хипчиндай сергак, мусиқавий, иборалари теган ва табиий, жумла тузишлари нақадар татимли.

Залварли давр эди у туғилган ва у қалам олган давр. Ана шу залварли давр шеърятининг валломатлари етаклади уни, совет адабиёти келажаги сафига олди.



Миртемир ўз ижодхонасида, 1975.

Мана шундай оловли йиллари адабиётга кириб келган эди бизнинг Миртемир, ўзбек совет адабиёти пойдеворига олтин ғишт қўйган, унинг хазинасига ўзининг халқ суйган, китобхон тан олган, давр ардоғлаган мисраларини қўша олган, сўнгида ўзи ҳам устозлардан бирига айланган шоир, халқ шоири!

Миртемир катта шоир эди. У ҳали ёш экан, Октябрни улуғлади! У ҳали маҳорат мактабини ўтар экан, Ленинни улуғлади! У ҳали маҳорат йўлида экан, партияни улуғлади!

«Сени улуғлайман, монолит партиям!» деди ва мана шундай маҳоратли мисраларда Ленинномалар ёзди. Улкасига, халқига, халқининг келажагига адолат, бахт, шараф берган Ленинни, Партияни, Россияни тилдан қўймади, охирига нафасигача. Унинг 1945 йили Ғалаба куни ёзган сочмаси Олег Қошевойлар ҳалокатига ёзган «Олег ва ўртоқлари» балладаси ўзбек совет адабиётидагинамас, умумсовет адабиёти тараққиётида ҳам воқеа бўлди.

Ҳақиқатан ҳам давр ўз келажагини ўзи яратди, адабиёт ҳам. Буни Миртемир маҳоратида кўрса бўлади...

Йигит ёшимгача қишлоқи эдим,  
Қуёнларим қашқа, тойчоғим тўриқ.  
Бола хаёлимни олиб қочади.  
Явшан тағларидан учкай, булдуруқ...

## УЛКАН ШОИР, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Мен улкан ва ардоқли шоиримиз Миртемир домла ҳақида ёзаман деб, қўлимга қалам олдим-у анча ўйлаб қолдим. Устоз ҳақида янги гап айтиш масъулияти мени чўчитиб турарди. Чунки Миртемир ака нима ёзсалар янги гап айтарди-да. Ёзмай десам, устоз олдида бурчлиман. Менинг қанча-қанча шеър ва эртақларимни, қўшиқларимни тузатиб берганлар. Ёзувчилар союзи консультация бюросида ёнларида ишлаганман. Учрашувларда бирга бўлганман, қўшиқ, шеърларини саралаш баҳсларида иштирок этганман, кўп нарса ўрганганман.

Устознинг болалар ва ўсмирларга аталган «Қуш тили», «Жилга бўйида» китобларини яқинда яна мутолаа қилиб чиқдим. Қаранг, ҳар бир шеър шунчалар санъаткорлик билан ёзилган... Ўхшатишларнинг янгилигига, мисраларнинг пишиқлигига, маънонинг яққоллигига таҳсин ўқигинг келади. Шоир бўламан деган одам булардан ўрганса, сабоқ олса арзигулик.

Устоз Миртемирнинг «Тоғдай таянчим» деган ажойиб китоблари бор. Одатим бўйича уни вақти-вақти билан варақлаб тураман. Бу китобга муҳтарам устознинг ўзлари «Тўрт оғиз» деган сўзбоши ёзганлар. Қисқа, сермазмун ва камтарона сўз бошида: «Мен ҳам Ленинни куйловчиларданман», дейдилар. Ўқисангиз, китобдаги ҳар бир шеърда доҳий Ленин сиймоси кўз олдингизда намоён бўлади. «Ленин жилмайиши» шеъри алоҳида маҳорат ва ихлос билан ёзилган. Меҳр билан кулиб турган доҳийни кўрамиз:

Ленин бир жилмайиб қўйди шу зум, бас,  
Парнираб кетгандай бўлди қуёшлар.

Бу китоб сўнгида «Ленин ва Ражаб бобо» деган поэма бор. Шоир кўклам фаслини тасвирида сўз раскоми бўлганига шоирлар тан берса арзийди:

Авжидайди эрта кўклам,  
Чаман эди чексиз чўллар,  
Сойлар тошқин, сойлар илдам,  
Узалганди узун йўллар.  
Йўл ёқалаб сўнгсиз дала,  
Дала бўйлаб тошар ҳаёт,  
Қушлар учар гала-гала,  
Янграр қўшиқ, янграр баёт.

Мисраларнинг ўқиган сайин сариёғдай ёқиб, тамшанасан, бадий озуқ оласан. Бу шеърини санъатлар—фазилатлар чинакам халқ шоири Миртемир домла ижодига хос фазилатлар эканига ишонаверасан.

Қаранг, улкан шоиримизнинг талай-талай дostonларини, ранг-баранг мавзудаги жозибали шеърларини ким ўқимаган дейсиз. Қуйма мисраларга қайси шоир қойил қолмаган, дейсиз. Таржима соҳасидаги хизматларига, санъатига ким тан бермайди, дейсиз. Ҳавас қиладиган топқирлик, улуғвор қамтарлик Миртемир домлага жудаям ярашарди. Меҳрибон, очиқ кўнгил устозлигини айтмайсизми? Эҳ-ҳе, қанча-қанча ёшларга раҳнамо бўлдилар. Адабиёт бўстониغا етаклаб кирдилар, авайладилар, суюндилар, вақти келса куюндилар. Қайси ҳаваскор ёрдам талаб бўлса вақтларини, меҳрларини аямасдилар, умид билан «Оқ йўл»лар тилардилар.

Мен ҳам Миртемир домла меҳридан баҳраманд бўлганлардан бирман. Менга берган ўғит-насиҳатлари кўнглимда, кўз ўнгимда. 1948 йиллар бўлса керак. Мен «Алла билан Жалла» деган эртак ёзгандим. Устоз эртакни синчиклаб ўқиб чиқдилар, эчки боласини «эчкича» деб ёзгандим. Менга ётиги билан эсдан чиқмайдиган тарзда: «Пўлатжон, бундан кейин «эчкича» деган сўзни ишлатманг, халқимизда уни улоқ дейилади», деб уқтирганлари ҳамон қулоғимда. Роса қизартирсалар ҳам бўларди.

Улуғ Алишер Навоий асарларини мутолаа қилиб юриб, олти мисрали қитъалар машқ қила бошладим.

Машқларим гоҳида газета, журналларда кўринарди. Билсам, Миртемир домла машқларимни кузатиб юрар эканлар. Қитъаларни китоб ҳолига келтиришни уқтирдилар. Мен яна янги қитъалар ёзиб, тўплам ҳолига келтириб домлага олиб бордим. Кейин Миртемир ажа ўз уйларида ўтириб кўз олдимда 134 та қитъани таҳрир қилдилар, тузатдилар, бўлажак китобга «Гул ва пиёз» деб ном қўйдилар. Ажойиб сўзбоши ёзиб бердиларки, мен умрбод миннатдорман, фахрланиб юраман. Мақтаниш маъносида эмас, устознинг хизматини кўрсатиш маъносида ўша сўзбошини тўлиқ келтиришга жазм этмоқдаман. Чунки унда бошқаларга ўрناк бўладиган кўнгил гаплари бор:

«Бу тўпламдаги ҳар бир шеър олти сатрдан иборат. Бу қисқа-қисқа ва лекин тугал шеърларда шоир Пўлат Мўмин ҳаётдан лавҳалар чизишга, фалсафий ва лирик кечинмаларини тасвирлашга, ҳали ҳаётда учровчи иллатларни ҳам фош этишга ҳаракат қилгандир. Шеърлар турли-туман вазнларда, содда, эсда қолгулик.

Бундай қараганда, олтилик шакли бизга, ўзбек шеърлятига ёт эмас.

Шоир шарқ адабиёти классикларини, айниқса, улуғ Алишер Навоий ижодини астойдил мутолаа қилгани ва ўрганганлиги кўриниб турибди.

Ҳар сафар доҳий қаламкашнинг чуқур маъно, чиройли шакл ва шеърый йўсинга қатъий риоя қилгани китобхонда таҳсин ҳиссини кўзгатади. Зап айтибди-да, дейди инсофли китобхон.

Маълумки, қитъалар бир хил қофия системасида бўлади. Яъни, 2, 4, 6 сатрлар қофиядош, 1, 3, 5 сатрлар қофиясиз.

Шоир Пўлат Мўмин ҳам устоз Навоийнинг олти мисрали қитъалари усулида ёзишга бел боғлабди. Бир неча йил машқ қилибди. Натижада қўлингиздаги «Гул ва пиёз» китобчаси пайдо бўлибди. Бу меҳнатда ютуғи ҳам йўқ эмас.

Шоирнинг мураккаб ва ҳаётий зарур лавҳалар ва хулосалик ўйларини олтиликларда дилга жойлай олиши қувончли ҳол. Олтилик аслида тўртликнинг яқини, ё акаси, ё укаси-да.

Навойдан битмас-туганмас ҳазина мерос бизга. Ҳали ўрганиш ва ижодимизга етакчи бўлиши мумкин жиҳатлар Навоий асарларида бесаноқ. Изланувчи ва топишга қунти зўр шоирга ҳамиша ўлжа тилайман.

Миртемир...»

Қаранг, бу сўз бошида бошқаларга ҳам, менга ҳам талай вазифалар қўйганликлари яққол. Изоҳ талаб қилмайдиган уқтиришлар, далдалар, йўл-йўриқлар. Устознинг топшириқлари бўйича «Гул ва пиёз» қитъалар китобимни ҳамон тўлдирмоқдаман.

Мен шу ўринда Миртемир домланинг ўзбек қўшиқчилиги тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида ардоқлашни истардим. Ўзлари намуна бўладиган қўшиқлар яратганликларини ардоқлашни истардим. Бирдан-бири сержило, жарангдор, ёқимли, майин, тушунарли якуни бор қўшиқларини ардоқлашни истардим.

Қўшиқ шеърларининг муҳокама, мунозараларига вақт аямасдилар. Мен ҳам устоз ёнида кўп йиллар радиокомитет қошидаги қўшиқ шеърларини саралашга қатнашардим. Ҳар сафар сабоқ олгандай бўлардим. Муҳокамага қўйилган ҳар бир шеърни ўзлари ўқиб чиқардилар, агар шеърда илинадиган «топилма» учраб қолгудай бўлса, уни қайта ўқирдилар, йўл-йўлакай тузатиб, талай-талай тўртликлар қўшиб қўярдилар. Очигини айтганда, аксарият янграб турган қўшиқларда устознинг улушлари бор. Миртемир домла билан сафарда бўлиш ҳам дарс ўрнига ўтарди. Кунлардан бир кун Самарқандга сафар қилдик. Бизга Туманбой Бойзоқов деган қирғиз шоири ҳам ҳамроҳ бўлди. Терим фасли эди. Булунгур районидаги «Октябрь» колхозига учрашувга бордик, далаларни айландик, шеърхонлик бўлди. У ердан қайтганимиздан сўнг, колхоз ҳақида шеърый очерк ёзмоқчи бўлдик. Эҳтимол, мени синаш учун бўлса керак, очеркни «қоралаб» келишни мендан илтимос қилдилар. Бир неча кундан кейин битириб олиб бордим. Миртемир ака икки марта ўқиб чиқдилар-да, уни тузатишга киришдилар. Бошланишидаги:

Зарафшоннинг бўйларида йўлимиз.

Ҳарён боқиб завқ олади кўнглимиз.

мисраларини:

Нечоғлик соз, шўх Зарафшон бўйлари,

Бўйларида куз ва унум тўйлари...

деб тузатдилар-да, кейин:

Сербулоқ тоғ этагида ястаниб,  
Кенг Булунгур кўринарди ясаиб.

мисрасидаги «кенг» сўзини ўчириб, «Дов Булунгур» деб ёзиб қўйдилар. Кўп ўринларни ўз услубларига мослаштирганларини пайқадим, тез орада бир неча тўртликларни тўқиб, саҳифа ёнига чиройли ҳарфлар билан ёзиб қўйдилар. Мен домланинг ҳузурларида шоирлик иқтидорларига қойил қолиб ўтирардим. (Миртемир домланинг табаррук қўллари билан тузатилган қўлёзмани ҳамон ардоқлаб, фахрланиб, сақлаб келаман).

Бу шеъринг очерк «Совет Ўзбекистони» газетасининг биринчи саҳифасида босилиб чиқди. Бунга ҳамсафаримиз қирғиз шоири Туманбой Бойзоқовнинг ҳам исмини қўшган эдик. Кейинчалик билсак, Т. Бойзоқов, бу шеърни қирғиз тилига таржима қилиб газетада чиқарибди. Устоз бундан беҳад мамнун бўлдилар.

Қаранг, ўзбек шеърятининг отахонларидан бири, ардоқли шоири Миртемир домла 70 ёшга тўлдилар. Ҳозир гўё ўз сафдошлари, шогирдлари орасида барҳаётга ўхшайдилар. Шеърлари ўқилмоқда, овозлари янграмоқда. Қўшиқлар айтилмоқда.

Мен Миртемир домлага, улкан устозга бўлган бурч ва ҳурматимни шеърга туширдим:

Шеърятда жўшқин дарёи Сир эди,  
Халқи учун заҳматга шай — ҳозир эди.

Сўзга жило берарди эҳ, маънолардан,  
Рост ёзишга, саз ёзишга қодир эди.

У сермева дарахт эди тўрт фаслда,  
Талай, ёшга танги устоз ва «пир» эди.

Қўшиқнавис эди зукко, иқтидорли,  
Сўз денгиздан жавоҳирлар топқир эди.

Таржимани шунақанги қийиб қўяр,  
Элатларга қардош, жондош, томир эди.

Ёмонни ҳам ёмон демас, тузалар деб,  
Яшабдики қалби тўла меҳр эди.

У жуда ҳам мўмин эди, камтарин зот,  
Ижодда алл, мулойим Миртемир эди.



### АСЛО УНУТИЛМАС...

Мен Миртемир акани 1928 йилдан, мактаб боласилигимдан, унинг шу йили нашр этилган машҳур «Шуълалар қўйнида» ва шундан бир йил кейин чиққан «Зафар» номли шеърлар тўпламларидан бошлаб биламан. Бу асарларни биз севиб-севиб, севиниб-севиниб ўқирдик, улардаги ажойиб фикрлар ва нафосатдан ҳайратланар ҳамда ҳавасланардик, ҳаяжон ва орзулар оламига чўмардик, теран фикрлар оламига кириб кетган бўлардик. Улар орқали биз кураш, бунёдкорлик ва тўфонлар ила тўла янги ҳаёт маъносини чуқурроқ тушунишга, одам фазилатларини англаш ва эъзозлашга, баҳор ва ёз гўзалликларини, қиш ва куз сирларини билишга интилардик, улар бизни шунга ундаётгандай бўлардилар, биз ҳам уй ва мактаб хоналарида бу ундовга берилиб тиним билмасдик. Ҳа, бу шеърят, шундай ролни ўйнаган, бошқа ижодкорларнинг асарлари ҳам шундай зўр эди. Айниқса, «Шуълалар қўйнида»ни қайта-қайта ўқиб биз болалар, ўсмирлар ўзимизни ҳақиқатан ҳам ажойиб ҳамда сирли-сеҳрли шуълалар қўйнида деб ҳис қилардик...

Шундан кейин йиллар ортидан йиллар тез оқар ва тўлин дарёдек оқиб ўтиб кетди. Шоир Миртемир камолат касб этаверди. Менинг унга бўлган севгим, ҳурматим, минатдорлигим, дўстлик ҳиссиётим ҳам йил сайин ортаверди. Шу тарзда биз жуда иноқ бўлиб кетдик. Илм ва адабиёт масалаларида кўп сўзлашардик, жиддий ва ҳазиломиз гаплашишлар бўларди. У, ижодда жуда хассос эди, асарни баҳолашда, тадқиқ қилишда

чўнг сезгир ва баҳолашда жуда сахий эди, ошириб бўлса-да, кўнгил кўтарадиган, очиқ фикр айтадиган ва меҳрибонларча рағбатлантирадиган эди: дўстликда жуда содиқ ва изчил эди. Бир кун ўзига жуда ярашиб тушадиган табассум ила оҳиста сўзлаб, менга: «Улуғ шоир ижодининг қалби» номли китобингизни чўнг мароқланиб ўқиб чиқдим ва ҳазрат Навоийнинг ким эканлигини энди билиб олдим» дегани, бошқа куни: «Бадий публицистикангизнинг аксарияти оқ шеър, шеър...» дегани ва бошимни осмонга олиб чиққани ҳозир ҳам эсимда. Бу баҳо сўзлари гарчи муболағаомиз бўлса-да, самимий, юракдан айтилганликлари учун ҳамон миннатдорман у улкан шахсдан, ажойиб ижодкордан, меҳрибон биродар ва асил дўстан.

Миртемир ака ҳар жиҳатдан ва энг яхши маънода ниҳоят даражада баркамол ва олижаноб шахс эди У, янги адабиётимизнинг тамал тошини қўйган азаматлардан. У, юксак инсонийликда ўрнатқан ажойиб мардлардан. У, янги ҳаёт ва баҳодир халққа, эзгу орзулар ва бепоён Ватанга сидқидил хизмат қилишда намуна бўларли иш қилган ҳамда бадий маданиятимиз тарихида умрбоқий из қолдирган бахтиёр заҳматқашлардан.

Миртемир ака ўзининг узоқ умри мобайнида жуда кўпни кўрди, ҳар қандай аччиқ ва чучук воқеалар ҳамда турли одамлар билан учрашди, кулган вақтлари ҳам мўл бўлди, куйган пайтлари ҳам анчагина бўлди.

Бир мисол келтирай. Вафотидан бир йил аввал мен у зот билан бирга касалхонада шифоланардик. Бир кун эрта чойга бир оз кечикиб ва чўнг фаромуш ҳолда келдилар. Ҳам хафақон, ҳам бошини аста тебратиб кулгандай бўлди. Мендаги ҳайрат ва саволни фикран сезиб, сўзлай бошлади:

— Кеча кечқурун телевидениеда бир кишининг, яъни бир адабиётчининг гапларини эшитиб, тун бўйи уйқим ўғирланди десам бўлади, домлажон. Шундай малъун ва машъум одамлар бўладиларки, улар ўзларининг заминлари, асарлари заиф эканлигини биладилар, қобилиятлари хоҳлаганликларидан жуда паст эканлигини тушунадилар, аммо худбинлик, шуҳратпарастлик, бошқаларни, яъни зўрларни кўролмаслик, ҳасад уларни тинч қўймайди, юракларини ёндиради, тирнайди. Шу боисдан улар ҳар қандай тубанликларга борадилар: улар ўзгаларга хиёнат қиладилар, нинадек ишларини

туядек қилиб кўз-кўз қиладилар, мақтаниб ўзларига сунъий суратда ҳамда ёлгончилик билан катта обрў ортдиришга ўлиб-тирилиб уринадилар, ҳеч қандай ёмонликдан қайтмай. Улар — авантюристлар, лаганбардор муттаҳамлар, лўттибоз амалпарастлардир. Уларнинг дўстлари бўлмайти, улар ўзларига ўхшаган заиф заминли шуҳратпарастлар билан тил бириктириб, бир-галлашиб иш кўрадилар, бир-бирларини мақтайдилар, ҳақиқатни топтайдилар, адолат олдида хоинлик қиладилар.

Бу оловли сўзларни жуда катта дарғазаблик билан айтди Миртемир ака. Сўнгра шундайлардан бири, яъни яна ўша кечқурунги кўргани-эшитгани ҳақида тагин газаб билан, яна ҳам чуқур нафрат билан, ҳам аччиқ юмор билан сўзлай бошлади Миртемир ака:

— Ана шундайлар мен муқаддас деб билган нафосат боғига тош отмоқдалар, оёқ ости қилмоқдалар, шармандалик қилмоқдалар, шундайлардан биридир кеча экранда чиққан. Кўпдан кузатиб юраман, у ўзини адабиётчи дейди, аммо қилган ишларига зўра «3» баҳо қўйиш мумкин, асло алоҳида деб бўлмайти. Элликни олиб бува бўлган бўлса-да, ўзини ёшлардан деб юради, ҳатто кўпинча «халқимнинг кенжа фарзандиман» деб ҳам беҳаёларча оғиз кўпиртириб айтиш ва ёзишдан уялмайди. Ўзини ҳар ёнга ва ҳар алфозга солади, тез-тез эфир ва экранда ҳар нарса — эстетика ва назария ҳақида, дунё адабиёти ва тарих ҳақида, спорт, музика ва рақс ҳақида, балет, опера ва вокал ҳақида гапираверади, аксаран албатта, саводсизларча.

Миртемир ака шундан кейин бир оз индамай турди-да, бир хўрсиниб олди ва илжайгандай бўлиб илова қилди:

У, раққосаларга қандай оёқ ташлашларини ўргатди, энди аёлларга қандай қилиб упа-атир суртиш кераклигини ўргатиши қолди, бундан ҳам қайтмаса керак, кетиш шундай бўлса...

Мен Миртемир акани бу даражада ҳаяжонланган ва дарғазаб бўлган ҳолда жуда оз учратган эдим...

Шу пайт шу сатрларни ёзарканман, олтмишини ошиб, ижодда қирқ йилдан кўп азоб-уқубатли ва завқли-саодатли меҳнат қилиб ўзича, ўзига ярашарли улкан ва ажойиб хазина, бадий хазина, нафосат хазинасини яратиб улкан шоирлик даражасига кўтарилган Миртемир аканинг 1970 йилда ўзи ҳақида ёзган қуйидаги

қуйма сўзлари бутун кўркемлиги ва гўзаллиги билан ҳозир яна ёдимга тушиб кетди:

«Бошимга синоғлик кунлар ҳам тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч қачон тинмаганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтганим йўқ, ҳали мен халқимга кўп қарздорман».<sup>1</sup>

Мен Миртемир ака билан жуда узоқ йиллар ва чўнг яқин дўст бўлганим учун жуда яхши билардимки, бу сўзлар асло тасодифий ёзилган эмас, 1970 йилгагина оид эмас. Улардаги ҳақиқий улуғларга, чин ижодкорларга хос бўлган ғоят чуқур маънолар, улардаги ифодааланган ғоят ёқимли ҳамда ёрқин камтаринлик, буюк халқ олдида ўзни ҳамиша миннатдор, қарздор ва хоксор сезиш, таъзим қилиб туриш Миртемир аканинг фикри, ҳаёти ва хаёли, характери ҳатто жони ва қонига сингиб кетган, уни ҳамиша безаб турган, барчага севимли қилиб келган узвий, туғма хусусият ҳамда фазилатлардан эди. Шунинг учун, унинг елмай-югурмай ва асло асоссиз тарзда ҳамда ҳаёсиз ҳолда ўзини «халқ фарзанди» деб улуғлаган, ардоқлаган, эъозлаган, «халқ фарзанди» деб номланган улуғлар қаторига қўйиб жар солган мақтанчоқ муттаҳамларни қалбдан ёмон кўрганлиги, нафратлангани, ғазабдан жўшгани бежиз эмас...

Умуман, Миртемир ака асримизнинг кўркем, ардоқли ва баркамол одамларидан. Унда гўзал ва ҳақиқий инсонга хос бўлган энг яхши фазилатлар ва энг эзгу орзулар, энг чиройли интилиш ва хайрли ҳаракатлар мужассам эди. Ростгўйлик ва меҳнатсеварлик, дўстлик ва меҳрибонлик, камсуқумлик ва бевоситалик, ғамхўрлик ва ватанпарастлик, самимийлик ва халқпарварлик, юксак истеъдод ва ажойиб тўғрилиқ, майин ва талабчан табиатлилиқ уни ҳамиша безаб турарди, унга ҳам турмушда, муомилада, ҳам юриш-туришда ва ижодда идҳом билан қанот бағишлаб турарди, унга ҳамманинг ҳаваси ва меҳр-муҳаббатини, ҳусн-рағбатини қаратиб-қозонтириб турарди...

Ҳа, инсон деган улуғ ва муқаддас номга хос хислатлар, маънавий гўзалликлар унинг ёрқин сиймосида гармоник тарзда жо бўлган эди. Худди шулар унинг ижо-

<sup>1</sup> Миртемир. Асарлар. Уч томлик. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1970, биринчи том, 8-бет.

дига илдиз, жон, шира, таъсирчанлик, мафтун этувчилик, ҳайрат ва ҳаяжон уйғотувчилик қудратини берган, боқийлик ва баҳралилик бахш этган.

Бу, азалдан, шоирнинг ёшлигидан бошлаб шундай. Уша вақтлардан менинг эсимда қолган иккита мисол келтирай. Кўчирмаларим узунроқ, лекин жуда муҳим, тарихий ҳужжат, қимматли, шунинг учун узр.

Бири Миртемир аканинг 1928 йилда яратган «Ана, боғлар...» деб аталган ва биз ўша пайтларда мактабда шарқий қилиб айтиб юрган шеър. Унда ёзилган:

Тутқин дўстим, гўзал Қамар, турдингми?  
Озод турмуш қучоғида юрдингми?  
Сочларингни тўлқинлатиб ўрдингми?  
Эркин эллар парвозини кўрдингми?

Ана, боғлар... ана, гулзор, хиёбон.  
Ана, ҳаёт япроқ ёзган биёбон.  
Қулиб турган шу ҳаётдан ҳақинг ол.  
Сен ҳам инсон, сен ҳам инсон, сен инсон!

Қора тарих қонунлари ёнди, қиз!  
Қора турмуш дўзахлари сўнди, қиз!  
Юракларинг титрамасин барг янглиғ,  
Ёз қушлари бутоқларга қўнди, қиз...  
Тутқин дўстим, гўзал Қамар, турдингми?  
Сочларингни ювиб-тараб, ўрдингми?  
Озод эллар юксалишин кўрдингми?  
Ана, боғлар...

Уйнаб-кулиб юрдингми?...

Чиндан-да, бу сўзларда қанчадан-қанча ажойиб меҳрибонлик, самимият, ўқиниш, севинч, зиёга даъват...

Иккинчи мисол. Ёдимда, йигирманчи йилларнинг охирларида ҳам революцион руҳ, кўтаринкилик, пафос, романтик кайфият жуда кучли эди, жаҳон инқилоби ҳақида жуда кўп гапирилар ва ёзилар эди. Яна Совет Шарқи озод бўлиб, янги ҳаёт яратаётган, ташқи мазлум Шарқ оёқ устига туриб, қаддини ростлаётган ва мустамлакачилик оламига зарба бера бошлаган эди. Шарқни беҳад севган, юракдан эъзозлаган ёш шоир Миртемир бундан чексиз севиниб, шу зарбаларга диққат билан қулоқ солар, уларга қувонар, уларни мадҳ этарди, уларнинг кучайишини ва орзу қилинган ниҳоясига етишини

истаб тараннум этарди. Биз мактаб болалари ҳам кичик кучимиз етганча бир оз бўлаётган воқеаларга тушунар ва уларга оид шеърларни ўқиб, шарқийларни айтиб юрардик. Шундай шеърлардан бири ёш шоир Миртемир қалби ва қаламига мансуб бўлиб, бизга жуда ёқиб қолган эди. Мен унинг эллик йилдан зиёд вақт ўтгандан кейин хотирамда қолган баъзи сўзлари ва мисралари асосида яқинда аниқланган тўлиқ матни 1927 йилда эълон қилинган қуйидаги «Боқ!» номли шеъри бўлиб чиқди:

Боқ! Шарқнинг булутлар босган уфқида  
ўтлар ёнади...  
Ёвузлар булғаган мажруҳ кўксига  
шуъла ёғади...  
Замонлар ухлаган узоқ кунчиқар  
кўзгалиб қолди.  
Кенг Шарққа гофиллик сепган хўжалар  
даҳшатга толди...  
Йилларнинг жабрини тортган бандалар  
турган ўхшайди...  
Исёнсиз занжирлар узилмаслигин  
билган ўхшайди...  
Уфқда порлаган аланга — ўтлар  
кучланар, сўнмас!  
Ўлим ёмғирини сепган булутлар  
тарқалар, турмас!..  
Боқ! Тутқин кунчиқиш уфқида ёнғин,  
Даҳшатга урадир зарбали ёлқин...

Уша ўта қайноқ ёшлик вақтларидан кейин ўтган оловли ва зафарли йиллар давомида бирин-кетин не-не ажойиб дурдоналар яратмади у, неча-неча минг-минг совет муборизлари ва бунёдкорлари фаолиятида мадаккор бўлмади у, қанчадан-қанча қалбларни безамади у!

Шу кейинги даврларда ёзилганлардан ҳам бир намуна келтирай. Мана шоирнинг 1939 йилда яратган ўйноқи хусусиятли ва ҳамон ҳар ерда баланд янграётган машҳур «Яли-яли» номли шеърий қўшиғи:

Дарёси кўп дардга даво яли-яли,  
Лим-лим оқар, бўлмас, адо, яли-яли.  
Боқмай ўтар асти қиё, яли-яли,  
Шовқинидан тўлди ҳаво, яли-яли.

Қирғоғида қирғоғи йўқ дашт ётар,  
Телба оқим қанча теран, шўх ўтар,  
Ташнасыга қатра сув берса нетар?  
Қатра тугул, заррасига зор ётар,  
Мағрур ўтар шому сабо, яли-яли.

Шеър давомида шоир янада конкретлашади, халқимиз ҳаётига, баҳодирона ишларига тағи-да яқинлашади, лирик ҳиссиёт, ўйноқилик ва социал мазмундорликнинг гўзал ҳамда гармоник бирлигидан иборат ажойиб серқирра лавҳа яратади:

Дарё жамолни кўрарманми, дер,  
Ошиқ экан қанча замон ташна ер,  
Қанча замон бўсасини энди бер.  
Тўйни қилур танти элим нарра шер,  
Дашту дала топти сафо, яли-яли,  
Дашт юзига юрди элим қаҳрамон,  
Қудрати зўр — топмағуси тоғ омон:  
Бахт сувини очғуси у бегумон,  
Бўстон ўлур сувга қониб ҳар томон,  
Тўлқинида меҳру вафо, яли-яли.

Бўйларида сухсур, учар, ғоз учар,  
Қирғовул, оққувлар этиб ноз учар,  
Қишни қувиб кўклам учар, ёз учар,  
Кўкка тўлар савт-садо, яли-яли.

Қаранг, қанча сербўёқлилик, кўпқирралилик ва самимият, халқчиллик ва халқ руҳи, чуқур социал маъно, мазмундорлик ва нафис лириклик, ажойиб куй ва мусиқийлик бор бу мўъжизаомиз мисраларда!.. Уларнинг аллақачонлар кенг халқ оммаси орасида қўшиққа айланиб кетганлиги, том маънода халқ мулки бўлиб қолганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Мен ўзим жамоатнинг давраларда, тўй-томошаларда ва байрамларда катта завқ-шавқ билан, мамнуният ва миннатдорлик билан тинглаганини кўрганман, бир неча мартабалаб...

Ҳа, орамиздан бевақт кетган, таланти элу юртимиз томонидан тантанали тан олинаётган, таваллудининг етмиш йиллиги ва ижоди байрами мамнуният-ла қайд қилинаётган ардоқли ҳамда қадрдон дўстимизнинг мен ўзимча билган баркамол шеърлари чиндан-да жуда ажойиб ранг-баранг, чуқур психологикдир, эзгу фикрли,

юксак илҳомли, баланд парвозли ва жўшқин кайфиятлидир. Улар ҳаммамизнинг хотирамизда, халқимиз қалбида сақланиб келаётганлиги, шуҳрати ва шукуҳи республика сарҳадларидан узоқларга чиқиб кетганлиги шундан, яъни унинг ижодий қудрати ҳамда фазилатидан шаҳодат. Шоирнинг ёрқин сиймосининг, образининг шу шеърларда, шу хотира ва қалбларда, шу шуҳрат ва шукуҳларда яшаб келаётганлиги ҳам шундан — қалби гўзаллиги, нияти эзгулиги ва ижоди қудратидан далолат.

Шундай азиз ва мусаффо зот билан халқимиз ҳам, адабиётимиз ҳам фахрланади. Шундай азиз ва мусаффо зот билан ярим асрча узун вақт ичида узилмас дўст бўлиш албатта катта бахт ҳисобланади. Мен шундай бахтга муяссар бўлганларданман.

Ҳа, худди шундай! Ҳавасларингиз келсин...

1980



### ШИНГИЛ ХОТИРАЛАР

#### Муқова гўзаллиги

Устоз Миртемир янги китобларини нашр қиладиган бўлса, ҳар доим талабчан ва жиддий муҳаррир танлардилар-да, «рахмсиз равишда чизинг», деб туриб олардилар.

Китобларининг мазмуни суст бир шоир эса, безакчи рассомларнинг яхшисини танлайди ва бутун чора кўри-либ, китобнинг ташқи безагини орттириш билан овора бўлади.

Афсуски, бундайлар китоб харидорлари орасидан ҳам топилиб туради. Улар чиройли китобларни қидириб юради.

Бир дўстим бор, китоб олса ҳар маҳал,  
Дейди: муқоваси бўлсин соз, зарҳал.  
Синчиклаб боққанда кўрдям ўзин ҳам,  
Фақат муқоваси экан мукаммал.

#### Шеър ҳарорати

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир домланинг олти-миш йиллик тўйлари кунларида Сирдарё Давлат педагогика институтида учрашувдамиз. Шу институт муаллимаси Миртемир шеърятининг ёшларга таъсири ҳақида сўзлай кетди...

... Гала-ғовур, оловдек ёниб турган студент ёшлар даврасида бир йигит ўртага тушиб, ўтдек ёниб домла Миртемир шеърларини ўқий бошлаган эди, давра сув қуйгандек жимиб қолди...

— Ажаб, оловни олов билан ўчирибдилар, — дедим мен ёнимда ўтирган Зулфия опага.

Киши юрагида аланга лов-лов,  
Ажабмас авж олса сўздан зўр олов.  
Сув, тупроқ бу ўтни ўчира олмас,  
Унга сўздан ўзга топилмас жиллов.

## Бир шеър тарихи

1962 йилнинг мусаффо серфайз куз фасли. Биз Миртемир ака билан Гаградаги Езувчилар уйида дам оламиз, баъзида жиндек-жиндек таржима билан ҳам шуғулланамиз. Бир кун гўзал Пицунда ярим оролига экскурсияга бордик. Унда XII—XIII асрлардан қолган бир қаллисо бор. Бу черковнинг ўзига хос осори-атиқа бўлиб сақланиши сабабларидан бири ички безакларнинг бойлиги, нақшлардаги бўёқлар тароватининг ҳозирги кунгача сақланиб қолганлигида бўлса керак.

Унда кишини ҳайратга соладиган гўзал Биби Марям тасвири ҳам бор. Биби Марям жажжигина чақалогли Исони бағрига босиб, ўта шаҳло кўзлари билан баланд тумбаз остидан боқар экан, ҳар қандай кишини ром этиб қўяди.

Менинг у ерга учинчи марта боришим эди. Аммо бу ажойиб санъат асарининг сеҳргар ва мафтункорлигини бунчалик сезмаган эканман. Миртемир ака унга боқдилару, лол қолдилар. Бир оздан кейин ташқарига чиқиб, боғ кезиб, ўрмонда сайр эта бошладик. Аммо менинг ёнимдаги дилкаш ва ҳушёр йўлдошдан, ҳар луқма сўз, ҳар бир ҳаракатимни эътибордан қочирмайдиган меҳрибон устоздан асар ҳам қолмаган эди.

Энди Миртемир ака ҳеч нарсани эшитмас ва туймас, унинг бутун борлигини Биби Марям хаёли чулғаб олган эди. Ёнимда пичирлаб шеър тўқиб борар, сатрларни кўрсаткич бармоқлари билан ҳавога ёзар, шу ондаёқ кераксиз топиб, кескин қўл ҳаракати билан ўчириб ҳам ташлар эдилар. Теплоходда қайтишимиз ҳам шу тахлитда ўтди. Гаграга қайтиб келдик.

Эртасига пешингача устоз уйларида чикмадилар. Фақат тушга яқин долондан ўтиб борар эканман, кутубхонанинг ярим очиқ эшигидан:

— Где мой сын? — деган овозлари қулоғимга чалинди. Бизнинг доим бирга юришимизни кўриб, у ердагилар ҳазиллашиб бизни «отец и сын» дейишар эди. Миртемир ака мени ўз хонамдан топмай, кутубхоначидан сўраб турган эканлар. Мен югуриб кирдим. Юр, деди-

дар мени кўрибоқ ва хоналарига сургадилар.— Мана,  
бир шеърни қоралаб қўйдим, эшит:

Чинакам сулуvsиз, чинакам барно,  
Тенги йўқ сиймо.  
Кўзингизда асрий ва сирли маъно,  
Мужассам зако...

Шеър шундай қуюлиб келар эдики, улуғ бир дарё-  
нинг сербарака баҳор ёгини файзидан жўшиб-тошиб  
жунбушга келганлигини ҳис қилардим. Қанча туйғу,  
қанча зако ва билим бор эди шеър давомида. Унда ин-  
соният ҳақидаги чуқур мулоҳазалар нозик туйғу қано-  
тида юксакларга парвоз этар эди. Бир санъат асарига  
бунча ошифталик, бунча мафтунлик қайдан келганига  
ҳайрон қолдим...

— Қалай?— дедилар. Энди эса мен лол эдим. Инда-  
май ўз хонамга равона бўлдим. Бир оздан кейин қоғоз  
кўтариб чиқиб ўқидим:

— Шоир бўлмоққа, эй устоз, не керак?  
— Фақат икки нарса,— бердингиз дарак.  
Бир олам билимки, кексаларга хос  
Ва гўдак тилидек покиза юрак.

## **ХОТИРА САҲИФАЛАРИ**

Вақт шиддат билан олға югуради. Инсон хотираси эса, худди бебаҳо хазина сингари, ўзида энг яхши нарсаларни йиғиб, авайлаб, сақлаб келади. Улар, илгари бўлганидек, ҳозир ҳам қалбимизни тўлқинлантириб турдилар.

Миртемир ака кўп воқеаларни бошидан кечирган, кўп нарсани билган киши бўлишига қарамай, ўтмиш ҳақида қарийб сўз очмас эди. Унинг қаҳрамонлари ҳам келажак тўғрисида ўйлаб, келажак ишқи билан яшайдилар. Лекин, баъзан-баъзан Миртемир ака ўз ижодида ҳам, ўз суҳбатларида ҳам ўтмиш мавзуга озми-кўпми ўрин берарди.

Мен Миртемир аканинг оғзидан эшитган, шунингдек ўзим гувоҳи бўлган воқеаларни ёза бошлаган эдим, бир китоб бўлди.

Қуйида ана шу китобдан баъзи бир лавҳаларни муқтарам китобхон эътиборига ҳавола қилмоқчиман.

### **Оғамнинг қалбига йўл**

Бир маромда жимгина одим ташлаб борар экан, Миртемир Катта театрнинг олдидаги майдончага етганда, бирдан тўхтади-да: «Биласизми, мен нималарни ўйлаяпман?» — деди. Менинг жавобимни кутмасданоқ сўзлай кетди:

— Бу воқеа урушдан олдин бўлган эди. Республика Ёзувчилар союзи менга масъул топшириқ берди. Қорақалпоғистонга бориб, автоном республиканинг адабий ҳаёти билан яқиндан танишиб, таржималар устида иш-

лашим лозим эди. Қорақалпоқ халқининг дурдонаси бўлмиш «Қирқ қиз» достонини ўзбек халқининг ҳам мулкига айлантиришим керак эди.

Нукус кўчаларини айланиб юрар эканмиз, шоир Ахмет Шомуротов иккаламиз фаройиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойида бир чол турарди. Унинг юз-андомидан чўпонлиги шундоқ кўриниб турибди. Мен аста унга яқинлашдим. У киссасидан бир парча қоғоз олди-да, авайлаб ёзди. Қоғозда Лениннинг суврати акс этганди. Сувратни рўмолчаси билан секин артди-да, «Ленин» деб қўйди. Кейин бу гапи бизга қандай таъсир қилганини билмоқчидай, бизга синовчан қараб қўйди.

Мана шу воқеа шоирнинг «Сажда эмас» шеърининг юзага келишига сабаб бўлди.

Шеърда Миртемир оддий чўпон ҳаётини тасвирлади. Октябрь инқилоби туфайли шунга ўхшаган миллионлаб ҳақир чўпонларга бахт кулиб боққанини ажойиб сатрлар воситасида ишонарли қилиб чизди. Чол Ленинга кўр-кўрона, тангрига сажда қилгандай, сажда қилмади, балки ўзи сингари миллионлаб бахтсизларга бахт улашган буюк доҳийни чин дилдан ардоқлаб, ҳурмат қилиб сифинди.

Ўтмишда эзилган чўпон тўғрисида гапирар экан, Миртемир совет даврида қадини тиклаган, ҳақини таниган меҳнаткаш халқнинг умумлашган образини яратди. Бир умр чўлу биёбонларда қўйлар ортидан эргашиб, чанга ботиб ўтган чўпонлар бугунги кунда шаҳар кезади, маданий марказларда сайр томошалар қилади, дунёда бўлаётган бундай улуғ ўзгаришларни кўриб кўзига ишонмайди.

Миртемирнинг бошқа қатор шеърларида ҳам бу ғоя ривожлантирилди. Шоирнинг «Булут», «Ажойиб ёз», «Қўл бўйида», «Дўстимнинг қабри устида», «Шаҳар» ва яна кўпгина шеърлари бунга мисол бўла олади.

### **Бажарилмаган топшириқ**

Урушнинг учинчи оyi. Ҳар куни радиодан турли, бир-биридан машъум хабарлар келиб турарди.

— Шундай даҳшатли кунларнинг бирида менга бир топшириқ берилди,— деб эслайди Миртемир.— Воқеа бундай бўлган эди.

Обком секретари Тўхтабоев мени ҳузурига чақирди-

да, Фарғона пединститутида ўқитувчи йўқлигини айтди. Ҳатто кекса профессор Олим ака Шарафиддинов ҳам аллақерда фронтда юрибди. Сиз унинг қаердалигини билиб бера олмайсизми?

Мен зудлик билан профессорнинг қаердалигини билиб бераман, деб ваъда бердим. Профессорнинг ўғли унинг Чирчиқ яқинида ҳарбий машқ ўтаётганини айтди.

Эртасига керакли ашқол-дашқолимни ғамладим-да, ҳарбий шаҳарчага йўл олдим.

Часовой навбатчини қақриб, мен истаган одамни топиб келишини айтди. Территорияда пастак-пастак палаткалар тизмаси саф тортган эди. Навбатчи қайтиб келди-да, Олим Шарафиддинов олтию нол-нолдан олдин келолмаслигини айтди. Мен ропна-роса уч соат кутдим. Охири қизил аскарлар машқдан қайтиб кела бошладилар.

Бирдан кимдир мени чақирди. Қайрилиб овоз келган томонга қарадим. Часовой олдида Олим ака Шарафиддинов турибдилар. Мен югуриб бориб, қучоқлашиб кўришдим.

Бошлиқлардан рухсат олиб, иккаламиз дарё ёқасига келдик ва қиттак-қиттак отиб кўнгилхушлик қилдик. Домламизни сира таниб бўлмас эди: хиёл қотмалашиб, бақувватлашган, юзлари офтобдан қорайган, тетиклашган ва бардам эди. Кўзларида ўша зиёлиларга хос синчковлик ва қатъият акс этиб турарди. Олим аканинг бутун фикри-зикри фронтда, ҳар бир гапида душманга қақшатғич зарба бериш ҳақида сўзларди.

— Ҳозироқ фронтга кетишга тайёрман, ўзимни чинакам баҳодирлардек ҳис қиляпман,— деди у якун ясагандек.

Мен, ниҳоят, келганимнинг боисини айтдим. Эшитиб, домланинг юзлари тундлашди. Узоқ жим қолдилар. Охирида чертиб-чертиб шундай дедилар:

— Раҳмат, мени унутмабдилар. Аммо, на чораки бугун менинг жойим мана шу ерда. Эртага эса, фронтда. Менга уч ойдан бери ҳарбий таълим беришяпти. Милтиқ ушлашни, мўлжалга аниқ уришни ўргатишди. Жанг майдонида бу машқлар сув ва ҳаводек зарур бўлади.

Орага жимлик чўкди.

Мен у кишини яна қолинг, деб кўндиришга ҳаракат қилдим. Бироқ барча важларим домланинг метиндек қатъиятларига дуч келиб, пучакка чиқар эди. Шу ора-

да белгиланган вақт ҳам тугади. Олим ака ҳарбий шаҳарчадан чиқиб келаётган машинани кўрдилар-да, енгил югуриб, бориб, машинани тўхтатдилар.

— Миртемир, машина Тошкентга кетяпти экан, чиқиб олинг!

Мен домламни маҳкам қучиб хайрлашишдан бошқа чора топа олмадим.

Бир неча кундан кейин Олим акадан хат олдим. Улар Ватан тақдири ҳал бўлаётган майдони ҳарбга йўл олганликларини ёзибдилар.

Бугун Олим ака орамизда йўқлар. У киши 1942 йилда Ватанни ҳимоя қила туриб қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. У кишини билган ҳар бир кимса бу ажойиб совет зиёлиси ва Ватан учун фидокор жангчини чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила эслайди.

### Фронт бригадаси

1942 йил. Жанг майдонларида шиддатли жанглр кетмоқда эди.

Шундай оғир кунларнинг бирида Ўзбекистон КП МК ва республика ҳукумати қарори билан таниқли ўзбек маданият арбобларидан иборат фронт бригадаси тузилди. Булар ичида ёзувчи ва драматург Комил Яшин, халқ шоири Ҳамид Олимжон, шоира Зулфия, СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, композитор Мухтор Ашрафий, республика халқ артисти Карим Зокиров ва шоир Миртемир бор эдилар.

Москва ўзбек вакилларини илиқ кутиб олди. Ўша кунларни эсга олар экан, Миртемир шундай ҳикоя қилади:

— Ёзувчилар союзи ва Қизил Армия Бош Сиёсий бошқармасининг вакиллари бизларни олдимизда турган вазифаларга сафарбар этди. Эртасигаёқ Қизил Армия Бош Сиёсий бошқармасининг масъул ходими Тўлқин Рустамов бизни ўзбек тилида чиқадиган фронт газеталарининг редакторлари билан учраштирди. Суҳбат ғоятда қизғин ва мароқли ўтди. «Шимол қалъаси» шеърим худди шу кунларда туғилган эди. Бизлар шеърлар ўқидик, санъаткорлар ўз маҳоратларини намоиш этдилар. Жуда кўтаринки руҳда, қаттиқ меҳнат қилдик. Ҳамид Олимжон бригадамизнинг жони эди, у тиним нималигини билмас эди, ажойиб сатрлар ижод қилар, уни радиодан ўқиб берар, ҳарбийлар билан уч-

рашувлар ташкил қилар, бригадани фронтнинг олдинги линиясига олиб борар эди. Ҳамид Олимжон айти куч-қувватга тўлиб-тошган эди. Ундаги эҳтирос барчамизни рухлантириб юборар эди.

\* \* \*

Москванинг қоронғи кўчаларидан машинада кетиб борар эканмиз, чарчоқдан кўзларимизни уйқу босарди. Меҳмонхонада бизлар учун учрашув ташкил этилган эди. Ним қоронғи вестибюлдан икки ҳарбий бизнинг ёнимиздан ўтиб кета бошлади. Биз уларга эътибор ҳам қилганимиз йўқ. Бироқ ҳар доим қувноқ Ғафур Ғулом кўзларини катта-катта очиб бизга қаради-да, ҳалиги ҳарбийларни кўрсатиб, ҳаяжон билан хитоб қилди:

— Анави ўзимизнинг Собир-ку, қаранглар!

Ғафур аканинг овозини эшитиб, ҳарбийлар ўгирилиб унга қарашди. Қадди-қомати келишган барваста бири жилмайганча югуриб келди-да, Ғафур ака билан қучоқлашиб кўриша кетди. Унинг машҳур ўғлон Собир Раҳимов эканини биз ҳам энди пайқаган эдик. Ёнидаги эса, фронт газетасининг редактори Рустам Абдурахмонов эди.

Бу унутилмас учрашув Рустамжоннинг ўзи томонидан атайлаб уюштирилганини кейинчалик билдик. У ҳарбий академияга ўқишга келган генерал Собир Раҳимовни қидириб топибди-да, уни бизнинг олдимизга бошлаб келибди.

Ҳамид Олимжоннинг бўлмасида ҳаммамиз жам бўлдик. Биров чойга, биров ғарибгина ҳарбий дастурхонни ёзишга уриниб кетди.

Дўстона суҳбат, ҳамшаҳаримиз билан учрашув бутунлай чарчоғимизни тарқатиб юборган эди ва вақт ярим тундан ошганини ҳам сезмай қолибмиз.

— Уруш бизга кўп нарсаларни ўргатди,— деб ҳикоя қилди Собир Раҳимов уруш даҳшатларини бир-бир кўз олдига келтира туриб. Энг асосийси: биз душманга нафратни ўргандик. Шунинг учун ҳам бизнинг жангчилар қонга қон, жонга жон бериб олишяптилар.

Собир Раҳимовнинг фашизм устидан муқаррар ғалаба қилажагимизга нақадар собит ишонч билан қаргани барчамизнинг диққатимизни ўзига тортди. Ундаги ишонч туйғуси бевосита бизнинг ҳам юрагимизни қамраб олди. Бу суҳбатлар биз учун гўё бир мардоналик сабоғи бўлди.



## **УСТОД САБОҚЛАРИ**

1943 йил. Ватан учун, фашист газандаларига қарши қаттол жанглар бораётган давр. Фрондан минглаб чақирим олисдаги бир қишлоқ. Бу пайтда олтинчи ё еттинчи синфда ўқир эдим. Оғир йиллар даҳшати шу мактаб тимсолида ҳам акс этар: ўқитувчилар етишмас, синф хоналари иситилмас, қатнов ҳам ўзига яраша бир вақтлар.

Уруш даҳшатларини, қўшинларимиз жасоратини, Совинформбюро ахборотини етказувчи ҳар бир газета-ни нондай азиз билиб, энтикиб кўз тутиб, сўнгги ҳарфларигача ўқиб чиқар эдик.

Шундай кунлардан бирида «Олег ва ўртоқлари» номли шеърга кўзим тушиб қолди. Бу шеър остида шоир Миртемир номи турарди. Шеърда қаҳрамон ёш гвардиячилар, уларнинг етакчиси Олег Кошевой мардлиги бутун фожиавий улуғворлиги билан худди улкан бир суратда, бутун бошли бир кино асарида кўрсатилгандек яққол намоён бўлган эди:

Кеча аёз, кеча совуқ,  
Бўрон эсар ларзакор.  
Инграгандай узоқ-ёвуқ,  
Оламда не даҳшат бор,  
Беш азамат бўлмиш тутқин,  
Қуршаб келар юз жаллод.  
Дилда армон, дилда тўлқин,  
Дилда қайғу, оғир дод.  
Бу ёш Олег қўрқув билмас  
Ва тўрт мактабдошлари...

Во ажаб! Шеърни қайта-қайта ўқидиму ушбу мисл-сиз ботирликнинг, аёвсиз манзаранинг жонли гувоҳига айланиб қолдим. Мен ўша қонли муҳитни, бўйсунмас мардона ёшларни, уларнинг қасоскор қалби, иродаси, матонатини гўё яқин-яқиндан кўриб, юрак-юрагимдан ҳис қилдим. Фашистнинг йиртқич башараси, ашаддий сўроқ лавҳаси, чўнг чўян ҳайкаллардек жипслашиб, қоядек қотган, жаллоднинг ўлакса кўзларига тик боққан йигит-қизларнинг ғалаёнли қиёфаси кўз олдимда бутун салобати билан ярқиради. Бир шеърда шунча ҳолат, шунча фикр, шунча туйғу, шунча манзара! Бу шеър менга шу лаҳзада, деярли бир ўқишдаёқ ихтиёрсиз равишда ёд бўлиб қолди. Мен уни маҳсус ёдлаганим йўқ, у юрагимга муҳрланган эди. Мен ушбу шеърни ҳозир ҳам, мана ўттиз беш йилдан ортиқ вақт ўтибдики, ҳамон ўша хотирот бўйича тутилмай, беҳато ўқиб бера оламан.

Шеърятга хос мўъжиза, жозоба, ҳақиқат кучи деганлари, аслида, шу бўлса керак! Ўша-ўша устоз Миртемир номи мен учун бениҳоя қадрдон бўлиб қолди. Кейинчалик, тақдир тақозоси туфайли биз Миртемир ака билан тез-тез учрашадиган муносабатларда бўлдик. Шеърни домланинг ўзларига ёдаки ўқиб берганларимда, устознинг нақадар камтарона бир қувонч, фахр билан эшитганлари ҳамон кўз олдимда. Ҳали-ҳануз бу шеърни ҳаяжонсиз ўқиш ва эшитиш мумкин эмас. Бу шеър юксак ватанпарварлик ва улкан санъат қоришмасидан яратилган бебаҳо дурдонадир.

\* \* \*

Кейинчалик, яъни 50 ва 60—70-йиллар мобайнида Миртемир ака билан яқин муносабатларда бўлишга тўғри келди. У киши Ёзувчилар Союзида маслаҳатчи (консультант) бўлиб ишлаган пайтларида ёшларнинг ижодий камоли учун кўп куч, ғайрат бағишлаган устод сифатида катта ҳурмат қозонди. Миртемир ака бошқарган ижодий семинарлар, бевосита суҳбатлар, ҳаққоний маслаҳатлар кўпгина ёшларни оёққа турғазди. Фақат сўз билан, одил маслаҳат билангина эмас, ўз маҳорати, улкан санъаткорлиги билан ижодий жараённинг тинимсиз меҳнат эканлигини, талант матонатли меҳнат, доимий изланиш билангина муддаога етмоғини ҳаминиша исботлаб келди.

...«Совет Ўзбекистони» газетаси даргоҳида ишлаган

йилларимда, айниқса, тез-тез кўришиб турар эдик. Газетанинг илтимоси ёки буюртмасига у киши ҳамиша «лаббай!» деб жавоб берар, газета саҳифасини ижодкор учун энг мўтабар минбар деб қадрлар эди. Биз редакция хоналарида баъзида кечалари билан ўтириб қолар эдик. У кишининг яна бир ажойиб фазилати — шеъри ёхуд мақоласи токи оппоқ саҳифага босилиб чиқмагунча кўнгли тўлмаслигида эди. Ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, ҳар жумла устида қайта-қайта фикрлар, таҳрир устига таҳрир киритар, ҳар бир фикрни қиёмига етказмагунча тинчимас, ҳатто газета босилиб чиққандан кейин, эртасига уйларида телефон қилиб: «Фалон сўзнинг ўрнига мана бунисини ишлатсак, ажабтовур бўлар эдида, минг афсус, энди қандоқ қилдик», деб безовта бўлишарди, мана талабчанликнинг ҳаққоний намунаси. Баъзан редакциядагилардан шундай таклифлар ҳам эшитар эдим: «Энди домланинг кўнглини тинчитиб, уйларида юборсангиз ҳам бўлаверади, бўлмаса газета чиқишини яна бирор соатга кечиктириб юборишлари ҳеч гап эмас». Мабода ваъда қилган ишлари ёки редакциянинг бирор мавзу юзасидан илтимоси келишилган вақтга тайёр бўлмасаю эртаси ё индинига битса, Миртемир ака телефон қилиб ёки атайлаб келиб: «Мен ёлғончи бўлдим, сизларнинг олдингизда юзи қора бўлдим», деб устма-уст узр сўрар эди.

Миртемир аканинг газета саҳифаларида босилган ҳар бир шеъри, ҳикояси, публицистикаси ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотар, кўпчиликка жуда-жуда маъқул тушар, редакцияга кўнғироқлар бўлар, мухлисларни қойил қолдирар, летучкаларда баланд баҳоланарди. Чунки улар ҳақиқий ватанпарварлик, ҳаётий аниқлик, ажиб кузатишлар, тириқ тафаккур ва жозиба — гоёвий ва бадий баркамоллиги туфайли шу даражага кўтариларди.

Миртемир ака талабчан устод ва меҳрибон мураббий сифатида шогирддан яхши сўзни ҳам аямас, бироқ бирор нарсангиз маъбул бўлмаса, ачиқ танбеҳни ҳам қайтариб ўтирмас эди, «маъқул-маъқул» деган сўзни эшитиш катта баҳо ҳисобланарди. Шеъриятда «йилт» этган бирор янгилликни сезганда боладай қувонар, ўша ижодкорни «қаранг-а, жуда бақувват-ку, балойи азим» дея ардоқлар, аксинча қуруқ дабдаба, тумтароқ шеърни ўқиб, бир гуноҳ ишнинг устидан баногоҳ чиқиб қолган кишидай қаттиқ ранжир эди.

Миртемир ака ижодини яхлит кўздан кечирган киши, аввало, сўз санъатининг мўъжиза дунёсига тушгандай бўлади. Нақадар кенг луғат бойлиги! Сўзлар товланади, оловланади. Кундалик муомалада камдан-кам ишлатиладиган сўзлар ўз ўрнига шундай қўндириладики, улар ажиб мусиқавийлик, маъно аниқлиги, лўндалик ва қудрат кашф этади. Ҳам табиийлик, ҳам равонлик, ҳам соддалик, ҳам теранлик — бундай шеърларнинг ажралмас хосияти, доҳий Ленинга бағишланган туркум, совет Ўзбекистони таронаси, қардошликни улуғловчи шеърлар, севги қўшиқлари, машҳур «Қорақалпоқ дафтари»... Яна қанчадан-қанча мисоллар келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ошиқ қалбнинг теран-теранларидан отилиб чиққан, ақл ва заковат билан зийнатланган бутун бир шеърийят олами!

\* \* \*

Устод шоиримиз Миртемир ака, ўзлари айтмоқчи, билгич, донишманд киши эди. Дунё адабиёти, фалсафа, тарих, тил... бу мавзуларда ўз қараши, ўз хазинаси, ўз тафаккури мавжуд эди. Уйларида, ишхоналарда, саёҳатда, командировкада бирга бўлишганда, яъни ўзаро суҳбатларда бу қирралар кутилмаганда ёрқин бир сеҳр билан очиларди. Унинг билим уфқи, айниқса қардош адабиётлардан чуқур хабардорлиги кишини ҳайратга соларди.

1968 йил қишида Қозоғистонда бирга бўлдик. Қозоқ адиблари Сирбой Мауленов, Қувондиқ Шанғитбоев уйдаги суҳбатлар асло унутилмасдир. Одатда камтар, камгап туюлувчи бу киши бундай суҳбатларда бениҳоя очилиб кетар, қардош адабиётнинг Абайдан тортиб ҳозирги кундаги талантли вакиллари ижодигача бўлган буюк хазинасини нечоғли чуқур билиши билан мезбонларни ҳайратга соларди.

Қирғизистонда Туманбой Бойзоқов ва Сооронбой Жусуев хонадонларидаги суҳбатларда эса қирғиз адабиётининг катта билимдони сифатида яйраб, фахр билан сўзларди. Ахир, «Манас»дай дунёдаги энг алип китобни теран маҳорат билан ўзбекчага ўгиргани ҳам бежиз эмас-да. Бу таржима ҳақида улкан совет адиби Чингиз Айтматов қандай завқ-шавқ билан гапиргани ҳаммага маълум.

Қорақалпоққа борганда яна ўз кишиси бўлиб кетиши, туркманда катта эҳтиром билан қарши олинishi —

мана совет шоирининг ҳақиқий интернационал қиёфаси, амалдаги ёрқин байналминал олами! Шу хусусда сўзлаганда, шоир ижодиётининг туб асосларидан, тамал тошларидан энг забардасти унинг таржимонлик фаолияти эканлигини кўрсатиш керак. Бу ўзи катта илмий мавзу, улкан тадқиқот объекти, тенгсиз намуна мактаби.

1970 йил. Қирғизистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси давом этарди. Йўлимиз Жалолободга тушди. Жуда кўп учрашувлардан сўнг биз шаҳар боғи ичидаги она ҳайкали томон таъзимга бордик. Ҳалок бўлган фарзандини бағрига босиб, унинг боши узра маъюс эгилган муштипар она тимсоли. Йиғлайвериб онанинг кўз ёшлари тамом бўлган. Унинг бутун вужуди урушга чексиз нафратнинг тош қотган мангу ифодаси. Мана шу ерда, Миртемир ака ёнида туриб, беқиёс инсоний дард, алам ва ўқинч, ғазаб ва муҳаббат билан йўғрилган бир шеър туғилишининг гувоҳи бўлдим. Шоирнинг ўша манзара қошидаги ички ҳолатини, киприкларига қалққан ёшни, унсиз фарёдини тасвирлаш учун худди ўша шеър янглиғ яна бир асар керак бўлар. Шеър тахминан бирор соатлардан кейиноқ қоғозга тушиб бўлган эди. Шеър қуйма эди, ўша оний изтиробдан туғилган буюк инсоний ҳужжат эди. Лекин бу шеър замирида шоир юрагида неча-неча йиллар мобайнида йиғилган фиғон мужассам бўлганини пайқаш қийин эмас.

Ҳар бир адиб ижодиётининг салмоғи ўша муаллифнинг шахсияти нақадар ўзига хослиги билан ўлчанади, дейдилар. Ана шу маънода Миртемир ака жуда ўзига хос эди, қаламкаш дўстлари аро ўз характери, феълу одатлари, ўз муомала муносабати, ўз йўли, ўз фазилатларига эга инсон эди. Худди шу «ўз»лик унинг бутун ижодиётида қалқиб, балқиб туради. Боладай беғуборлик, ўта кўнгилчанлик, донишманд тафаккури, туйғулар самимияти унинг ҳар бир шеърида ялтиллаб турувчи мафтункор белгилардандир.

Шоирнинг жонли образи, бутун қиёфаси унинг шеърини бағридан юксалиб турибди. У ўз шеърлари билан ишляпти, дилларда эзгу туйғулар, ҳаётга улкан муҳаббат, нурли уфқларга интилиш шавқини уйғотиб, халқига, диёрига, партиямизга хизмат қиляпти. Унинг китоблари кўксига коммунист шоирнинг тинимсиз қалби уриб турибди.

1980, 8 июль

## **ЗАКО ЯРҚИРАРДИ ПЕШОНАСИДА**

1940 йил, 8 январь. Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзининг жумҳурият қўмитаси. Союзнинг, оммавий-ижодий бўлимида ёшлар семинарининг машғулоти бораётир. Президиумда Миртемир, Ҳасан Пўлат, Темир Фаттоҳ, Зафар Диёр, Қуддус Мўхаммадий каби шоирлар ўтиришибди. Уларнинг ҳар бири ўзбек адабиётининг илдам одимлар билан ривожланаётгани, айниқса поэзиянинг ҳамон бошқа турлардан олдинда бораётгани хусусида гапирадилар, ўз ижодий тажрибалари билан ўртоқлашадилар ва шеърларидан ўқийдилар. Биз, ёшлар, бутун вужудимизни қулоққа айлантириб, миқ этмай ўтириб тинглаймиз.

Сўзлаш навбати Миртемирга келганда, залга қараб: «Сизларни зериктириб қўймадикми?»— деди. Ёшлар бир овоздан кечгача тинглашга тайёр эканликларини айтдилар. Кейин шоир яқиндагина эълон қилинган ва ҳаммага манзур бўлиб қолган «Яли-яли» кўшиғи, «Шодиёна» шеърини ўқиди. Миртемирни биринчи бор кўришим ва ўз оғзидан шеър тинглашим эди.

Миртемир билан шахсан танишувга, ҳаваскорлик билан ёзиб юрган шеърларимни кўрсатиб маслаҳат олишга тортинчоқлигим ёмон ҳалақит берарди. Аммо унинг шеърларини кўздан қочирмай ўқиб борар эдим. Орада Улуғ Ватан уруши йилларининг беором кеча-кундузлари, буюк ғалабамизнинг шодиёна дамлари ўтди. Шоир элимиз билан бирга севинчини ичга сиғдиролмай: «Эй, улуғвор, баҳтиёр, ғолиб, бўйин эгмас мамлакатим! Тўй қутлуғ бўлсин, тўйлар қутлуғ бўлсин!...» деб бонг урди.

Ҳаёт дарёси мавжланиб оқа берди. Океанларда ҳам, дарёларда ҳам сувнинг сатҳи осойишта оқади. Аммо қуйи оқимида ҳар хил гирдоблар, ўпқонлар ҳаракат қилади. Агар бу ҳолатни инсон турмушига қиёс қилинса, шоир айтгандек, «бошига синоғлик кунлар ҳам тушади». 1951 йили, ана шундай «синоғлик кунлар»дан бирида Тошкентнинг Қиров номли кўчасида жойлашган Ўзбекистон Давлат нашриётида учрашдик. Миртемир ака А. Н. Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» поэмасининг таржимаси устида ишлаётган экан. Нашриёт раҳбарлари таҳрир қилишни менга топширишди.

Таржиманинг тугаган бобларини Қизил Қуёш маҳалласидаги ҳовлимизга Миртемир аканинг ўзи олиб келар ва таҳрирдан чиққан бўлакларни олиб кетарди. Уша кунлари иш баҳонаси билан бирга ўтиришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик ва албатта, адабиёт асосий мавзумиз бўларди. Шоирнинг ўта даражада камтарлиги, ҳатто уятчанлиги мени ҳайратга солар, баъзан унинг олдида ўзимни қандай тутишни ҳам билмай қолардим. Бу ҳассос шоир, бу пешонасида нур, зако ярқираб турадиган, ҳалимдек мулойим инсон Некрасов руҳига, унинг «қасос ва қайғу» лирасига шу қадар яқинлашган эдики, бу ҳол ҳар бир сўзидан, интонациясидан сезилиб турарди.

Поэмани баланд ихлос ва чуқур ички ҳаяжон билан таржима қилган Миртемир ака Некрасов услубига хос соддалик ва мазмуний чўнгликни, халқчиллик ва инқилобий пафосни усталик билан сақлаган эди. Таржимон оригиналдаги персонажлар ҳамда географик номларнинг ўткир кинояли моҳиятини тўғри очиб беришга алоҳида эътибор берганди. Катта ижодий меҳнат, кенг фан-тазия маҳсули бўлган:

Бурундуқли аймоғи  
Шўр пешона тумани,  
Бўш-тақир волостида  
Ёнма-ён қишлоқлардан —  
Ямоқзор, жулдирровож,  
Яланғоч, Ушуктепа,  
Куйганкент, Ютоқсарой  
Ҳамда Каттақўрғондан  
Етти муваққат қарздор  
Дуч келди-ю, довлашди,—

каби мисраларни ўқиганда, кўз ўнгимизда оригиналнинг ўзи намоён бўлади. Тўғрисишни айтганда, Миртемир ака таржима туфайли Некрасов шуҳратига шерик бўлди.

1952—1960 йиллар мобайнида алоқамиз узоқлашиб қолди (бу даврда мен САМГУ да ишлардим). Фақат Ёзувчилар союзининг съездларида, пленумлардагина кўришардик. Бир-икки марта Самарқандда бирга бўлдик, холос. Олтмишинчи йилдан кейин эса яна аввалги дўстона алоқалар давом қилди.

Йигирманчи йиллар поэзияси ҳақида иш ёзаётган куйларимнинг бирида (1963 йилнинг ёзида) Миртемир акадан консультация олиш учун унинг шинам, озода ва доимо қуёш чарақлаб турадиган ҳовлисига бордим. Ғоят самимият ва очиқ чеҳра билан кутиб олган мезбон ўз одати бўйича ҳамма вақт тайёр турадиган тўкин дастурхонга таклиф қилди. Суҳбат асносида келишимдан мақсад нима эканини изҳор қилдим. Қандай масалалар мени қизиқтираётганини айтдим. У йиллар идеология соҳасидаги курашлар қизғин давом этган, ёш ўзбек совет адабиёти комил ишонч билан олға бораётган ва Миртемир аканинг ҳам жўшқин ёшлиги ўша воқеаларга омихта бўлганидан гапларимиз тезда бир-бирига қовуша қолди.

— Турли-туман воқеаларга бой, кўп масалалар ғоят мунозарали вақт эди у йиллар,— деди Миртемир ака. Тошкент ўзича, Самарқанд ўзича адабий марказни эслатарди. Бадний адабиётнинг сезиларли даражада ўсаётгани ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас, танқидчилик ҳам жанговар тус ола бошлади. Нима учундир, ёзувчи ҳам, танқидчи ҳам, «амал», «кураш» сўзларини кўп ишлатарди. Эҳтимол у сўзлар замон руҳини яхши ифодалагандир. Суръатлар тез эди. Инқилобдан кейинги 5 йил ичинда реалистик роман пайдо бўлди. Сатира янгидан уйғониб, 1923 йилдан бошлаб сатирик журнал—«Муштум» чиқа бошлади. Ёзувчилар ҳаётга қараб, фактларни қиёслаб, хулоса чиқарадиган бўлди.

— Танқидчиларнинг фаолиятига оид нималар хотирингизда қолган?

— Танқидчилар кўп эди, лекин савия ҳали ҳаммада ҳам бирдай эмасди. Масалан, Бойбўлатов илмдан узоқроқ ва ваҳимали гапларни кўп гапирарди. Одамларнинг фикрларига сўлларча тус беришга уста эди. Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайнлар бутунлай бошқа — илмий йўлдан боришди. Айниқса Олим



Шарафиддиновнинг «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» номли мақоласи эълон қилинган кунлар (1927 йил, февраль): ҳеч эсимдан чиқмайди. Ёшлар Чўлпонга бир адабий намуна тарзида тақлид қилишарди. У катта ва кучли шоир деган ақида маълум бўлгани сабабли унга тил тегизишга ҳеч ким журъат қилолмай юрарди. Шундай шароитда Чўлпон шеърларидаги пессимизмни, символистик мавҳумликни, истаганча талқин қилса бўладиган образларни жиддий танқид қилди. Олим домланинг жасорат билан чиқиши кишилар фикрида кескин бурилиш ясади. Гўё булутли осмонда момоқалди роқ гумбурлагандек бўлди...

Суҳбатимиз сарбаст (эркин) шеър масаласига ўтганда, Миртемир ака: «Ҳа, нозимона шеърни айтмоқчисиз», — деди кулиб. Мен унга қадар «Аланга» журналида босилган, Миртемир ака таржима қилган Нозим Ҳикмат шеърларини ўқиган эдим. Шунинг учун у кишининг фикрини тасдиқладим.

— Хабарингиз бўлса керак, йигирманчи йиллар жиддий изланиш даври эди. Гоҳ сочма ёзардик, гоҳ оқ шеър, баъзан сарбаст. Нозимнинг сарбаст шеъри алангали чақирӣқ руҳида бўлганидан замоннинг инқилобий кайфиятига мос эди. Ёшлар жуда яхши кўрарди. Озарбайжонда нашр қилинган «Гунаши ичанларин тукиси» тўпламини талашиб ўқир ва ғоят таъсирланардик. (Миртемир аканинг эркин шеър ҳақидаги мулоҳазалари Ғаффор Мўминов, Салоҳиддин Мамажонов каби адабиётшунослар билан қилган суҳбатларида — улар «Ўзбекистон маданияти» газетасида босилган — янада кенгайтирилди).

1970 йили, июнь ойида Қирғизистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлди. Делегация аъзоларидан ва ардоқлиларидан бири Миртемир ака эди. Фрунзе шаҳрида, декаданинг адабий қисми очилиши вақтида Қирғизистонда хизмат кўрсатган халқ оқини Эстебес Турсуналиев меҳмонларни қутлаб, Миртемир ака тўғрисида шундай деган эди:

Ҳурматли оға, Миртемир!  
Элга манзур ёзганинг.  
Қадамнинг сенинг қутлуғдир,  
Таржималаб тузганинг.  
Икки том «Манас» достони,  
Жуда равон, тингласанг,

Ижодингнинг ҳар онин,  
Манас руҳи қўлласин.  
Қадамни жадал ташлагин,  
Олтмиш ёш — бу ўрта ёш.  
Яна олтмиш яшагин,  
Ёшларга сен бўлиб бош...

(Илѐс Муслим таржимаси.)

Декада кунларида Миртемир аканинг кайфи жуда чоғ бўлди. У ўзини Аали Тўқимбоев, Қувончбек Маликов, Чингиз Айтматов, Темирқул Уматалиев каби дўстларининг бағрида гўё узоқ сафардан уйига қайтган кишига ўхшарди. Декада иштирокчилари икки гурпуага бўлиниб, шимол ва жанубга қараб кетдилар. Миртемир ака Қомил Яшин бошчилигидаги гурпуа билан жанубга йўл олди. Жалолобод шаҳрига келганда, шоир кўркем хиёбондаги мангу олов ёнида фронтда фарзанди ҳалок бўлган Онанинг йиғлаб турган ҳайкалини кўрди-ю, қалби жунбишга келди. Ўша соатларнинг ўзида шеърый мисралар қуйила бошлади. «Азалик» деб номланган бу ажойиб шеър қаерда ўқилмасин, ҳаммани ҳаяжонга сола берди.

Мотамсаро онажон!  
Кўтар эгик бошингни.  
Оқ сочингни силагани  
Келдик бугун биз ахир.  
Қайрилиб бир қарагин,  
Тўкмагин кўз ёшингни,  
Сенга умр тилагани  
Келдик бугун биз ахир...

Ана шу биринчи банддан кейин келадиган бандлар ритмик равишда такрорланиб борадиган, ундалма оҳангдаги «Йиғла... Йўқ, йиғламагин!» сўзлари билан бошлангани ва ғоят таъсирли бўлганидан тингловчиларни қайғуга шерик қиларди. Мен залда ўтирганларнинг кўзларига ёш келганини кўрганман. «Азалик» бир нафасда туғилган шеърый мўъжиза бўлиб қолди.

Миртемир аканинг ҳамқалам дўстларидан фарқ қиладиган, ўзига хос луғати — сўзлари бор. Масалан, «ардоқли», «чўнг», «дов», «алп», «бовурдошлик», «сулув», «суюк» кабилар фақат Миртемир ака шеърларида учрайди. Бунинг боиси ёшликда қозоқ қардошлари-



Миртемир қаламқаш дўстлари орасида 1974.

миз даврасида ўсганидан бўлса керак, деган мулоҳазз бор эди. Маълум бўлишича, у ҳам қозоқ, ҳам қирғиз адабиётида қўлланадиган сифатловчи таъбирлардан жуда ўринли фойдаланиш оқибати экан. Қирғизистонда экан кунларимизда тилдаги ушбу ҳамкорлик равшан сезилиб турди.

Маълумки, Тошкент телестудияси Миртемир ака ижодига оид бир қанча кўрсатувлар уюштирган. Олтмишинчи йилларнинг охири ва етмишинчи йилларнинг ўрталаридаги бир неча кўрсатувларни олиб бориш менга топширилди. Улардан биттаси хусусида қисқача гапирмоқчиман. 1974 йил 30 июль куни «Шоир Миртемир ҳузурида» мавзуида кўрсатув бўлиши ва уни шоирнинг уйдан олиб берилиши мўлжалланган эди. Тўсатдан ташвишли хабар келиб қолди. 29 июлда эрталаб литфонд директори Ғани Жаҳонгиров билан кетаётганларида автомобиль ҳалокати натижасида қаттиқ шикастланиб, биринчи шаҳар касалхонасига олиб кетилган экан. Кўрсатув телестудиянинг ўзида кундузи ёзиб олинди. Программага биноан ўша 30 июль куни кечқурун эфирга чиқиши керак эди.

Телестудиядан чиқиб, тўғри Миртемир аканинг олдига бордим. Ҳар икки жабрланган битта кичкина палатада ётишар, аҳволлари анча оғир эди. Бир оз ўтириб кўнгил сўраган бўлдим ва шифо тилаб, уйга жўнадим. Йўлда: «Бугунги «Адабий портрет»ни Миртемир аканинг ўзи ҳам кўрса яхши бўларди», деган фикр хаёлимга келди. Қўшним Носир Фозиловнинг кичкина телевизор борлигини билардим. Чиқиб, воқеани айтганимда, у дарров рози бўлди. Кўрсатув вақтига мўлжаллаб телевизорни олиб бориб, палатага ўрнатди. Лекин нима учун бундай қилаётганини айтмади. Бирдан чиройли музика садолари янграб, экранда «Адабий портрет, Миртемир» деган титр пайдо бўлди. Суҳбат бошланиб кетди. Шоир экрандан кўзини узмай, томоша қилди.

31 июль куни Хадрада Ҳабибий домла билан учрашиб қолдим. Мен билан қуюқ саломлашиб: «Миртемир жисмоний азобда ётган кунларда сизлар руҳий жиҳатдан даволадинглар, ғоят мамнун бўлдим»,— деди.

Адабиётда шундай ҳодисалар ҳам борки, ёзувчининг ёши улғайган сари юрак қўри секин-аста совий бошлайди, яъни силлиқ ёзгани билан, ҳеч ким айтмаган янги ва катта фикрлар кам учрайдиган бўлиб қолади.

Миртемир ака то сўнги нафасигача ўзи забт этган шеърий чўққидан пастга тушмади. «Ахир мен коммунистман-да, қилаётган ишимга Ленин кўз солади Қизил майдондан»,— деб зиқ-зиқ меҳнат қилди, яхши ёзди. Партия олдидаги, халқ олдидаги масъулиятини жуда кучли ҳис этди... Унинг поэзияси авлодларга ёрқин намуна бўлиб қолди.

Ижодкор вафот этгандан кейин унинг қалби тўлқинланишдан тўхтабди. Аммо унинг ажойиб асарлари, ёрқин образлари кишилар қалбини тўлқинлатишда давом этади. Миртемир ака мисраларида қолган илҳом, ҳаяжон абадий яшайди.

## **БИР ШЕЪР ТАРИХИ**

Қиёт қишлоғидаги ҳаяжонли учрашув ҳамон ёдимда. 1973 йилнинг октябрь ойи эди. Миртемир ака бошчилигида бир гуруҳ ёзувчилар — Султон Акбарий, Мавлон Икром, адабиётшунос олим Гаффор Мўминов ва ушбу сатрлар муаллифи Тошкент областининг Бекобод районидаги «Победа» колхозига бордик. Қиёт китобхонлари атоқли шоир Миртемир Турсуновни учрашувга таклиф этган эди.

Қиёт қишлоғига бориш учун Бекобод шаҳар марказидан ўтиларди. Сирдарё соҳилида бунёд этилган бу шаҳарга келганимизда Миртемир ака кўприк остидаги кўҳна сув йўлини кўрсатиб «бу князь ариқ» деди. Шаҳардан ташқарига чиқиб Сирдарё ёқалаб, 25 километр ғарбий шимолдаги Қиёт қишлоғига йўл олганимизда Сирдарё тўғрисида, Мирзачўлни ўзлаштириш учун кураш тарихи ҳақида қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб берди. У Мирзачўл ерларида Фарҳод ва Ширин афсонаси тилдан-тилга кўчиб юрганлигини, Октябрь инқилобига қадар бу ерда хонлар, подшоҳлар чўлни экинзор воҳага айлантириш учун қанча куч сарфлаганликларини, лекин уларнинг барча уринишлари бёҳуда кетганликларини бирма-бир ҳикоя қилиб берарди. Сўнг бу ерга доҳий Ленин назари тушиб, Октябрь инқилоби шарофати билан жаннатаро воҳага айланганлигини улкан ифтихор ҳисси билан завқланиб сўзларди.

Бекобод Фарғона водийсининг дарвозаси ҳисобланади. Бу дарвоза қадим замонларда берк бўлган. Уни ҳеч ким очолмаган, чўлга гуллар сочолмаган. На Фарҳод, на

Хусрав ва на бошқа афсонавий қаҳрамонлар қақшаб, тақирга айланган она заминнинг табаррук меҳрини қозонолмаган, гулу кўркини кўролмаган. Шунданми, кўпни кўрган, сочларига оқ оралаган мўйсафид халқ куйчиси машинада олис-олисларга оҳиста нигоҳ ташлаб, кўнглида алланарсаларни ўйлаб борарди. Яқин-йироқларга, бепоён пахтазорлар, мевазорлар, кўркам қишлоқларга қараб жилмаярди, пахта тераётган шўх, қувноқ ёш-яланглари, табаррук ёши улуғларни кўриб, қўлини кўксига қўйиб салом бериб ўтарди.

Қишлоқ аҳли Миртемир акани тантанали вазиятда кутиб олди. Кечқурун қишлоқ клубида учрашув ўтказилди. Райком секретари, колхоз раиси ва бир неча китобхонлар Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг улкан ижоди ҳақида мароқ билан сўзладилар. Колхоз раиси колхозчилар атоқли шоир Миртемир Турсуновни коллектив хўжаликнинг фахрий аъзоси қилиб олишни правлениедан сўраганликларини айтиб, бу ҳақда правление қарорини ўқиб берди. Колхознинг фахрий аъзосига сарполар кийгизилди.

Миртемир ака колхоз аъзоларининг ўзига кўрсатилган улкан ҳурматидан чексиз тўлқинланиб турарди, «мен энди сизларнинг бир оддий аъзоларингизман, қандай хизмат буюрсаларингиз, бажаришга тайёрман», деярди. Йиғилиш охирида мушоира бошланди. Мушоира тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Китобхонлар Миртемир аканинг тўпламларини келтириб, ундан дастхат ёздириб олдилар. Эртаси куни эрталаб қишлоқдаги ўрта мактабда учрашув бўлди. Уқувчилар отахон шоирни табриклаб, унинг бир қанча шеърларини ёддан айтиб, тантанали қарши олдилар.

Миртемир ака учрашувда ўқувчиларнинг ҳамма саволларига батафсил жавоб қайтарди. У тингловчиларни илтимосларига биноан ўзининг болалик ва ўсмирлик йиллари, 1925 йилда Туркистон шаҳридан Тошкентдаги Ўлка ўзбек эрлар билим юртига ўқишга келганлигини ва бу ерда биринчи шеърларини ёзиб, адабиёт оламига қадам қўйганлигини сўзлади, сўнг мактаб кутубхонасига дастхат ёзган китобларини тақдим этди.

Учрашувдан кейин дала айландик. Колхознинг машҳур механизатор бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўшбоқ Эгамбердиев даласида бўлдик. Бригада аъзолари астойдил меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирибдилар...

Кенг пахтазорлар оралаб, Сирдарё ёқасига бордик. Бу ерда мовий об-ҳаво сарчашмаси бўйида бригада дала шийпони қад кўтарган. Кичик, ёзги кошонага ўхшайди. Колхозчиларнинг яхши ҳордик олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган.

Шийпон ёнидан Сирдарё аста мавжланиб оқиб ўтмоқда. Кузда дарё шишадай мусаффо ва тиниқ эди. Сув ҳали совимаган, майин тўлқинлар киши қалбини ўзига тортарди. Ҳаммамиз дарёда чўмилиб, унинг зилол сувларидан сипқориб, яна дала айландик. Колхоз боғларида, чорвачилик фермаси ва бошқа ишлаб чиқариш объектларида бўлдик. Кечқурун Қўшбоқ ака бизларни уйига таклиф этди.

Миртемир ака қаҳрамон механизатор уйида меҳмон бўлганда, унинг ҳаёти, оиласи ва болаларининг ўқиши, ишлари билан танишди. Ҳар бир нарса кекса шоирни қизиқтирарди. Ҳовли ўртасидаги ер тандирдан тортиб, сўри остидаги янги енгил машинасигача шоир эътиборини ўзига тортарди. Миртемир ака хонадон аҳлининг меҳнати, турмуш шароити билан танишар экан, ён дафтарига алланарсаларни ёзиб борарди.

Ўша куни қишлоқда тунаб қолдик. Колхоз боғида қад кўтарган меҳмонхонанинг бир шинам, кичкина хонасида кечаси чироқ ўчмади. Ўша хонага жойлашган Миртемир ака эрталаб бизларга ўзининг «Қаҳрамоннинг даласи...» деган янги шеърини ўқиб берди.

Мен ана шу шеърдан характерли бир парча келтирмам, зеро унда Миртемирга хос меҳр, топқирлик ўз ифодасини топган:

Далада куз кезар — фусункор сўлим,  
Даласи, дарёнинг шундоқ ёқаси.  
Бир ёни яйдоқ чўл, кўз илғамас қум,  
Бир ёни тизми тоғ, бўз қир ҳалқаси.  
Қалин тўқай эмиш бир кез — олис, чет.  
Қўнғир тупроқ ҳозир — унумдор, бекам,  
Инсон ва табиат унда бетма-бет.  
Таслим бўлмоқда чўл қадам-бақадам...  
Пахтазор оралаб трактор гувлар,  
Эш ва иноқ тўп қиз — пешана боғлиқ,  
Жалаю шамолда чиниққан булар,  
Удаллик, чидамлик, гўзал нечоғлик!  
Юзлари тонгга ҳам бергудай чирой,



Сув бўйича тушар чарчоқ айни туш,  
Анов сада таги четроқ, соя жой,  
Дарё дам кўкимтир, дам ўтмай кумуш...

Бу шеърни ўқир эканман, содда, вазмин, ўрта бўйли, ўйчан нигоҳли суҳбатдошига ҳаммавақт катта эътибор билан қараб, унинг гурунги файзидан баҳраманд бўлганим учун беҳад қувонаман, улкан ижод соҳиби кўз олдимда намоён бўлади. Айрим қалам соҳиблари кексайган вақтларида бошқа жанрга ўтиб кетадилар, ёки илгариги имкониятлари даражасида қалам тебратмайдилар. Миртемир умрининг охиригача ғайрат камарини бўшаштирмади, бирдай дурдона шеърини тизмаларини севимли халқига тақдим этиб борди.

Миртемир ака Бекобод пахтазорларини, қадимий Сирдарё соҳилларини сайр этиб, Фарҳод ҳақида, Мирзачўл баҳодирлари ҳақида туркум шеърлар ёзиш ниятида эканлигини айтган эди. Лекин хасталик унинг бу орзусини рўёбга чиқаришга имкон бермади. Унинг юқорида келтирилган «Қаҳрамоннинг даласи» биргина шеърининг ўзи ҳам туркум шеърларга баробар, кўриқ ўлканинг жанговар қўшиғи ҳисобланади.

Миртемир ака Бекобод далаларида бўлганида, Сирдарёнинг нариги ёғида, қардош Тожикистоннинг Новрайони касалхонасида жарроҳ бўлиб ишлаётган ёшликдаги дўсти Файзулло Холиқовни кўриш ва шоир Аширмат Назаровнинг у ердаги қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйиш истаги борлигини айтди. Биз унга ҳамроҳ бўлиб, айтган жойга бордик. Район маданият ва истироҳат боғида дўстлар учрашуви бўлди. Файзулло Холиқов Миртемир билан 1925 йилда Тошкентдаги Ўлка ўзбек эрлар билим юртида бир курсда бирга ўқиб, уни бирга тамомлаган, сўнг Самарқанддаги Медицина институтини тамомлаб, шифокор бўлиб етишган ёшлик дўсти экан. Икки ўртоқ ёшлик, талабалик йилларини эслаб, қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб беришди. Файзулло Холиқов бизларга: «Миртемир ўсмирлик вақтидаёқ ардоқли шоир эди. Унинг биринчи ўткир шеърларининг тингловчилари бизлар бўлганмиз. Билим юртининг ҳамма талабалари Миртемир шеър ўқийдиган бўлса, битта қолмай тўпланар эдилар. Уни элимизнинг улкан шоири бўлишини истардик. Мана, дўстим бизнинг орзумизнинг гултожи бўлиб, Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлди. Биз уни чин қалбдан табриклаймиз»,

деди. Шундан кейин Файзулло Холиқов Миртемир ака-ни ва унинг ҳамроҳларини маданият ва истироҳат боғининг кўркам жойидаги ўртоқлик мазорига бошлаб борди. Бу ерда Миртемир билан 30-йилларда Самарқандда танишган, бирга ижод қилган шоир Аширмат Назаров қабрини зиёрат қилиб, Ўзбекистон ёзувчилари ва китобхонлари номидан гулчамбар қўйдик.

Мен яқинда Қирғизистон халқ шоири ҳурматли Суюнбой оға Эралиев билан ёзувчиларнинг Қора денгиз бўйидаги ижодий уйида дам олдим. Суюнбой оға Миртемир ака номини чўнг ҳурмат билан тилга олиб, унинг ижодини ёнимизда мавж уриб турган денгизга ўхшатди, « у устоз қирғиз халқининг ҳам улкан оқини эди, у бизнинг фахримиз бўлган «Манас» эпосини якқалам қилиб, ўзбек тилига ағдарган улкан қалам соҳиби» деб таърифлади.

«Бир шеър тўғрисида» сўз юритиб, устоз Миртемир ака хотирасини қаламга олдим. У шеърятимизнинг ёрқин юлдузи эди. Ўзбек шеъряти осмонида қанча ёрқин юлдузлар пайдо бўлса-да, улар ичида устод Миртемир ака юлдузи тонг юлдузидай ҳаммавақт бирдай ярқираб туради.

1980

## ОЛМОС ҚИРРАЛАР

Устоз Миртемир мутлақо ўхшаши йўқ шоир эди. Агар биз ҳаммамизнинг ҳозиргидек у ҳақида ёзаётганимизни кўрганда, шоир қалби ниҳоятда барқ урарди. Беназир янгроқ саз ҳамма вақт халққа завқ бермоқда. Сирдарёнинг юқори қисмидаги ажойиб табиат, явшану булдуруқлар, турғаю олтинранг буғдойзорлар, халқ сайли-ю тўйлардаги яли-ялилар, баҳодир фарзандларни вояга етказган муштипар оналар ранжи, пахтакор халқ етказган «оқ олтин» ганжи, қизлар қаҳқаҳаси-ю бахтлар воҳаси. Улуғ Ватан уруши жанг майдонидаги жасоратлар, сўлуғни узган отлар... бари-бари улуғ бир симфониядир. Ўзбек адабий тили жарангу жилвасини тараннум этди. Шу беқиёс ва тарихан ниҳоятда бой тилга Пушкин шеърятини энг аъло таржима қилган шоир ҳам у эди. У столга ўтириб таржима қилмас, балки у Пушкин ёнида туриб, у билан баробар куйларди десам хато бўлмас. Шевченко, Некрасов, Гомер, «Манас»... ва бошқа сўнмас ва буюк обидалар билан ўз халқини таништирди. «Шоирни танитар элга бир ғазал» деган ҳикматли гапни ҳам у айтган. Унинг қалби Сирдарё атрофидаги кўк ва олтин ёйиқлардек кенг, қарчиғайлар учиб ҳудудига ета олмас.

Миртемир домладек саҳоватли кишини кам учратганман.

Агар «Авесто» дан бошласак, салкам бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти кечмишини яхши билар, баъзи муллалар уни муллам, устозим дерди. Хати чиройли, эски қўлёзмаларни яхши ўқир, мерос-

га катта ҳурмат билан қарарди. Ғоявий мухолифларимизга қақшатғич зарба берган зўр шоир эди.

Миртемирнинг улуғ доҳий В. И. Ленин ҳақидаги шеърлари унинг ижодидаги жавоҳирлар ва бизнинг шеъриятимиздаги доҳийга, Октябрь инқилобига бағишланган энг яхши шеърлар ҳисобланади.

Миртемир аканинг менинг «Зиёд ва Адиба» асаримга муҳаррир бўлиши тасодиф эмасди. У зот шу жанрнинг адабиётимизга кириб келиб, давом этиши тарафдори эди. «Одиссея» ва Некрасовнинг «Россияда ким яхши яшайди» асарларини таржима қилган шоир катта кўламли шеърӣ асарлар яратилиши ва яшаши кераклигини айтган. Албатта, «Алломиш», «Равшанхон», «Гўррўғли»... дostonларини халқ ҳамма даврда ҳам узун деган эмас. «Манас», муболаға қилмасам, астрономик даражада кенг. Яхши асар катта, кичиклигига қарамайди. Ғарбий Европада «Дон-Кихот», «Жан-Кристоф», «Тинч Дон», «Уруш ва тинчлик» каби катта романлар даври ўтди, қисқа нарсалар керак, деган бир беъмаъни «оқим» ҳам бўлган. Бундай фикрлар тўғри эмаслигини ҳаёт кўрсатди. Шеърӣ катта жанрлар ҳақидаги Миртемир ва Ғафур Ғуломнинг фикрлари тўғри эканини ҳаёт кўрсатмоқда, улар фақат ёза билиш, ўлмас асарлар яратиш, бунга қурби етишни кўзда тутган.

Шоирнинг иккинчи умри бошланди. Бу умр абадул абаддир, унинг шеърӣяти халқимизнинг тилида ва дилида жаранглаб тураверади. Буюк шоир ҳамма вақт сафимизда саркардалардек собит. У ўзбек совет шеърӣятининг чинакам амир — саркардаси эди.

### ҚАЛБДАН ҚАЛБГА

Азал-азалдан мусиқадек жарангловчи сўзлар бор: улар қулоғингга қўйилиб келади, беихтиёр ва аниқ хотирангга муҳрланиб қоладики, бу сўзлар сенга ақлингни таниганингдан буён қадрдондек туюлади. Миртемир — ана шундай сўз, ана шундай исм. Ўзбек тилида бу сўз ҳокимлик ва темир маъносини англатади. Рус тилида эса тинчлик рамзи, тинчликнинг ўзи ҳақида сўзлайди. Биринчи марта мен у ҳақда 1957 йили, Дўрмонда Асқад Мухторнинг «Қуёш парчаси» шеърий тўплами таржимасини тугатаётганда эшитгандим.

Москва билан телефон орқали сўзлашаётганимда, менга шундай дейишди:

— Ажойиб шоир Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» билан қизиқиб кўринг...

Бу шеърий туркум муаллифи билан танишувим мана шундай бошланган эди. У ўрта бўйли, камгап, болаларникига ўхшаш мулойим кулгудан зукко ва ўйчан кўзлари, юзлари ёришган киши эди. Миртемир дарҳол мени ёнига ўтқазди, унинг ҳамма нарсани сал ишорамданок сезиб олишидан бизнинг қалбан яқин одамлар эканлигимизни ҳис қилдим.

Шоирнинг яқиндагина тугаллаган «Қорақалпоқ дафтари» туркуми турли жанрларда ёзилган шеърлардан тузилганди: унда тарихий-фалсафий парчалардан тортиб кичик ҳазил шеърларгача, манзарали шеърлардан кичик лирик шеърий қиссагача бор эди. Ҳатто маромига етмаган сатрма-сатр таржималар заминида ҳам ўткир зеҳннинг кашфиёт кучи ва шеърнинг руҳий таранглиги,

муаллифнинг чуқур мушоҳадалари сезилиб турарди. Сўзма-сўз ёмон таржима... У шунчаки ёмон таржима эмасди, унда шеър бузилганди, дағаллашганди. Дағал бўлса-да, ўзбекча шеърнинг аниқ нухасини яратиш ўрнига, «таржимон» сийқа, қолипга тушмаган, оригиналдагидан тамоман бошқача метафоралар қўллаган, ҳатто сатрма-сатр таржимани туроққа тушириб қофиялашга ҳаракат қилганди.

Миртемир иккимиз бошданоқ бу пишмас таомдан воз кечиб, ҳар бир сатр, ҳар бир сўзнинг аниқ таржимасига киришдик. Йўл-йўлакай мен Миртемир шеърларининг ўзбекча жаранглашига қулоқ соларканман, унинг товуш ва фикрий такрорлари сирини, уларни жойлаш маҳоратини англашга уринардим. Миртемирнинг суҳбат чоғида салгина ишораларни шу заҳоти англаб олиши, камёб ҳозиржавоблик билан фикрларини ифодалаши, ўзлаштириши мени ҳайратга соларди.

Айниқса, кўпқиррали «Эртанги кун» шеъри устида ишлаганимиз хотирамга ўрнашиб қолди. Шеърнинг биринчи қисмида «олис асрларнинг соқов гувоҳи» — қуролларнинг қолдиқлари, бош суяклари, карвон йўлидаги вайроналар воситасида чўлнинг тарихга айланиб бораётган ўтмиши чизилади. Қурғоқчилик газабига учраган чўлнинг тезкор баҳори салтанати тасвири:

Оламни қоронғу туман тутади,  
Даррандалар увлаб нинга қочар,  
Сув излаб ел каби учар жайронлар,  
Бўрон кенг саҳрода солади сурон:  
Ҳафталаб кўринмас қуёшнинг кўзи,  
Тепаларни олиб учади бўрон,  
Тақир ерда янги довонлар пайдо...

Шеърнинг бу қисми жуда рангин, кучли ва таъсирчан ёзилган. Бугунги меҳнат бунёдкорликларидан вужудга келаётган чўлнинг эртанги кунини, қайта туғилишини тасвирловчи қисми эса баёнчиликка айланган, образли қилиб айтганда, меҳнаткаш, бунёдкор инсоннинг пешона тери билан йўғирилмаганди.

Биз қандай қилиб бадий ифода мукамаллиги билан мавзуни тўлиқ ёритиш ҳақида узоқ сўзлашдик. Шунда Миртемирнинг кўзларида янги чақин учқунланди, фикрларининг шиддати юзларида акс эта бошлади.

Кейинги кун Миртемир шеърнинг янгидан ёзилган

иккинчи қисмини олиб келди. Мени янги ёзилган сатрларнинг кучи, ҳарорати, образлилиги ҳайратда қолдирди. Шу ўринда, беихтиёр, илгари чўл олови бешафқат ёндирган «эртанги кун» нинг бугунги навқирон яратувчисининг мағрур ва салмоқдор сўзларини келтирмай ўтолмайман:

Бу — мен — чанглар ютиб, тўзонга ботиб,  
Илон ўрдаларин янчиб, йўқотиб,  
Эрта саҳар туриб, ярим тун ётиб,  
Игна билан қазган янглиғ ер қаздим...  
Бу мен — қора тоғдан ташидим харсанг,  
Қора бўрон билан қилдим очиқ жанг,  
Саратон таптада титраб, совқотиб,  
Қаҳратонда қора терларга ботиб,  
Қурдим битта-битта лой девор бунда...  
Ўзим гишт пиширдим, ўзим гишт тердим,  
Тош чаққан, цемент қорган ҳам ўзим,  
Сув деб ер қаърига борган ҳам ўзим,  
Афсона ўтини ёрган ҳам ўзим,  
Чарчаган ҳам ўзим, хорган ҳам ўзим!  
Экскаваторни фил каби миниб,  
Кейин булдозернинг тилин ўрганиб,  
Суяк-суягини ернинг ушатиб,  
Ипақдай юшатиб, пардай юшатиб,  
Тепаларни нари силжитган — менман...

Шеърнинг икки қисми орасида мувозанат яратилганди, ҳамма нарса ўз ўрнини топганди. Шоир ғояси унинг истеъдодига муносиб ифода топганди.

Миртемир шеърларидаги соддалик, аниқлик ва манзаралилик таржимада алоҳида қийинчилик туғдиради. Чунки Миртемир шеърларининг гўзаллиги, оҳанграбоси унинг бетакрор тилида. Миртемир энг содда фикрларни ифодалаш учун она тили ҳазинасидан ягона, охорли сўзлар топа олади.

Менга ҳикоя қилишларича, ўз асарларида «революция» сўзини беихтиёр такрорлайверадиган ижодкорлардан фарқлироқ, (зеро, «революция» сўзи барча тилларга қонуний қабул қилинган), Миртемир бу сўзнинг моҳиятини ифодаловчи, она тилининг бетакрор имкониятларини кўрсатадиган сўз топиб ишлатган.

Қарийб йигирма йилдан ортиқ мен мактубларнинг дастлабки сатрларидами, телефон орқали салобатли

вазмин овоздами ҳамиша бирдек самимий сўзларни ўқидим ёки эшитдим:

— Соғлиқларингиз қалай? Хонимнинг соғлиқлари қалай? Менинг юрак саломимни қабул қилинглар...

Бу фақат Шарқ одати, ҳар қандай ишчан суҳбат олдидан бўладиган шунчаки қизиқувчанлик бўлиб қолмай, дўстнинг ҳақиқий ғамхўрлиги ифодаси эди. Бизнинг иш устида бўладиган муносабатларимиз эса «буюртмачи» ва «мижоз» нинг муносабатлари эмас, ўзаро ҳамфикрлик, эстетик қарашлар умумий бўлган иш эди. Мен Миртемир шеърларини севардим ва уларнинг рус тилидаги эквиваленти устида қониқиб ишлардим. У эса, менимча, менинг ўз шеърларига эҳтиёткор муносабатимни, уларнинг қимматини мумкин қадар йўқотмасликка уринишимни қадрлар эди.

Узоқ йиллар дўстлигимиз мобайнида мен унинг рус тилида нашр этилган барча китоблари таржимаси ва тузилишида иштирок этдим. Орамизда бирон марта жиддий сукунат ёки тўқнашув бўлганини эслай олмайман. Миртемирнинг ўз халқи адабиётига садоқати, табиатан мулоим ва саховатлилиги ҳар қандай ортиқча ихтилоф ва англашилмовчиликларга йўл қўймасди. Бу унинг ҳар нарсага кўнувчанлиги, принципсизлиги ифодаси эмасди. Шундай, биз бир-биримизни яхши англарилик, ҳақиқий ҳамфикр эдик.

Миртемирнинг қиёфаси ўзини, даврини, халқини, юртини моҳирона тасвирлаган шеърятни билан шу қадар ўхшашки, унинг кундалик ҳаёти тафсилотлари, таржимаи ҳолининг зоҳирий мазмуни, учрашувларимизнинг барча тафсилотлари хотирадан ўчиб боради. Лекин унинг шеърини сатрларини қайта-қайта такрорлагинг келади, зеро, улар шоир ҳаётининг асл моҳиятидир.

Унинг ҳаёти мазмунини ифодаловчи, самимиятга тўлиқ эҳтиросли «Чанқоқлик» шеъри мени ҳайратга солганди. Сўзлари худди ҳикматдек аниқ жаранглайди.

Яратмоқ, қурмоқ учун  
Келдик ахир жаҳонга,  
Ғафлатдан тоқатим тоқ,  
Ҳушим йўқ уйқуга ҳеч.  
Инсонликни унутмоқ  
Ғуноҳмасми инсонга?  
Хасталик баҳонамас,  
Йўлдан қўйманг, қолмай кеч!



## Шеърни мағрур тасдиқ билан якунлайди:

Кузги япроқ бўлгим йўқ,  
Хазоним олис ҳали.  
Ҳали жуда кўнглим тўқ,  
Давроним олис ҳали.

Афсуски, бу сатрларни ёзганда, Миртемирнинг кузи тоғлар ортида эмасди. «Тоқат қилиб бўлмас» бетобликлар аста-секин уни енга бошлади, кичик ҳаётий имтиёзлардан маҳрум қилди; даврнинг юксак парвозлари ва фожиаларини ўзига жойлаган, ўз ҳароратини сўзга, халқ хизматига бағишлаган юрак таслим бўла бошлади. Лекин ижод шавқи, толмас илҳомли меҳнат шоирни тарк этмади: «Ҳалол нон ошаб — яшай, Бир ушоқ емай текин меҳнаткаш юрт олдида, Юзим бўлсин доим оқ». Зўрайиб бораётган хасталикни енгиллашга ёрдам берувчи юмор уни тарк этмади. Илгари, дўстлар билан учрашганда, Миртемир катта ишдан сўнг бир рюмка коньяк билан Наманган узумини газак қиларди. Айтишларича, унинг соғлиғига жиддий путур етгач, Миртемир врачдан коньяк ичиш мумкинми, деб сўрабди.

— Бир стакан чойга тўрт томчи мумкин,— деб жавоб берибди врач.

Уйда эса Миртемир хотинига шундай жавоб берибди:

— Ичишга рухсат берди, фақат шу тартибда: бир рюмка коньяк билан тўрт томчи чой.

Албатта, бу ҳазил эди: муҳим бўлмаса-да, кунларнинг бу ёқимли бўёғи ўчса ҳам, шоир таъқиқларни бузиш ҳақида ўйламасди ҳам.

Миртемир Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлганди. Лекин бу унвон эмас, унинг инсоний ва шоирона табиатининг асл моҳияти эди. У ўз қўллари ҳақида «ҳар қандай ҳунарга ярайдиган» деб ёзган устоз эди. У ёшлигида неча ҳунар, неча машғулот билан шуғилланганди. Лекин унинг ҳақиқий истеъдоди шеъриятда эди. Шеър устида тинмай ишлар эди. Унинг Гомерни, Руставелини, Лермонтов, Некрасов, «Манас»ни ва жуда кўп замонавий шоирларни таржима қилишдаги улкан ишлари-чи!

Бир вақтлар биз Тошкентда бир ҳафта кўришмадик. Учрашганимизда, шу вақт ичида қилган ишларини сўрадим.

— «Бошсиз чавандоз»ни таржима қилдим,— камтарин жавоб берди у.

1970 йил. Зилзиладан сўнг темир панжаралар билан ўралган Миртемирнинг катта ҳовлисига узун столлар қўйилган. Уларга неча юзлаб меҳмонлар жойлашдилар. Уй соҳиби ўзининг 60 ёшини нишонламоқда. Шу кун стол атрофида ярим тунгача дунёдаги барча юрак сўзлари янгради. Мен ҳам дўстим ҳақидаги сўзларимни шеърда ифодаладим.

Мен қутлайман Миртемирни  
Унинг қутлуғ тўйида.  
(Қофия қилар «мирни»  
Кутар шеърхон деб уйда).  
Дўстларга ҳам, бизга ҳам  
Қадрдон ном — Миртемир.  
Икки рус сўзин мустаҳкам  
Қўшган: мирта гул ва мир.  
Мангу яшил мирта гулу  
Тинчлик — барқарор тилак,  
Шу эмасми шеърятнинг  
Кўксида урган юрак!  
Чин саҳоват билан қайноқ  
Қўшиқ каби ҳар сатринг.  
Унда шоир қалбинг уйғоқ,  
Ва она тил қудрати.  
Шеъринг фақат одамиймас,  
Юрт ҳаётига эгиз,  
Жисми билан «Ўзбекона»,  
Халқ ичра отган илдиз.  
Шунинг учун ҳеч толмас у,  
Муносиб таржимондай  
Ўзинг севган қофияли  
Ва радифли шеър билан  
Ҳурматим изҳор этай:  
На қарилик, кўрма на ғам, о, Миртемир!  
Зафарларинг бўлмасин кам, о, Миртемир!  
Шеърятинг ўчмас қадам, о, Миртемир!  
Шоир сўзи бўлсин ҳамдам, о, Миртемир.  
«Севги баробардир қари-ю, ёшга».  
Юз ёшинга ҳали қирқ кам, о, Миртемир.

Бу ҳазил аралаш сатрларим — тилагим чин дилдан этди. Лекин тақдир шоирга ўша унутилмас кундан кейин қирқ йил эмас, бир неча йилгина умр насиб этди...

## ДУСТЛИККА САДОҚАТ

Совет шарқининг машҳур шоирларидан бири Миртемир домла ҳақида гап кетгудай бўлса, ҳар гал кўз олдимдан қирғиз халқининг минг йиллик тарихини ўзида акс эттирган «Манас» эпоси ўтади. Тоғли элатим учун бундан муқаддас нарса йўқ. Қирғиз халқи ана шу буюк дostonни пуштидан қолган табаррук мерос сифатида ҳамиша ардоқлаб, кўз қорачуғидек сақлаб келмоқда. Зотан бу асарда илк баҳорда бош кўтарган майсанинг шитирлашидан тортиб, кўз ёши кўлга айланган бутун бир элнинг тақдиригача бўлган воқеалар ўта маҳорат билан баён этилган. Уни қачон кўлимга олсам, шеърятда Манасдек алп, ҳалол ва ўктам устоз Миртемир беихтиёр ёдимга тушади.

Ёзма адабиёти бўлмаган, ўтроқлашиб уй солмаган, от ёлида қозон осиб ҳаёт кечирган халқимизнинг мазкур эпик мероси бугунги кунда элдан-элга, тилдан-тилга ўтиб, келажакка хизмат қилар экан, бу борада устоз Миртемирнинг ҳам ғоят катта улуши борлигини қирғизистонликлар зўр фахр билан тилга олишади.

Нафсиламбирини айтганда, «Манас» эпосини таржима қилиш учун зўр шоир бўлиш билан бир қаторда, у ёки бу элнинг ҳаётини чуқур билиш, тилини ўрганиш, қисқаси Манасдек алпона юракка эга бўлиш керак. Икки халққа тенг фарзандлик бурчини ўтаган, Миртемир домладай халқчил шоиргина ушбу эпосни таржима қилиши мумкин эди. Бу саҳоватли иш ўзбек ва қирғиз халқини янада жипслаштириб, дўстлик алоқаларини юксалтириб юборди. Қирғиз ёзувчиларининг орасида

«Миртемир келибти» деган хушхабар жуда тез тарқалар эди. Еки қирғиз адибларининг Тошкентга йўли тушгудай бўлса устоз Миртемирни излашарди...

Бугун мен ҳам шундай хиссиётлар оғушида машҳур шоирга, улкан таржимонга қўл бериш, чехрасидан нур ёғиб турган бу саҳоватли қалб эгаси билан учрашиб, адабиёт ҳақида суҳбатлашиш учун Тошкентга ошиқар эканман, қалбимни оғир қайғу босади... Сафардошим Турсунбой Адашбоев билан устознинг қабри қошида бош эгиб, ўзбек ва қирғиз халқига Миртемир акадай ҳалол хизмат қиладиган шоир ва таржимонлар яна чиқармикин деб хаёлимдан ўтказаман. Устоз эса чурқ демайди. Ўзингиз ёзганингиз каби «Қоқиндиқ, сизни сизни жуда соғиндик...» Айниқса шу кунларда сиз ардоқлаган Қирғизистонда қадрингиз кўпроқ билинмоқда...

Қимматли устоз Сиз ўзбекчага ўгирган «Манас»нинг сўнгги китоблари ҳамон таржима қилинмай турибди. Хусусан эл ардоқлаган шоирнинг ўрни тезда йўқланиб қоларкан. Одатимга кўра, қойилмоқом қилиб ёзган «Қирғизистон» шеърингизни фикран такрор ўқийман:

Лоланинг оқини кўрдим бу юртда,  
Зумрад, кўк, тоқини кўрдим бу юртда,  
Жўмард бир соқини кўрдим бу юртда...  
Иссиққўл эмас, бу — чексиз осмон бу —  
Қирғизистон бу!  
Бунда той-той момиқ, ёпоғи, тивит,  
Бунда олма, ипак, мовут, каноп, чит.  
Бунда ҳар ёш қирғиз Манасдай йигит,  
Ўзи ажиб, сўлим, яшил жаҳон бу —  
Қирғизистон бу!

Юракнинг қат-қатидан чашмадек сизиб чиққан бу оҳанграбо мисраларни ўқиганингизда, беихтиёр унинг ижодкорига қойил дейсан. Қирғизистон ҳақида Сиздан ўтказиброқ шеър ёзган ижодкорни ҳали-ҳозир кўрганим йўқ. Тасанно, Устоз! Қабрингиз қошида туриб, Қирғизистонда кечган хуш онларингиз кўз олдимдан ўтади.

... 1975 йилнинг сентябрь ойида Қирғизистонда совет адабиёти кунлари ўтди. Бу адабиёт байрамига кўплаб таниқли шоирлар, ёзувчилар келишди. Биз қирғиз шоири Совранбой Жусуев билан меҳмонларни кутиб олар эканмиз, у киши Сиз ҳақингизда менга йўл-йўлакай сўз-

лаб берди. Чоғроққина хонада суҳбатлашиб ўтиргани-  
мизда Миртемир аканинг келганини эшитган Қирғизис-  
тон ССР халқ шоири Қувончбек Маликов ҳам етиб кел-  
ди. Бир пиёла кўк чой баҳона узоқ гурунглашдик. Уша  
куни домла Республика Фаилар академиясининг «Ма-  
нас» секторида бўлди, Дзержинский хиёбонида сайр  
қилди. Хуллас Фрунзеда худди Тошкентда юргандек  
ўзини эркин ҳис қилди.

Одатда бундай катта йиғинлардан ошиниб, бирор  
юмуш қилиш ҳам қийин. Аммо Миртемир ака фурсат  
топиб, самолётга билет олиб Таласга учиб кетди. Кейин  
билсак, беш юз чақирим йўл юриб Манаснинг қабрини  
зиёрат қилгани борган экан. Мана юртга, адабиётга са-  
доқат.

Ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмаган ўлим, Сизни ҳам  
аямади мухтарам муаллим! Сиз буюк Ўзбекистон 6 мил-  
лиондан ошириб «оқ олтин» хирмонини кўтарган сахий  
кузда 70 ёшга тўлар эдингиз. Завқ-шавқ билан куйла-  
ган бўлардингиз... Сизни қирғиз адабиётининг Ўзбекис-  
тондаги вакили дейишарди. Бу сафар ҳеч ким Мирте-  
мирга учрагин деб айтмади... Мен эса ўзингиз сўнги  
марта тартиб берган «Едгорлик»даги «Асо» деб номлан-  
ган шеърингизни қайта-қайта такрорлайман.

## ИЖОДКОР НАМУНАСИ

Бу ажойиб инсон, нозиктаъб шоирнинг ёрқин хоти-раси ҳеч қачон ёдимдан ўчмайди. Гарчи менинг Миртемир билан учрашувларим ва у билан суҳбат қурган онларим камдан-кам бўлса-да, улар ҳамиша самимий, ҳар иккимиз ҳам ижодий кишилар бўлганимиз туфайли, ҳамма вақт ғоят мафтункор ўтарди. Айниқса ўзаро суҳбатларимиз тор, ўзига хос бўлиб қолмай, бир-биримизнинг ишларимизга қизиқиб қараш билан характерланади.

Ҳамон эсимда. Уруш пайтлари эди. Бизнинг репертуаримизда доҳий ҳақида кўшиқ бўлиши жуда зарур бўлиб қолди. Вақт зиқ эди. Шунда кўпгина шоирларимизга шу хусусда мурожаат қилдик. Бироқ ҳеч ким бунга журъат этмади. Фақат Миртемиргина юксак ватанпарварлик руҳи билан суғорилган, бадий жиҳатдан етук кўшиқ ёзиб берди. Иккаламизнинг ҳам ижодий орзуларимиз бор эди. Биз кўшиқли балет яратиш ҳақида орзу қилардик. Миртемир менинг материалим асосида шундай балетни ёзишни жуда-жуда истарди. Аммо икки ўртадаги орзуйимиз рўёбга чиқмади. Биз гастролга жўнаб кетдик.

Мен бу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Миртемир санъатга, хусусан кўшиқ ва кўшиқчилик санъатига ҳаддан зиёд ихлосманд, санъаткорларнинг маънавий мададкори эди. У ёшлик йилларида-ноқ бизларга концертларда ижро этиш учун ўз шеърларини совға қиларди. Улардан кўпинча муайян куй ҳиди баралла анқиб, оҳанглар жилоси кўзга яққол ташланиб турарди.

Ҳа, Миртемир шеърят соҳасида ҳам, қўшиқчилик соҳасида ҳам баракали қалам тебратди. Унинг кўп сонли асарлари ўзбек халқининг маънавий маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Ардоқли шоиримиз, ижодкор дўстимнинг қатор шеърлари ва қўшиқлари неча минглаб поэзия мухлислари ва қўшиқ шинавандалари қатори менинг учун ҳам энг қимматли совға бўлиб қолди. Чунки улар нима ҳақида ёзилган бўлса, шу жиҳатлари билан, қалб садоси, оташин ватанпарварлик нидоси, ҳаёт ҳақиқатларининг етук поэтик ифодаси бўлганлиги билан менга, менинг қалбимга бениҳоя яқиндир. Мен ёшларимизнинг Миртемир намунасидан ўрнак, қуйма шеърӣ сатирлардан маънавий озиқ олишларини истардим.

## УЛКАН ШОИР

Миртемир осойишта, камсуқум одам эди. Жим, оҳиста юрарди. Аммо ичида буюк дард — халқининг ташвиш-ғами, кураши, шодликлари ва эҳтироси муттасил туғён уриб турарди. У халқ бахтини куйлаб чарчамасди.

Гурунгларда у жим қулоқ солиб ўтирарди. Суҳбат берувчига тикилганча, унинг юз-кўзларида намоён бўлаётган туйғу аломатларини гўё кўнглига битиб оларди. Суҳбат оқими ҳазил-мутойибага кўчса, у туйқисдан қаҳқаҳа отиб юборарди. Ҳа, у яйраб куларди.

Куй, қўшиқ янграса, — гурунгдами, дала-туздами, — унинг вужуди дарҳол қулоққа айланар, гавдаси шу ҳавога монанд тебранарди. Кейин унинг лаблари пичирларди: — Инсон бепайғамбар кун кўра олур ва лекин қўшиқсиз яшаши маҳол.

«Гулистон» журналининг ўтмишдоши — «Ер юзи»нинг қоғозлари сарғайиб кетган бир сонини авайлаб варақлардим. Кўзим ногаҳон кичик бир шеърга тушди. Тагига билим юрти ўқувчиси: Миртемир, деб имзо чекибди. Ўша вақтда, 1926 йилда Миртемир Тошкентда, ўзбек билим юртида ўқир эди. Унинг сози энди янграй бошлаганди. Катта йиғинларда у стол устига чиқиб шеър ўқирди.

«Ер юзи»нинг 7 ноябрь сониди босилган ўша «Танбурим товуши» шеърида ёш шоир:

Борлиққа тарқалсин танбурим товуши,  
Торига боғласин тош кўнгиллари...  
Шодланиб, мунгланиб, чўзиқ куйлаши,  
Қайнатсин, эритсин, ёш юраклари! —



деб ҳайқириқ солган эди.

Шеърятдаги ноёб бир ҳол: мисра ва қофияларнинг уйғунлиги, бири иккинчисини қувватлаши, ўйноқлик, равонлик, жўшиб-тошиб янграши — ана шу Миртемир шеърятига хослик унинг илк шеърдаёқ ўзлигини намоён қилган эди.

Миртемир ўз шеърларида умр бўйи ватанни улуғлади, халқ дилини куйлади.

Эллигинчи йиллар эди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг адабиёт бўлими доим гавжум. Миртемир билан Саид Аҳмад шу бўлимнинг жамоатчи ходимлари эди. Саид Аҳмад ҳикояларни кўриб сараларди. Миртемир шеърларнинг яхшиларини шошмай ажратар, таҳрир қиларди. Кейин бу шеърлар ва ҳикоялар бирин-кетин газета саҳифаларида кўринарди. Гоҳо қизларнинг шеърлари, гоҳо йигитларнинг шеърлари алоҳида саҳифаларни тўлдириб чиқарди.

Ёшларнинг шеър ва ҳикоялари редакцияга ёғилиб келарди. Миртемир жим шеър ўқирди: гоҳо юз-кўзи шодон кулар, гоҳо бош чайқар, бармоқларини қарсиллатиб бошини кўтарар ва дерди:

— Мана буни қаранг, ёш-да ҳали, шошади, жиндай кунт қилса, мана шу сўзга лойиқ қофия топса, биласизми, тамом янги, тамом жонли шеър юзага келадикун-я! — деб хитоб қилар ва қалам орқасини иягига тираганча хаёлга толарди.

Кейин у янги қоғоз олиб ёшларга маслаҳат хати ёзишга тутинарди.

Миртемир ёш ижодкорларни жуда эҳтиётлар, уларни ўз киприкларига қиёс қиларди. У ёшларнинг бардошли маслаҳатгўйи, меҳрибон мураббийси эди.

Миртемир шеърят қасрини янги бўёқ, янги жило ва янги фикр билан бойитди. Унинг сатрларини дил такрорлайди: кўз олдимда муҳташам, мунаввар шаҳарлар, яшил қишлоқлар, бепоён пахтазорлар, боғ-роғлар, подапода мол, қўй-жаллиғ, уюр-уюр йилқи ёйилиб юрган бахмал яйловлар, бу диёр эгалари — икки замоннинг бирига гувоҳ, иккинчисига доя бўлган, унга кўрк берган чинордай мўйсафидлар, диловор йигитлар, барно қиз-жувонлар гавдаланади. Ленин жилмайиб туради: мулойим, хаёлчан, улуғвор, хиёл қисик кўзлари олисларда, заковатли меваларидан мамнун, айни вақтда янги довонларга, янги парвозларга йўллаб тургандай...

Миртемир республикани, республикаларни, Советлар дийёрини кезарди, меҳнаткаш, шерюрак, парвози бургут кишилар билан таниш-билиш бўларди, сўлим, сирли, сеҳргар табиатни кузатарди. Шоирнинг кўнгли тўларди. Кўнгил тўлиб, тиниб, булоқ кўзларидан отилган зилол сувдай қайнарди. Шунда унинг қўшиқлари авж пардага чиқади: гоҳ сув бўлиб шилдирарди, гоҳ барг бўлиб шивирларди, гоҳ ўтлоқ бўлиб ястанарди, гоҳ саҳарлари эпкин бўлиб гулзор ораларди: ўзи хассос рассомга айланарди, мўйқалам билан эмас, сўз билан расм чизарди, жилоси кўзни қувонтирар, дилни яйратарди. У баъзан жиддий, гўё гунг, одамови бўлиб қоларди, дилида шеър, залвар, фалсафий шеър туғиларди: ўқийсиз, хаёлни олис-олисларга, инсон тақдири, кураши ва бунёдкорлиги тарихига олиб кетади. Ўйга, чуқур ўйга толасиз.

Миртемир қозоқ элида меҳмон бўлиб, қиз қўлидан қимиз симирганда:

Шошмайин шимираддим,  
 Мен-ку ташна эмасдим,  
 Қандайдир ташналигим  
 қонгандай эди лекин,  
 Жилмайиб тағин корсон  
 тутса ҳам йўқ демасдим,  
 Уни ҳам ичар эдим  
 Шошмайин, секин-секин.

Бу ўйноқи, ҳазиломуз тасвир шундай равшанки, қимиз таъмини тотгандай бўласиз, яйлов, чечаклар ҳидини туюсиз, бағри кенг, сахий қардош қозоқларни кўрасиз, уларнинг меҳрига қонасиз.

У қирғизларга бориб келганда, янги шеърлар туркумини қувона-қувона ўқирдик:

Ўтлоқлар тиззадан,  
 даралар сулув,  
 Кўлларда юзар суқсур  
 ва оққув.  
 Қаёнига борма — булоқ,  
 тиниқ сув,  
 Қаёнига борма — омон,  
 омон бу —  
 Қирғизистон бу!

Завқли-шавқли сўзлар, қуйма сатрлар — юрак жумбишга келади, ўқиб қирғизлар юртига боргингиз, кўркига тўйгингиз, осмонсимон кўлида қулоч отиб чўмилингиз келади.

У қайси эл, қайси юртга бормасин, кўнгли тўлиб, жўшиб қайтарди.— Туркменистонда Махтумқулини эслар, Қорақалпоқда Тошкентни соғинарди, янги шеър, янги дурдона яратиларди, Миртемирнинг юрак садоси, кўшиғи янграрди, мухлислар хурсанд эди.

Ўн беш йилдан ошди шекилли, илк баҳор, куртаклар энди ниш урган, баҳор нафаси гуркираб келаётган кунлар эди. Шу сатрлар муаллифи водийда шоирга ҳамроҳ бўлган эди. Ажойиб ҳикоялари, қисса, романлари билан китобхон қалбини банд этган адибимиз Саид Аҳмад, шоир ва драматург Жалол Машрабий ҳам шу сафарда бирга эдилар. Қавс ичида айтиб ўтай синчков, кўрганни тез илғайдиган, одам қалбига тез кира оладиган Саид Аҳмад ўша сафар таассуротларидан «Чўл шабадалари» номли тўпламга кирган жозибали ҳикояларини ёзди, кейин чўлни кўп айланди, чўл билан, чўл одамлари билан ўз тақдирини боғлади, «Уфқ» деб аталган уч китобдан иборат катта романини яратди...

Ўша илк баҳор кунларида Марғилон шаҳрида бўлдик. Торкўча муюлишида бетига дока тутган, атлас кўйлакли қиз ногаҳон рўпарадан чиқиб қолди. Бир қиё боқиб, ҳовлига ўзини олди. Бу тасодифдан ҳамроҳлар нимагадир енгил кулдик, қизни машҳур адиб Абдулла Қодирий таърифлаган, бир кўришда Отабекни ошиқи беқарор қилган Кумушга қиёс қилдик.

Кейин Миртемирнинг чеҳраси жиддий, ҳатто маънос тус олди. У дилида қизга ачинар, кимдандир дарғазаб эди шекилли. У ҳеч нима демади, ён дафтарига нима-ларнидир ёзиб қўйди.

Ўша кунлари Ёзёвон чўлларини айландик. Янги қишлоқлар, янги районлар. Бу ерлар энди чўл эмас. Марғилоннинг обод яшил боғли қишлоқларига бўй бермас эди. Бу ерларда неча-неча гурунглар бўлди. Аммо Миртемирни ҳамон пардали қиз ҳақидаги ҳис-туйғу бўшатмаган, у тинч дарёдек жимиб қолган эди. Гоҳо ўзини гурунгдан ҳоли тортиб кетарди. Хаёл оғушида жим юрар, ногоҳ тўхтар, қўлини чўзиб бўшлиққа ниманидир ёзар, уларни гўё ўчириб ташлаб қайта ёзар, аллақаярларига вергуллар, нуқталар қўяр, яна ўчириб, яна ёзарди...

Унинг бу ҳолати синашта бўлмаган кишилар учун кулгили эди.

— Домла ўзи билан банд, шеър етиляпти,— деди Жалолхон.

— Шу шеър битади-ю Миртемир акам тилга кирди,— деди Саид Аҳмад.

Кечқурун хушҳол «тилга кирди». Кулишдик.

— Биласизларми, нима ачинарли?— деди у оҳиста, босиқ товушда.— Минг афсусларки, шундай замонда айрим жойларда, баъзи ота-оналар қизларини пардада сақлайдилар. Шўрлик қизлар! Бир шеър кўнгилни тинч қўймади...

Водийнинг Олмос қишлоғида, булоқлар бўйида дам олдик. Сув шаффоф, булоқлар таги яққол кўринади. Булоқ кўзларидан қайнаб чиққан сув кўкимтир — оқ қумни муттасил селпиб туради. Балиқлар юмшоқ қумга тўш уриб сакрашади.

Шоир шу қишлоқлик, Совет давлати бино бўлгандан бери кўп ишларга бош-қош бўлган Эргаш полвон Сулаймонов билан булоқ лабида узоқ суҳбатлашиб ўтирди, кўпроқ полвонни гапга солиб, ўзи эшитди. Кейин бармоқларини қирсиллатиб, лаблари пичирлаб якка сайр қилди. Эртасига қишлоқ аҳолиси билан бўлган учрашувда бир эмас, иккита янги шеър ўқиб берди. У:

Табиат бу жойда

нечоғлик жўмард,

Ҳовуз тағларида қайнар

чашмалар,

Чашмалари сўзлайди

налар?

Бир ҳўплам ич, дейди,

кўрмагайсан дард!

Табиат бу жойда

нечоғлик сулув,

Инсон — табиатнинг ўғли

бу жойда,

Минг булоқ жўш урар

жардаю сойда,

Бир қултум ичгин, деб,

шилдирайди сув,—

деб дона-дона ўқиганда одамлар ўз жойларининг шифобахш табиатини қайта кашф этгандек суюнишди. Шоир иккинчи шеърни ўқиди:

Бир оқсоқол кўрдим —  
бўйи чинордек,  
Эғнида беқасам, кўкраги  
очиқ,  
Қора чақмоқ каби ҳануз  
кўз,  
Билакларда йўлбарс  
қуввати бордек,—

деганида зални лиқ тўлдириб ўтирганлар Эргаш пол-  
воннинг басти-савлатини аниқ кўрдилар, шоирни олқиш-  
га буркадилар.

Ҳа. Миртемир доим сафарда эди, юрт кезарди, одам-  
лар орасида юриб шеър ёзарди, дили улар дилига, қу-  
рувчи, бунёдкор халқининг оташ қалбига пайванд эди.

Шеърхон халқ буюк Пушкиннинг юрак торини черт-  
ган нозик шеърлари, эртақларини, Некрасовнинг халқ  
тақдирини куйлаб, туғён кўтарган шеър ва поэмалари-  
ни, Шчипачев ва Светловларнинг замонамиз таронала-  
рини, украин, қозоқ, қирғиз, туркман шоирлари шеърла-  
рини ўз она тилида, Миртемир таржимасида ўзбек шеъ-  
ридек равон ўқийди.

Миртемир ўзбекнинг ана шундай улкан шоири, кам-  
тар, заҳматкаш, бағри кенг, кўнгли юмшоқ, куйчи фар-  
занди эди.

## ЯХШИЛАРГА ЁНДОШИБ

Оғалар

Одам умрида рўй берадиган хайрли ишларга кимлардир сабабчи бўлар экану, сўнг ўша яхшилик кўрган одам уни бир умр олқаб юрар экан. Собит ога билан Миртемир ака менинг таржимонлик фаолиятимга сабаб бўлганлардан. Шунинг учун мен уларни ҳар гал чуқур ҳурмат ва фарзандлик меҳри билан эслайман.

1952 йил. САГУда ўқиб юрган кезларимиз эди. Бир бахтли тасодиф бўлиб, қўлимга Собит оғанинг «Менинг мактабларим» деган китоби тушиб қолди. Қозоқ тилини унча-мунча билишим қўл келиб, китобни ўқий бошладим. Китоб — автобиографик роман бўлиб, тахминан ўттиз беш-қирқ босма тобоқдай келарди. Ўша пайтлардаги студентликнинг ўзига хос риёзатларига, дарс ва конспектларнинг кўплигига қарамай, китобни икки кунда ўқиб чиқдим. Ниҳоятда енгил, ширали тилда ёзилган бу китоб муаллифнинг бошидан кечирганлари, кўрган-билган воқеалари, ҳаётда мулоқотда бўлган кишилари ҳақида ҳикоя қиларди. «Ёзувчи бўлиш учун бой биографиянг, кўрган-билган нарсаларинг кўп бўлиши керак. Ана шунда ёзган асарларинг самимий ва ростгўй чиқади...» деган гапларни ўрта мактабда муаллимлардан ҳам, кейинчалик университетда олимларнинг маърузаларидан ҳам талай-талай марта эшитганмиз, мақолаларидан ҳам кўп ўқиганмиз. Менда: «Баъзи ёзувчи бўлишни ҳавас қилиб юрган ўртоқларимизнинг бир ҳовучгина биографияси бору, тагин ёзувчиликни даъво қилиб юришибди. Шу асарни ўзбек тилига таржима қилинса, ана шу ўртоқларга дарс бўлмасмикан?..» деган бир хомаки



Миртемир шогирдлари — қорақалноқ шоири Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар билан.

фикр туғилиб қолди. Аммо бу фикримни кимга айтишни, ким билан маслаҳат қилишни билмасдим. У пайтларда китоб ёзиш бу ёқда турсин, ёзилган асару қилинган таржимани қаерга олиб бориш, ким билан гаплашишни ҳам тузукроқ билмас эдик. Собит оғани Ғафур ака билан дўст, сирдош деб эшитган эдим, аммо у пайтда Ғафур Ғуломдек улкан шоир билан гаплашишга юрагимиз унчалик дов бермас эди.

Кунлардан бир кун Собит оғанинг қалин китобини қўлтиқлаб, ҳамшаҳаримиз Миртемир аканинг олдига бордим. У вақтларда бир-биримизни танимас эдик, Мен ўзимни таништирдим. Мақсадимни айтдим. У киши бир оз сукут қилди-да:

— Яхши ўйлабсан, иним,— деди.— Бироқ... бироқ сал кичикроқ асардан бошлаш керакмиди? Бу жуда катта асар, бошловчи таржимонга сал оғирлик қилар...

Мен индамай ўтирардим. Индамай ўтирганимни у киши қайсарликка йўйди шекилли:

— Ҳай, бўлмаса эртага нашриётга кел. Мен ҳам бораман, ўзимнинг ҳам ишларим бор эди. У ердаги ўртоқлар билан бир гаплашиб кўрайлик-чи?— деди.

— Нашриёт қаерда?— деб сўрадим Миртемир акадан.

У киши пиқ этиб кулиб юборди.

— Э, ҳали нашриётнинг қаердалигини билмай, ёстиқдай романни кўтариб юрибсанми, бўтам. САГУ— Карл Маркс кўчасида. Ўша кўчадан сал берига юрсанг, Карл Маркс кўчаси билан Қиров кўчаси муюлишида эшигининг тепасига катта қилиб «ЎЗДАВНАШР» деб ёзиб қўйибди.

Нашриёт шундай биқингинамизда бўла туриб, уни билмаганим учун қизариб, Миртемир ака билан эртага қайси вақтда учрашишимизни келишиб олиб, ётоққа қайтиб келдим. Миртемир ака билан танишганимдан, озгина бўлса ҳам ишим юришай деганидан бошим осмонда эди.

Эртасига дарсдан чиқиб, соат учларда нашриётнинг олдига борсам, Миртемир ака эшик олдида кутиб турган экан. Боришим билан мени ичкарига олиб кириб, қорачадан келган, сочлари қуюқ бир киши билан таништирди. Чамаси илгарироқ келиб, бор гапни у кишига айтган шекилли, аслида камгапми ё у кишига ҳам китоб каттароқ кўриндими, столни чертиб бир оз индамай ўтирди. Миртемир ака гаплашаверинглар, дегандай



бошқа хонага чиқиб кетди. Ҳалиги қуюқ қора сочли, эгнига янги йўл-йўл қора костюм кийиб олган чорпахл киши китобни қўлига олиб аста варақлар экан, қошларини чимирди.

— Талаба экансиз-да.. Қайси курсдасиз?

— Иккинчи.

— М-да... Таржимага биринчи қўл уришингизми?

— Энди... Ҳали қўл урганим йўқ, домла,— дедим нийманиброқ.

Талабалик йиллари ўзимиздан каттароқ кишиларни кимлигини суриштириб ўтирмай «домла» деб аташга одатланиб қолган эдик,

— Мен бу китобнинг ихчамлаштирилган русча нусхасини кўрган эдим,— деди нашриёт ходими бояги ҳолатини бузмай.— Бу китоб бизга ҳам, сизга ҳам катталик қилар. Авторга бир хат ёзмайсизми?

— Нима деб?

— Мана шу китобни ихчамлаштириб бера оласизми, деб-да?

— Қайдам.

— Бир ёзиб кўринг. Бизнинг фикримизни ҳам айтинг. Агар хўл десалар, планга киритамиз.

Маслаҳат шунга келиб тақалиб, мен у киши билан хайрлашиб коридорга чиқдим-да, кейинги келганимда адашмай деб эшигига қарадим. Эшикда «бўлим мудирини Шукур Саъдулла» деб ёзиб қўйилган эди. «Шукур Саъдулла деган шоир шу киши экан-да». Ўрта мактабда ўқиб юрганимизда у кишининг шеърларини талай марта ёд олганмиз, пьесаларини саҳналаштирганмиз.

Таниш адибларим биттага ортганидан хурсанд эдим. Чамаси Миртемир ака мен ҳақимда дуруст фикр айтган шекилли, яхши муомала қиларди. Шу хурсандчилик билан дарҳол қўлимга қалам олиб, Собит оғага хат ёздим. Хатда бояги гапларни батафсил айтдим, у кишининг розилиklarини сўрадим. Собит оғанинг аниқ адресини билмаганим учун Чеховнинг Ванкасига ўхшаб: «Олмаота шаҳри, Қозоғистон Ёзувчилар союзи, ёзувчи Собит Муқоновга» деб ёздиму, почта қутисига ташладим.

Бировни интизорлик билан кутиш, айниқса хат кутишнинг қанақа бўлишини яхши биласиз. Бир ҳафта-лардан сўнг ётоқхонага почтальон аёл телеграмма кўтариб кириб келди.

— Фозилов қайси биринг?

— Мен...

— Телеграмма. Мана бу ерига қўл қўй...

Қувончли ҳаяжондан қўлларим титраб, почтальон аёл кўрсатган жойига имзо чекиб, телеграммани олдим. Собит оғадан!

«Ҳурматли Носир Фозилов. Хатингизни олдим. Тез кунда «Менинг мактабларим»нинг қисқартирилган вариантыни юбораман. Миртемирга мендан салом айтинг. Собит Муқонов».

Бирпасда ётоқдош дўстларим атрофимни ўраб олишди. Улар менинг ниятимдан беҳабар эдилар. Бир бошдан гапириб бердим. Сўнг телеграмма қўлдан-қўлга ўтиб кетди. Ўзимда йўқ хурсандман, бунинг устига курсдошларим олдида бирпасда обрўйим ошиб кетди. Уша куниеқ телеграммани нашриётга Шукур Саъдуллага олиб бориб кўрсатдим. У киши ҳам хурсанд бўлдилар. Қандайдир папкани очиб, «С. Муқонов. «Менинг мактабларим» деб қайд қилиб қўйдилар-да:

— Энди қўлёмани кутамиз,— дедилар.

Шу орада ҳовлиқиб телеграммани Миртемир акага ҳам олиб бориб кўрсатдим. Хурсанд бўлдилар.

Орадан тахминан икки ойча муддат ўтганида, дардан чиқиб ётоққа кирсам, каравотимнинг устида қандайдир бир қоғоз ётганини кўриб қолдим. Бундай қарасам — извещение. Шу заҳоти почтага қараб чопдим. Кўпдан зориқиб кутганим қўлёмна экан. Анча қалингина, салмоқлигина. Йўл-йўлакай у ёқдан-бу ёққа урилавериб, сиртига ўраб боғланган қалин сариқ қоғознинг бурчак-бурчаклари титилиб, йиртилиб, қўлёманинг бурчлари очилиб қолган, устига уринмасин учун қўйилган қаттиқ картонларнинг бурчаклари ўралган қоғозни йиртиб чиқиб турар эди. Ётоққа кела солиб, сабрим чидамай бандеролни очдим. Қўлёмна устида бир варақ қоғозда саломнома, кейин асар. «Собит Муқонов. «Ҳаёт мактаби» повестъ». Негадир «Менинг мактабларим» «Ҳаёт мактаби» қилиб ўзгартирилган эди. Унда яна Миртемир акага самимий салом йўллаган, негадир у кишини «жиян» деб атаган эди.

Яна Шукур Саъдулланинг олдига ҳовлиқиб кириб бордим. У киши қўлёмани варақлаб, чамалаб кўриб:

— Ўн листча келар. Анча ихчамлашибди. Энди бошласангиз бўлаверар,— деди.

Шундай қилиб, енг шимариб таржимага киришиб кетдим. Ўқиб юрган кезларимиз. Вақт қайда дейсиз.

Кечалари ётоқда чироқни ёқиб қўйиб, баъзи ётоқдошларнинг жонига тегиб ишлардим. Улар, чироқни ўчир, ухлаймиз, дейишади. Мен ўчиргим келмайди. Бир куни курсдошлардан бири келиб, «Қани, нима қиляпсан ўзи?» деб таржимани ўқиб кулиб юборди.

— Сен ўзи таржима қиляпсанми ё кўчирыпсанми?

Жон-поним чиқиб кетди.

— Бу нима деганинг?

— Огайни, жаҳлинг чиқмасину, таржима бундай бўлмайди-да,— деди босиқ оҳангда. Устимдан куляпти, десам, йўқ, жиддий.— Таржимон деган...

У унча-бунча шеър-пер ёзиб, матбуотда тез-тез кўри-ниб турар, гапларида анча жон бор эди. Қулоқ солишга тўғри келди. Таржима дегани жумлама-жумла кўчириш эмас, балки ўша жумланинг негизида ётган маънони ўзбекчалаштириш, ўзбекчалаштирганда ҳам сайратиб, ўқувчи қоқилмайдиган, роҳат қилиб ўқийдиган асар қилиб беришдан иборат эканини тушундим. Бир куни у тагин ярим кечада ўрнидан туриб:

— Ҳа, ўтирибсанми, таржимон?— деб қолди кўзларини уқалаб.

— Ўтирибман...

— Менга қара, таржимон,— деди у уйқу аралаш эсанб.— Миямга бир фикр келиб қолди.

Мен ёзишдан тўхтаб бошимни кўтардим.

— Биласанми, тунов кунгидан анча қўлинг келиб қолди,— деди у бир муҳим нарса айтаётгандай овозини пастлатиб.— Таржимангдан «Пионер» журналига бир парча бермайсанми?

— Қандай қилиб?

— Қандай қилиб бўларди? Таржимангнинг қизиқроқ жойидан саккиз-ўн бетча танлайсан. Кейин яхшилаб машинкада кўчиртирасан-да, редакцияга олиб борасан.

— Танимайман-да.

— Сен мен айтгандай қилиб танла. Эртага ўзим сени бошлаб бораман. Машинистка билан ҳам шу ерда гаплашамиз. Зухра опа деган «во» машинистка бор. Пулдан борми?

— Нимаиди?— дедим хайрон бўлиб.

— Бостирганинг учун хақ беришинг керак-да, оvsар,— деди у ўрнига чўзилиб.— Бўлди қил энди, ухлаймиз.

Бу ҳозирги таниқли ёзувчи Жонрид Абдуллахонов эди.

Мен барибир шундай олиб боргани кўнглим бўлмади. Миртемир акага Собит огадан келган хатни кўрсатдим. Сўнг таржимани ҳам бир кўрсатиб олишни лозим топдим. Уйларига олиб борган эдим, ўз ишларини йиғиштириб қўйиб, таржимамни кўрди, маслаҳатлар берди. Баъзи жойларини таҳрир ҳам қилди.

— Нега Собит ога сизни жиян, дейди?— деб сўрадим Миртемир акадан.

— Кейинги онам қозоқ-да,— деди кулиб.— Шунини билди-да.

... Индинига Жонрид иккаламиз узун-қисқа бўлиб «Пионер» журнали редакциясига кириб бордик. У Карл Маркс кўчасида кўримсизгина, икки қаватли бинога жойлашган экан. Кўҳнагина ёғоч зинани гичирлатиб, иккинчи қаватдаги хоналардан бирига кирганимизда, каттагина қора «Ундервуд» деган ёзув машинкаси олдида ўтирган ўнг юзида нўхотдай холи бор, барвастагина жувон бизларни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Э, келинг, Жонридвой.

Жонридининг редакцияда анча обрўси бор экан. Дарров иш пишди. Зухра опа икки нусхадан қилиб эртага босиб қўядиган бўлди. Кейин:

— Юр, Фани акамларнинг олдига,— деди Жонрид. Унинг ҳаракатларида қандайдир ўктамлик, гап-сўзларида редакцияга яқинлик, эркалик бор эди. Шубҳасиз, бу менинг ҳавасимни келтирарди.

Индамай унга эргашдим. Билсам, «Пионер» журнали «Ленин учқуни» газетаси қошида эндигина ташкил этилиб, ҳар иккаласига Фани Жаҳонгиров муҳаррирлик қилар экан. Муҳаррир хонасига кирганимизда шундай катта одам ўрнидан учиб туриб, бизларни ўтқазгани жой тополмай қолди. Кўз олдимда Жонрид яна бир баҳя ўсиб кетгандай бўлди. Кейинчалик билсам, Фани аканинг одати шундай, катта-кичикка бирдай муомала қилар экан. Жонрид редакцияга анча эркатой бўлиб қолган эканми, тортинмай ниятимизни унга айтди. Мени у кишига Миртемир аканинг жияни деб таништирди. Фани ака яна ўрнидан туриб кетди:

— Ў-ў, Собит ога... Миртемир ака... олиб келинг, Носирвой. Албатта босамиз!

Хуллас, орадан уч ой ўтганида «Пионер» журналида Собит оганинг «Ҳаёт мактаби» қиссасидан каттагина парча яхшигина безаклар билан босилиб чиқди. Ўша пайтда қувонганларимни кўрсангиз эди! Биринчи тар-

жимангиз республика матуботида босилиб чиқади-ю, қувонмай бўладими?

Ана шунда кимгадир журнални кўрсатиб мақтангим келарди. Хуллас, журнални қўлтиқлаб Миртемир аканинг олдига олиб бордим. У киши мени яхши қабул қилиб, таржимамни ўқиб, у ер-бу ерига яна қалам урдида, таржимонлик ишимга ривож ва омад тилаб, маслаҳатлар берди. Суҳбатимиз тугаб, домланинг уйларидан чиқиб кетаётганимда:

— Ҳа, айтгандай, мулла Носирбек...— деб қолди Миртемир ака.

Тўхтадим. Нима дер экан, деб қараб турибман.

— Журналдан бир-иккита нусха топиб, Собит оғага жўнат, хурсанд бўлади.

Бу фикр менга маъқул бўлди. Хўп бўлади, деб у киши билан хайрлашиб ётоққа жўнадим. Уша куниеқ «Пионер» журналидан икки нусха топиб қўйдим. Жўнатишга келганда иккиланиб қолдим. Хўп, жўнатдим ҳам дейлик. Собит оға ўзбекчани тушунадими, йўқми?

Орадан бир-икки кун ўтгач, Ёзувчилар союзида қандайдир мажлис бўлиб, Зумрад опани учратиб қолдим. Уша пайтда Зумрад опа катта таржимон, таниқли адиб Мухтор Авезовнинг машҳур тетралогиясининг биринчи китобини ағдариб кўзга тушиб қолган эди. Негадир, қозоқ адабиётидан таржима қилиб юргани учунми, опа қозоқ адибларининг ҳаммасини беш қўлда билса керак, деган ўй келиб, мурожаат қилишга журъат этдим. Танаффус пайтида уни коридорнинг холироқ жойида учратиб, ийманибгина салом бердим. Ўзимни таништирдим-да, мақсадимни айтдим.

— Яхши биламан Собит оғани,— дедилар Зумрад опа.— У кишини таржима қилганингиз яхши бўлибди. Шу чоққача бирор йирик асари таржима қилинмаган эди.

— Таржимамдан бир парча чоп эттирган эдим. Миртемир ака Собит оғага жўнат, деб маслаҳат бердилар...

— Жуда хурсанд бўладилар.

— Бироқ... у киши ўзбекчани ўқий олармиканлар, деб...

— Менимча тушунади,— деди Зумрад опа ишонарли қилиб.— Самарқандда ўқиган-ку, нима бўпти тушунмай? Тушунмаса, хотинлари ўзбекча-ку, ўқиб тушунтириб берар.

Гапимиз шу билан тугади. Собит оғанинг «Самарқандда ўқигани» ва «хотинларининг ўзбечка»лиги мен учун янгилик эди.

Ўша куниёқ Собит оғага хат ёздим. Хат тахминан шундай мазмунда эди. Салом-аликдан сўнг, таржимани бошлаганимни, ишим яхши юришаётганини, Миртемир «жиян»лари ҳам яхши кўмак бераётганини айтиб, охирроғида «бир ўқиб кўрарсиз, ўзбеччани тушунасиз, деб эшитдим. Мабодо тушунмасангиз, янгам ўзбечка эканку, ўқиб тушунтириб берар», деб ҳам қўйдим. Сўнг хатни журналлардан бирининг орасига солиб бандероль қилдим-да, почтадан жўнатиб юбордим.

Бу гал Собит оғадан хат ҳадеганда келавермади. Орадан икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Бизлар имтиҳонларни топшириб, каникулга ҳам чиқиб кетдик.

Каникул кунлари таржима устида қаттиқ ишладим. Ниҳоят уни тугатиб, Тошкентга тушдим-да, тўппа-тўғри «Ленин учқуни»даги ўша таниш Зуҳра опанинг олдига келдим. Қўлёзмани босиб беришини илтимос қилган эдим, опа бир оз иккиланиб қолди.

— Икки юз эллик бетдан ошади, ука,— дедилар опа сал тайсалланиб.— Узингиз биласиз... Редакциячилик, иш кўп...

Бахтимга шу пайт эшикдан лоп этиб Ғани ака кириб келса бўладими! Ғани ака гап нимада эканлигини дарров илғаб олди-да, Зуҳра опанинг оғизларини очирмади:

— Йўқ деманг, опахон,— деди аввал илтимос оҳангида. Сўнг ярим ҳазил буйруқ қилди.— Мен редакторманми? Босинг! Ахир бу улуғ одамнинг асари-я. Собит Муқонов! Таржимони Миртемир аканинг жиянлари бўладилар-а!

Ғани ака шундай деб кулиб юборди. Зуҳра опа ҳам. Бу илиқлик менга ҳам ўтди.

— Ҳа, майли...— дедилар Зуҳра опа юмшаб.

— Мана бу бошқа гап,— деди Ғани ака.— Носирвой қачон келсинлар?

— Ҳафтанинг охирларига.

— Келишдикми, келишдик.

Редакциядан хурсанд бўлиб чиқдим. Зуҳра опа ҳафтанинг охирларига улгуриши турган гап эди. Чунки жуда уста машинистка. Енида ўтирган киши билан бемалол гаплашиб ўтириб босаверади, ўнта бармоғи бирдай ишлайди, жуда кам хато қилади.

«Ленин учқуни» редакциясидан чиқиб, тўғри «Ўздавнашр»га кирдим. Аввал мўлжаллаб кетган эшигимга — Шукур Саъдулланинг хонасига қарасам, у киши тўладан келган, икки бети қип-қизил, ўрта бўйликкина бир одам билан гаплашиб ўтирган экан. Мени кўришлари биланоқ, киринг, дегандай имо қилди. Кириб салом бердим.

— Ишларингиз қалай кетяпти?— деб сўраб қолди. Шукур ака.

— Тугатдим. Ҳозир машинисткага бериб келяпман.

— Зўр-ку,— деди Шукур ака мийиғида илжайиб.— У киши тўғри маънода айтдим бу гапни ё истехзоми, билолмай қолдим.—«Пионер»га парча берган экансиз. Кўрдим таржимангиз ёмон эмас. Ҳа, айтгандай, сизлар таниш эмасмисизлар? Бу киши ёш таржимонимиз Носир Фозилов. Миртемирнинг жияни. Илёсвой, Носиржоннинг таржимасини ўзингиз кўрасиз.— У киши шундай деб менга қаради.— Бу киши Илёс Муслим. Сизга редакторлик қилади.

Бу шоир ҳам менга ўз шеърлари билан ўрта мактабдаёқ таниш бўлиб кетганди, бироқ шахсан танимас эдим. Кейин у киши мени ўз хонасига таклиф қилди. Анча вақт суҳбат қилдик. Гап-сўзларидан жуда сахий, жуда самимий, одамохун бўлиб кўринди менга.

— Қўлёмани тезда олиб келинг,— деди у хайрлашаётиб,— машинкадан олганингиздан кейин устидан бир яхшилаб кўринг чиқинг. Собит оғайни бир хурсанд қилайлик.

Шу вақт ичида Собит оға масаласида кимга учрашмай, ким билан гаплашмай, ҳаммаси уни қаттиқ ҳурмат қилар, Собит оға деганда ҳамма жойда эшиклар ланг очик, қўллари кўксида эди. Менинг мурғак ақлим бир нарсани тушунишдан ожиз эди: хўш, шундай экан, нима учун шу пайтгача Оғанинг бирорта асари ўзбек тилига таржима қилинмапти? Назаримда, ё ҳеч ким журъаг этолмаган, ё эса ҳафсала қилмаган. Ҳар ҳолда кейингиси тўғрироқ бўлса керагов!

Шу хаёлда келаётиб, ётоққа бир кириб ўтиш фикри туғилиб қолди. Ётоғимиз бир кўча нарида — Ленинград кўчаси, 18-уйда эди. Қаникул пайти эмасми, ремонт қилинаётган экан. Ҳаммаёқ остин-устун, оҳак, бўёқ ҳиди анқийди. Ичкарига кириб, ўзимизнинг қадрдон хонамизга бош суқиб қараб турсам, коридордан бир шарпа эшитилди. Қарасам, ўзимизнинг комендант аёл. Ўзи рус.

Шу вақтгача унинг исм-шарифини ҳеч ким билмас, болалар уни «мамочка» деб кетишган эди. Худди она-бола кўришгандай сўрашиб кетдик. У бир сўзини русча, иккинчи сўзини ўзбекча қилиб гапираверарди.

— Слушай, Фазилов, сенга хат бор. Сейчас, ҳозир...— деб зудлик билан орқасига қайтди ва зум ўтмай қайтиб чиқди.— Вот, Олма-отадан!

— Раҳмат, мамочка.

Хат Собит оғадан эди. Мамочка билан хайрлашиб кўчага чиқдимда, сабрим чидамай дарҳол хатни очдим. Катта бир липанинг тагига бориб ўқий бошладим. Собит оға хатни «ўртоқ Носир» деб бошлабди. Назаримда мени ёши улугроқ одам бўлса керак, деб ўйлабди шекилли. Кейин одатдаги салом-алиқдан сўнг, областларга ижодий командировкага кетиб қолгани сабабли кечикиброқ жавоб бераётгани учун узр сўрабди. «Таржимангизни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим,— деб ёзибди. Собит оға хатининг давомида,— таржимангиз енгилми ё ўзимнинг асарим бўлгани учунми, тўла тушундим. Менинг услубим кам-кўстсиз сақланганидан хурсанд бўлдим. Шу услубдан оғишмай давом эттирсангиз жуда ҳам миннатдор бўлар эдим. Ҳа, айтгандай, Миртемир жиянга мендан дуо деб қўйинг. Ёрдам бергани учун катта раҳмат!»

Мақтов кимга ёқмайди дейсиз. Шу ўринга келганда хурсандчилигимдан ҳаво етишмай қолиб, бирпас нафас ростладим-да, сўнг яна ўқишда давом этдим. Хатнинг охиридаги гапларни ўқиб, аввалига уятдан терлаб кетдим. Яна қайта бошдан ўқий бошладим:

«Ҳазил: Ўртоқ Носир! Ҳозирча янгангиз қозоқ қизи. Исми Мариям. Агар мабодо оғангизнинг тўшагини ўзбек қизи билан янгиламоқчи бўлсангиз, у ҳолда қаршилигим йўқ!»<sup>1</sup> дебди.

Ёлирай, Зумрад опаси тушмагур, «Оғаннинг аёли ўзбечка» деган эди-ку! Бу қанақаси бўлди?! Шунақаям лақиллатадими одамни? Билмаса нима қиларкан ёлгон гапириб! Тағин «Самарқандда ўқиганмиш-а! Тавба.

Кўчада борарканман, бу гаплар ҳазил экани энди таъсир қилди шекилли, мийимда кулиб, бошимни чайқаб қўйдим. Бир-иккита йўловчи: «Бу одамнинг эси жойидами?» дегандай қараб-қараб ўтиб кетишди...

<sup>1</sup> Собит оғаннинг бу хати, умуман 10—15 хати менда сақланиб турибди.



Бу гапларни ичимга сиғдиролмай, тагин Миртемир аканинг олдига бордим. У киши олдин хатни ўқиб таажжубда бош чайқади-да, унинг ҳазил эканини тушуниб, роса мириқиб кулди. Миртемир аканинг айтишича, Собит оға ҳазил-мутойибага суюги йўқ, одамохун, хушчақчақ, камтарин бир инсон экан.

Шу-шу мен Миртемир ака билан бамисоли ота-боладай яқин бўлиб кетдим. У кишининг оғалик марҳаматларидан кўп баҳраманд бўлганлардан бири сифатида бир умр минатдорман...

Сир

1955 йилнинг ёзи эди: теварак-атрофда саратоннинг нафасни қайтарувчи тафти, асфальтдан қайноқ ҳовур кўтарилади. Хиёбондаги дарахтларнинг япроқлари қилт этмайди, қушлар ҳам ин-инига уриб кетишган... Иссиқдан бўғриқиб, нашриётнинг олдига келиб қолганимда ичкаридан Миртемир ака чиқиб қолди. Нашриёт Полиграф кўчасидаги 76-уйда эди.<sup>1</sup>

Миртемир ака кўтариб олган папкасини у қўлидан-бу қўлига олиб, бўйинларини дастрўмоли билан артди-да, гўё иссиқдан нолигандай бўлди.

— Ие, мулла Носир, нима қилиб юрибсан шундай иссиқда?!

Мен чўнтагимдан қоғоз олиб, у кишига кўрсатдим:

— Чақиришибди.

Миртемир ака қўли банд бўлгани учун кўзойнагини тақиш ноқулай бўлди шекилли, ҳалиги қоғозни узоқроқ ушлаб ўқиди:

— «Пионер» журналига... Яхши-ку! Жой бор эканми?

— Саида опа бўшаётган экан.

Шоира Саида опа Зуннунова, мазкур журналда адабиёт бўлимини бошқарар, кейин у киши бўшамоқчи бўлиб қолиб, ўрнига мени ишга таклиф қилишган эди. Миртемир аканинг юзи ёришиб кетганини пайқадим. Қўлидаги папка оғир шекилли, яна у қўлидан-бу қўлига олди.

— Майли, кириб чиқ. Сенга омад тилайман,— деди мен билан хайрлашаркан. Мен у кишини бир оз орқасидан кузатиб турдим. Бир маҳал орқасига қайрилиб

<sup>1</sup> Ҳозир бу кўча Усмон Юсупов номига ўзгартирилган, нашриёт биносида ҳозир Офсет фабрикаси жойлашган.

қарагандай бўлди. Дарвоқе, қўлини кўтариб чақирар эди. Зипиллаб олдиларига бордим.— Бўш бўлсанг, уйга келсанг-чи, Маслаҳатли гап бор.

— Майли,— дедим,— «Пионер»дагилар нима дер экан, билай-чи. Сўнг... кечроқ борарман.

— Кел, кутаман.

... Миртемир аканикига кириб борганимда аллақачон оқшом салқини тушиб, атроф нимқоронғи тортиб қолган эди. Ҳовлида Миртемир ака атиргулларга сув сепиб юрар, садарайҳоннинг тароватли бўйи ҳовлини тутиб кетган, гулларнинг баргларига сепилган сув тонгги шудрингдай тиниқ йилтиллер, ҳовлига аллақандай бир гўзаллик бахш этар эди. Миртемир ака мени кўриши билан қўлидаги резина шлангни шундоққина атиргуллар жўягига тўғрилаб қўйди-да, пешвоз чиқди.

— Кел мулла Носир.

— Ассалому алайкум.

Одатдаги салом-алиқдан сўнг, ўртадаги каттагина пинг-понг ўйнайдиганга ўхшаш столга таклиф қилди.

— Марҳамат. Хўш, бояги гап нима билан тугади?— деб сўраб қолди Миртемир ака ток шохида илиғлик турган сочиққа қўлини артаётиб. Эғнида кўкиш финка, пижаманинг жигарранг йўл-йўл шаравари; почалари сув текканидан ҳўл бўлиб, шалвираб турар эди.

— Ишга қирадиган бўлдингми?

— Қирадиган бўлдим шекилли,— дедим сал дудмалроқ қилиб. Миртемир ака ҳайрон бўлиброқ қаради. Мен гапимга аниқлик киритдим.

— Ун беш кунлардан кейин келадиган бўлдим.

— Нега?

— «Қараганда» романининг таржимасини битириб, машинкага берган эдим. Шунинг биратўла тугатиб, устидан кўриб, нашриётга топшириб олай деб...

— Шунга рози бўлишдимми ахир?

— Қутамиз, дейишди-ку. Розини бўлгани шу бўлса керак-да.

— Яхши,— деди Миртемир ака ниманидир ўйлагандай бўлиб.

— Боя келгин, бир маслаҳатли иш бор, деганингизга келувдим,— дедим ўртадаги сукутни бузиб.

— Ҳа, айтгандай,— деб Миртемир ака уйга йўл олди.— Мен ҳозир...

Негадир ҳовлида Миртемир аканинг болалари кўринмас, келинойимиз ошхона томонда кечки овқат би-

лан куйманар, менинг келганимдан беҳабар эди. Ҳовлида қандайдир ширин таомнинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди райҳон ва атир гулларнинг бўйига омухта бўлиб кетган, ҳозиргина сепилган сувдан атроф қўнғир салқин тортиб, одамга ором бахш этар, бу манзара менга — эндигина университетни тугатиб, адабиёт деб аталмиш сеҳрли гулшанга қадам қўйишни мўлжаллаб юрган бир бола учун жаннатнинг гўзал бир парчасига ўхшаб кўринар эди.

Хаёл билан бўлиб Миртемир аканинг чиқиб келганини ҳам пайқамай қолибман. У киши столга поп этказиб қандайдир оғир папкани қўйганида ўзимга келдим. Қарасам, бояги таниш қизил папка! Ҳайрон бўлиб Миртемир акага қарадим.

— Мулла Носир, сени чақирганим...— деди жиддий тортиб.— Менга бугун мана бу асарни беришди. Мухтор оғаники, «Абай»нинг иккинчи жилди. Шунини таҳрир қилиб берасан, дейишди. Менга бу асарнинг нима алоқаси бор экан, деб ҳайрон бўлиб ўтирдим. Миртемир ака бир оз сукутдан сўнг сўзида давом этди.— Биринчидан, бу менинг ишим эмас, бунақа катта асарни ҳеч қачон таҳрир қилмаганман. Иккинчидан, Некрасовни қўлга олганман. «Кому на Руси жить хорошо»ни таржима қилишим керак,— деб менга тикилиб қолди. Орага бир оз жимлик чўкди.— Олмасликнинг иложи бўлмади. Сен ҳам нима учун олдинг, деб сўрама. Кейин мавриди билан айтарман. Сенинг анча қўлинг келиб қолди. Собит оғани таржима қилиб бердинг. Таржиманг маъқул. Ғабиден оғанинг «Қарағанда»сини афдардинг. Ишончим комилки, бу ҳам жойида бўлади. Мухтор оға ижоди билан ҳам яхши танишсан. Қолаверса, шу китобнинг биринчи жилдига тақриз ёзгансан. Тақризинг «Қизил Ўзбекистон»дек мўътабар газетада босилиб чиқди. Одамларга маъқул. Гапнинг қисқаси: шу асарнинг таҳририга бир қарашиб юбор...

Нима дейишимни билмай қолдим. Анча вақтгача индамай ўтириб:

— Бу иш менинг қўлимдан келармикан?— дедим минғиллаб.

— Келади!— деди Миртемир ака ишонч билан.— Мана қозоқча оригинали. Таржима билан оригинални солиштириб, маъно бузилган жойлари бўлса бемалол тузатаверасан. Ҳали ўн беш кундан кейин ишга кирман, дедингми? Иложи бўлса шу ўн беш кун ичида

кўриб берсанг, ўзингнинг кўлёмангни, ёш нарсасан, ишлаб юриб кўрсанг ҳам бўлаверади.

— Майли,— дедим сал чўчиброқ.

Чўчишимнинг боиси бор эди албатта. Университетни эндигина тугатганман, шаҳарда тураржой йўқ, оиламиз шаҳардан олтиш чақирим нарида Вревский (ҳозир Олмазор деб аталади) деган жойда истиқомат қиларди. Мен энди кўлёмма билан оригинални олиб ўша ёққа кетиб ишлаш ниятида ишончсизроқ гап қотдим:

— Унда беринг кўлёмани...

— Олиб кетмоқчимисан?! Йўқ, буни бериб бўлмайди. Зумрадхоним сал тихирроқ таржимон. Мендан тез-тез хабар олиб турмоқчи,— деди Миртемир ака.— Яхшиси, шу ерга келиб ишлай қол. Мана бу уйга жой қилиб бераман, у киши дарвозадан кираверишдаги, ўнг қўлдаги кичкина уйга ишора қилди.— Бемалол ишлайверасан. Зумрадхоним келиб қолгудай бўлса, кўринмасликка ҳаракат қил...

Миртемир ака шундай деб қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулди. Мен у кишининг гапига кўндим: эртасидан келиб ишлайдиган бўлдим.

— Тўраш!— деб чақирди Миртемир ака. У киши нимагадир келинойимни шундай деб чақирарди. Ваҳоланки, келинойимнинг оти Ёрқиной эди.— Бир чой ичайлик.

Ҳаммамиз дастурхон атрофига жам бўлдик...

Ў кишни эндигина тугатган, наздимда ҳеч қандай иш мендан қочиб қутулолмайдиган, ҳали ялқовлик нима эканини билмайдиган, ишлаб толмайдиган вақтим эмасми, ўн кун ичида ромanning учдан бир қисмини шариллатиб кўриб ташладим ўзимча. Қанчалик таҳрир қилдим, сифати қанақа бўлди — бу бир «худо»нинг ўзига маълум. Ўзи таҳрирга муҳтож одамнинг таҳрири нима бўларди дейсиз? Миртемир ака аҳён-аҳёнда олдимга кириб, таҳрирнинг у ер—бу ерини кўриб: «Ҳа, баракалла!— деб кўнглимни кўтариб кўяр, баъзан ғалат кетган жойларини қалам билан чизиб: «Бунинг ўхшамабди, мана бундоқ десак тузук бўлар», деб далда берар эди.

Шундай иш қизғин кетаётган кунларнинг бирида дарвоза эшик одатдагисидан қаттиқроқ тақиллаб қолди. Эшикни ҳовлида куйманиб юрган келинойим бориб очди. Дарвоза олдида бўлаётган гаплар мен ўтирган ҳо-

нага бемалол эшитилиб турар эди. Келинойим қандайдир бир аёл киши билан салом-алик қиларди. Негадир у аёлниги товуши менга танишдай туюлиб, ўрнимдан туриб, аста деразанинг олдига келганимда, ҳалиги меҳмон бўсаға ҳатлаб кириб келарди. Дарров танидим: Зумрад опа! Об-бо!

Секин лип этиб коридорга ўтдим-да, катта уй орқали Миртемир ака ишлаб ўтирган хонанинг эшигини тақиллатдим. Иш билан қаттиқ бандлиги учунми ё қулоғи сал огирроқ бўлгани учунми, ҳадеганда жавоб бўлавермаганидан шартта эшикни очиб, ичкарига кирдим. Миртемир ака ўтирган жойида кўзойнаги тепасидан менга «нима гап?» дегандай қараб турарди.

— Зумрад опа!— дедим мен сирли қилиб.

— Ие,— деди Миртемир ака саросимада кўзойнагини олиб столга қўяркан. У ўрнидан туриб эшикка йўналди.— Мен ҳозир... Сен шу ерда ўтира тур.

Миртемир ака чиқиб кетгач, кўнглимга келган биринчи гап шу бўлдики: «Столдаги қўлёмаларни йиғиштирмабман ҳам. Қўриб қолса нима бўлади?» Бир оз саросимага тушиб турдим-да, кейин: «Э, нима бўлса бўлар!»— деб Миртемир аканинг ижодхонасини томоша қила бошладим. Бу хонага биринчи бор киришим эди. Италиян нусха катта дераза олдига улкан, бежирим ёзув столи қўйилган. Стол усти ниҳоятда бетартиб: қўлёмалар сочилиб ётар, бир чеккада гижимланган варақлар... Столнинг ўн томонида русча-ўзбекча луғат очилганича турибди. Некрасовнинг уч-тўрт томи бетартиб тахланиб қўйилибди. Ўртада ҳозиргина битилган ёзувлар. Энгашиб қараб, ҳеч нарса тушунолмадим, араб алифбесида юмшоқ қора қалам билан ёзилибди. Назаримда, бутун сатр йўқдай: ўчирилибди, қайта ёзилибди, баъзи сатрлар стрелка билан юқорига, пастга олинган ҳошиясига қўндалангига ёзиб ташланган ва ҳоказо... Араб алифбеси менга нотаниш бўлгани учун столнинг ўн томонига— деворга қапиштириб қўйилган китоб жавонини томоша қила бошладим. Китоблар, китоблар, китоблар!... Зич қилиб тахлаб ташланган. Жавон ўнг томондаги деворни шундоққина энлаб турарди. Шунда, менда бир ширин орзу пайдо бўлди: «Менинг ҳам шундай жавоним, китобларим бўлармикан?»

Орадан тахминан ярим соатларча вақт ўтгач, Миртемир ака жилмайганча кириб келди. Авзойидан хурсанд эди.

— Ҳамма иш жойида, — деди у олдимга келиб. — Сенинг дастхатингни танимади. Меникига ўхшати.

Миртемир аканинг гап-сўзидан шу нарса маълум бўлдики, Зумрад опани мен ишлаб ўтирган хонага тақриф қилибди. У стол устида ёйилиб ётган қўлёмаларни, таҳрирни кўрибди. Эътироз билдирмабди чоғи. Айниқса у ўн кунча вақт ичида романнинг учдан бир қисмини «кўриб улгургани» учун Миртемир акадан миннатдор бўлибди, бу ёғига у кишига сабр-тоқат тилаб, жўнаб кетибди. Миртемир ака афтидан бир оз чўчиб турган экан, йўқ, дастхатни таниёлмагани учун, таҳрирга унчалик эътироз билдирмагани учун хурсанд бўлиб кетиб, уни наридан-бери кузатиб қўйибди-ю, олдимга кирибди.

У менинг стол устига тикилиб турганимни кўриб:

— Некрасов аъло ҳазратлари, — деди мамнун бир қиёфада. — «Русияда ким яхши яшайди»ни ағдариб бўлиб қолдим. Бу кетишингда бирга тугатамиз шекилли...

Миртемир ака қувлик билан қотиб-қотиб кулди. У кишининг кайфияти менга ҳам ўтди. Иккаламиз мириқиб кулишдик. Мен Некрасовнинг сариқ супер жилдди бир томини олиб томоша қила бошладим: 1950 йили чоп этилибди, асарларининг тўлиқ нашри экан. Менинг томоша қилаётганимни кўриб, хаёлига бир гап келди шекилли, Миртемир ака жавондан Некрасовнинг ҳамма томларини ола бошлади, кейин уларни стол устига қўйиб, шеърини томларини ўзига қолдирди-да, пьесалари, хатлари, публицистикалари, турли ёзишмалари, биографиясини тўлдирадиган баъзи материаллари, тугалланмай қолган романлари ва умуман, прозаси кирган томларини ажратиб менга берди.<sup>1</sup>

— Мана бу олти том сенга, мулла Носир. Мендан эсдалик.

— Ўзингизга керак бўлмайдими? — дедим ҳаяжондан шошиб қолиб.

— Керагини олиб қолдим. Менга кераги поэзияси-да.

Некрасовнинг олти том асарларини қўлтиқлаб, Миртемир аканинг ижодхонасидан мамнун қиёфада чиқдим. Сўнг ҳовлидаги столга тушлик чой ичгани ўтирдик. Бу маҳалда Миртемир аканинг болалари ҳам бирин-кетин кўчадан қайтиб кира бошлаган пайт эди.

Кеч кирди. Мен бугунги фаолиятимни тугатиб, уйга қайтиб келяпман. Ҳа, дарвоқе «уйга қайтиб келяпман»,

<sup>1</sup> Бу томлар ҳозир ҳам китоб жавонимнинг энг тўрида турибди.

дедим. Менда уй қайда дейсиз? У пайтларда, бедананинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ, деганларидай, тўғри келган жойда тунаб кетаверар эдим. Ўқиб юрган кезларимда Пушкин кўчасидаги Дархон ариқ бекатида бир қариндошимизникида истиқомат қилиб юрардим. Бу гал ҳам «ишдан» сўнг вақтинча ўша қариндошимизникида яшаб туришга тўғри келди. Йўлда кетяпману, бугунги воқеалар сира кўз олдимдан кетмасди. Айниқса, Зумрад опа келиб қолиб, Миртемир аканинг хижолат бўлгани-ю, менинг қўрққаним...

Бу ҳолатларнинг ўзига яраша сабаблари бор эди, албатта. Миртемир аканинг хижолат бўлиши сизга маълум: таржимани ўзи кўриши ўрнига мени ҳашарга чақиргани учун. Менинг қўрққанимнинг боиси шу эдики, биринчидан, сир очилиб қолиб, Миртемир ака хажолат бўлса — менинг хижолат бўлганим эди. Иккинчидан, мен 1951 йили ўша ромanning биринчи китоби ўзбек тилида босилиб чиққанида «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Абай» романининг таржимаси ҳақида» сарлавҳаси билан таржимонни бир оз чимдиб ўтган эдим. Унга Абдулла Қаҳҳор редакторлик қилган эди. Ёш бунинг устига ғўр, «билағон» эмасмизми, таржимонни ҳам, муҳаррирни ҳам қозоқ тилини билмасликда айблаб, талай гаплар айтганман. Шайхзода домла айтганларидай, шу пайтгача бирорта ёзувчи ё таржимон «мени танқид қилганинг учун» деб ош дамлаб берган эмас. Танқид кимга ёқади дейсиз? Энди келиб-келиб ўша одам мазкур ромanning иккинчи жилдини таҳрир қилиб ўтирса, таржимонга ёқармиди? Албатта, ёқмайди-да!

Ҳай, ҳар ҳолда кўнгилсизлик рўй бермади. Мен ҳам хурсанд, Миртемир ака ҳам, Зумрадхоним ҳам. Менинг хурсандчилигим икки ҳисса эди. Некрасовнинг олти томини совға тариқасида олган эдим. Бу мен орзу қилган китоб жавонимнинг дастлабки китоблари эди. Уйга китобларни қўлтиқлаб хурсанд кириб келдим...

\* \* \*

Атрофга куз нуқси уриб, ҳамма костюмга ўтган, япроқларнинг ранги сарғайиб, қушларнинг чуғури камайган пайт эди. «Пионер» журналида иш бошлаб юборганимга икки ойлар чамаси бўлган. У пайтларда журнал нашриёт биносининг ўнг қанотида, биринчи қаватда эди. Тушлиқда журнал ходимлари билан Тахтапулдаги «Чол-

лар чойхонаси»га тамадди қилгани борардик. Энди туш-ликдан қайтиб, хонамда ишлаб ўтирсам, Миртемир ака кириб келди. Чамаси, нашриётга бир иш билан келгану, бу ёққа тушган. Ўша маҳалда журналнинг редактори Эркин Жабборов эди. Ҳазил-мутойибага суяги йўқ, бағри кенг одам. Бирпас Миртемир ака билан чақчақлашиб ўтирдик. Миртемир аканинг бугун негадир кайфи чоғ кўринди. Билмадим, ҳақиқатан ҳам кайфи бормиди ўшанда? Ҳар ҳолда менга шундай туюлди.

— Бизга мулла Носир керак эди-да!— деди у бир оз гурунглашганимиздан сўнг.

Мен ялт этиб редакторга қарадим.

— Мана мулла Носирингиз,— деди Эркин ака шўх-лик билан.

— Бирпас кечикса коймайсиз-да...— деди Миртемир ака. Бу рухсат сўрагани эди.

— Бамайлихотир. Бугунга рухсат. Аммо-лекин кўп ичиб қўймасин...

Энгил кулишдик. Менинг ичмаслигимни ҳамма биларди. Бу гап шунга ишора эди. Бирпасда столимнинг устини йиғиштириб, Миртемир акага эргашдим. Нашриёт эшигининг олдига чиққанимизда мени у киши хиёбондаги дарахтнинг тагига бошлаб борди-да, чўнтагидан бир даста пул олди.

— Ма, мана буни олиб қўй,— деди ҳалиги пулларни менга чўзиб.

Мен шошиб қолдим. Ҳар пулларки, шапалоқдай-шапалоқдай келади. Нуқул юз сўмлик, эллик сўмлик... Бир даста! Эски пул-да, чўғи кўп!

— Ол, олавер,— деди Миртемир ака ҳамон мени қистаб.— Қўрқма, бу сенинг ҳаққинг.

Мен умрим бино бўлиб бунча пулни кўрмаганман. Уни қўлимга олишдан чўчирдим.

— Қанақасига меники бўлади?!— дедим мен орқага тисарилиб.— Қўйинг, Миртемир ака.

— Олаверсанг-чи, ахир, булар сеники дедим-ку... Анови таҳрирингга. Ҳозир беришди. Ма!

— Майли, ундоқ бўлса бўлишамиз.

— Ол дегандан кейин олавер-да. Бу пуллар сеники-ку ахир.

Йўқ, икқаламизники,— дедим мен сал бўшашиб,— ахир мен... буни нашриёт сизга берган-ку ахир... Таҳрирни ҳам ўзингиз қайта ишладингиз-ку, қанақа қилиб меники бўлсин. Мен сизга қарашиб юбордим, холос.



— Ҳа, хўп, мана бўлмаса,— деб Миртемир ака ҳалиги қўлидаги бир даста пулдан учта юз сўмлигини олдида, қолганини менга узатди.— Мана, ўзимга тегишлигини олдим. Яна эллигини Қассобовга ҳам бердим. Бош буғолтир-да, пулни беради-ю, қўлингга тикилади. Бир нарса бермай кетолмайсан.

Мен пулни худди чўғ ушлагандай авайлаб олиб, ён чўнтагимга солдим. Пул турган жой бамисоли ёндириб борарди. Ҳижолатдан юзларим ёниб, худди ўғирлик устида қўлга тушгандай Миртемир акага тўғри қараёлмасдим. У бўлса менинг эгни-бошимга қараб бошини чайқарди. Нимага эканини ким билсин? Балки костюмининг тирсагидаги бир парча ямоққа кўзи тушиб қолгандир. Эҳтимол...

— Юр, кетдик,— деб қолди Миртемир ака бир маҳал.

Мен қаёққа, деб сўрамадим, у киши ҳам айтмади. Қатта йўлга чиққаннимизда қандайдир бир машинани тўхтатиб, чиқиб олдик. Машина ишчилар шаҳарчасига қараб зувиллаб борарди. Боя машина эгасига нимадир дегандай бўлувди, мен нима деганини англамовдим. Қарасам, машина зувиллаганча Миртемир аканинг уйи олдидан ўтиб кетди. Ҳайрон бўлдим, қасққа кетяпмиз деб. Бир маҳал машина ҳозирги Миконд заводининг олдига бориб тўхтади. Миртемир ака кира ҳақини тўлади. Иккиламиз бошлашиб, кўчаинг нариги томонига ўтдик. Қичкинагина бир мато дўкончаси олдига борганимизда Миртемир ака, юр, дегандай ишора қилди. Кирдик. Дўкончи билан яхши таниш шекилли, қуюқ сўрашиб кетишди. Пировардида:

— Олиб қўйдингизми, мулла?— деб сўради.

Дўкончи бошини ликиллатиб, ичкарига кириб кетдида, қоғозга ўроғлиқ мато олиб чиқиб, пештахта устига қўйди. Шундоққина қоғознинг очиқ жойидан кўриниб турибди: тўқ кўк жун материал, ўзидан чиққан майда йўлли... Афтидан, чет элдан олиб келинган мато бўлса керак, ялтирарди. Миртемир ака мени дўкончига кўрсатиб, бир нима дегандай бўлди. Сал матога ҳушим кетиб қолган шекилли, ўзимга келдим. Дўкончи менга бошдан-оёқ тикилиб:

— Бу болангизга уч метр бемалол чиқади,— деди.— Берайми?

— Маъқул, беринг,— деди Миртемир ака,— бу мулла болаям бир костюмлик бўлиб қолсин.



Миртемирни қозоқ адиблари ҳам, қирғиз адиблари ҳам «Бовурим»  
деб бежиз айтишмаган.

Мен ҳайрон бўлиб турардим. Ҳаш-паш дегунча ҳалиги дўкончи яна қоғозга ўраб ҳалиги материалдан олиб чиқди.

— Қанча бўлади?— Миртемир ака дўкончининг жавобини кутмасдан бояги олиб қолган уч юз сўмни олиб пештахтага ташлади. Дўкончи керагини олди-да, озроқ майда қайтим берди. Мен чўнтагимдаги пулдан олиб беришни ҳам унутиб, бақрайиб турардим. Чатоқ бўлди!

— Раҳмат сизга,— деди Миртемир ака дўкончига.

— Келиб турсинлар,— деди дўкончи икки қўлини кўксига қўйиб.

Иккаламиз қўлтиқларимизда ўроғлик мато билан йўлга тушдик. Менда ун йўқ. Чамаси бугунги воқеалардан гаранг эдим.

— Уйга борамиз,— деб қолди Миртемир ака кўчанинг бериги бетига ўтганимизда,— костюмларни ювмасак бўлмайди энди.

Кўча бўйлаб аста келаётганимизда кун ботай-ботай деб қолган, атрофга оқшом салқини тушган эди. Келинойим худди бизнинг келишимизни олдиндан билгандай ҳовлини чинидай қилиб супуриб, сув сепиб, қўйган, ўртадаги катта столда дастурхон ёзиғлиқ турар, болалар ҳовлини бошига кўтаришиб, бир-бирларини қувлашиб, қийқиришар эди. Уроғлик матоларни столнинг бир четига қўйиб, крандан қўлни ювиб келгунимча Миртемир ака уйга кириб, ечиниб, қўлида икки рюмка, бир ғалати графин кўтариб чиқиб келарди. У графин ва рюмкаларни столга қўяркан:

— Кавказ коньягини кўрганмисан?— деб сўраб қолди.

Мен графинга тикилиб турардим. Жуда антиқа: ўнгдан чапга бураб қўйилгандай, оппоқ, нафис. Биллур бўлса керак. Тиқини ҳам дид билан ишланган эди.

— Оқ коньяк!

Мен оқ коньяк бу ёқда турсин, ҳали қизилига ҳам ишим тушмаган. Мени унинг ичидагисидан кўра, сиртидаги идиши мафтун қилиб қўйган эди.

— Тўраш, бир ниманг борми газакка?— деди Миртемир ака ошхона томонга қараб.

Келинойим келиб мен билан сўрашди-да, «ҳозир» деб уйга кириб кетди. Унгача Миртемир ака қадаҳларга ичимлик тўлдириб қўлига олди.

— Қани, мулла, ишларимиз ҳамиша ўнгидан келаверсин. Ол.

Нима бўлса бўлар қабилида қадаҳдаги ичимликни ютиб юбордим-да, кўзимни очдим. Ҳаммасини ичдим, деб ўйловдим, йўқ бир энлик қолибди. Назаримда томоғимдан ошқозонимгача нимадир ўртаб бораётгандай бўлди. Келиноним бир тарелкада яримта қази, яхна гўшт, иккита нон олиб чиқиб қўйди. Ёнида дандон сопли пичоқ ҳам бор.

— Қани, тўғра,— деди Миртемир ака.— Ҳар ҳолда ёшроқсан.

Мен тақсимчани олдимга олиб тўғрай бошладим. Негадир дармоним қуриб, аъзойи баданим бўшашиб борарди. Фалокат-да, бир қалтис ҳаракат қилиб, чап қўлимнинг кўрсаткич бармоғига пичоқ текказиб олдим. Сўнг уни Миртемир акадан беркитган бўлиб, пичоқни чап қўлимга олдим. Чап қўлда, бунинг устига эплай олмаганимни кўриб қолиб:

— Э, ўзлари чапақаймилар?— деди. Бир тўғрам қазини қўлига олиб туриб, менга жиддий қаради.— Ие, мулла, мана бу нима?!

Қазининг бир четига жиндек қон юқи илашган эди.

— Сал қўлимни...— дедим гўлдираб.

Миртемир ака олдимда турган қадаҳни нарироққа суриб қўйди. Ҳароратим сал ошганидан бўлса керак, «нега?...» дегандай Миртемир акага қарадим.

— Бунни ҳам ичсанг, мени сўйиб юборасан,— деб қадаҳ тагида қолган коньякка ишора қилди-да, ўзининг гапи ўзига нашъа қилди чоғи, қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулди. Бу кулгига чор-ночор мен ҳам қўшилдим. Ўрнимдан туриб ошхона томондаги умивальникда қўлимни ювгани борганимда ойнага қарасам, юзим лоларанг бўлиб кетибди. Столга келиб ўтирганимда Миртемир ака қизариб кетганимни кўриб кулар, деб ўйлаган эдим, йўқ, аҳамият бермади.

— Мен сенга бир гап айтай,— деб гап бошлади. Миртемир ака. У анча жиддий тортиб қолди. Афтидан, айтадиган гапи муҳим шекилли.— Энди айтсам ҳам бўлаверади. Кап-катта йигитсан, дунёнинг пасти-баландини тушунадиган бўлиб қолдинг.

Мен миқ этмай у кишига тикилиб ўтирардим. Энди мени уришса керак, деб ўйладим. Чунки, «кап-катта йигит бўлиб қолганимни, дунёнинг пасти-баландини тушунадиган бўлиб қолганимни» юзимга солаётган оҳангда гап бошлаган эди.

— Хабаринг бор, бир маҳал мени союз аъзолигидан ўчиришган эди. Нима учун ўчиришганининг сенга кераги йўқ, — деди у чуқур тин олиб. Сўнг қўлида айлантириб томоша қилиб ўтирган қадаҳини сипқориб юборди. Бугун мен жуда хурсандман. Союз аъзолигига қайта тикландим...

Май таъсириданми, ҳар қалай дийдам бўшаб, кўзимга филт-филт ёш келиб, ўзимни идора қилолмай қолдим. Шартта ўрнимдан туриб бориб Миртемир аканинг юзларидан ўпа бошладим. У киши ҳам кўнгли бўшаб кетди чоғи, маҳкам бўйнимдан қучиб:

— Баъзан шундай ишлар ҳам бўлиб тураркан, мулла Носир, начора... — деди. Унинг товушига ҳам титроқинган, кўзлари ёшланган эди.

Бенхтиёр графиндан қадаҳимга коньяк қуйиб, отиб юбордим.

— Уҳў, зўрсан-ку...

Келинойим олиб келган шилпилдоқдан тортинмай туширдим. Алламаҳалда кетиш учун рухсат сўрадим.

— Майли, бора қол. Ҳалиги гаплар сир, а?

— Ишонаверинг... — дедим кўрсаткич бармоғимни лабларимга босиб.

— Айтгандай, мато шу ерда қола қолсин. Бир устам бор. Қўл текканда олиб бориб иккаламиз ҳам тиккизиб оламиз.

— Майли...

Миртемир ака билан хайрлашиб кўчага чиққанимда теварак-атрофга қоронғи тушиб қолган эди. Кўрмаган жойнинг ўйдим-чуқури кўп деганларидай, қоқилиб-суришиб борар эдим. Оёқларим одатдагидан енгилроқ ҳаракат қилар, кўнглимда тушуниб бўлмас бир мавҳум ғалаён бор эди.

Ишга кирган кунимнинг эртасигаёқ Жонрид Абдулахонов иккаламиз бир рус оиласининг ҳовлисида бир хоналик, олди равонлик уйни ижарага олган эдик. Бу шундоққина ишчилар шаҳарчасидаги ўнинчи трамвайнинг охириги бекатига яқин, «Шухрат» кинотеатрининг ёнгинасида эди. Уйга кириб борсам, Жонрид каравотга чўзилганча китоб ўқиб ётган экан. У мени кўриши билан:

— Ҳа, қаёқларда санқиб юрибсан? — деди.

— Юрибмиз-да, даврингда, — дедим илжайиб.

Товушимдан билдими ё қизариб кетганимни кўриб-

ми, китобни ранги ўчиб, кир-чир бўлиб кетган кўрпасининг устига қўйди-да, ўрнидан туриб ўтирди.

— Янгилик-ку... Эҳ-ҳе,— деди чўзиб.— Отибдилар-да!

— Нима бўпти,— дедим бўш келмай.

— Дард бўпти, бало бўпти! Ҳали уйнинг хўжайини кирди. Икки ойлик ижара ҳақини тўлаб қўйинглар, деб. Сен бўлсанг, кайфи-сафо қилиб юрибсан...— деди у жиғибийрон бўлиб.

— Тўлаймиз. Тўрт ойлигини ҳам тўлаймиз,— дедим мен парво қилмай. Сўнг чўнтагимдан бир даста пул олиб, ўртадаги стол устига ташладим.— Тўламаган номард...

Жонрид анграйиб қолди.

— Қаёқдан ўмардинг бу пулларни, овсар?!

Ҳа, ҳурматли ўқувчи. Бу айтиб бўлмайдиган сир эди. Бу сирни мен йигирма беш йилдирки, кўксимда кўтариб келардим. Бу сир кўнглимнинг бир чеккасида гоҳ кир бўлиб табиатимни хира қилар, гоҳ бир нурли хотира бўлиб кўнглимни ёритиб юрар эди. Ҳар қандай сир йигирма беш йил ўтгач, ўз кучини йўқотади. деган гап бор. Ҳаётда шунақа ҳодисалар ҳам бўлиб турар экан. Мен сизларга кўнглимни бўшатдим, холос.

Хуллас, шунақа гаплар...

## **БИР БАҒИР ЕЛҚИНИ ЕКИ САҲИФАЛАРДАГИ ИЗЛАР**

Отахон шоиримиз редакция қошидаги давра столи атрофидаги анъанавий суҳбатларда доим иштирок этар, жаҳонда ленинча музаффар ҳақиқатнинг қудратли таъсири остида юз бераётган муҳим ўзгаришларни ёниб қаламга олганини сўзлар, ёш қаламкашларга маҳорат, ижод сирларини шу давраларда ёхуд газета саҳифалари орқали етказишни ёқтирарди.

Устозимизнинг редакция папкасида сақланаётган баъзи қўлёзмалари ҳали эълон қилинганича йўқ. Биз уларни муборак айёмлар, қутлуғ саналар, табаррук хотира кунлари учун сақлаб юрибмиз. Мана, у қолдириб кетган дастхатлардан олинган баъзи сатрлар.

«Ўзбекистон — Ленин назари тушган кенгқулоч ўлка. Хориждаги анов-манов мамлакатлардан каттароқ, бағри кенг, йилма-йил яшилга бурканаётган ўлка.

Мамлакат бошидан оғир кунлар ҳали кетмаган маҳаллардаёқ Ленин тарихий Декретга қўл қўйгани ҳамманинг ёдида. Мирзачўл бахтини очган, келажагини белгилаб берган ўша Декрет бўлди... Мирзачўлни яшнатиб учун харж этилаётган маблағнинг ҳисобига анов-манов ҳисобчи етиши маҳол...»

Шоир куз салқини елпиниб юрган чексиз пахтазорларда кезиб юрганда лочин Мирозим ўғли даласидан чиқиб қолади. У пахта режасини Мирзачўлда биринчилардан бўлиб тўлдирган бригада эди. Шоир лочин йигитнинг жиндек вақтини олиб сўроқларга кўмади. Шу бир пастлик суҳбат мавзуини у ўтган замонларга олиб бориб боғлайди. Икки замон деҳқонини қиёслайди. Кат-

та ижтимоий хулосалар ясайди. Сўнг бир шеър битиб,  
эрта тонгдаёқ редакцияга қўнғироқ қилади:

— Муҳаррир келдиларми?

— Ҳа, шу ердалар.

Зум ўтмай, шоир редакция остонасида пайдо бўлади.  
Бизларни жамлаб, ҳали сиёҳи қуримаган шеърини ўқи-  
моққа бошлайди:

О, улуғ Ленин асри,  
Меҳнат ва бахт даврони.  
Одамзод зеҳини сен  
Чархлай олдинг яроқдай.  
Беҳишт ярата олди  
Ўлда ярим деҳқони,  
Меҳнат додруғи юксак,  
Ярқираши байроқдай.

Мирзачўл ҳақидаги ушбу шеър қирқ саккиз сатрда  
иборат бўлиб, қаламда араб алифбосида ёзилган эди.  
Шоир дафтар варағига ёзилган ушбу шеърни гоҳ ҳиж-  
жалаб, гоҳ равон ўқиркан, ҳали қиёмига етгани йўқ,  
деб қўйди. Дарҳақиқат, дафтар варағи турли чизиқлар,  
зеру-забарларга, тузатишлар ва таҳрирларга тўлиб-тош-  
ган эди. Шу шеър баҳонаси билан Ватан мавзуидаги  
суҳбат анчагина давом этганди ўшанда. Муҳарриримиз-  
нинг кўнгил бисотидан олинган қуйидаги сатрларни  
шоир алоҳида диққат билан эшитиб турди.

«Эй, менинг йиғлай бериб кўз ёшлари қуриган, ле-  
кин ноумид бўлмаган онам, кул, қувон!» Эй, нуроний ва  
донишманд оталарим, эй, пок зурриёдининг истиқболини  
невараларининг ёрқин пешоналарида ўқиган мўйсафид-  
лар! Кулинг, қувонинг! Кутилган соат келди...»

Устод ушбу сатрларни диққат билан тинглади-ю, ўй-  
га толди. Анчадан сўнг меҳрибонлик билан деди:— Ҳа,  
насрий қасида эди бу. Қаранг-а, унутмабсиз-а. «Қизил  
Ўзбекистон»нинг 1945 йил, 10 май сониде босилганди.  
Ғалаба муносабати билан.

Дорга осилганлар — эсда турсин!

Кўзларига чўғ босилганлар — эсда турсин!

Қулоқларига қўрғошин қуйилганлар — эсда турсин!

Кўкракларига юлдуз ўйилганлар — эсда турсин!

Молдай беоман сўйилганлар — эсда турсин!

Эй, улуғвор, бахтиёр, ғолиб, бўйин эгмас мамлакатим:

Тўй қутлуғ бўлсин, тўйлар қутлуғ бўлсин!



Шоир қасиданинг давомини шу қадар ҳаяжон, шу қадар эҳтирос билан ўқигандилар ўшанда.

У газетамиз саҳифаларида босилган кичик бир шеър устида ҳам кўп меҳнат қилар ва бу меҳнат асар редакцияга келтирилган кунгача, ундан кейин ҳам то газета саҳифасини кўргунча босилиб, тарқалгунча ҳам давом этаверарди. Баъзан оқшомда, баъзан эрта тонгда телефон жиринглаб қолар, шоир албатта шеър хусусида сўз очар, унинг бирор-бир сатрига таҳрир киритарди. Баъзан — у турли мураккаб чизиқлар тортилган ёзувни машина учун ўқиб берар, устидан яна бир бор кўриб келиш учун муҳаррирдан рухсат сўраб олиб кетарди. Эртаси яна таҳрир тўла қоғозни кўтариб кириб келарди. Шеър саҳифага қўйилган тонгда у яна ҳозир у нозир эди. Уша кун у редакциядан корректорлар билан бирга кетарди. Газета саҳифасида шеъри босилган шоир яна тинчимас, тонгданоқ етиб келар, бирор-бир вергул ёки тушиб қолган бирор-бир нуқта учун озор чекаётганини кўриб турардик. Унинг қўлёзмаларигина эмас, шоир ўз қўли билан қирқиб олиб қўйилган газета саҳифаларини кўздан кечирар эканмиз, биз ана шу нуқта ва вергулнинг қалам билан тузатиб қўйилганини кўрардик.

Кўпинча муаллифнинг бирор публицистик мақоласи ёки шеърини планлаштириб қўйиб, асарнинг келишини кутиб ўтирардик. Бундай чоғларда газетачилик ишининг ғоят масъулиятли ва оператив иш эканини ҳис этган шоир редакциямизга дарҳол телефон қоқардилар:

— Мен ёздим, туни билан ёзганларимни таҳрир қилдим, тонгда уни йиртиб ташладим, кўнглимдагидек чиқмади. Ижозат берсангиз, уни номерга олиб борсам.

Нима ҳам дердик, ҳурматли домламининг ўтинчини қабул қилдигу, шеърнинг ҳажмини, вазни, ҳижоларини сўрадик. Домла яшнаб кетардилар, дарров ўн бир вазли шеърнинг неча сатр эканини, мазмунини, ғоясини сўзлардилар. Биз ҳали йўргакланмаган мазкур шеърнинг ҳажмига лойиқ жойни қоладириб, газетани макет, сўнг верстка қилишда давом этардик.

Қардошлар ҳақидаги гурунглариимизнинг бирида домладан сўраб қолдик:— Буюк қозоқ оқини Абайнинг ижоди билан анчадан буён шуғулланасизми?

— Туғилганимдан буён,— деб жавоб қилди у ҳазиломуз.

Аслида бу ҳазил эмас, маълум даражада чин гап эди. Мана, «Қизил Ўзбекистон»нинг 1945 йил сонлари-

дан бири, сарғайиб қолган саҳифа. Унда Абайнинг 100 йиллиги муносабати билан Миртемир тайёрлаган материал ва янги таржималар эълон қилинган эди.

Думалоқ стол атрофидаги давраларимизнинг бирида қарасак, домланинг кайфиятлари жуда хуш, аъло экан. Бир қувлик қилгимиз келиб кетди. Домлага аста ер остидан разм солдик, ростдан ҳам кайфиятлари чоғ эди. Таваккал қилиб савол ташладик:

— Домлажон, йигитлик чоғингизда ҳам роса шўх бўлган кўринасиз. Бирорта сулувни севганмисиз-а?

Домланинг кўзларидан ўт чақнагандек бўлди.

— Севиш ҳам гапми? Адоғлар қилган у мени.

— Қим?

— Бу, ўша эди.

Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман

шекилли,

Девонаман шекилли, тўлғонаман

шекилли.

Енмасдан иложим йўқ, ўт тушди ширин

жонга,

Ўт тушмасайди фақат ногоҳ, чексиз

жаҳонга.

Шоир шеър ўқирди. Хонада сукунат... Бу шеър бир қўшиқ, бир сеҳрли оҳанг бўлиб юракларга қуйиларди.

Қўшиғим қайда ўша,

Қўшиғим қайда қолди?

Наҳотки ҳолий гўша —

Биз кезмиш жойда қолди.

Қўшиғим қайда, ўша

Қўшиғим қайда қолди?

Сой мисол, жўша-жўша,

Наҳотки сойда қолди?

Қўшиғим қайда, ўша

Қўшиғим қайда қолди?

Чаманзор ҳолий гўша —

Гулдек чиройда қолди.

Ўша кунги давраимизда узоқ шеърхонлик бўлди. Домла ўзларининг янги ёзган назмларидан ўқиб бердилар. Анча вақт фикр олишдик. Домланинг дафтар варақла-

рида яна янги чизиқлар пайдо бўлди. Бу шеърларда у қишлоғини улуғлар, она юрт шаънини кўкларга кўтариб мақтар эди. Шоирга шу қадар илҳом, шу қадар қудрат, шу қадар эзгуликлар бахш этган ўша она қишлоқ ҳақида билгимиз келди. Биз уни яна саволга тутдик. Қишлоғингиз ҳақида бир чимдим гапириб берсангиз... Шоиримиз жуда-жуда иштиболи эдилар. Қишлоғи ҳақида ана шуларни бизга тўлқинланиб сўзладилар:

— Тоғ тарафда бирин-кетин тўрт тегирмон. Қишлоқ ўртасидан оқадиган сув ўша тегирмонларни юргизиб, пишиб, кўпириб келади. Сахро томонида Бойбалх. Бу шундоқ тепа. Қадимги шаҳар ўрни. Рўба-рўда пахтазор, пастда полизлар. Қишлоқ олма боғлари билан ўроғлиқ.

Қишлоқ ўртасида катта йўл. Шу йўлдан ўтар бўлсанг, ташналикни қондирмоқ учун ариқдан сув ичма. Сувда фақат юз-кўлингни чай, салқинида ўтириб, нафасингни ростла, кейин хоҳлаган эшик зулфини жиринглат. Ким чиқса ҳам: «Чанқоқман»,— дегин, бас. Сенга ё заранг косада муздек гўжа, ё қатиқ, жа бўлмаса айрон тутишади. Ғариб жонингга симириб ол. Тағин тўла коса олиб чиқишади, кўнмасанг. Кейин сўрига чорлашиб, дастурхон ёзишлари турган гап, нон-чой, қаймоқ ва кулчатоғ.

Тағин қатиқ тутган келин ё бобойга пул узата кўрма. Бу қишлоқда сут, қатиқ ҳеч қачон пулга сотилган эмас. Ҳозир ҳам шундоқ. Айб. Агар пул узатсанг, қатиқ тугул айрондан ҳам қуруқ қолгайсан, норози кўзларнинг ғазабига дуч бўлгайсан, ёки ошкора шундоқ қарғиш олгайсан: «Ҳа, юзингни ел егур!»

Қишлоғимдан ўтар бўлсанг, боболаримнинг эзгу удумларини оёқ ости қилмай ўтавер. Агар бу сенга ёқмаса, қишлоқилик ва дағаллик бўлиб кўринса, бир зум ҳам тўхтамай жўнаб қол, ҳей, айрон сотиб кун ўтказган йўлчи!

Агар полизга қайрилсанг, хоҳлаган бостирма ёнига боргин, ит вовулласа эътибор бермагину, сергак бўл, итнинг қопмайдигани бўлмас эмиш...

Қаршингга ё қорамағиз ўғлон, ё жиккак кампир чиқиб келгуси. Фақат қишлоқиларга хос жилмайиш ярқираб туради юзларида. Ғарам тагидан саҳар узилган қовунлардан иккитасини келтириб, лаганда талқон, сўк, нон, қатлама — барини олдинга қўйгуси ва қўлларини кўкрагига босиб: «Олинг!»— дегуси. Бундан ортиқ иззат керакми йўлчига!..

Биз ҳам домланинг айтганларини оқизмай-томизмай қўғозга ёзиб олавердик. Шу тариқа домланинг «Қишлоғимдан ўтар бўлсанг» сарлавҳали ажойиб новелласи юзага келди ва (1964 йил 10 апрелда) газета юзини кўрди.

Мана, «Совет Ўзбекистони»нинг 1966 йил, 27 март сони, унда «Миртемир ижодхонасида» деган сарлавҳа остида адабиёт саҳифаси берилган. Саҳифа «Ленинга» деб номланган шеър билан очилади. Унда муаллиф деҳқон Ражаб бобо тилидан ўртоқ Ленин билан мулоқот қилади.

«Миртемир ижодхонаси» саҳифасида берилган «Ленинга» шеъри кейинчалик «Ленин ва Ражаб бобо» китобига киритилди.

Шоиримизнинг ён дафтарида олинган қайдлар орасида талай ҳикматомуз иборалар учрайди.

Шоир минбарга чиққанида, унинг чиройига ё савлатига, ё башанглигига чапак чалувчи кам бўлади. Чапак чалишса, аксар, унинг шеъри учун холос!

— Садағанг кетай, халқим! Тилни ҳам тимсолни ҳам, адабни ҳам, меҳнатни ҳам, ўринлик ғурур туйғуси ва ғазабни ҳам, ўринлик жирканиш туйғуси ва инсон номини ҳамма чўққиларидан юксак тута билишни ҳам сендан беминнат ўрганаман.

Миртемир ҳаётда ҳам, шеъриятда ҳам чин коммунист шоир эди. Унинг ҳамиша содда, мулойим, нурли чехрасини, худди шундай содда, ёқимли ва нурли сўзларини унутиш мумкин эмас. У «Совет Ўзбекистони» газетаси ва унинг ўқувчиларининг азалий қадрдони эди. Ўзининг энг яхши асарларини шу газета саҳифаларида кўришни орзу қиларди. Газета редакциясининг даргоҳини ўзи учун муқаддас деб билар, унинг таклиф ва топшириқларига доимо «лаббай» деб жавоб қилар, ҳазиллашиб ўзини, «Мен газетанинг штатсиз ходимиман», деб атарди.

Биз устоз Миртемирнинг газетамиз ҳаёти билан боғлиқ бўлган фаолиятининг баъзи дақиқалари ҳақидагина тўхтаб ўтдик. Езувчининг газета саҳифаларидаги қутлуғ изларига бир бора назар ташладик. Бу излар шоирнинг шодон ўтган дамлари, ҳаяжонли сониялари, қайноқ ҳаёт чақириқларига ҳозиржавоблик билан берган янгроқ садоларини ёдимизга солди. Бу изларда биз тиниб-тинчимас, чинакам партия солдатининг уриб турган юрагини ҳис этгандек бўлдик.

Шоирнинг газета саҳифаларида босилган энг сўнги мақоласи ҳам ёдимизда. У киши беморлик тўшагида эдилар. Редакция илтимосини рад этмоқ эса ғоят оғир (Биз мақолани аввалроқ заказ қилиб қўйган эдик). У киши стационарда ётиб мақоланинг сўнги саҳифаларини ёзиб тамомлади. «Биз ўтган йўл» номли ўтли публицистик мақола қўлимизга тегди. Мақола халқимизнинг босиб ўтган шонли, бой, мазмундор тарихий йўли ҳақидаги ўйлар билан суғорилган эди. Биз мақолани энг йил арафасида эълон қилдик. «Биз ўтган йўл» — шоир ижодининг лейтмотивини ўзида ифодалаган бир ғиборадир. У Ленинни, партияни, қаҳрамон совет халқини, совет Ватанининг ярим асрдан кўпроқ вақт мобайлидаги революцион жанговар йўлини катта бадий куч билан ифода этган эди. Миртемир халқ билан ҳамиша ҳамнафас яшади. У халқимизнинг муқаддас мақсадлар йўлидаги меҳнат ва кураш йўлига ҳамиша ҳамнафас бўлиб қолаверади.

## **СЎНГСИЗ ҚУШИҚ**

Ҳаёт воқеаларга бой. Ижодкорлар борки, уларнинг нафаси теккан ҳар бир ҳаёт лавҳаси ўзига хос шоирона образга айланиб кетади. Бундай шоирлар табассум чўққисидан ҳажв қоясига оҳудай енгил сакраб ўтишлари мумкин.

Миртемир аканинг ижодини эса мен ягона ва сўнгсиз қўшиққа ўхшатгим келади. Мен унинг проза ёзмагани, драматургияга кўп қизиқмаганини назарда тутаётганим йўқ. Гап шоирнинг ижоддаги изчиллиги устида бораётир. Мана, бир мисол...

Ҳар бир адабиётнинг чўққиси ундаги асарлар юксаклиги билан белгиланади. Миртемир аканинг «Ленин жилмайиши» китоби ўзбек шеърятининг сўнгги йилларда забт этган чўққисидир. Оддийгина тоққа чиқиш осон эмас. Бу ижодий юксакликка етиш учун ҳам шоирга неча ўн йиллар керак бўлади.

Эй, қора тунларимизнинг қандилини ёққан,  
Эй, туман байроқлар ўрнига эрк чечагини таққан  
Буюк устоз,

деган сатрларни у эллик йилдан аввалроқ ёзган эди.

«Владимир Ильич Ленин» дostonи қирқинчи йилда туғилди. «Ленин ва Ражаб бобо» яратилиши учун эса яна чорак аср меҳнат талаб қилинди. Оддий меҳнат эмас, қалб меҳнати!

Демак, шоир шу муддат орасида нималар билан машғул бўлганидан қатъий назар, унинг асосий қўши-

ғи — Ленин шахси ва халқ тақдири ҳақидаги ўйлари узлуксиз давом этган, мақсад ва кайфияти шунга боғлиқ бўлган. Мен ўзимни шоир Миртемирнинг шогирдларидан бири деб ҳисоблайман. Шогирд сифатида айтишим мумкинки, кифтида ана шундай салмоқли юки бўлмаган ижодкорнинг қайиғини енгил шабада ва майда тўлқин ҳам ағдариб ташлаши мумкин, олис манзилга етиш тўғрисида гапириб ўлтириш ортиқча...

Кўнгли очиқ киши атрофида ёшлар кўпроқ айланади. Миртемир ака улардан кўп мақтовлар эшитган. Шу билан бирга, устозимиз ўз шогирдларининг фикр ва маслаҳатларини ҳам олтинга тортиб оларди. Мисол учун яна «Ленин жилмайиши»га қайтамиз.

Миртемир ака бу китобга кирган дoston ва шеърларини аввало жуда кўп давраларда ўқиб берган, фикр йиққан эди. Ана шу шеърларга иккинчи корректура пайтида ҳам қайта-қайта янгилик ва таҳрир киритилганидан хабарим бор. Кейин улар алоҳида китоб бўлиб чиқди. Миртемир ака кўпинча ўша китобнинг бирини олиб юрарди. Мажлисларнинг бирида ёнма-ён ўлтириб қолдик. Мен у кишидан китобни сўраб олдим. Варақлаб қарадим у ҳаяжонланиб кетдим: биз илгари эшитганда қуйма бўлиб кўринган сатрларнинг жуда кўпчилиги қалам билан янгидан таҳрир қилинган эди. Домладан бунинг сабабини сўрасам: «Ишлаб юрадиган китобим,— деди у киши,— ишлайман деган кишига иш топилаверади».

У эрмак учун ишламасди. Бу талабчан шоирнинг шеърхонга, халққа ҳурмати эди. Халқ нафасини сезувчи шоир ҳаёт тасвирида кам янглишади. Киши қанча кам янглишса, ҳақиқатга шунча яқин туради.

### **МИРТЕМИР ҲАҚИДА СУЗ**

Агарда, менга тенгдош ижодкорлардан, сиз ўзингизга кимни устоз ва мураббий биласиз, деб сўрасангиз, кўплари албатта, шеърятимиз мутафаккири Миртемир номини тилга оладилар.

Устоз доимо ўзининг тажриба ва билимларини шоғирдларига бериш истаги билан яшар эди. Ҳаммамизни ҳам камтарликка ундарди. Мен унинг ўқувчилари, шоғирдларисиз ўтирганини эслолмайман. Шу ўринда домла билан бир ўтириш — шоғирдлар даврасидаги воқеани эслатиб ўтмоқчиман. Биз бир гуруҳ ёшлар домланинг уйларида ўтирардик. Дўстларимдан бири ногихон устозга шундай савол бериб қолди:

— Домла, нега Некрасов, Шевченко, Маҳтумқули сувратлари иш столингиз устида турадию, Навоий билан Пушкин сувратини кўздан четроққа, китоб жавонининг бир чеккасига қўйгансиз?

Шунда домла ўзига хос назокат билан:

— Мен бу икки буюк даҳога тик қарашга ботинолмайман. Улар олдида ҳижолатдаман. Негаки, Пушкинни, унинг поэзиядаги сарбаландлиги даражасида таржима қилолмадим, Навоийнинг теран ва мураккаб оламини ҳали сўнггигача англаб етолмадим,— деб жавоб берган эдилар.

Бу сўзларни айтган шоир Пушкинни ўзбек китобхонларига таништириш учун ижодининг энг етук онларини бағишлаган, Пушкиндан энг кўп ва энг хўп таржималар қилган эди.

Навоий ҳақидаги бу сўзларни айтган шоир классик шеърятимизнинг сарвар нуктадони, билгичи эди.



Миртемир ана шундай камтарин инсон, ажойиб шоир — педагоглик салоҳиятига эга устоз эди. Теран идрок, назокат, ёш истеъдод соҳибларининг қалбига йўл топа билиш, зийраклик ва оққўнгиллик унга хос фазилатлар эди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинми, ёш истеъдодларни пайқаш ва рўёбга чиқаришда Миртемир домланинг ўзига хос савқи табиийси бор эди. Миртемир домла ёши кексайиб қолган чоғларида ҳам, бошловчи шоирларнинг машқларини бажонидил ўқир, уларни газета ва журнал редакцияларига ўзи олиб келар, баъзан эса, атоқли устознинг бу қадар ғамхўрлигидан бироз ҳижолат бўлган ёш шоирнинг ўзини ҳам етаклаб келар эди.

Едимда, мен 1-курсада ўқиб юрган чоғимда, унга ўз саккизликларимни олиб келган эдим. Миртемир домла уларни кунт билан ўқиб чиқди. Аввал, баъзи бир сатрлар, баъзи бир мисралар учун мақтади, кейин эса камчиликларини кўрсатиб, агар мен уларни қайтадан ишласам, «Оқ йўл» тўпламига киритилишини айтди. Шу тариқа менинг илк шеърий туркумим «Оқ йўл» деган баёзда босилиб чиқди. Кейинчалик мен Миртемир оға билан наشريётда бирга ишладим. Устоз шоирдан жуда кўп нарсани, аввало, ўз-ўзига ва ўзгаларга талабчанликни ўргандим. У ёш муҳаррирлардан ҳаммага, шу жумладан, ўзига нисбатан ҳам қатъий танқидий муносабатни талаб қилар эди. Баъзи ёш муҳаррирлардан бирортаси унинг янги китоби юзасидан ўринли фикр айтиб, муайян бир шеърни тўпламга киритмаслик ҳақида таклиф киритганда, унинг чин дилдан қувонганлари ҳамон ёдимда.

Миртемир ўз шогирдларининг дўсти эди. Шогирд ва устоз тушунчаси — бу нисбий тушунча, деб уқтирарди кўлинча у. — Шеърятда устоз ва шогирд бўлмайди, балки ижодкор мураббий бўлиб қолади. Шеърингиз ўқувчи қалбини ларзага солган кундан бошлаб ўзингизни мураббий деб ҳисоблайверинг ва шуни унутмангки, ўқувчи сиздан энди ёш ижодкор қаламига мансуб сатрларни эмас, балки катта маҳорат билан ёзилган сатрларни кутади, — деганди Миртемир ака ўзининг бир суҳбатига:

Шоирнинг ўзи ҳам ўсмирлик йилларидаёқ катта маҳорат эгаси эди. 18 ёшида унинг адабий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланган «Шуълалар» китоби нашр этилди.

Миртемир домланинг ижодий йўли шеърий юксакликларга олиб чиқадиган сермашаққат йўлнинг тимсолидир. Миртемир домла энг гўзал шеърларини ҳаётининг сўнгги йилларида яратди. Шоир бу шеърларни яратиш учун узоқ изланишлар, мислсиз, машаққатли меҳнат синовидан ўтди. У ёшларга ўргатибгина қолмай, ўзи ҳам ўрганар эди. «Мен бугун бахтсиз одамга айланиб қолдим,— ҳазиллашарди у,— кеча кун бўйи мажлисда ўтиришга тўғри келди, ҳеч нарса ўқий олмадим». У ижодга, адабиётга бахшида бўлмаган, шогирдлари билан суҳбатда ўтказмаган фурсатини бекор ўтган, йўқотилган вақт деб ҳисобларди.

Миртемир домланинг истеъдоди — фидоий истеъдод. Ўз умрининг энг яхши йилларини у таржимачилик ишига бағишлади. Агар унинг таржималари тарозининг бир палласига, ўз асарлари иккинчи палласига қўйилса, менимча, таржималари босиб кетади. Пушкин ва Лермонтовнинг шеър ҳамда поэмалари, Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди?» асари, қирғиз халқ эпоси «Манас», СССР халқлари адабиёти классикларининг шеърлари — мана, Миртемир бизга мерос қолдирган улкан таржима асарлар хазинаси. Уни ҳақли равишда Ўзбекистондаги шеърий таржиманинг отаси дейиш мумкин. Бизда ҳеч қайси шоир Миртемирдек кўп ва хўл таржима қилган эмас. Лекин энг аввало у ҳақиқий шоир эди. Нозик лирик табиатли, теран файласуф, бағри кенг шоир эди.

На олтин, на жавоҳир эдим,  
 Армонли бир ёш шоир эдим.  
 Зухро бўлмасанг ҳам чиройда,  
 Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим.

Бу сатрлар «Сурат» достонидан. Нақадар аниқ, ёниқ сўзлар. Бу мисраларда анъанавий, дабдабали сифатлашлар, фавқулодда оҳангли қофиялар йўқ. Уларнинг барчаси оддий халқ сўзлари. Аммо уларнинг замирида ёрқин поэтик образ, ҳис-туйғулар ғалаёни барқ уриб туради. Миртемир ўз ижодининг бошидаёқ новатор шоир сифатида майдонга чиққан эди ва умрининг охиригача шу йўлга содиқ қолди.

Шоирлик бу ширин жондан кечмоқдир,  
 Лиммо-лим фидолик майин ичмоқдир.

Шоирлик... юракни минг парча этмак,  
Парчалаб эларо тақсимлаш демак.

Ҳар куни, ҳар соат зарра ва зарра  
Жонни нисор этиб, энг сўнгги қарра.  
Армон билки демак, эй она юртим,  
Кечир хизматингни қилолмай ўтдим.

Шундай яшар асли соҳиби ижод,  
Шундай яшаб ўтди Миртемир устод.

ЮКСАК ХАЕЛ

Миртемир домла...

Бу номни эшитганда қалбимизга беихтиёр илиқлик югуради. Бу илиқлик, энг аввало, камтар ва жозибали бир инсонга ҳурматимиздандир. Бу илиқлик халқимизни қирқ йилдан буён хушнуд этиб келаётган каттакон бир шоирга муҳаббатимиздандир. Ҳа, домла Миртемир ҳақиқатан ҳам улкан инсон ва катта санъаткор. Домланинг асарларини кўздан кечираётиб, шунчалик «кўп ва хўб» ишлар қилиб қўйган одам бунчалик хоксор деб ажабланасиз ҳам. Миртемир домланинг биргина таржима соҳасидаги хизматларини баралла дунёга доврўқ қилса бўлади. Домла маҳорат билан ўзбек тилига афдарган асарлар ҳали бир неча авлод китобхонларига завқ-шавқ бериши шубҳасиздир. Хўш, у кишининг ўз шеърлятичи? Ўзбек совет адабиётида Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсад Шайхзода шеърляти каби Миртемир шеърляти деб аталган қўйма ибора ҳам бор. Маълумки, бундай ибора адабиётда ўзига хос ижодий мактаб яратган, ўз замини ва ўз осмони бўлган санъаткорларга нисбатан қўлланилади.

Миртемир домла ҳам ана шундай санъаткорлардан биридир. Биз ёшлар, бошқа устозларимиз қатори Миртемир домладан ҳам кўп нарса ўрганамиз. Миртемир домланинг энг ибратли фазилатларидан бири унинг камтарлиги билан бир қаторда ниҳоятда меҳнаткашлиги десам янглишмаган бўлур эдим. Ижод машаққатидан озми-кўлми хабардор бўлган ҳар бир одам Миртемир шеърларини ўқиётиб, унинг ҳар бир сатр устида қан-

чалик тер тўкканини тасаввур қилиши қийин эмас. Шеър устида шоирнинг бунчалик оғир заҳмат чекишини катта фазилат деб баҳоламоқ керак. Бир вақтлар рус шоири Вяземский Пушкин ҳақида гапириб, у «тезгина ёзади, лекин ҳар бир сатрини узоқ вақт қиртишлайди», деган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, асар устида муттасил меҳнат қилиш талантининг кичиклигини эмас, балки катталигини билдиради. Мана шундай меҳнат ва масъулиятнинг самараси ўлароқ сўз санъатимизда Миртемирнинг ўзига хос рангдор тили ҳам ярақлаб турибди.

Дунёда шундай шоирлар ҳам бўладик, улар ўз шеърятини ўзи ҳаётлигидаёқ сафдан чиқиб қолишини фаҳмлаб, ногирон одамни етаклагандай етаклаб оладилар, шеърятининг мавжудлиги ҳақида «пўшт, пўшт» лаб, эслатиб турадилар...

Мен Миртемир домланинг атрофида, яъни у кишининг кўз ўнгида ўқиб-ўрганиб вояга етган қаламкашларнинг бириман. Биз Миртемир домлани ёшларнинг мураббийси дейишга ўрганиб қолганмиз. Хўш, аслида бу мураббийлик нимадан иборат эди? Тўғри, домла бир қанча ёш шоирларнинг машқларига қалам уриб, уларга конкрет йўл-йўриқлар кўрсатган, баъзиларини эса қўлларида етаклаб матбуот эшигига элтиб ҳам қўйган. Аммо бир қатор ёшларга домла ўз хайрихоҳлиги билан мадад кўрсатарди. Менинг биринчи шеърим тўпламим «Митти юлдуз» Миртемир домла таҳрири остида чоп этилган. Шубҳасиз, китобчада Миртемирдек улкан шоирнинг дастхати туриши менга жуда катта куч бағишлаган, қолаверса, баъзи томошаталаб танқидчиларга юпанч ҳам бўлган. Мен домла ҳақида жуда кўп ва ғаройиб хотиралар сўзлаб беришим мумкин. Аммо бу ерда Миртемир домла ҳақидаги бир шеъримни келтираётганим сабабли бирмунча умумий мулоҳаза билан чекланмоқчиман: Миртемир домлада жуда катта шеърим ҳаёл бор эди. Ҳаётнинг кўпгина икир-чикирлари бу ҳаёл олдида баттар рангсизлашар, домланинг сиймоси эса янада улуғвор кўринар эди. Мана, домла ҳаётнинг майда-чуйда армонларидан қутулиб ҳам кетди. Аммо, улкан бир шоирнинг юксак ҳаёли, ўчмас Сиймоси абадий яшаб қолди.

## Устоз Миртемир хотирасига

Сизга ташланмади, оҳ не-не саклар...  
Улар ҳар мўминга ташланар эди,  
Ташланмаса дили гашланар эди,  
Улар — чўлоқ итлар, ёлдор кўппаклар.

Жиндеккина нозик феълингиз билан  
Сокин бир кўнғироқ чалиб ўтдингиз,  
Еруғлик кунларни бедор кутдингиз,  
Дардлашдингиз фақат элингиз билан.

Нечоғлик хокисор эдингиз, устоз,  
Ялангтўш, меҳнаткаш, қалам деҳқони.  
Қадим Туркистоннинг танти ўғлони,  
Покиза эдингиз мисли оқ қоғоз.

Не-не ўлкаларнинг не даҳолари  
Сиз боғс ўзбекча сўйлаган эди.  
Сизнинг лафзингизда куйлаган эди  
Кошғарийдан қолган тил садолари.

Шеърингиз учқуру ўзингиз карвон,  
Манзилга шошилмай келар эдингиз.  
Оҳ, устоз, ҳолбуки, билар эдингиз:  
Олғирлар давридир асли бу даврон.

Сизнинг армонингиз яшар қоғозда,  
Балки, у бўйлагай асрларни ҳам.  
Во дариг, мана шу сатрларни ҳам  
Ёзсам бўлмасмиди Сиз тирик чоғда...

## ЕРУҒЛИК ШАЙДОСИ, РАВЗА ШАЙДОСИ

Тоғ билан тоғнинг, боғ билан боғнинг фарқи ер ила осмончалик. Бир тоғдаги беқиёс маъданлар бошқа тоғда бўлмаслиги мумкин. Бу тоғда ўсадиган танқис гиёҳлар у тоғда бўлмаслиги ҳайратланарли гап эмас. Бир боққа кирган киши ўзини ўша афсонавий беҳиштга кирганчалик ҳис қилади. Бироқ исмигагина боғ деб аталган боғроғларнинг ҳам борлигига шубҳа қилмаса бўлади. Сўнгра тоғларнинг бари ҳам узоқдан бу кўзларга тоғ бўлиб кўрина беради. Ва лекин тоғма-тоғ кезган кишиларгина у тоғ нимаси билан сирлию, нималари билан сеҳрли эканлигидан воқиф бўладилар. Мен ўз отамдай азиз кўрмиш устозимни бағри беҳисоб конларга бой бир тоққа ўхшатгим келади. Мен ана шундай улкан бир тоғнинг баҳори, ёзларидан, хазонсиз кузларидан; ирмоқларидан, тиниқ булоқларидан бир қадар баҳраманд бўлганим билан, ўру қирларидан, борлиқ сирларидан бир қадар хабардор бўлганим билан фахрланаман. Айни вақтда ҳеч қачон кўнгилларига соя солгулик бирон-бир ноҳўя иш қилмаганим билан, номларини, обрў-эътиборларини ҳеч қачон сунистеъмол қилмаганим билан, айрим шогирдларига ўхшаб ўтмас матоҳимни ўтказиб олиш баҳонасида баридан тутмаганим, редакцияма-редакция, нашриётма-нашриёт олдимга солиб юрмаганим, сурлик қилиб «осилиб олмаганим» билан фахрланаман.

Искандардан сўрабдилар:

— Сен устозингни ота-онангдан кўра кўпроқ ҳурмат қилармишсан, иззат-икромини ўрнига қўярмишсан, шу ростми?

Искандар жавоб берибди:

— Ота-она мени йўқлик осмонидан борлиқ ерига олиб тушдилар. Устозим эса мени ердан кўкка кўтарди.

Устоз ҳақидаги бу донишмандона гапдан ошириб бир сўз айтиш мушкул. Бироқ мавқеига, мартабасига, қўлидан иш келар-келмаслигига қараб устоз танлаган шогирдларни ҳам эшитганимиз бор, кўрганимиз бор... Айни вақтда устозига гап ташувчи — «халис хизмат қилувчи» шогирдларнинг ҳам борлигига гумон қилмаса бўлади. Устози оламдан ўтмай туриб марсияни олдиндан (ҳар эҳтимолга кўра) битиб қўювчи устомон шогирдлар ҳам йўқ эмас. Ё бўлмасам донгдор ижодкор қайтиш қилганларидан сўнг, биз ана шу одамнинг шогирди бўламиз, деб кўкрагига уриб юрувчи, хотира кетидан хотирани қаторлаштириб ташлагувчи «азамат» шогирдларнинг ҳам борлигига ишонса бўлади. «Нафи» тегмаган устоздан тониб кетувчи «узоқни олдиндан кўрувчи» учар шогирдлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Олтмишинчи йилнинг сентябрь ойлари эди. Ёзувчилар союзига машқларимни кўрсатгани боргандим. У кезлари домла Бош консультант эдилар. Ёш ёзувчиларнинг семинарларини ҳам домла бошқариб борардилар. Мен сингари шаҳар атрофидан ё узоқ қишлоқлардан борувчи ҳаваскорлар қандай борган бўлсак шундай қайтардик. Нима қилиб юрибсан деган одамнинг ўзи йўқ. Бу энди, албатта, ўзимизнинг тортинчоқлигимиздан эди. Ниҳоят, мен шу масалада домлага, бизнинг айбимиз нима, ё Тошкентда турмаганимизда, деган маънода эътироз билдирдим. Домла аввалига хафа бўлдилар. Одатдагидай елкаларини учуриб, қош-қовоқларини осиб олдилар. Шу йўсинда ёзувчилар союзидан таъб-табиатим хира бўлган ҳолда чиқиб кетмоқда эдим. Кетимдан Юсуф Шомансур чиқиб, Сизни Миртемир ака чақиряптилар, деб қолди. Мен, ҳозиргина домланинг олдидан чиқдим, дейишимга қарамай у мени домланинг олдига бошлаб кирди. Қиришим билан домла:

— Кечирасиз, ўғлим, сиз Сулаймон пайғамбарнинг авлодларидан экансиз. Танимабман. Кўпдан бери сизни сўроқлаб юрардим. Машқларингизни кузатиб бораман. Бир қадар маъқул. Айниқса сизнинг халқ оғзаки ижодини тўплаб юрганингиз, ўзингизнинг ҳам халқ ижоди йўлида ёзишингиз мени қизиқтириб келади. Шу йилнинг октябрь ойида Ўрта Осиё ёш ёзувчиларининг семинар-конференцияси бўлади. Биз сизни шу йиғилишга рас-



Мий равишда таклиф қиламиз. Борлиқ машқларингизни ола келинг, — деб қолдилар. Қувонганимдан қалтираб кетдим. Гўё армонларим ушалгандай бўлди. Лоп этиб бирдан ўзимни ёзувчи бўлиб қолгандай ҳис қилдим.

Семинар-конференция ҳам бошланди. Кўп ёшлар қатори менга ҳам Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода сингари ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратган улкан зотларни, арбобларни, Зулфия, Иззат Султон, Уйғун, Комил Яшин каби санъат ва адабиётимиз намояндаларини, ифтихорларини, тонг юлдузларини яқиндан туриб кўришдек, суҳбатларидан баҳраманд бўлишдек самовий бахт насиб қилди.

Бу улкан анжуман ниҳоясига етиш олдида домла менга:

— Мулла Тўра, сизнинг тўпламингизни бу гал муҳокамага қўйишнинг чораси бўлмади. Энди бундай қиласиз: конференция тугагач, уйга борасиз-да маҳкамангиздан бир ҳафтага руҳсат сўраб тўғри шу ерга — Дўрмонга, Союзнинг боғига келасиз. Бирга ишлашамиз, деб қолдилар. Қани энди ўшандаги қувонганларимни эндиги кунда сўз билан ифода этолсам, Семинар-конференциядан олган таассуротларимни бирма-бир айтиб беролсам.

Шундай қилиб Дўрмонда бир ҳафта турадиган бўлиб бордим ҳам. Домла билан ишлашга тушиб кетдик. Ана энди домланинг шеърни таҳрир қилишларию, толмасликлари, толиқмасликлари. Шу-шу домла билан боғлашиб қолдим. Суйканиб эмас, суюб қолдим. Суяниб қолдим. Бу энди бир кўлмакнинг дарё билан, кўзи очилмаган бир булоқнинг уммон билан туташувидай бир гап эди.

Айрим машқларим қатори домлага «Дўмбирам» номли шеърим ёқиб тушди. «Дўмбира»ни яхши чалибсиз дея, бу эпик характердаги шеърни «Қизил Ўзбекистон» газетасига тавсия этдилар. «Дўмбирам»нинг ёруғликни кўргандаги суюнганларим... Шу-шу катта ва кўламсиз йўлга, муқаддас ва муборак йўлга, мумтоз ва мунаввар йўлга чиқа бошладим.

Тошкентга тушар бўлсам устознинг муборак хонадонларига қайрилмасликнинг иложи йўқ эди. Оғанинг қўлидан ўтмаган, қутлуғ қалами тегмаган бирон-бир шеърим, бирон-бир дostonимни эслай олмайман. Домла ҳам қаламдан энди чиққан ҳар бир асарини, «бир нарса қоралаб қўйган эдим, шуни бирга ўқишайлик. Нуқсонни бўлса юз хотир қилмасдан, андиша қилмасдан ай-

тиш»,— дея ўқишга тушардилар. Ваҳоланки, домла ҳар бир шеърини қиёмига етмагунча, мукамал бир ҳолга келмагунча бу ҳақда гап ҳам очмас, эълон ҳам қилмаслигини бир мен эмас, кўпчилик яхши билади.

Шеър ўқимоқлик, таҳрир қилмоқлик ўз йўлига. Мен иззатли устозимнинг узоқ ва яқин ўтмиш ҳақидаги кўрган-кечирганларини, Йўлдош ота билан ишлаган даврларини, янги адабиётимиз ва янги маданиятимизнинг шаклланишига оид қарама-қаршиликларни ҳикоя қилиб беришларини жон-жонимдан истардим. Айниқса Ҳамид Олимжоннинг халқ оқинларига бўлган эътиқод ва эътиборини, уларга қилган ёрдам ва имтиёзларини, Йўлдош отанинг халқ ўртасидаги обрўларини, мартаба ва мавқеаларини, Усмон отанинг ёзувчилар билан санъаткорларга қанчалик яқинликларини, улар билан муттасил мулоқотда бўлишга вақт топа билганликларини, Фафур Фуломнинг дарёликда тенгсизлигию бетимсоллигини муҳаббат билан айтиб берар эдилар.

Бир куни бизнинг уйда профессор Худойберди Дониёров билан қилган суҳбатларида гап ҳазрати Навоий, исёнкор Машраб, жаҳрия тариқатининг асосчиси, шайх Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Абдуллахонлар ҳақида гап кетди. Суҳбат қизигандан қизиди. Бу улкан зотлар ҳақидаги баҳс борган сари теранлашиб кетмоқда эди. Суҳбатдошлар эса бири-биридан ошиб тушмоқда. Шунда олимнинг олимлигига, шоирнинг шоирлигига танг қолганман. Бири-биридан қимматли манбаълар, бири-биридан устивор маълумотлар. Мезбон сифатида хизмат қилиб туришни ҳам унутиб қўяёзимман...

Зомин районида бўладиган китобхонлар билан учрашувга устод иккаламиз бордик. Ўша кезлари домланинг бетоб чоғлари эди. Оғриғи қайталаб қолди. Шунга қарамай учрашувни бир амаллаб ўтказиб олдик. Не бир азоблар билан Гулистонга етиб келдик. Сирдарё область шифохонасининг бош врач Шодиёр Бегимқуловга хабар қилдим. Бозор куни бўлишига қарамай у киши бизни тўғри уйига олиб бордилар. Мутахассис шифокорларни чақириб, домлани даволашга киришишди. Уч-тўрт соат ичида домла бир қадар ўзларига келдилар. Шу-шу домла умрининг охиригача Шодиёр Бегимқуловни тилларидан туширмадилар. Миннатдор бўлиб юрдилар. Отам мисоли азиз домламнинг «Беморлигимда» шеъри ўшанда ёзилган эди. Мана ўша шеър:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қовурилмай то гашлик алангасида,  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Нафасимни ростлай кўланкасида.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қушлар овозига қулоқ солайин.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Хаёл огушида ором олайин.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Шу кунгача ўзи мен чеклаб келдим.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

Бундан ташқари «Ўзим биламан», «Армон», «Асо», «Буқабулоқ», «Чақмоқ», «Чирилдоқ» шеърларининг ёзилиш сабабларини, пайтларини, тафсилотларини батафсил ҳикоя қилиб беришнинг, менинча, ҳозир мавриди эмасдай. Домланинг оналари ҳақидаги армонларининг чеки-чегараси йўқ эди. Онаизорларининг бир ишорасига «юз ўмбалоқ ошиб кетолмаганини», энг фожиалиси «сўнги йўлга ўзи кузата олмаганини», тақдир тақозоси билан ўн бир ёшларида йўл-йўриғларининг мадинайи мукаррамаларидан айри тушганларини дард билан, ҳасрат билан айтиб берардилар. «Онагинам» (1960 йил), «Онагинам» (1972 йил) шеърларининг юракни ўйнатарлик даражада, ларзага солгулик даражада ёзилишининг сабаби шундан.

Домланинг ҳавас қилгулик сифатларини, ёшларга қанчалик меҳр-муҳаббат билан мураббийлик қилишларини, хотамтойлигини, валломатлигини бирма-бир айтишнинг бир мавриди бўлиб қолар. Шу ўринда мен ўшлик шоир Турсунбой Адашбоевга тавсиянома берганларини, Турсунбойнинг ёзувчилар сафига қандай ўтганлигини қайд қилишни истардим. Қирғиситон Ёзувчилар Союзининг президиумида бошқалар қатори Турсунбой Адашбоевнинг ҳам союзга ўтиши кўрилади. Президиум аъзоларидан айримлари Турсунбойнинг союзга қабул қилинишига ҳали бир оз борлигини айтишиб, унинг ҳужжатларини қайтаришади. Шунда кимдир унга Миртемир оганинг тавсиянома берганлигини айтиб қолади. Буни эшитган Чингиз Айтматов ҳужжатни қўлига олиб, Миртемир оқсоқолнинг тавсияси билан келган кишини союз-

га қабул қилмай бўладими, деган таклифни ўртага ташлайди. Турсунбой Адашбоев союзга бир оғиздан қабул қилинади.

Устоз ўзини қанчалик камтарликка олмасин, хокисорликка олмасин, бари бир ҳар бир ҳаракатида, феъл-авторида, мулоқотларида шеърларидай самимийлиги, чўнглиги, ўқтамлиги сезилиб, билиниб турар эди. Бировни ғийбат қилмас, ғийбат гапни тингламас эдилар (бундай гапларни эшитмасликка олардилар)... Шеърни шеърга уриб шеър чиқарувчилар, бировнинг айтган гапини дарҳол ўзиники қилиб илиб кетувчилар ҳақида гап кетганда, у шўрликларга ҳам осон тутиш керак эмас, унингсиз бировнинг ризқи ҳалолдан, бировнинг ризқи ҳаромдан бўлади, деб қўя қолар эди.

Менинг шеър ўқишимни ҳечам ёқтирмасдилар. Домла, ким нимаси биландир машҳур бўлиши керак-ку. Мен эса шеър ўқиёлмаслигим билан машҳурман, десам, у киши, бундай қусур билан машҳур бўлиш ҳам ҳаммага насиб қила бермайди, дея хандоң отиб кулардилар. Ифодали ўқишга ўрганишим кераклигини неча бор айтиб, охирида индамай ҳам қўя қолдилар.

Бир куни шоир Талъат Солиев билан уйларига борсак ойим (женнойимни ойим деб ўрганганман) ҳам кулади, ҳам тажанг бўлади. Нима гап деб сўрадик. Ҳовлиларида бир ўрикнинг тўнкаси ётарди. Шунини ёрдиргани домла Чорсуга чиқиб бир кишини бошлаб келибдилар. Бир пиёла чой қуйиб бера туриб бундай қараса ҳалиги киши етмишларга кирган чол экан. Қарияга раҳми келиб овқат устига овқат — роса меҳмон қилиб, узр сўраб, қўлига ўттиз сўм пул бериб кузатиб қўйибдилар. Тўнка тўнкалигича турибди. Роса кулдик.

Домланинг бу сингари раҳмдиллиги, кўнгилчанлиги, қўли очиқлиги, меҳмондўстлиги, ишонувчанлиги хусусидаги латифабоп ишлари, одатлари бир талай.

«Жисмииз йўқолур, ўчмас номимиз».

Улуғ Ҳамид Олимжоннинг қаламига мансуб бу сатр-ни халқимизнинг бешиктаги боласигача ёд билади. Бу қутлуғ сатр устод Миртемирга, умуман, ўлим нималигини билмайдиган буюк зотларга қарата айтилган.

Минг афсус, устод ўз ижодининг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳукуматлари томонидан юксак баҳоланганлигини, Ҳамза ҳамда Бердах номидаги Давлат муко-



Миртемир академик Воҳид Зоҳидов билан суҳбатда.

фотларини кўролмай кетди. Бунингсиз ҳам ижодининг қачонлардир қадрланишини, тиниқ шеърияти олдида хижолатлик эмаслигини ишонч ва ифтихор билан куйлаган эди:

Кўшиқларим, сиз учун хижолатлик эмасман,  
Сиз ўтган йўлларимсиз, кечган дарёларимсиз.  
Сизни мен олтинга ҳам, кумушга ҳам бермасман,  
Сиз менинг тансиқ газнам, эзгу дунёларимсиз.

Мен устози азим ҳақидаги ниҳоясига етмаган бу хотирамни ўзбек шеърятининг маликаси Зулфия опанинг «Катта тўлқин катта денгизда бўлади» деган гўзал суҳани билан тугатмоқчи бўламан. Сабаби, денгиз ўткинчи ҳам эмас, кўчкинчи ҳам эмас. Денгиз-денгиз. Денгизларсиз дунёни тасаввур қилиб бўлмаганидай, шоирнинг ўлмас шеърятисиз покиза тўйгуларимизни, маънавий оламимизни, яхши ном қолдиришдек танқис тилакларимизни тасаввур қилиб бўлармиди?

Алҳол:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Мажнунтолдай эгай букун бошимни.  
Узлат қилмиш бу кеч шеър билимдони,  
Тўйиб-тўйиб тўкай кўзда ёшимни.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Мажнунтолдай қаддим ё бўлмиш, ёраб.  
Мангуликка тобе устоднинг номи  
Қайтадан дилимга жо бўлмиш, ёраб.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Табиатга айтай арзу, додимни.  
Не ажаб ушалса шогирд армони —  
Инобатга олса эътиқодимни.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Мажнунтолнинг куни тушмиш бошимга.  
Жонга-жон бермоқнинг бўлса имқони,  
Бу жонимни берай бовурдошимга.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Нолишларим бўлсин элга овоза.  
Нечук поймол бўлса мухлис имони,  
Барча «Қиприклари» тутмишдир аза.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Шогирдлар бошига тушмуш мушкулот.  
Наҳотки зулумот бўлса макони,  
Қора ер тагида ётса улкан зот?

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Зора шифо топса кўнгил яраси:  
Зора бош кўтарса эл покдомони —  
Ёруғлик шайдоси, равза шайдоси.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Зора субҳ еллари келтирса мужда:  
Умри боқий шоир руҳи қошида  
Вожаб, ўлим ҳам қилмишдир сажда.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Тунд кўнглим Зухродай бўлсин мунаввар.  
Шоир шеърятти, шухрати, шони,  
Шубҳасиз Тиёншон тоғидай пойдор.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мани,  
Устод билан суҳбат қурай бир нафас.  
«Бошқа ўғил бўлиб» тонг пайти шоир  
Бу «дунёга қайтиб» келганлиги рост...

## ШОИР ВА ИНСОН

Шоир ва Инсон... Бу икки тушунчанинг кўлами ниҳоятда кенг ва пойидордир. Бу икки сўз аслида бош ҳарфлар билан ёзиладиган бебаҳо сўзлар сирасига киради. Бу икки сўзни айтишингиз биланоқ кўз олдингизга буюк кишилар келади, сиз гоҳ Алишер Навоийни эслаб кетасиз, гоҳ Александр Сергеевич Пушкин билан хаёлан ҳамсуҳбат бўласиз, жаҳонгашта Бобораҳим Машраб ёлқинли шеърларини ўқийди, оташин Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳайқириб майдонга чиқади... Халқимизнинг бахти шундаки, унинг ана шундай буюк фарзандлари бор ва улар Гейне сўзи билан айтганда, жанговар бурғулардир, улар ўз сўзлари, ҳис-туйғулари билан халқнинг юрак-юрагида ётган орзу ва армонлардан сўзлайдилар, наъра чекадилар... Ўзбекистон халқ шоири Миртемирни ана шундай шоирлардан бири дегим келади. Унинг табаррук устозлар қаторида ўз ўрни бор.

Домла Миртемир, шоирнинг, санъаткорнинг жойи ҳамиша халқ ичида, илҳоми ҳамиша ўқувчилар билан бўлган дийдорлашувдан қуйилиб келади, деган ҳикматли гапга қаттиқ амал қилувчи ва шунга ташвиқ этувчи эди. Шоир қаерга бормасин, ундан албатта бир нурли из қолар эди. Бир туркум шеър ёки очерк. Мен ана шундай сафарларнинг бир нечасида бирга бўлган эдим. Сафарлардан олинган таассуротлар меваси сифатида бугунги кунда ўқувчиларга манзур бўлиб қолган жуда кўп шеърлар яралгандир.

Шундай сафарлардан бири 1977 йилнинг ёзида бўлган эди. Биз — домла, сирдарёлик шоир Тўра Сулаймон



ва мен Андижонга йўл олдик. Миртемир домла Андижонга боришни яхши кўрарди, шунинг учун ҳам шоир Андижон шаънига кўп ўтли мисралар бағишланган эди. «Тотувлик» деган мақоласида бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзади: «Андижон билан тотувлигимга анча бўлди. Айниқса пахтакорлар ҳузурига ҳар йили кўкламда ва кузда келиб тураман. Учрашувлар, шеърят кечаларида қатнашаман. Янги, оҳори тўкилмаган шеърларимни ҳар гал аввало андижонликларга ўқийман ва ҳар келганимда ардоқли Андижон ҳақида нимадир ёзиб кетаман.

Хумор-хумор тонг уфқига ташланг кўз,  
Тонг қолгувлик чексиз карвон келяпти.  
Карвонбоши ўша қайсар — битта сўз,  
Али Андижон келяпти —

деб бошлангувчи «Куз қўшиғи» шеърим ҳам шу қутлуғ заминда қоғоз бетига тушган эди ва илк бор шу қутлуғ замин пахта заҳматкашларига ўқиганман. «Андижон адирларида» сарлавҳали шеърим ҳам шундоқ...»

Бизлар Андижондан тўғри Бўз районига қараб отландик. Олимжон Холдор, бизга, Бўз район мактабларининг битирувчилар кечасига таклиф этилганлигимизни айтди. Бизни бўзлик шоир Тўлан Низом Бўзга олиб кетди. Район марказидаги ёзги кинотеатр биноси йигит-қизлар билан лиқ тўлган эди. Миртемир ака ёшларга қараб тўлқинланиб сўзлади.

Ёшлар шоирни қайта-қайта минбарга таклиф этдилар. Кейин Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозига бордик, Шаҳрихонда бўлдик. Андижон шаҳрида кечган учрашувлар ҳам жуда қизғин ўтди. Медицина билим юртидаги учрашувда бўлажак шифокор қизларнинг шеърга, адабиётга чанқоқлиги Миртемир акани жуда мамнун этди. Мана шулар ҳақида ёзиш керак, булар халқимизнинг эртаси, деди у. Шоир ҳар учрашув вақтида, баъзан кейин, дафтарига нималарнидир қайд этиб қўярди. Бадний буюмлар фабрикасидаги учрашув кейин чевар қизлар ҳақидаги шеърга асос бўлди. «Ёшлик» мактаб-магазинидаги учрашув ҳам изсиз қолмади. Мен ана шу сафарда Миртемир аканинг кўрган ҳар бир детал, ҳодиса ё топиб айтилган бир иборадан ҳам шеър қидиришининг, маъно ахтаришининг яна бир бор шохиди бўлдим. Шу ерда бир ҳодисани айтиб кетишни истар-

дим. Шоир ўшанда «Асо» деб аталган фалсафий мушоҳадаларга бой чиройли шеър ёзди. Шоирнинг босиб ўтилган ҳаёт йўли ҳақида ёрқин тасаввур бера оладиган катта умумлашмалари бу шеър шеърятимизни, шубҳасиз, бойига оладиган асарлардан бўлиб қолади. Учрашувларимиздан бирида шоирнинг санъатига қойил келган чинакам мухлислари ҳурмат белгиси сифатида унга бир соябон тақдим қилдилар. Соябон истаганда йиғиштирилиб асо вазифасини ҳам ўтай олар эди. Шоир бундан жуда таъсирланди. Оддий деталь, оддий сўз катта бир шеърга ҳамиртуруш бўла олди. Лирик қаҳрамоннинг (бу ерда у — шоир) бошига қийинчиликлар, ҳаёт ташвишлари тушганда уни йиқитишга қўймаган халқ, суяб қолган халқ бўлди, шодмон ва фараҳли айёмларда унга соябонлик қилган ҳам халқ бўлди. Ана шундай суянчиғи ва соябони бўлган инсон, шоир бахтлиман, деса арзийди. Шеър бевосита ҳаётнинг ўзгинасидан олинганлиги учун ҳам том маънода ҳаётини чиқди ва совет кишининг ёрқин образини яратиб берди.

Мен Миртемир акага бағишлаб бир ҳазил шеър ёзган эдим, шоирнинг ўзига ҳам ўқиб берган эдим. Адашмасам, ТошДУ нинг ётоқхоналаридан бирида бўлган катта шеър оқшомида шоирнинг ўзи ҳам бор эди, ўқиган эдим. Миртемир ака маза қилиб кулган эди ўшанда. Мана ўша шеър:

### Шоирнинг бир кун

Шоир турар эрталаб,  
Нонуштага ўтирар.  
Сўнг тунда битмай қолган  
Чала шеърин битирар.

Ўғил кетади ишга,  
Ўқишга жўнар келин.  
Китобин ёниб шоир  
Гулларга қарар кейин.

Чанқаб ётган атиргул  
Тагига сув қуюди.  
Шамол буккан райҳоннинг  
Қаддин ростлаб қўяди.

Хомтоқ қилар серманак,  
Кун тегсин, деб узумга,

Вақти келиб шакаланг  
Бош эгсин, деб, ўзимга.

Тиним билмайди шоир  
Куннинг қизғин чоғида.  
Кечгача қолиб кетар,  
Куйманиб ўз боғида.

«Кеч ҳам бўлди... Бас, етар!  
Иш қилдингиз киройи!»  
Дея меҳнат ҳақиға  
Бўса берар кеннойи.

## БИР ШЕЪР ТАРИХИ

Миртемир ака шеър заргари. У сўзни мисқоллаб ўлчади, ёзадиган гапини етти эмас, етмиш ўлчаб, бир кесади. Бу ойдай аниқ нарса. Лекин... ҳаммамизга маълум оддий сўзларга ўзгача бир сеҳр бағишлай оладиган бу шоир қандай ишлар экан — кўпдан шунини ўйлар, мавриди келса, унинг шеър ёзишсиними, бирор асарига сайқал беришсиними, кузагсам, деб ҳавасланардим.

Ниҳоят, шундай кун келди. «Гулистон» журналида Миртемир акага бағишлаб махсус саҳифалар берадиган бўлдик. Ундан шеър «ундириш» менга топширилди. Ишдан вақтлироқ чиқиб, Ишчилар шаҳарчасига қараб йўл олдим.

Биз ёшлар, ўз уйимиздай эмин-эркин кириб борадиган шинамгина файзли ҳовли. Баҳордан кузаккача бирин-сирин потраб очиладиган уфори гуллар ҳали уйқуда. Ёзда оқ, қирмизи, пушти бўлиб кўз қамаштирувчи бу гуллар худди хонадон соҳибининг байтларига ўхшайди. Уларга тикилса, одамнинг ёшлиги, ёшликдаги тотли, ҳануз дилни жизиллатадиган ёниқ туйғулар эсга тушади, юрак ҳаприқади...

Ичкари кирдим. Миртемир ака кўринмайди. Газета-журнал варақлаб ўтиравердим. Анчадан кейин аста кириб келди. Эғнида иссиқ жун кўйлак, кулранг берет.

— Э, мулла Саъдулла!— деди жилмайиб, сўнг одати бўйича қайта-қайта ҳол-аҳвол сўради. Ниятимни айтдим. У «яхши» деб бош силкиди.

— Тайёр шеър бўлса, олиб кетмоқчийдим...

— Тайёр шеър... йўқ эди,— деди аста. Назаримда,

Шиндак хижолат чеккандай бўлди. Гуё анчадан беринги нарса ёзолмай юрибдию, буни мен тағин эслатиб қўйгандек эдим.

— Унда ёзиб берасиз.

Миртемир ака сал энгашди, ўнг кафтини қулоғига тутди. Илтимосимни қайтардим. У қаддини ростлади, бошини силкиб, «хўп» ишорасини билдирди.

— Кўп бўлди, «Гулистон»да чиқмадим. Ёзиб бераман. Коммунист ҳақида шеър ёзиб бераман. Беш-олти кундан кейин бир қайриласиз-да...

«Қайриладиган» куним келганда, кутилмаган воқеа юз берди. Миртемир ака тоби қочиб, шифохонага тушиб қолди. Кўргани бордим. У бир ўзи бир хонада ётар, дераза ёнига қўйилган баланд каравотининг бош томонида дид билан тахланган қалам, дафтарлар, журнал ва китобчалар, катта-кичик шишаларда дори-дармонлар саф тортиб турарди. Миртемир ака «болам»лаб, «бўтам»лаб меҳмон қила кетди. Унинг вақти хуш эди, дам-бадам кириб турган ҳамширалару врачларни бирор қизиқ гап айтиб кулдирад, ўзи ҳам ҳузур қилиб куларди. Шундай суюнчили дақиқаларга соя солгим келмади, «шеър дардида» турган бўлсам-да, тилимни тийдим. Бироқ Миртемир аканинг ўзи гап очди:

— Мен журналларнинг олдида уятликман... Туппатузук юрганийдим, бирданига бундоқ бўлиб қолди... Ҳозир ҳийла яхшиман. Шеърни ёзиб бераман, қоралаб қўйганман. Тунда, соат ўн бирдан кейин дўхтирлар хоналарига кириб кетади. Шунда бекитиб оз-оздан ишлаяпман. Бир кун дўхтирим кўриб қолиб уришди. «Ахир мен бу ишдан роҳат қиламан, ишласам енгил тортаман», десам ҳам кўнмайди-да... Худди атайлаб қилгандек, дўхтирлар навбатчилик қиладиган хонанинг рўпарасига ётган эканман. Алдаб бўлмаёпти. Уларнинг кўзидан узоқроқ ерга кўчмоқчи бўлиб ўтирибман...

Миртемир аканинг гапларини эшитиб, унинг соддалиги ҳақида баъзи бировлар айтиб юрадиган ҳангома-ларни эсладим.

— Нега куласан?— деди у ҳам беихтиёр илжайиб,— чиндан бошқа ерга кўчмоқчиман. Алиса хонимни алдаб бўлмайди...

Алиса хоним — Миртемир акани даволаётган врач экан.

Уч-тўрт кун ўтиб, шифохонага яна келдим. Остона

ҳатлаб, ҳол-аҳвол сўрамасимданоқ, Миртемир ака ёзилажак шеърдан гапирди:

— Мана, уч вариант ёзиб қўйдим,— деди қалин кўкиш дафтарни қўлига олиб,— бир нусхасини яхшилаб ишлаб бераман. Ҳали жиндек хомроқ... Ол, бўтам, анови олмаларни арчиб ўтир...

Ўша куни мен Миртемир аканинг бир ижодий сиридан воқиф бўлдим: у бўлажак шеърларини олдин поэтик сочма ҳолида қоралаб чиқар, фикрларини тиндириб, образларга сайқал берар, эски ташбеҳларни янги, оҳори кетмаганлари билан алмаштираверар экан. Сочмалар етук санъаткорнинг «чиғириғи»дан юз бор, минг бор ўтиб, асл шеър билан бўйлашадиган даражага етгач, шоир уларни қофияга, вазнга солар, улар учун илгаридан ҳозирланган либосга буркаб оққа кўчираар экан. Сўнг яна меҳнат, яна сайқал бериш бошланади: «бачки новдалар» қирқилади, ярим томчи ҳам «сув» қолдирилмайди, жаранг тордай «чертиб кўрилади, сўзларнинг бўй-басти чамаланади — ҳар қайси ўз ўрнидами, шираси кўрилади — тахир эмасми, чучмал эмасми... Ана ундан кейин, шоирнинг ўзи эркалаб, ҳазиллашиб айтadиган бу «шиғир» эл хизматига сафарбар этилади. Миртемир аканинг шеърларидан ажиб бир тароват уфуриб туришининг, бу шеърларнинг «тўқилганлиги» сезилмай кетишининг сирини шунда бўлса керак!..

... Хуллас, ваъда қилинган шеър унадиган бўлди. Миртемир ака шифохонадан чиққан эди.

— Эртага уйга кел, биргалашиб ёзамиз,— деди у бир куни, «Биргалашиб ёзиш»ни эшитиб, чўчидим. «Ҳазил қиляпти шекилли... Мен шоир бўлмасам... Шеърят бобидаги илмимиз ҳам ҳаминқадар... Бу ёғи қандоқ бўлди?»

Йигит иши таваккал. Пешинда етиб бордим. Миртемир ака ташриф буюражак «соавтори»ни кутиб, безовталаниб турган экан. Каттакон столга юзма-юз ўтирдик. Миртемир ака ранго-ранг қаламда, турли хил ручкада чизилавериш, бўялиб кетган қоғозларни олдига ёйиб қўйди. Гажақдор араб алифбосидаги ёзувларга боқиб, гапнинг рости, этим увишди: шоир битта шеърга шунча ишлов берибдими?!

Миртемир ака яна шеърининг хомлигидан шикоят қилди. «Агар қистамаганларингда тағин беш-олти кун устидан кўриш керак эди», деди. Сўнг, диққатини жамлади-да, билинар-билинемас нохушлик билан деди.

— Ёзинг, болам.

«Ком-му-нист.

Ёздим. У энгашиб хатимга қаради (чиройлими-чиройлимасми?), кўнгли жойига тушди шекили, оҳиста, дона-дона қилиб, фақат ўзига хос, миртемирона қироат билан айта бошлади:

Қалбимда дунёнинг дунё  
қайғуси...

Елкамда оламнинг олам  
ташвиши,

Хаёлимда — бугун, эрта  
келгуси...

Шариллатиб ёза кетдим. Миртемир ака гоҳо кўтарилиб қараб қўяди (тўғри ёзпманми йўқми?), «ж»ни яхши ўхшата олмайман шекилли, ручкасини олади-ю, «жафодийда»даги «ж»нинг белидан зарб билан узун «таёқча» ўтказади. Шундан кейин қаерда «ж» келса, ўзим «қўшимча таёқ» чизиб кетаман. Бунни кўриб, Миртемир ака кулади.

«Шеъримиз» соатнинг милидай, ўта секинлик билан боряпти. Миртемир ака хатимни лаҳза сайин таъқиб этади, нуқта, вергулларгача кузатади, унутиб қолдирсам, дарҳол эслатади, ўзи эса, йўл-йўлакай сатрларга оро беради, менинг назаримда «тайёргина шеър»ни қайта-қайта ўзгартиради...

Шу алфозда не машаққатлар билан шеърнинг икки бандини ёзиб битирдик... Учинчи банд, етилганроқ шекилли, силлиқ кетди:

Қўлу оёғимга солдилар  
занжир,

Неча гал овлоққа сурдилар  
мени,

Номардлик ва зўрлик,  
найранг, қалби кир,

Тошбўрон қилдилар,  
урдилар мени...

У дарҳол тайинлади:

— «Тошборон» деб ёз, Тошборон — тош ёмғирдай ёғилди, дегани, Бировлар «тошбўрон» деб нотўғри ёзади.

## Давом этдик:

Қўшоғиздан талай отдилар,  
                                          ёху  
Олис Шарқда куйдим  
                                          ўтхоналарда...  
Евфон ошимга ҳам қатдилар  
                                          оғу,  
Юз ўлдим Сурхонда,  
                                          Фарғоналарда.

— Сурхонда деймизми, Хоразм тузукмикан?— сўради Миртемир ака. Сурхон яхшироқ шекилли,— дедим эҳтиёткорлик билан,— ҳар ҳолда Фарғонага оҳангдош. Таъкид ҳам бор...

— Тўғри,— деди у,— мен ҳам шуни ўйлаган эдим.

Миртемир ака қўлёмасига бир оз тикилиб қолди. Кейин яна қироат билан янги бандни айта бошлади:

Бир дунё яратдик,—янги,  
                                          бемисол,  
Менинг елкамдайди не оғир  
                                          тошлар.  
Кун сайин армонлар барҳақ,  
                                          баркамол,  
Йўлда қолиб кетди не эзгу  
                                          бошлар.

Шу ерда қизиқ бўлди. Мен шеърнинг ички ритмикасига, мусиқийлигига берилиб кетиб, «эзгу бошлар»ни «азиз бошлар» деб ёзиб юборибман. Миртемир ака буни сезиб қолиб, эслатди. Мен хатомни тузата бошладим. Бироқ Миртемир ака нималарнидир пичирлаб турди-да, «Тўхта-чи, «азиз бошлар» ҳам ёмон эмасга ўхшайди», деди. Унинг илтимоси билан охириги сатрни қайта ўқидим.

— «Йўлда қолиб кетди» деймизми, «Йўлимизда қолди» яхшими?— у менга синчков тикилди.

— Менга, масалан, «Йўлда қолиб кетди» маъқул...

— Бўлмаса ўқувчига маъқули кетаверсин...

Бу — менинг кўнглим учун айтилмаганини билардим. Миртемир ака ҳалим табиатли, кўнгилчан одам. Лекин у бадий ижодда ҳеч қачон кўнгилчанлик қилмаган, хусусан ўзига қаттиққўл. Агар менинг фикримга қўшилган



экан, бу унинг ўқувчисини ҳурматлаганидан бўлса керак.

Шеърнинг сўнги бандига ўтдик. Миртемир ака хомаки нухсаларни шилдиратиб, варақларни ағдариб анча ўтирди. Сал овозини чиқариб, бир-икки сатр ўқиб кўрди.

— Бу ҳамма биладиган гаплар. Поэтик ифода керак, — деди ранжиб. Шеърнинг хулосасидан кўнгли тўлмаётгани шундоққина кўриниб, турарди.

У, бир четда шапалоқдай жой қолган варақни олдига суриброқ қўйди-да, шитоб билан ёза кетди. Анча ўтирдим. Кейин, худди маъшуқасига севги изҳор қилаётган йигит ҳолатини кузатаётгандай, хижолат бўлдим. Аста туриб, ташқарига чиқиб кетдим.

Қайтиб кирганимда шоир ҳамон ёзарди. Бирпасдан кейин бошини кўтариб, энгил руҳ билан:

— Мана, энди эшит-чи, — деди-ю, ўқий бошлади. Бу банд Ленинга бағишланарди.

Дунёда тоғ қадар

сиринчоғим бор,

У бор жойда қолмас сира

вайронлик.

У бор экан — эрк бор,

инсон улугвор,

Унинг дафтари ҳам биринчи

сонлик.

У чексиз Ватанда ардоқли,

суюк,

Биринчи коммунист, етук

етакчи,

Жами буюклардан ўша энг буюк,

Таърифломмас ҳатто Жуман

эртакчи.

Иўли энгилмасу ёрқин ва

донғил,

У ёруғлик бўлса, мен

шуъласиман.

Кўнглим, улуғ Ленин ўтида

ёнғил,

У бир дарё бўлса, мен

заррасиман.

Коммунистман-да.

— Яхши чиқибди, — дедим ёзишга ҳозирланиб.

— Маъқулми? Ундай бўлса ёзамиз. — Миртемир ака

айта кетди, мен оққа кўчира бошладим. Сўнг шеърни бошдан-охиригача баландроқ товушда, Миртемир аканинг қироатига тақлид қилиб ўқиб бердим. У баркамол санъаткорга хос тийранлик, агар таъбир жоиз бўлса, ижодий рашк билан қулоқ солди шеърига. Ўзининг шеърдан кўра менинг сунъий қироатим кўпроқ маъқул бўлди шекилли, кулиб қўйди. Яна қалам-қоғоз олиб, нималарнидир чиза кетди. Бир сатр кўнглига ўтирмабди. Ўша мақбул бир сатрни излаб камида ўн беш вариант ёзиб чиқди. Ниҳоят, дилидагини топди чамаси, енгил тин олиб, қаддини ростлади ва «У ёруғлик бўлса, мен шуъласиман» деган сатрдан кейингисини «Эй, элга элдош дил, элдек қувонгил!» деб ўзгартирди. Шу биргина сатр бутун шеърга ажиб бир ўйноқлик, қувноқлик бахш этгандай бўлди. Назаримда, сўнгги байт катта қандил эдию, унинг бир чироғи ёнмасди, ҳалиги сатр билан ўша чироқ ҳам ёнди, шеър бирдан нурланиб, чарақлаб кетди...

Шеър битди. Уни тўрт буклаб, чўнтакка урдим. Редакциянинг топширигини бажарганимдан шод эдим. Миртемир ака мени кузатиб кўчага чиқди. Қоронғи тушиб қолган. Осмонда қорамтир-бинафшаранг булутлар кезади. Салқинроқ шабада эсади. Миртемир ака ҳавога тикилди.

— Баҳорий булутлар... Кўклам яқинлашиб қолди.

Бекатда у яна шеърдан шикоят қилди:

— Қиёмига етмайроқ қолди. Асқадга айт, яхшилаб тузатсин, албатта тузатсин...

Бу гап менга нашъа қилди. Қаминангиз ҳам гоҳогоҳ у-бу нарса машқ қилиб юради. Лекин яширишнинг ҳожати йўқ, кўпинча қўлёмаларимизнинг сиёҳи қуримасдан уни тезроқ чоп эттиришга, дарҳол шов-шув кўтаришга уринамиз. Борди-ю, аксинча бўлганда-чи? Миртемир акадаги Бардош билан Инсофнинг юздан бири, боринг, ўндан бири бизда ҳам бўлганда-чи? Эҳтимол, асарларимизнинг умри бойчечак умрига ўхшамасмиди?..

Ниҳоят, шеър ҳам чиқди, «Гулистон»нинг янги сонини қўлтиқлаб, Миртемир аканикига кириб бордим. Бироқ у журнални аллақачон олибди, шеърни ҳам ўқиб чиқибди.

— Сизнинг кўнглингиз тўлмай турибди, «Коммунист»имиз одамларга маъқул бўляпти-ку?— дедим ҳазиллашиб.

## МЕН ҚУЕШНИ ҚУРГАЛИ КЕЛДИМ...

## Эссе-қиссадан парчалар

Қоратоғ этакларидан эниб тушувчи сойлар Туркистоннинг Эски Иқон ҳамда унинг теварак-атрофидаги Ибота, Чаға, Тошаноқ сингари қишлоқлар бағрига сингиб кетади. Ўркач-ўркач булутлари қаёққадир шошаётган осмон, саратонда жимирлаган ҳаво, тупроқли қишлоқ йўлларига тушган сархил меваларини сахийлик билан элга инъом этган шотутлар... Буларнинг барчаси киши қалбини орзиқтиради, хаёлни олис-олисларга етаклайди. Эски Иқон кўчаларида одам сийрак. Бировлар Қоратоғ этакларида — чорва билан овора, аксарият аҳоли бугдой ўроғида банд.

... Минг тўққиз юз ўнинчи йили ҳосил мўл бўлди — одамларни шошириб қўйди. Кўплар ҳовлиларига қайтмай, далада ётиб қолар, тонг бўзарар-бўзармас яна ишга тушиб кетар эди. Шундайлар орасида Турсунмуҳаммад Умирбек ҳожи ўғли ҳам бўлиб, қўли ишдаю, фикр-зикри қишлоқда — уйида эди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да! Уйида ёстиқдоши Тўти ёлғиз. Унинг ой-куни яқин. Хотинининг асли исми Моҳирўй бўлсада, негадир ҳамма, ҳатто ўзи ҳам Тўти, деб чақиради.

Турсунмуҳаммаднинг ҳаётидан кўнгли тўқ. Тутиштурмуши бошқаларникидан кам эмас. Деҳқончилик қилади, мол-мулки етарли. Фақат, фақат худо уни фарзанддан қисиб қўяётганидан еган-ичгани татимас, кун сайин одамови бўлиб бормоқдайди. Тўнғичи Абдулхамидни умри билан бермаган экан — кетди-борди. Сўнг Турсунмуҳаммад Маккага ҳажга ҳам бориб қайтди. Иккинчи

ўглининг исмини Ҳожимурод қўйди. У ҳам турмади... Мана ҳозир Моҳирўйи яна ҳомилали. Туғилди-ўлди, келди-кетдида юрак олдириб қўйган Турсунмуҳаммаднинг безовталиги шундан.

У чошгоҳ бўлиб қолганини, одамлар нонуштага отлаётганини ҳам сезмади. Манглайдан тер сизиб ўроқ тортаверди. Бир замон қулоғига синглиси Биби Саҳронинг чинқириғи эшитилди-ю ҳаракатсиз қотди-қолди. Синглиси олисдан қулочини ёйиб нималардир, деб чопиб келар, Турсунмуҳаммад ҳеч нарса эшитмас, эшитгулик аҳволда ҳам эмас эди. Синглиси жуда яқин келгандагина ўзини тутиб олди:

— Суюнчи, акажон, суюнчи! Уғил! Уғил! Уғил!!! Эшитяпсизми? Нима бўлди сизга, ўғил деяпман!

Турсунмуҳаммад буғдойи ўриб олинган ангорда ўтлаётган самани белгига қандай қўнганини билмайди. Ҳовлисига елдай учиб борди-ю, отдан сакраб, доя момонинг ҳайҳайлашига қарамай хотини ётган хонага отилиб кирди.

— Раҳмат, энаси!..

Моҳирўйи эрига маъюс термулиб турди-да, ҳўнграб юборди. Шўрлик аёлни икки фарзандининг доғи бутунлай довдиратиб қўйган, бунисининг умри ҳам унга омонатдай кўриниб, кўнглини безовта қилмоқда эди.

Эртаси куни Турсунмуҳаммад хонадонидида одамлар ғимирлаб қолди. Янги меҳмонга аталган қўй сўйилиб, қишлоқ оқсоқоллари, катта-кичик йиғилиб келди. Эл тарқалиш олдида Турсунмуҳаммад оқсоқолларга оқлик қўйиб, удумга кўра фарзандига исм тилади. Оқсоқоллар бир майдон ўзаро келишиб-фикрлашиб, гаплари гапларига қовушмай туришди. Ахири, кексалардан бири сўз бошлади:

— Қариндошлар, бизнинг Туркистонимизга бурунги замонларда Амир Темир пошшо келиб, Хўжа Аҳмад қабрига ўзларинг билган ғаройиб мақбарани қурдирган экан. Ана шу муқаддас зиёратгоҳ асрлар ўтса ҳам қад кўтариб турибди. Демоқчиманки, Турсунмуҳаммад ҳожини шу ўғли ҳам илоё яша-туриб қолсин, деб оқ фотиҳа берайлик-да, исмини Миртемиршо қўяйлик.

Бу гап ҳаммага маъқул бўлиб, йиғин тарқади.

Шу-шу, Турсунмуҳаммаднинг минг тўққиз юз ўнинчи йилнинг буғдой пишиғида туғилган ўғли Миртемиршо аталиб яшайверди. Турган гапки, ўшанда ҳеч қим бу но-расида келгусида тоғли халқ шоири, Миртемир деб ном

таратган эъзозли эл ўғли бўлиб етишишини башорат қилмаганди, албатта. Бироқ шундай бўлди: ўша оила, ўша қурама қишлоқ, ўша қадим Туркистон табиати ва одамлари Миртемирнинг болалигини, дунёга, эзгуликка, яхшилиқка ташна покиза қалбини, гўзал туйғуларини ардоқлади, улғайтирди. Бу ҳақиқат шоирнинг 1934 йили ёзган «Қуёш ҳақида» деб аталган шеърида ҳам ақс этган:

Мен ерга Қуёшни кўргали келдим,  
Бироқ у кулмаган бўлса ўшал кун,  
Куйлагум, куйлагум қуёш ҳақида,  
Тароналар тўқиб, солғим садо — ун..

Ҳа, шундай бўлди: Миртемир сўнгги нафасига қадар қуёшни, борлиқни куйлади. Ўша нур йўқ жойни кўрса, бор бўлсин, деб куйлади. Ўша шеърида у яна: «Дарвозаларнинг пешоналарида елпираган туғлардай, Бир қудрат таратолсин қичқириқларим», дея ўз маслагида собитлигини такрор таъкидлаган эди.

### Зайнаб момо ўғитлари

Биби Сахро акаси Турсунмуҳаммадга суюнчига борганда ўн уч яшар қизалоқ эди. Ҳозир эса саксондан ошган табаррук буви. Тақдир тақозоси шу бўлдики, у Миртемир туғилганида қанчалик қувониб, вояга етказиб суюнган бўлса, сўнгги манзилга узатаётганда шунчалик куюниб, ғариб бир аҳволга тушиб қолди. Тақдир тақозоси шу бўлдики, Миртемир ҳаётда Биби Сахро бувига фарзандгина бўлиб қолмади, балки суюкли куёв сифатида ҳам ҳурматини қозонди.

\* \* \*

... Йигит ёшидаги Миртемир олис айрилиқли сафардан қайтиб келгач, Турсунмуҳаммад синглиси Биби Сахрога маслаҳат солди.

— Миртемирни ўзинг катта қилдинг, синглим. Онаси шўрлик ҳузурини кўролмади... Болам бечорага онаси қабрини зиёрат қилиш ҳам nasib этмаган экан... Энди, шу қизинг Ерқиной билан Миртемирнинг бошини қовуштириб қўйсак бўлармиди...



Ғаш шoirлар Миртемир ижодхонасида, 1975.

Биби Саҳронинг кўзи ёшга тўлди. Қувончданми, ўксинишданми — ҳамон буни айтолмайди. Ҳар тугул икки фарзанди ҳам ёнида бўлишидан, орзу-ҳаваси ушалаётганидан кўнгли ҳаприққани рост.

Алқисса, тўю томошоси, расм-русуми жойига қўйиб, Миртемир билан Ерқиной аянинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

Ўшанда 1935 йил эди...

Ака-сингил Турсунмуҳаммад билан Биби Саҳронинг қуда-андачилик қилишларига оналари Биби Зайнаб ўғитлари ҳам сабаб бўлгандир, эҳтимол. Эски иқонлик Умирбек ҳожи Усмон ўғли Биби Зайнабга уйланаётганида ёр-дўстлари орасидан: «Сенга бошқа қиз қуриб қолувдими?» деганлар ҳам топилган экан. У замонларда қизлар паранжи-чачвонга қанчалик чирманиб юришмасин, қишлоқ йигитлари қайси қизнинг ҳусни қанақаю, феъли-атвори қанақалигидан бохабар эканлар-да! Умирбек ҳожига биродарларининг ҳалигидай таъна қилишларига Зайнабнинг шаддод ва қақажонлиги сабаб бўлган, албатта. Лекин Зайнабни ёқтирган Умирбек ўз аҳдидан қайтмаган. Кейинчалик қишлоқдаги иззат-икромли хонадонлардан бири сифатида танилган бу оилада беи қиз ва бир ўғил — Турсунмуҳаммад дунёга келган.

Ўғлини еру кўкка ишонмаган Умирбек ҳожи уни ҳеч нарсадан ўкситмай ўстирибди. Бўй етгач, Исомиддин домла деган маърифатли одамнинг Моҳирўй исмли ой-дек қизига уйлантирибди.

Биби Зайнаб фарзандларига қаттиққўл ва меҳрибон бўлганидан, фарзандлар ҳам оналарининг нима дейишини кўз қарашиданоқ илғаб олишарди. Одамлар Биби Зайнаб бош қўшган маъракаю давра кўнгилдагидан зиёд ўтишига одатланиб қолганлар, доимо унинг ҳурматини жойига қўйганлар. У бирор жойда дидга ўтиришмаган ҳодиса устидан чиққудек бўлса ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб юборар, айниқса, болакайларга озор бергани жини суймас эди.

Миртемир домла момосининг бу фазилатларини «Момом» деган (ҳали бирор тўпلامда эълон қилинмаган) тўртлигида таърифлашга жазм этганди:

Момомнинг отини Зайнаб, дердилар,  
Келади чақичин чайнаб, дердилар.  
Келса ҳам келсин-да булоқдай жимиб,  
Келмасин қумғондай қайнаб, дердилар.

Шоирнинг «Бувим чўпчакларидан» туркумига қирган талай шеърлари Биби Зайнаб момонинг ўғитлари, у айтган ривоят у эртақ, халқ ҳикматлари таъсирида туғилгани сир эмас.

Миртемирнинг Тошкентга келиб, ўз йўли ва ўрнини топиб кетишига ҳам Биби Зайнаб сабабчи бўлди. Дастлаб бобоси Исомиддин ҳожи қўлида, олти ёшидан эса Нўғай домлада ўқиган Миртемирга эски мактаб таълими ёқмай, у ердан қочади. Шунда Биби Зайнаб ҳеч кимга билдирмай уни Тошкентда ўқиётган неваралари — Ирисбек ва Баҳромларга қўшиб юборади.

— Вой, тавба! — деган эди домла, — мендек шумтака бир «қочоқ»қа бувимнинг ўшанда нега бунча меҳрибонлик қилганига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан. Бизлар шошиб турибмизку, шўрлик бувим бўлса куймана-куймана иссиқ нон ёпиб, бўғирсоқлар пишириб йўл халтамызга жойлаб қўйгани кечагидай ёдимда... Ундан кейин десангиз Тошкентда янги ҳаётим бошланиб, кетди, анча пайтгача амакиларим, айниқса, Баҳром амаким ҳолимдан тез-тез хабар олиб турди. Ўша амаким урушда раҳматлик бўлиб кетди. Ундан уч қиз, икки ўғил қолди. Ўрнини билдирмадим. Болалари ҳозир уйли, оилали, тотувли... Қизларининг учови ҳам фан кандидатлари — дорилфунунда муаллима...

Устод сўзлапти-ю мен унинг ўғил-қизларига ҳам, яқинлари, умуман ҳаммага ҳам бирдек — доимо ёрдамга шай туришини, меҳри уммонлигини дилимдан ўтказаман. Оила аъзолари даврасида ҳам, шогирдлари қуршовида ҳам у доимо сипо, талабчан, ғамхўр, ҳар қачон ўта табиий, ўта оддий эди.

— Ҳар бир нарса, ҳар қандай хатти-ҳаракат, муомала асло адаб чегарасини, меъёр сарҳадини бузмаслиги керак, бўтам... — деб уқтиришни яхши кўрарди, домла. — Ахир, ўйланг: сизнинг елкангизга қоқиб: «Сиздан зўри йўқ, ажойибсиз, етилиб қолсиз!» — деб мақтовга ўрайверсам... Хўш, ундан кейин нима бўлади? Эртага ўтолмай, индинни кўришга сабрингиз чидамай бир замбил лой бўласиз, шу! Фарзандларимга муносабатимни эслатдингиз. Тўғри, уларни ҳам ҳадеб ялаб-юлқийвермайман. Олган ҳар нафасимда улар нафасини туяман. Чинакам бир отачалик меҳрим шулар туғилибдики, шулар билан бирга. Улардан кўнглим хотиржам — ҳеч бири ранжитгани йўқ мени...



Домла бу гапларни менинг юзимдан ўтолмай айтаётганини сезиб тураман. Бўлмаса, домла шахсий кечинмаларини бу қадар ёйилиб айтадиганлардан эмас эди. Лекин домланинг бу гапларни айтаётганидан қандайдир мақсадни кўзлаганини ҳам сезиб тураман. Мана, ўйлаганимдай бўлди. Домла гапига яқун ясаб деди:

— Шундоқ гаплар, бўтам... Шоир ҳам шеърларига шундай муомалада бўлиши керак: уларни туғилгандан ҳадеб эркалатавермаслиги, ҳаммага ўзи кўз-кўз қилиб мақтайвермаслиги зарур. Аксинча, уларга ҳар гал назар солганда ҳар бирини тежаб-тергаб, у ер-бу ерини тўғри-лаб, зиммасидаги бурч ва масъулиятни тағин ҳам кўтариб, шеърхон қаршисида қизариб қолмаслиги учун қайғуриб туриш лозим. Тушунгандирсиз...

Ким билсин, домладаги бу хислат ҳам ўша кайвони Биби Зайнаб момодан юққан бўлса, эҳтимол...

### Мен — севгувчи эдим...

Туркистон мавзуи — Миртемир шеърятининг етакчи лейтмотивларидан. Сабаби унинг «Мен» номли тўртлигидан ҳам аён:

Ҳа, мен туркистонлик, Туркистонданман,  
Олис боболарнинг олтин тупроғи.  
Мунглик ва жафокаш бир жаҳонданман,  
Жафокаш жаҳоннинг қадим аймоғи.

Урта Осиёдаги муҳим ҳунармандчилик ва савдо марказларидан саналган қадим Туркистоннинг қачон барпо этилгани ҳануз аниқ эмас. Манбаларда қайд этилишича, IV—X асрларда Туркистон ўрнида Шавгар (Шоважар) шаҳри бўлиб, кейинроқ у Ясси деб ҳам юритилган экан. Бу жой анча давргача диний марказ сифатида шуҳрат қозониб, Ҳазрат деган ном билан аталиб келинганлиги ҳам маълум.

— Булар ҳақда Биби Зайнаб бувимдан кўп эшитганман,— деган эди домла қаддини тиклаброқ ўтириб.— Эшитганларимдан талайи бу қадим юрт ҳақидаги ривоят ва эртақлардан, ғаройиб воқеалар тафсилотларидан иборат. Улмасам, уларнинг шеърӣ нусхасини қоралаш истагим ҳам йўқ эмас... Туркистоннинг Туркистон, деб атала бошлагани тахминан XV асрга тўғри келаркан. Худди шу даврларда, яъни, XIV аср охирида ва

XV аср бошларида, тўғрироғи, Олтин Ўрдага қарши олиб борилган жанглр даврида тасаввуфнинг атоқли сиймоларидан шоир Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилгани келган Амир Темур унинг қабри устига улкан мақбара қурдирган. Махсус фармонга биноан катта маблағ сарфлаб бунёд этилган мақбара замонаси меъморчилигидаги мўъжизалардан бири сифатида кишиларда ҳамон ҳайрат уйғотиб келади. Буларни ўзингиз ҳам ўқиб билгансиз, талай манбаларда қайд этилган. Хуллас, менинг жиндек шоирлигим бор бўлса ва у элим корига жиндек яраётган бўлса, демак, аввало халқим, Ленин партияси қаторида шу Туркистонимдан ҳам беҳад миннатдорман. Ахир, мени чиндан ҳам шоир деб аташаётган экан (ҳали бу қутлуғ номни оқлашим учун халқимдан кўп қарздорман), шоирлигим хамиртуруши шу Туркистондан олинган-да. Шу ер табиатидан илҳом олиб, шу ердан оламга назар солиб, шу ерда бувим чўпчакларини тинглаб, шу ердан катта ҳаёт йўлига учирма бўлганман-да...

Миртемир 1927 йили ёзган «Кўклам куйлари»да: «Уфф... Мен — севгувчи эдим...» дейди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Шоир умрининг сўнгги дақиқасигача севгини кенг маънода тушуниб, ўшандоқ севги соҳиби бўлиб яшади: ёрини қанчалик севса, Ватанини шу қадар ардоқлай билди. Шеъриятга муҳаббати қанчалик оловли бўлса, халқига, коммунистик ғояларга шу қадар ҳарорат ва меҳр билан ихлос қўйди. Ўзини оддийлардан оддийроқ ҳис этди. Миртемир шеърларидан бирида айтилган қуйидаги мисранинг туғилгани ҳам шундан.

### Умрим оддийлардан тагин оддийроқ...

Домла дўпписини қўлига олиб ҳар галгидай бир айлантирди-да, яна чаккасига қўндирди. Ёрқиной ая чойни янгилаб чиқиб кетаётганида, беозоргина «Раҳмат...», деди-да, одатича тишларини «ғитир-ғитир» эттириб ҳовлига йўналди. Менга «Чойдан ичиб туринг. Мен ҳозир...» деган маънода имо қилишни ҳам унутмади. Ҳовлига чиқиб йўлакка учиб тушган уч-тўрт япроқни (1976 йилнинг кузи эди) оҳиста олиб, майдалаб ағдарилган ерга ташлади. Новдаларга, айвонга, кўм-кўк осмонга қарай-қарай бир-бир босиб кеза бошлади.

«Нималарни ўйлаяпти экан...» — хаёлимдан кечди.

Суҳбатимиз домланинг ёдига ўзи босиб ўтган манзиллар манзараларини яна бир бор солиб қўйгани аниқ эди. Йўқ, у ўтган йиллар мобайнида халқ шоири деган унвонга мушарраф бўлганини, неча элу юртлардан мақтовлар олиб қайтганини, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» орденлари, қатор медаллар билан тақдирланганини эслаётгани йўқ, албатта. Асло! Домланинг бундай ҳисларга берилмаслиги уни билган ҳар кимсага аён. Шу аснода домланинг ёдига ўтган муҳаббат савдолари, ё устози ўғитлари тушгандир, эҳтимол? Ё бўлмаса олис сафарлар таассуротлари исқанжага олаётгандир... Менинг назаримда, домла ёшлиги, Тошкентдаги Алмай номидаги мактабда, Ўзбек эрлар билим юртида, Самарқанддаги Педакадемияда ўтган талабалик йилларининг ширин хотиралари, Йўлдош Охунбобоевнинг котиби бўлиб ишлаган пайтлардаги масъулиятли дамлар, интернатда ўтган педагогик фаолияти, республика газета ва журналлари редакцияларида, нашриётларда тўкилган манглай тер, ҳалол ва узлуксиз ижод машаққатларининг сурури, сон-саноқсиз ёшларни ижоднинг катта йўлига бошлаб киргани, семинарларга раҳбарлик қилгани, у бошқарган семинар машғулотларидан бирида Усмон Юсупов иштирок этиб, сўзлагани, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайзода каби устоз ва сафдош ижодкорлар, атоқли дostonчилар билан кечирган суҳбатлари хотираларига берилган эди. Бўунинг ҳаракатларидан, аҳён-аҳёнда тўхтаб, мийиғида жилмайиб қўйишларидан аён кўриниб турарди...

## Шукрона

— Ҳўш... Шундай шеърлар бўладики, тез ёзилади, шундай шеърлар бўладики, узоқ ўйлаб, ўхшатишлар, тимсоллар, киноялар излаб юрасан, қуруқ баён қилиш керак бўлса, унда қоғозга тез тушиши мумкин. Лекин уни ҳақиқий шеърга, юрагингни, китобхон юрагини жилллатадиган даражага кўтариш керак. Бу дегани, ўша шеърнинг бадий ифодасини топиш, деган бўлади, — деб сўз бошлади Миртемир домла бир шеър ёзилиши жараёни ҳақида сўраганимда.—«Йўлбошчининг қайтиши», шеъримни олайлик. Унда машҳур воқеа — Лениннинг паровозда келиб, вокзалга тушгани тасвирланади. Бутун прожекторларнинг ёниб тургани, барчанинг «Ле-

нин!», «Ленин!» деб ҳайқиргани тарих китобларида кўп бор айтилган... Менинг «Йўлбошчининг қайтиши» шеърим ҳам шу воқеага бағишланган. Лекин шеърнинг ёзилиш тарихи бундоқ: 1966 йили шоир Эсон Раҳимов билан Ленин яшаган, Ленин қадами теккан жойларда, Ленин ҳақида ҳикоя қилувчи музейларда бўлдик. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ уч юздан зиёд материаллар, тарихий ҳужжатларни ўргандик. Лекин Лениннинг ҳаётини шунчаки баён қилиб бўлмайди. Ленин мавзуи оламшумул мавзу. Бу ҳақда бир пайтлар «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг саволларига жавобларимда ҳам айтган эдим. Қайтариқ бўлса ҳам тагин айтмай: Ленин темасининг нечоғлиқ жавобгарлик эканини тушуниш ҳам, менингча, бахт. Аввало, Ленинга, қолаверса, халққа ҳурмат... Қўйинг-чи, хуллас, Лениннинг Петроградга келиши ва нутқ сўзлаши воқеасига бир шеър ёзиш ҳаёлимда тураверди. Уша сафаримиздан етти йиллар вақт ўтиб кетди чамаси. Бу орада бир талай шеърлар қораладим: Ленин ҳақида, Ленин партияси ҳақида, одамлар ҳақида — дилимга яқин мавзуларда... Бироқ Лениннинг Петроградга кириб келиши ва майдонда сўзлаши ҳақида ёзмоқчи бўлганим ҳадеганда қозғога тушавермади.

... Бир куни 1916 йили ўрмон кесиш учун сафарбар қилинганлар, ўша сафарбарликларда бўлган бир амакмининг Туркистонда айтиб берганлари ёдимга тушди. Унинг: «Лениннинг Петроградга келишини оломон денгиздай чайқалиб кутди, ўша ҳаяжонли кутиш йиғинига мени Дорофей деган дўстим бошлаб борди. Ленин келиши билан ҳамма «Ур-ура!», «Ленин!» дея ҳаяжонланганини кўрсайдинг.. Уша ҳаяжонли кутиш оқшомида ўзбекистонлик Мамажон деган киши, Сибирдан қайтаётган туркистонлик ишчи ҳам бор эди, улар ҳам Лениннинг оташин нутқини эшитди», деганлари ҳаёлимга келди. Шундан сўнг бу шеърга жон кирди — Туркистондан борган ишчи образи қўшилди. Шеърнинг сюжети аниқ бўлди ва уни 1973 йили апрелининг бир тонготарида қоралаб қўйдим. Ҳаётимизда бундай ҳол ҳеч юз бермаган эди. Чунки ҳамиша ўйлаб юрганларимни аввал насрда қоралаб чиқардим. Бу шеър эса бирдан назм ҳолида ёзилди. Сўнг унинг уч-тўрт сўзини ўзгартирдим, эпақага келтирдим, холос. Аслида мавзу ҳаёлда пишиб етилгач, ритм ҳам, қофия ҳам келаверади. Пишиб етил-

маса сув оқаётганда урилиб-урилиб кетишига ўхшаб қолади...

Домланинг ҳар бир шеъри, баллада ёки достони, сочма ё мақоласи, пьесаси, ҳатто ҳар бир таржимасининг мана шундай яратилиш тарихи, сабаблари бор.

### Яна Иқон ҳақида

Туркистоннинг Миртемир туғилиб-ўсган Эски Иқон қишлоғи қурама бўлиб, у ерда қадимдан қарийб қирқ уруғга мансуб кишилар истиқомат қилиб келганлар. Бироқ домланинг ўз сўзи билан айтганда, уларнинг тили «дағалроқ», лекин жуда бой, рангдор: оҳори тўкилмаган эртак, дoston, қўшиқлари кўп.

Бу ҳақда домла таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади: «Менинг уруғим қоровул бобо... Қишлоқ ўртасида баланд ва кўламлик култепа бор, тепасидан қадим шаҳарларнинг қолдиқлари, ҳатто олис Туркистон, Яссавий мақбараси кўринади. Култепа ўртасида Темур ё Улуғбек ўрнатган улкан сандиқдай кўктош бор (ҳали ҳам). Еттинчи бобомгача шу тепада қоровуллик қилибди. (У кезларда қишлоқ айланаси қўрғон экан-да!) Боболарим бари полвон, яъни аскар экан. Олисдан ёв кўринса, ноғора урилиб, ҳамма қўрғонга тикилар экан... У замонларда тез-тез жанг бўлиб турар экан-да... Шу туфайлими, иқонликлар қоровул бобо уруғини аскар уруғи деб ҳам аташадилар.

Шоир бир қиррасини доимо пешонаси ўртасига тўғри қўндириб юрадиган дўпписини қўзғатиб, яна жойига қўяди-да, хаёлга берилади. Мисвок билан тишларини тозалайди (ҳеч нима емаган бўлса ҳам!) Одатича, тишларини бир-бирига «ғитир-ғитир» қайраб маъюс тортади...

Домланинг сўлғин ёноқларига, йиллар беаёв муҳрини босган серажин манглайига, катта бир адабиётда ўзига хос мактаб яратиб улгурган миқти жуссасига разм соламан: ким билсин, балки шу топда устод ёдига олис аждодлари тушгандир? Эҳтимол, бобоси ва жигаргўшаларини эслаётгандир... Ёки унга ҳар кеча чўпчаклар айтиб ором бахш этган Биби Зайнаб момоси хаёлида жонландимикан?.. Қайдам, устод ўзини оқ ювиб, оқ тараб улғайтирган Биби Саҳро бувига ғойибона ташаккурини изҳор этаётирми?..

## Биби Сахро бувининг билганлари

— Миртемиргинам болалигидаям бошқа болаларга ўхшамасди,— дейди ҳаётда домлага ҳам она, ҳам қайнона сифатида азиз бўлган Биби Сахро буви.— Онам Биби Зайнаб ҳам Миртемирни кўз қарогидай кўрарди. Миртемир момоси билан кўпроқ у эртақлар айтган маҳаллари бирга бўлар, зийрак, ҳар нарсага қизиқар, саволлар бергани-берган эди... Моҳирўй келинойимизнинг дадалари Исомиддин ҳожи билимдон, ҳурматли киши эди. У Миртемиржоннинг иштиёқини кўрди-да, тарбиясига олди. Ёшлигидан ёзишга, ўқишга диққатини тортди. Ушанда болагинам уч-тўрт ёшларда эди чоғи. Бир пайт қарасак, Миртемир қўлига тушган нарса билан эшик-деворларга, ерга ёзадиган одат чиқарди. «Бирор дардга чалиниб қолмасайди» деган ташвишда қолдим. Неча бор болагинамни қўлига уриб бу одатидан қайтармоқчи бўлганим ёдимда, фойдаси бўлмаган барибир.

— Биласизми, болам, домлангиз болалигида яна бир одат чиқарган,— сўзида давом этади Биби Сахро буви.— Исомиддин ҳожи буvasидан бирмунча ёзиш-ўқишни ўрганган Миртемиршони эски мактабга, Нўғай домла қўлига бердик. Олти яшарлар боридиёв ўшанда. Кўп ўтмай эски мактаб болажонимга унча маъқул бўлмаганини пайқай бошладик. Кўпроқ ўзи китоблар ўқир, алланималарни хиргойи қилиб юрарди. «Яна бир одат чиқарди», деганим шу. Нималарни минғирлаб юришини худоси билмаса, биз — бандалари билмасдик. «Бир балога йўлиқиб қолмаса гўргайди», дердик, холос. Айтиб юргувчи байтларидан бири чала-чулпа ёдимда қолган:

Гар кимса ғамгин ўлса,  
Мен анинг бирла куяй...—

Шуни кўп айтгувчи эди. Хотирамдан чиқмагани шундан бўлса керак. Уни қаердан эшитган, қаердан ўқиган ё ўзи тўқиганми, хуллас, буни ҳам билмасдик. Мен кўпинча онам Биби Зайнабга зуғум қилиб қолардим: «Ҳаммасига сиз сабаб; қаердаги қўрқинчли эртақми-яй, яна ким нималарни айтиб берганингиз-берган неварангизга. Бир балога йўлиқмаса гўрга эди...» Қайда дейсиз, болам, онам парво ҳам қилмади гапимга. Қайтага Миртемиршо билан тағин кўпроқ овора бўлди. Аслида онам

Биби Зайнаб тўғри қилган экан,— деди Биби Саҳро буви.— Буни Миртемирим эл оғзига тушиб, ардоқли бўлиб қолгач англадим...

Шундан сўнг буви овозини пасайтириб сирли оҳангда давом этди:

— Ҳаммасиям майли-я, болам, кексайганида қолганмиди— йўқми, билмайману, лекин домлангизнинг ёшликдаги бир одати, айниқса ошиб тушарди. Пинҳона кузатиб, неча бор ёқамни ушлаганман: йўл-йўлакай кетаётиб бирдан кўрсаткич бармоғи билан ҳавога нималарнидир ёзган бўларди. Кейин лаблари пичир-пичир қилиб сал ўтгач, яна бояги қилиғини, гоҳо ҳавога ёзганларини ўчириб ташлагандек чизиқ тортиб юборарди... Домланинг ўғли Миржаолол ҳам отасининг бу одатини яхши билишини ажабланиб айтган эди. Домладаги худди шу хислатни мен ҳам икки бор кузатиб ҳайратга тушган, уни қай йўсинда изоҳлашни билолмай, «эшитган ё ўқиганларга эриш туюлмасмикан» деган ҳадикда эдим.

Домланинг сўнгги сафари Қўқонга бориб келиши бўлганди чоғи. Бир кун редакцияга энди кириб борувдим ҳамки қўнғироқ жиринглади. Домла экан.

— Ҳе... Мулла Отаёр, ўзларими, зап яхши бўлди-да, сизни ҳам ўрнингизда топса бўларкан-а?..

Сўнг одатдагидай қўшиб қўйди:

— Хўш... Нима гаплар? Тинчликми?..

Устоднинг ҳол-аҳволини сўрадим. Қанчалик тетик гапиришга ҳаракат қилса-да, хасталиги кучайгани овозидан билиниб турган домла ҳамишагидай жавоб қилди:

— Отдайман, бўтам. Касал бўлмасликка тиришиб ётибман... Қўқондан қайтиб бирмунча нарсалар қоралаб қўювдим Кеча Лазиз Пўлатхон ўғлига ҳам эслатувдим. Газетада беришга рози бўлди, шунини олиб кетолмайсизми? Малол келмайдими?..

Борсам, домла тайёр шеърлари устидан чизиб-ўчириб, сайқал бераётган экан. Мени кўриб: «Сал кутасиз-да, энди, узр, бўтам», деди-да, ҳовлига чиқиб кетди. Кузатиб турибман: йўлакларда анча пайт у ёқдан-бу ёққа юрди. Бир пайт шахт ҳаракат билан ҳавога кўрсаткич бармоғи билан ўнгдан чапга қаратиб бир нималарни ёзиб ташлади, кейин кўрсаткич бармоғи билан шахт чизиқ тортди, яна чизди, яна ёзди...

Ана шундан сўнг бир пас кезиб юриб: «Хўш... Мана бу бошқа гап!»— дея уйга кириб келди.

— Энди, мулла... шеърларни бир кунга олиб қоламан шекилли. Лазизхон ранжимас, тушунтирарсиз. Ҳали нуқтасини тополмаган ўринлари бордекка ўхшайди, баъзи шеърларни... Ўзим қўнғироқ қиламан.

Эртасига редакцияга домланинг ўзи кириб келди. Машинисткага айтиб турди. Сўнг устидан ўқиб берди. Эртасига эринмай келиб корректурани ҳам ўзи кўрди. Туни билан тагин айрим мисраларини ўзгартирган шекилли, тузатди. Сўнг менга уқтирди:

— Энди сал эпақага келди, чамамда. Ўзингиз кузатасиз-да, имлосига эҳтиёт бўласиз. Ҳалиям ишланадиган жойлари бордай. Улмасам, янги китобимга кириштишда сайқал бераман...

Ҳақиқатан шундай бўлди, янги тўпламини тартибга солишда домла «Ўзбекистон маданияти»да чиққан ўша шеърларига яна сайқал берди. Китоб нашриётга топширилаётган кезлар устод касалхонада ажал билан олишиб ётарди. Шунга қарамай хаёли шеърлари тақдирда бўлди: ёнида ўтирган ўғли Миржалолга нимадир дегиси келди. Ўғил энгашди. Устоз синиққан овозда, вазминлик билан деди:

— Болам, нашриётга топширган тўпламимизнинг номини ўзгартирсанг... «Ёдгорлик» деб қўйдиргин. Мендан сизларга, ҳаммага ёдгорлик бўлсин...

Миржалол титраб кетди. Ўтиролмади. Зўрға дераза ёнига етиб борди. Ўкраб юборишдан қўрқиб, беихтиёр тувакдаги гул баргларини эзғилади. Елкаларида титроқ турди. Ота эса уни кўрмас, бироқ оғриқнинг исканжага олаётганига қарамай, ўғлини ночор аҳволга солиб қўйганлигини билиб ётарди. Начора? Иккови ҳам иложсиз эди...

«Ёдгорлик» етмиш саккизинчи йили нашрдан чиқди. Энди уни кутубхоналар ё дўконлардан ахтариб юрманг, тополмайсиз, у одамлар қўлида — халқ қалбига кўчаётир!

*1980 йил, ноябрь*



### **ИҚКИ САФАР ХОТИРАСИ**

1970 йил ноябрь байрамидан сўнг Миртемир ака Андижон районидаги машъал «Ленинград» колхозининг ажойиб боғида бир неча кун дам олди. Бу вақтда мен «Коммунизм тонги» район газетасининг муҳаррири эдим. Хизмат вазифам туфайли ҳам Миртемир аканинг сафарида ҳамроҳ бўлишимга тўғри келди. Шунда у колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Усмонали Турдиев, Иброҳим Бакиров, Ҳасанбой Аҳмедовлар билан қизғин суҳбат қурди. Андижон адирларининг 700 метр баландликдаги 400 гектар майдони ўзлаштирилганининг, учта кучли НДС-8 насослари ёрдамида сув чиқариб, мўл ҳосил яратилганининг шоҳиди бўлди.

Шундан сўнг «Ленинград» колхози правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иброҳим Бакиров таклифи билан Жалолободга бордик. Иттифоқимизга танилган «Жалолобод» санаторийсида пича ҳордиқ чиқариб, Қизил булоқдан чиқиб оқаётган шифобахш сувда чўмилдик. Шаҳарнинг эътиборга сазовор жойларида бўлиб, янги дўстлар билан танишдик. Посёлка совети раиси бизни хандон писта, ёнғоқ дарахтлари экилган тоғ бағрига олиб борди. Каклик овида бўлдик. Кечки пайт Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар шарафига ўрнатилган ёдгорликка гулчамбар қўйдик.

Миртемир ака ёдгорлик ёнидаги оловдан кўз узмай, мотамсаро аёл ҳайкалининг олдига бориб, унга таъзим қилди-да, кўз ёшларини артиб, «Сизнинг ижозатингиз билан азангизга биз ҳам шерик бўлайлик, сиз юпансангиз бас», деб уни ўзича ардоқлади.

Кечки овқатдан сўнг шоир хонадаги стулга омонатгина ўтириб, ўқувчилар дафтарини очди. Бир неча сарлавҳалар қўйиб, ўчирди, яна ёзди. Сўнг ўзининг энг таъсирчан шеърларидан бири — «Азалик»ни ёзиб тугатди. Кейин бизга қараб, «Дўстлар, сизларни зериктириб қўйдим чоғи», деб ҳар хил мавзуларда узоқ суҳбат қурди.

Эртасига Қирғизистон ССРнинг пойтахти сари йўл олдик...

Шоирнинг Жалолобод ва Фрунзе шаҳарларига, шунингдек Тўқтагул ГЭСга қилган сафарлари чоғида ёзилган шеърлари кейинчалик «Қирғиз шеърлари» номли туркумни ташкил этди. Бундан ташқари, унинг Андижон пахтакорларига бағишланган «Шодисна» ва «Андижон адирларида» шеърлари ҳам ана шу унутилмас сафарнинг самараси ўлароқ вужудга келди.

1975 йилнинг олтин кузи. Андижон боғларидаги узумлар ширага тўлган, «оқ олтин» хирмонлари тоғ-тоғ бўлган пайт.

Миртемир ака яна бизнинг шаҳримизга — дўстлари ва китобхонлари ҳузурига келди. Бахтли тасодифга кўра, унинг бу сафари шоирнинг олтмиш беш ёшга тўлган кунларига тўғри келган эди. Шу қутлуғ воқеа муносабати билан шоирнинг Ленин орденли областимизнинг ишчи ва хизматчилари, колхозчи ва ўқувчилари билан учрашувлари ташкил этилди.

26 октябрь куни кундуз соат 12 ларда меҳмонлар тушган машина Олтинқўлга етиб келди. Бу ерда меҳмонларни Ўзбекистон Коммунистик партияси Андижон район комитетининг секретарлари, районнинг раҳбар ходимлари самимий кутиб олдилар.

Машиналар районнинг машъал хўжаликларига қарашли пахта далаларини, янгидан қаддини ростлаётган район марказини ортда қолдириб «1-Май» колхозининг 5-бригадасига борди. Колхозчилар Миртемир акага чамандек очилган пахта шодасини тақдим этдилар. Шоирнинг кўзи шу пайт, беҳосдан, шийпон пештоқидаги алвонлар орасига осилган шиорга тушди. Бу шиорда «Кўк теракка хуш келибсиз, Миртемир оға!» деган сўзлар бор эди. У кутилмаганда тишларини ғижирлатиб, бармоқлари билан ўз кафтини ғижимлаб қўйди. Шунда мен бу табрик сўзларининг Миртемирдек камтар ва оддий бир инсонга эриш туюлганини сездим. Ноқулай ҳолатдан чиқиш ва шоирнинг кайфиятини тиклаш ниятида унинг «Қайдадир булоқ» шеърдан кичик бир парча ўқидим:

Уша денгиз янглиг чексиз тупроқ ҳам  
Сенга мунтазиру, сенга нигорон...

Устознинг бу шеърида тасвирланган тупроқ ва денгиз билан уни кутган Кўк терак аҳли ўртасида муштараклик борлигини айтдим. Сўнгра Кўк терак манзилгоҳининг тарихини қисқагина сўзлаб бердим. Кўқоннинг Оқтепа қишлоғидан қочиб келган кишиларнинг бир қисми шу ёрга келиб жойлашгани, ариқ қазиб, Оқтепа билан боғлагани, тегирмон ва сувжувоз қургани, ариқ лабидаги теракларнинг яшил япроқларига нисбат, бериб, бу ерни Кўк терак деб атаганларини баён қилдим. Бир вақтлар бу манзилгоҳда Ҳабибий, Анисий, Зокирий, Маҳжурий каби шоирлар суҳбатда бўлганларини унинг ёдига туширдим. Шунда Миртемир ака Ҳабибийнинг «Суҳбат» радиофили ғазалини эслаб, уни ёд ўқиб берди:

Бу кун қилдик ажойиб, янги-янги ошино суҳбат,  
Нечук суҳбат, синиқ дилларга гўё мўмиё суҳбат.  
Ингилди бастакору соз-ла созанда хушхонлар,  
Дутору танбуру даф, гижжаку най жо-бажо суҳбат...

Шоирнинг 1939 йилда ёзилган бу шеърни ёд билиши ва жуда ўринли элагани Ҳабибий домланинг ҳамқишлоқларига катта таъсир қилди.

Суҳбатимиз колхоз правлениесининг раиси, иқтисод фанлари кандидати Қаҳҳорбой Маҳкамовнинг «Одамлар йиғилишди. Марҳамат, чиқайлик!» деган сўзлари билан бўлинди.

Дала шийпонида учрашувда Ҳайдар Муҳаммад, Олимжон Холдор каби ёш шоирлар биттадан шеър ўқишди. Навбат Миртемир акага етганда, олқиш садолари пахтазор устида гурлади. Бироқ шоирнинг: «Ҳали юзга йўл олисроқ, андак ошдим эллиқдан», деган сўзлари бу олқиш тўлқинини кесди. Миртемир ака ўзининг «Жавоб ўрнида» деган шеърини катта завқ билан ўқиди. Аммо у биттадан шеър ўқиш ҳақида келишиб олингани сабабли, олқишларга қарамай, дарҳол жойига ўтирди. Олқишлар тўхтамай, у ўрнидан туриб қуллик қилди. Сўнг иложи қолмай, «Яна шеър ўқий-мизми-а?» деб қўйдида, иккита шеър ўқиди.

Кечқурун Охунбобоев номидаги қишлоқ советига қарашли «Навоий» колхозининг ҳашаматли клубида учра-

шув бўлиб ўтди. Миртемир ака ўймакорлик санъатининг юксак намунаси бўлган нақшларни ва нақшшикор эшикларни кўздан кечириб, правление раиси Иброҳимжон Йўлдошевдан клуб лойиҳасини чизган кишининг исмини сўради.

— Бу колхозга кўпни кўрган ва ажойиб деҳқон — Долимов деган доно отахон узоқ йиллар раислик қилган, — жавоб берди раис. — Клуб ва идора биноси ўша киши раҳбарлигида 1938 йилда чизилган ва қурилган. Сиз иззат қилган номни эса ана шу нақшлардек нозик ва нафис асарларни ёзган ҳазрати Навоий шарафига қўйганмиз.

Миртемир ака раиснинг қўлини сиқиб, «Раҳмат ва қуллуқ!» деб қўйди. Раис эса меҳмонларни шинамгина қироатхонага олиб кирди. У ерда китоб ўқиб ўтирган ёшларни кўриб қувонган шоир: «Бу ерда Навоий ҳазратларининг сиз каби чеваралари ишлар ва булар каби эваралари ўқир экан-да», деди.

Сўнг раис шоирнинг қўлидан ушлаб, «Совет адабиёти» деб ёзиб қўйилган китоб жовони ёнига келиб тўхтади. У ерда «Миртемир—65 ёшда» деган ёзув бўлиб, унинг турли йилларда чоп этилган китоблари қаторида «Коммунист» область газетасида шу сана муносабати билан эълон қилинган тўйхат ҳам китоб тоқчасидан ўрин эгаллаган эди. Бу кичик кўргазмани кўргач, тўпланганларнинг гулдурос қарсақлари остида залга кирдик. Ниҳоят, сўз навбати шоирга тегди. «Мен серқуёш жумҳуриятимизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев номидаги қишлоқда бўлганимдан, устоз Навоий номидаги колхоз аъзолари ҳузурда турганимдан жуда шодман», — деди у, икки-учта шеърини ўқиб берди. Шундан кейин колхоз партия ташкилотининг секретари Абдуқаҳҳор Абдуллаев колхозчилар умумий мажлисининг қарорини ўқиб эшиттирди. Қарорда Миртемир аканинг колхозга фахрий аъзо қилиб қабул қилингани, 1751-сонли меҳнат дафтарчаси ёзилгани, дўстлик рамзи сифатида унга тўн, белбоғ ва дўппи совға қилингани қайд этилган эди.

Учрашувга келганларнинг қарсақлари гурлаб янгради. Бениҳоят таъсирланган шоир яна сўз олди:

— Мен қарсақларингга яраша шеър ўқий олмадим. Бунинг учун ўзр. Сизлар эрта тонгдан бери пахта териб ҳоригансизлар. Дам олиб, эртанги ишга куч тўплашинглар зарур. Зотан, тадбиркор раисингиз сизлардан пахта

лаб қилади. Мени колхозга фахрий аъзо қилиб қабул  
танинглари учун катта раҳмат! Сизлар меҳнат қилиб,  
омо еримиздан пахта, ғалла ундирасизлар, ноз-неъмат-  
лар яратасизлар. Сизларнинг бу қаҳрамонона меҳнат-  
ларингизга тасанно! Эришган ютуқларингиз менга ил-  
ом бағишлайди. Мен бу ҳурматлар учун ҳам сизлардан  
арздорман. Ўз қарзимни, албатта, янги шеърлар билан  
зишга ваъда бераман!

Ажойиб шоир ўз ваъдасининг устидан чиқиб, яна  
қанчадан-қанча шеърлар ижод қилди, терим пайтларида  
публицистик мақолалар ёзди, радио ва телевидение ор-  
қали чиқишлар қилди...

Унинг бой ижодий меросида Андижонга бағишланган,  
Андижонга қилган сафарлари чоғида ёзилган шеърлар  
ҳам оз эмас. Бу шеърларни ўқиб, биз — андижонликлар  
ҳар сафар унинг барҳаёт эканига, бизнинг қаторимизда  
ва биз билан бирга яшаётганига ишонч ҳосил қиламиз.

## ХОТИРАМДА ҚОЛГАН ЕҒДУЛАР

Тошкент шаҳрининг энг кўркем Инқилоб хиёбони қаршисидаги, ҳозирги шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими жойлашган, бинода 1928 йилларда Сталин номидаги Эрлар билим юрти жойлашган бўлиб, унга туташ бутхона ишлаб турар эди.

Қадимда бу бутхонада Рус гимназиясининг талабалари ибодат қилишар эди. 1925 йиллардан сўнг бу бутхона биносини клубга айлантиришди. Кейинчалик бу бутхона Эрлар билим юртини клуби бўлиб қолди.

Мен 1928 йили шу билим юртига ўқишга кирдим. Юқори курсида ўқиб юрган Миртемир, Еқуб Алиев, С. Муҳамедов, Раззоқ Ҳамроев, И. Раззаков ва бир неча ўқувчилар билан танишдим. Улар Ё. Алиев ва Р. Ҳамроев раҳбарлигида тузилган ёш ҳаваскорлар драмтруппасининг фаол аъзолари эдилар. Мени ҳам шу труппага қабул қилиб олишди. Бу труппада дастлаб «Бағовот» (Фурманов асари) деган пьеса қўйилган эди. Янги қабул қилинган ҳаваскорлар қатори мени ҳам Миртемир акага биркитиб қўйишди.

У киши менинг ўқишим ва тўғарақдаги ишларимда яқиндан ёрдам бериб турдилар.

1929 йил тўғарагимиз Фитратнинг «Арслон» пьесасини саҳналаштирадиган бўлди. Менга пьесадаги имом ролини ижроси топширилди. Спектаклни Ҳамза номидаги театрнинг ётуқ артисти Л. Нарзуллаев саҳналаштирадиган бўлди, Мен, ёш бўлсам қандай қилиб имом ролини ўйнай оламан, деб ҳайрон бўлдим. Шунда Миртемир ака: ҳайрон бўлма, мен Туркистонда жуда кўп

домла-имомларни кўрганман, эртага дарсдан сўнг уларнинг ҳамма қилиқларини, кийинишларини, юриш-туришларини ўргатаман, дедилар. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. Эртаси кунидан бошлаб менга имом ролини ўйнашимда, саллани қандай ўраш кераклигини ўргатдилар. Имомларни кийим-бошларини кийишни, белбоғ боғлаш, чўкка тушиб ўтириш, чордона қуриб ўтириш, тасбеҳ ўгиришлари ҳақида батафсил гапириб бердилар.

Қироат билан гапириш борасидаги машқимиз эса салкам икки ой тинимсиз меҳнат билан ўтди.

Мен Миртемир акани ҳаваскорлар группасининг концертларида ўзлари ёзган бир неча шеърларини ўқиб берганларини завқ билан эшитганман. Миртемир Эрлар билан юртидаги бадий-ҳаваскорлик тўғрақларининг тиним билмас ташкилотчи ва жонқуяр мураббийларидан эди, десам хато қилмасман.

Айниқса менинг илк актёрлик ижодий фаолиятимни бошланишида, «Арслон» спектаклидаги имом ролини таъсирчан чиқаришимда домла Миртемирнинг қилган хизматлари бутун умр ёдимдан чиқмайди.

1989

**«... ФОЛЬКЛОР МЕНИНГ РУҲИМГА ЯҚИНЛИГИНИ  
ЕШЛИГИМДАН СЕЗАРДИМ...»**

Одатда умрни оқар дарёга ўхшатадилар. Дарҳақиқат, шаффоф дарёнинг зилол суви ҳамиша ҳаётбахш ва у ҳар доим бедор бўлганидек, эл-юрт хизматига бағишланган умр ҳам дарё каби ҳаётбахш ва бир умрга уйғоқдир. Меҳнат ва ижод, ҳалоллик ва ростгўйлик, яхшилик ва эзгулик билан ҳаёти йўғрилган устоз Миртемининг бағоят мазмунли умр йўли ҳамда ижодий фаолиятида биз фольклоршунослар учун ҳам ибрат бўларли даражадаги саҳифалар анчагина. Саид Аҳмад: «Езувчи бўлиш учун рангларни рассомдек кўриш, товушларни бастакордек эшитиш, табиатдаги ҳидларни асаларидек сезиш керак, — деб ёзган эди. Ардоқли адибимизнинг бу сўзларини суюкли шоиримиз — Миртемир оғага бемалол қўллаш мумкин. Аммо масаланинг яна бир томони ҳам бор.

Миртемир оға халқ оғзаки ижоди чаманзори рангларини бутун қалби билан идрок қила олган, халқ даҳоси ижод этган симфония куйларни унинг ўзидек чуқур ҳис эта олган, фольклорнинг гўзал намуналаридаги шираларни бамисоли асаларидек шима олган санъаткордир.

Мана, бу ҳақда шоирнинг ўзи нималар деган эди: «Нечундир фольклор менинг руҳимга, менинг қарашларимга, ўйларимга, бадий фантазияларимга жуда ҳам яқинлигини ёшлигимдан сезардим». Шу қадрдон туйғу бўлмаса шоир гоҳ Манас бўлиб кенг саҳрода «от сурмаган», гоҳо Таризел бўлиб ёниб-жўшмаган, «Қирққиз» билан узоқ тунлар «сухбатлаша» олмаган бўлар эди. Жаҳон маънавий-маданий ёдгорликларининг бу нодир на-



муналарини Миртемир таржимасида ўзбекчага ағдарилиб, халқимизнинг бебаҳо мулкига айланганлиги, шоирнинг таржимачиликдаги маҳорати ва андоза олса арзигудек изланишлари хусусида фикр юритишни таржима-шуносларимизга ҳавола қилган ҳолда, мен бир фольклоршунос сифатида Миртемир оға билан бўлган учрашувлар — бахтли онларим, ўзбек халқ оғзаки ижодининг долзарб масалалари юзасидан мулоқотда бўлганда олган сабоқларим хусусида сўз юритмоқчиман. Бу шоир билан биринчи бор «танишувим» фавқулодда қизиқ бўлган.

Дадам Сталин номли колхознинг қизил чойхонасида мудир бўлиб ишлар эдилар. Урушдан голиб чиққан йиллар. Қиш эрта келиб, аёзли кунлар бошланган. Қишлоқ аҳлининг деярли барчаси «Қори ака чойхонаси» деб ном олган бинога йиғилиб, кўрак чувири эди. Совуқликда чойхона ичи ташқаридан қолишмасди.

Қаҳратон совуқ, тўйиб-тўймай овқатланишга қарамай, ҳамманинг руҳи тетик, бардам, кайфияти чоғ эди. Ушанда колхоз қизил чойхонасида бир одат қоида тусига кирган бўлиб, у бир кун ҳам канда бўлмасди. Бу — китобхонлик эди! Ҳа, қиссахонлик, китоб ўқишлик! Чойхонага бир кун Ғафур Ғулом «меҳмон» бўлса, иккинчи кун аллома Ҳамид Олимжон «кириб келарди». Гоҳогоҳ ўзбек халқ дostonларидан «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» ўқилар, яъни ўз-ўзидан дostonхонлик бошланиб кетарди.

Бир воқеа худди кун кеча бўлиб ўтганидек эсимда. Уша кун ҳаво ҳар қачонгидан кўра ҳам совуқроқ эди. Ташқарида лайлакқор гупиллаб уриб турарди. Мен чойхонага кирганда ҳамма одатдагидек, сувга ботириб олингандай ҳўл куракни вишиллайтиб чувиб ўлтирар эди.

— Бугун қайси шоир ташриф буюрадилар,— деб қолди совуқдан қотиб қолган қўллари зўрға элақага келса-да, ёшлардан қолишмасликка ҳаракат қилиб пахта чуваётган Хўжам ота, менга кўзи тушган заҳоти.

— Шоир Миртемир!— дедим қўлимдаги шоирнинг шеърлар тўпламини бошим узра баланд кўтариб.

— Қани, қани, эшитайлик-чи?! Миртемири нима деркин,— тўнғиллаган бўлди Жўрабой оллоп.

— Миртемир?! Исми-шарифига қараганда ҳислатли кўринади,— деди кимдир.

Мен китоб, газета ўқиб берувчи агитатор бўлганим-



Миртемир шоир Нозим Ҳикмат ва бошқа қаламкаш дўстлари билан.

дан эмас; шу қишлоқда, улар кўзи олдида дунёга келиб вояга етганлигимдан уларнинг барчасини яхши танир, болаликнинг беғубор тиниқ ҳислари билан ҳамқишлоқларимнинг ҳар бирини ич-ичимдан яхши кўрар эдим. Балким, қишлоқдошларимнинг меҳнатни севиш, уни қадрига етишдан ташқари адабиёт ва санъатга катта ҳурмат ҳамда эҳтиром билан қарашлари ҳам ана шу яхши кўришимга бир сабаб бўлгандир.— «Тавба,— дердим ўзимга-ўзим уларга қараб,— ўлтирганлардан бировининг инисидан қора хат келган, ўзим ўқиб берганман. Иккинчисининг келини урушдан бир оёқсиз қайтган ўғлига таъна-надомат тошини отиб: «Шу чўлоқ ўғлинг билан тураманми», деб кетиб қолган бўлсаю... Юракларига шеър сиғса-я. Қулоқларига китоб кирса?!» Ҳа, ҳамқишлоқларим шоирларни иштиёқ билан тинглашарди. Китоб ўқитиб эшитишдан, шеър айттириб тинглашдан асло чарчашмасди ҳам, зерикишмасди ҳам.

Балким: «Буғдой нонинг бўлмасаям буғдой сўзинг бўлсин»,— деганлари шудир. Ҳар ҳолда, шоирлар кишиларга тасалли беришаётгандай туюларди менга. Улар орасида, шубҳасиз, Миртемир оға ҳам бор эди. Ҳа, Миртемирнинг шеърлари юртдошларим дардига бир оз бўлса-да малҳам бўларди. Дарҳақиқат, ўзини кўрмай, нафасини эшитмасанг-да, битикларини бошқалар ижросида эшитиб қойил қолган санъаткорни ҳақиқатан ҳам бахтли деб атаса бўлади.

Миртемирни қалбдан суюб қолишим ана шундан бошланган эди.

1969 йил. Ер куррасининг ҳамма жойида улуғ доҳий В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллигига қизгин тайёргарлик кўриляётган пайтлар. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ленинномасидан гулдаста тайёрлаб рус тилида нашр этиладиган бўлиб қолди. Гафур Ғулом нашриёти Ленинга аталган ўзбек халқ кўшиқлари таржимасини шоир Файнбергга топширди. Файнберг тўпламни нашрга тайёрловчи сифатида мен билан тез-тез учрашиб, баъзи бир маслаҳатларни олиб турди. Менда таржимоннинг бир ёзуви сақланади. «Ҳурматли домла,— деб ёзди Файнберг,— Ленинга аталган ўзбек халқ кўшиқларини рус тилига ағдаришга киришишдан олдин Миртемир акани олдига бордим. Шоир билан маслаҳатлашдим. Миртемир ака: «... Кўшиқларни шундай таржима қилинги, биринчидан, асл нусхада қандай жарангласа, рус тилида ҳам шундай жарангласин.

Халқ қўшиқларининг оҳанги, руҳи камалакдай тов- ланишини сақлашга интилинг. Улуғ доҳий ҳақидаги ўз- бек халқ қўшиқлари нечоғлик қуйма, улардан бир сўз- ни олиб ташлаш ёхуд бошқаси билан алмаштириш қийин. Иккинчидан, бу қўшиқларда ўзбек деҳқонини ўзининг ҳалоскор доҳийси, ер, сув, нон ва обрў берган ўз отахонига бўлган ўзгача меҳр-муҳаббати, миннатдор- чилик туйғулари ифодаланганига эътибор берган ҳолда иш тутинг. Демакки, бағоят масъулиятталаб ишга қўл урибсизми, уни ҳалолу пок ва граждандиликни англа- ган, теран ҳис қилган ҳолда меҳнат қилинг. Ўзингизни икки оға-ини эл — рус ва ўзбек халқлари олдида синов- даман деб англаг. Шуни унутмангки, сиз таржимасига киришган асарлар, яъни қўшиқлар профессионал шоир- лар томонидан ёзилган эмас, балки бевосита меҳнаткаш халқ томонидан оғзаки айтилган», — дедилар. Мен учун бағоят азиз ва мўътабар шоирнинг бу кўрсатмалари ҳамда ишончи асосида таржимага киришиб, ўзим томо- нимдан бирон-бир қўшимча қўшиш ёки ўзгартишга йўл қўймасликка ҳаракат қилдим. Нашриёт шошилтира- ётгани учун тезроқ ўқиб, фикрларингизни айтишингизни сўрайман». «имзо») («Светоч» номи билан чоп этилган бу тўплам ўшанда улуғ доҳий юбилейига ўзига хос бир тўёна бўлган эди). Шу кичик мактубнинг ўзи Мирте- мирнинг халқ оғзаки ижодига қанчалик меҳр билан ён- дошганини кўрсатиб турибди.

Миртемир оға халқ дostonлари ва санъаткор бахши- ларни шу даражада ҳурмат қилардики, унинг ўзини эътироф этишича, ҳатто баъзи асарларни ҳали улар чоп этилмай туриб, ўқиб чиқаркан. Мана, шоирнинг фольк- лоршунослардан бирига айтган сўзлари:— фольклор адабиётимизнинг бир бўлаги бўлиб қолди. Баъзи асар- ларни босмага тайёрланмасдан олдин ўқирдим. Бунда менга Ҳоди Зариф, Афзаловлар кўмаклашарди. Қирғиз- нинг «Тушук», «Манас»идан парчалар, туркманларнинг «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonлари, қozoқларнинг эпосларини жуда синчиклаб, ёйилиб, завқ билан маза қилиб ўқирдим. Нечундир фольклор менинг руҳимга, менинг қарашларимга, ўйларимга, бадий фантазияла- римга жуда ҳам яқинлигини ёшлигимдан сезардим».<sup>1</sup> Тахминан беш юз минг сатрдан ортиқ «Манас»ни тар- жимасининг ўзи бўладими?

<sup>1</sup> Шоир архивида сақланаётган материаллар қўлёзмасидан.

— Шубҳасиз «Манас»нинг таржимаси устида жуда узоқ ишладим,— деган эди биз билан суҳбатда Миртемир оға.— Чунки «Манас»да қирғиз халқининг ҳам тарихи, ҳам этнографияси, ҳам маданияти, ҳам поэзияси жамланган. Ўзи жуда ҳам кўп ўрганилиши керак бўлган бой хазина.

Мен «Манас»ни ўзбекчага ағдариб, она халқимга тақдим этишга аҳд қилдим...

«Манас» ҳақидаги Чўқон Валихонов, Мухтор Ауэзов, Юдахин, Юнусалиевларнинг фикрини ўқидим. Эпос ўзи 4 китобдан иборат бўлиб, ҳар бир китоби 25 минг сатрдан иборат. Қарасам жанг картиналарида жуда кўп такрорлар ва ўхшашликлар бор. Ўйлаб-ўйлаб шу жойларни қисқартиш, воқеалар узилиб қолмаслиги, зерикарли бўлмаслиги учун ўзимизнинг дostonларга ўхшатиб қисқартирилган жойларини проза билан бердим. 17 киши иштирокида махсус мажлисда муҳокама қилишди. Қувончбек Маликов, Чингиз Айтматов, Туманбой Бойзақов, Али оға Тўқамбоевлар жуда қимматли фикрларини айтишди. Қисқартириш жуда ўринли экани, бундан кейинги нашрларда оригиналда ҳам шу усулни қўлласак деган фикр билдирилди».<sup>1</sup>

«Манас»нинг таржимасидаги «Сўнгги сўз»да таржимон қуйидагиларни ёзади:

— «Манас» эпосининг мана шу қўлингиздаги биринчи китобининг таржимасида қисқартирилган сатрлар, бандлар, мазмуни сўз билан берилган бутун-бутун боблар ҳаммаси Қирғизистон Фанлар академияси «Манас» секторининг розилиги ва маслаҳати билан бўлди». Эътибор қилинг-а, ҳатто «сатрлар, бандлар»га қўл уришда ҳам Фанлар академияси билан бамаслаҳат иш тутиш... Ахир бу — эпос нашрига ўта эҳтиёткорлик билан ёндошиш, унга келса-келмасга қўл урмаслик, фольклорнинг ҳар бир сатри, ҳар бир жумласига эътибор билан қарашнинг классик намунаси эмасми? Миртемир оғадаги бундай хислат, фазилат фольклор асарларини нашрга тайёрловчилар учун бағоят ибратлидир.

Нихоят орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. «Манас»нинг ўзбекча таржимаси яхши безаклар билан босилиб чиқди. Китобдан икки нусха сотиб олдим-да, Мир-

<sup>1</sup> Баъзан кўчирмалар Миртемирнинг филология фанлари кандидати Ғ. Мўминов билан қилган суҳбатидан олинди. (Бу материал шоирнинг шахсий архивида сақланган).

темир оғани табриклаш ва одатим бўйича дастхат ёздириб олиш учун уйларига бордим. Ўзбек ва қирғиз фольклори, хусусан анъанавий дostonларимиз, бахшилар санъати борасида узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат мавзуи тагин «Манас»га қайтгач, Миртемир оғанинг фахр ва ифтихор билан:

— Ҳар ҳолда «Манас»дек қомусий дostonнинг таржимаси икки оғанини халқ ўртасидаги дўст-биродарлик, қардошликнинг чинакам тимсоли бўлди. Қондошим, жондошим улкан қирғиз халқига бўлган қардошлик туйғуларимизнинг амалий ифодаси бўлди дея оламан,— деган сўзлари ҳамон хотирамдан кўтарилмайди. Дастхатда қуйидагилар ёзилган эди: «Доно ва баҳодир Гўрўғлибекнинг эвара-чевара балки набираларидан бири, фольклоршунос укам Маликжонга, яхшилик, эзгулик, қон-қардошлик ва баҳодирликка ундовчи қирғиз халқининг ўғлини баҳодир Манас ҳар доим ҳамроҳ ва кўмакдош бўлсин (имзо, таржимон).

Миртемир оға билан учрашувларимдан яна бири ҳам ҳеч вақт эсимдан чиқмайди. Бунга маълум сабаблар ҳам бор, албатта. Зеро, ана шу галги учрашувдаги қуюқ суҳбат менга қадимий халқ эпоси — анъанавий дostonларни ўз қуввати ҳофизасида сақлаб, бизгача етказиб келган, янгидан-янги асарлар ижод қилиб, халқни хушнуд этган бадиҳагўй, ижодчи-ижрочи бахшилар шахсияти, улар маҳорати ва чечанлиги ҳақида янада чуқурроқ ўйлашга, жиддийроқ фикр юритишга туртки бўлди. Ушанда Миртемир оға билан салкам бир ярим соат нуқул бахши шахси, бахшичилик санъати, дoston ва дostonчилик анъаналари хусусида суҳбатлашдик. Миртемир оғанинг бу масалалар бўйича ички бир дард билан куйиб-пишиб гапиргани ҳамон қулоғим остида жангларайди:

— Халқ бахшилари ажойиб бадиий сўз санъаткорларидирлар. Мен замондош чечан бахшилар билан кўп учрашиб, улар суҳбатидан баҳраманд бўлганлигимдан бахтиёрман. Ҳозирги Академиямиз фанимизнинг Бош штаби — Иттифоқ Академиясининг филиали тарзида иш кўриб турганда ёзувчилар союзи билан бирга Фозил шоир, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоирларни Тошкентга таклиф қилиб, улардан кўп нарсалар ёзиб ола бошлади. Қатта кечалар уюштирилди. Халқимиз фахри бўлмиш табарруқ номлари тилга олинган бахшилар жўшиб-тошиб дoston куйлаганларининг шоҳиди бўлганман.

Шеърятнинг ҳақиқий алллари деб ўшаларни айтса бўлади. Бирпасда баҳодир Алпомиш ё Барчиной, Рустамч дoston ёхуд Гўрўғлибек бўлиб улар тилидан сўзлай олиш, баҳодирликларини мадҳ эта билишнинг ўзи бўладими?! Бирпасда текстни куй билан омухталай олиш, устомон артистга ўхшаб образга кира олишларини айтмайсизми?! Ҳа, бахшилар сўз қудратини намойиш қила олувчи, ўз халқи қалби ва идрокига кучли таъсир кўрсата олувчи ажойиб санъаткорлардир. Бахшичилик санъатининг таъсир кучи асрларга тенг, ўзига хос. Сўз, мусиқа, актёрлик бирлашиб кетган бағоят мураккаб, сержило, халқни қаҳрамонлик, маънавийлик, сафарбарликка чорловчи санъатдир.

Ҳамид Олимжоннинг туғилганига 60 йил тўлиши олдидан Жиззахдаги «Москва» колхозида музей ташкил қилинадиган бўлди. Уни яратишда иштирок этиш учун мен ҳам командировка қилиндим. Музей очиладиган кундан икки кун олдин Миртемир оға Ёдгор бахши ва яна икки-уч киши билан биргаликда Жиззахга келдилар. Миртемир оғанинг тоби йўқроқ бўлса-да, ярим тунгача суҳбатлашиб ўлтирдик. Нафаси қисар, дамба-дам йўталарди. Аммо ҳадеб музейга нималар қўйилди. Ҳамидга оид фалон нарса назарларингдан четда қолиб кетмадими, деб суриштирарди. «Зап савобли иш бўлди-да, Ҳамидга атаб ўнлаб музей ташкил қилса ҳам оз», дерди. «Дам олинг, толиқиб қоласиз, эрта ва индинги программа жуда катта», деб қанча қистамайлик, ҳеч ҳам кўнмади, яна ва яна Ҳамид Олимжоннинг адабиёт, санъат ва маданият тараққиётига қўшган ҳиссаси, ўзбек фольклорини ўрганиш, тўплам ва тарғиб-ташвиқ соҳасидаги ишлари; бахшиларга мураббийлиги; халқимиз, партиямиз олдидаги хизматлари хусусида ўзига хос куйинчаклик билан сўзлади. Ярим тунга боргач, Миртемир оға толиқиб қолди: бора-бора аҳволи жуда оғирлашди. Мен Ҳамроқул Носировга телефон қилиб, воқеани айтдим. Раис тезда врач юбортирди. Туни билан Миртемир оғанинг ёнида бўлдим: иссиқ чой тутдим, суюқ овқат тайёрлатиб ичирдим, врач тайинлагандек массаж қилдим... Ҳайрият эртаси кун ўнларга бориб ўзини бир оз яхши сеза бошлади. Тетиклашди...

— Минг қатла шукурки, яхшиларнинг меҳр-оқибатию замонам табобатининг мўъжизакор куч-қудрати ва сеҳри туфайли яхши бўлиб қолдим. Аммо-лекин ростини айтганда дўстим Ҳамиднинг уй-музейининг очилиши-

ни кўрмай қоламанми деб чўчидим. Сизларни ташвишга солиб қўйганимдан хижолатдаман. Ҳайрият, ўтиб кетди.

Оғага тикилиброқ қарадим. Юзида кечаги ҳолат йўқ эди. Кўзи яна асл ҳолига тушиб, тийраклашибди... Миртемир оғанинг кишиларда жуда кам учратганим нурга тўлиб-тошиб турувчи юзи асл ҳолига келганидан, сўзлари анча тетиклашганидан устимдан тоғ қулагандай анча енгил тортдим. Ана шунда Ҳамроқул Носировнинг ҳам қанчалар одамохун, ғамхўр, киши бошига мушкул тушса қуйиб-пишиб меҳрибонлик қилувчи ҳақиқий инсон эканлигини англадим. Гоҳ машинада келиб, Миртемир оғадан ҳол-аҳвол сўрар, гоҳ телефон қоқар, колхоз теплицясидан помидор, бодиринг юбортирар, янги нон, сутқатиқ келтирар... Ҳа, ўшанда Миртемир оғани кишиларимиз ўртасидаги илиқ муносабат, меҳр-оқибат сақлаб қолган эди, дейиш мумкин.

Музейнинг очилиши адабиёт ва санъатнинг катта байрамига айланиб кетди. Музей экспонатларини томоша қила туриб, мен кўзимни атайин Миртемирдан узмадим. Миртемир оға соғайиб кетганига эмасди, балки яшариб кетгандай ҳам эди.

Нуқул ўзига-ўзи: жуда яхши! Соз! Офарин! Балли! Раҳмат!— дерди. Бу самимий мақтовлар унинг дил-дилдан отилиб чиқарди. Музей экспозицияларини кўриб бўлгач, Миртемир оғани бир четга бошлаб бордим-да: «Ҳамид Олимжон ва фольклор» мавзуи бу музейда қандай ёритилган? Сизга маъқул бўлдимми?» деб сўрадим.

— Яхши! Кўп меҳнат сарфлабсизлар. Аммо, Ҳамид Олимжоннинг ўзбек бахшичилик санъатини сақлаб қолишгина эмас, уни оламга таништиришдаги буюк хизмати янада кенгроқ ёритилганда айни муддао бўлур эди. Ахир, ўзбек бахшиларини, уларнинг бетакрор, сеҳргар санъатини шоир ва адиблар орасида Ҳамидчалик билган, ардоқлаган, эъозлаган киши йўқ эди-да! Умуман фольклор Ҳамиднинг руҳига она сути билан сингилгандай эди... Миртемир оға яна бир учрашганда гап орасида, ўзбек бахшилари ҳақида рисола ёзилса яхши бўларди, деб қолди.

— Бу, қозоқ олими Исмоиловнинг «Оқиндари»га ўхшаш бўладими ё эссеми, буни ҳаёт кўрсатар. Аммо ёзиш керак. Тўғри, ўзбек бахшилари ҳақида у ёки бу маънода кўп яхши ишлар қилинди. Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Мақсуд Шайзода, Му-



зайнахоним, раҳматлик Буюк Қаримларнинг бу борадаги хизматлари олқишга сазовор. Аммо уларнинг битиклари кўпроқ илмий йўналишда бўлиб, фақат илм аҳлига маълум. Кенг китобхонларга мўлжалланган сода ва ширали тилда ёзилган рисолалар керак... Ҳа, бахши маънавий маданиятимизни бошловчисигина эмас, унинг овози — халқ овози, халқ даҳоси рамзи. Жаҳонга мақталгудек бахшиларимиз бор-а. Улар ҳақида бетиним сўзлаш, ёзиш керак. Шу кунга қадар қозоқ оқинлари, қирғиз манасчилари, озор ошиқлари, тожик гўяндалари ҳақида катта-кичик асарлар бўлгани ҳолда, ўзбек бахшилари хусусида бирон-бир йирикроқ асарнинг йўқлиги кишини уялтиради.

Шунга қойил қолиб, тан бериш керакки, қаерда бахши юбилейи ёхуд бахшининг чиқиши бўлса ўша жойда Миртемир оға ҳозир у нозир эди! Мана бир мисол: 1972 йил халқимиз ўзининг уч алп бахшиси, Фозил, Пўлкан, Ислом шоирларнинг 100 йиллик юбилейи тантаналарини ўтказди. Юбилей тантаналари гоҳ Тошкентда, гоҳ Самарқандда ўтарди. Самарқанд опера ва балет театрининг фоесида Миртемир оғага Пўлкан, Фозил ва Ислом шоирларга бағишланган «Қишлоқ ҳақиқати»даги саҳифани кўрсатдим. Домла хурсанд бўлдилар.

Суҳбатимиз ўша куни ҳам бахши ва бахшичилик санъати хусусида борди-да, бу гал Миртемир оғанинг Фозил, Ислом ва Пўлканларнинг ижоди, репертуарини қанчалик чуқур ва атрофлича билишини, уларни нечоғлик ҳурмат қилишини, ардоқлашини англадим. Шу куни театرنинг фоесида суҳбатлашиб турар эканман, Тошкентга қайтгач, «Миртемир оғага ўзбек бахшилари ҳақида мақола ёздираман, ҳеч бўлмаса «Бахши шахси унинг санъати ҳақида Сизнинг фикрингиз?» мазмунида савол анкетасини тузиб, биринчи бўлиб унга кўрсатаман ва жавобини ёзиб оламан, деб кўнглимга тугиб қўйдим. Аммо, афсуски, шоирнинг бевақт ўлими туфайли ниятимга ета олмадим...

Суҳбатлашган кишиларимдан бири «Қимиз қўшиғи» деган шеърни ёддан айтиб, бу шеър Миртемир аканики, деди. Мен баҳсга киришиб, тортишиб ўлтирмадим. Балки халқникини Миртемирга нисбат бергандир. Сиз нима дейсиз? Мана ўша шеър:

## ҶИМИЗ ҚУШИҒИ

Шамол шамолни тебратар,  
Шамол булутни тебратар,  
Булут ёмғирни тебратар,  
Ёмғир тупроқни тебратар,  
Тупроқ майсани тебратар,  
Майса бияни тебратар,  
Бия қимизни тебратар,  
Қимиз йигитни тебратар,  
Йигит сулувни тебратар,  
Сулув бешикни тебратар,  
Бешик болани тебратар,  
Бола дунёни тебратар.

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси партия бўлимининг бошлиғи, шоир ва журналист Ҳамид Нурий Миртемир аканинг оғзидан ёзиб олганлигини айтади.

*1978, 18 октябрь*

## ШЕЪРИЯТДАГИ УМР

1962 йилнинг илк кузи...

Дорилфунуннинг филология факультетига ўтиб кета туриб, беихтиёр кўзим Пушкин номли маданият ва истироҳат боғининг дарвозаси ёнидаги эълонга тушди. Эълонда боғда ёзувчилар билан учрашув ўтказилажаги, китоб бозори ташкил этилажаги хабар қилинган эди.

Белгиланган кун етиб келди. Борсам, одамлар, қўлларида китоб, тўп-тўп бўлиб туришарди. Айниқса, бир одамнинг атрофида кўпчилик тўпланганди. Тикилиб қарадим: кўриниши танишга ўхшади.

Ҳа, эсладим. Бу одамнинг ёшроқ пайтида олдирган суратини «Танлаган асарлар»ида кўрганман.

Атрофида одамлар гавжум кишининг Миртемир эканлигига шубҳа қилмасам-да, ёнимдаги бир йигитдан яна сўраб аниқлаб олдим.

Қўлимда китоб, одамлар орасига суқила-суқила унинг олдига яқинлашдим. Жуссаси увоққина одамнинг қиёфасидан тасаввуримдаги «шоирлик» белгисини тополмай, ҳайратланиб турганимда, шоир ҳаяжонимни сезгандай, ёқимли, йўқ, нурли табассум билан «Ўғлим, отингизни айтинг» деди. Биргина сўз, ука ёки йигитча эмас, шоирнинг ўзига жуда яқин олиб, «Ўғлим» деб мурожаат қилиши менинг қалбимга нур бўлиб кирди.

\* \* \*

Бахтли тасодифми ёки қандайдир қонуният борми, билмадим, Миртемир ижодини махсус ўрганишга тўғри келди. Ана шу туфайли шоир билан адабиётимизнинг

турли даврларга онд масалалар, ижодкорлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда ўзининг ёзувчилик фаолияти борасида кўп бора суҳбатлашдим. Миртемир сахий хазинасига ўхшарди.

У сизни қизиқтирган ҳар бир масалага самимий, дилдилдан жавоб берарди. Баъзан шундай бўладики, бирор санъаткорга у ёки бу масала атрофида савол берсангиз, ижирганиброқ жавоб қайтаради. Бундай нохуш кайфият Миртемирга тамомила ёт эди. Тўғри, шоирнинг аломат одати бор эди. У сиз билан суҳбатлаша туриб, кутилмаганда хаёлга чўмар, бир нуқтага тикилиб қолар, кўрсаткич бармоғи билан ҳавога ёки хонтахтанинг четига алланарсаларни тез-тез ёзар, ўчираар, яна ёзар эди. Дастлаб, илгари кузатмаганим учун бўлса керак, шоирнинг бу ҳолати менда «сўровларим ёқмаяпти шекилли» деган хижолатомуз ўйни туғдирди. Аммо Миртемирнинг бундай кайфиятини такрор ва такрор, айниқса, ўзга давраларда ҳам кузатгач, бу устознинг ўзини илҳомга тайёрлаш, сошлаш, бирор ижодий мақсадини, поэтик ниятини воқеликка айлантириш учун «тафаккур машқи»ни ўтказиш одати эканлигига қаноат ҳосил қилдим.

Абдулла Қодирийнинг 70 йиллиги арафасида устоз билан қилган суҳбатларимизнинг бирида (1970 йил, 14 апрель) 20-йиллардаги адабий жараён, ижодкорлар ўртасидаги алоқалар ва уларга муносабатлар борасида фикр қўзғалди. М. Усмон ва Н. Охундийнинг «Улуғ ўзбек халқига лойиқ асарлар яратайлик» сарлавҳали мақоласида («Қизил Ўзбекистон», 1937 йил, 18 октябрь) шархланишича, 14 октябрда Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ёзувчиларнинг ижодий ва маънавий қиёфаси масаласига бағишланган кенгаш ўтказилган, кенгашда Ҳ. Олимжон сўзга чиқиб (унга буржуа миллатчилари, Қўқон мухториятчилари билан алоқада бўлган деган айб қўйилган бўлса керак), ҳеч қачон аксилинқилобчилар билан яқин алоқада бўлмаганлигини, улар ўз таъсирларига олишга қанчалик тиришмасинлар, барибир, бунга эриша олмаганликларини, Қўқон мухториятчиларининг чет элда чиқарган «Миллий йўл» (М. Чўқаев, Заки Валидий томонидан босилган) журналини эса, Миртемир орқали олганлигини, Миртемир синоғлиқ кунлардан қайтиб келиб, яна назорат остида юрганида унга раҳми келиб, ёрдам берганлигини айтади.

Суҳбат асносида ўша воқеаларни эслатдим, Мирте-

мир ўйланиб қолди: хуш ва нохуш воқеаларни хотирлаб, аста қуйидагиларни ҳикоя қилди: «Кенгашда мен ҳам бор эдим. Ҳамид, мен ва яна бир қатор қаламкашлар ҳақида жуда кескин гап-сўзлар бўлган эди. Ҳамид рост гапирган. Журнални мендан олгани ҳам, менга моддий ёрдам бергани ҳам тўғри. Воқеа бундай бўлган эди. Қайси йилдалиги аниқ эсимда йўқ, Самарқандга бордим. Ёшлигимнинг қайноқ даври кечган, ижодимга қанот берган жойни зиёрат қилиш иштиёқидами, билмадим, қандайдир иш билан Педакадемияга (ҳозирги СамДУ) кирдим. Одатда хат-хабарлар қўйиладиган хонтахтада Ҳ. Олимжоннинг номи ёзилган кўк пакет турган экан, ичида нима борлигидан беҳабар «Дўстларининг бирортасидан хат бўлса керак, Ҳамидни суюқтирадиган бўлдим-да», деган хаёл билан пакетни олиб келиб, унга бердим. Кейин маълум бўлишича, Қўқон мухториятчилари томонидан чиқарилган, ўз чиркин йўлларига оғдиrolмай аламзада бўлганлар томонидан Ҳ. Олимжонни бадном қилиш мақсадида атайлаб юборилган журнал экан. Ҳамиднинг гапи боягидай эсимда турибди: у бу журналга ёзилмаган ҳам, ўқийман деб ҳеч кимдан сўрамаган ҳам экан. Аммо бундан фирром, ўзи бирор оғизга оладиган асар ёзолмайдиган, ёзганни кўролмайдиган номард кимсалар фойдаланганлар. Кенгашда ҳам шундай бўлган эди. Э..., бундай машъум воқеалар бошимиздан кўп ўтган, неча бор жар ёқасидан зўрға қайтганмиз.

Бир кун кечаси айланиб юрсам, Ҳамид учраб қолди. Менга қилинаётган муомалани эшитиб, ҳаддан зиёд ранжиганини айтди, ҳеч тортинмай уйига кириб туришимни тайинлади. Бунақа пайтда бир оғиз илиқ сўз ҳам одамнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборади. Унинг дардкашлигидан, таклифидан бошим осмонга еткудай бўлди. Бир-икки кун ўтгандан кейин Ҳамиднинг уйига кирдим. Ҳамдардлик билдиргач, «костюминг жуда эскириб қолибди-ку, нечанчи киясан», деди. Мен, албатта, ҳожати йўқ, раҳмат, деган бўлдим. Анча кундан кейин яна кирсам, костюм олиб қўйган экан, кийдириб юборди. Кейинчалик Ҳамиднинг яхшилигини юз фоиз қайтарганман. Аммо унинг тантилиги, келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсиз оқибатдан чўчимай, бошига синоғлик кунлар тушган сафдошининг қўлтиғига кириши—ҳам маънавий, ҳам моддий мадад бериши ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Айниқса, ўша вақтда-

ги мураккаб вазиятда, ўргимчак уясидек чигал адабий жараёнда Ҳамиддек ўктам, имони бутун бўлиш жуда мушкул эди. Аммо у табиатан шунақа, «ўзим бўлай» дейдиганлардан эмас эди. Ҳатто, кейинроқ эшитишимча, Ҳамид узоқ «сафар»далик пайтимида ҳам менинг китобимни чоп эттиришга ҳаракат қилган. Бунинг учун мажлисларда неча бор «Халқ душманининг китобини чиқармоқчи», «ҳимоячиси» деган аччиқ таъналарни эшитган. Аммо қалтис дашномларга парво қилмаган. Ҳақ жойида қарор топишига дил-дилидан ишонган. Ҳамид самимий, меҳрибон дўст ва мард инсон эди.<sup>1</sup>

Мен Ҳамид ҳақида ёзаётган хотираларимда бу ҳақда батафсил сўзлайман (ўқувчилар шоирнинг 1971 йилда босилиб чиққан «Дўст ва замондош» хотирасидан хабардор бўлсалар керак). Афсус билан айтишим керакки, маълум даврларда мени Ҳамидга уни менга ёмонлаб, орамизга совуқчилик туширишга интилганлар бўлган.

Одамнинг табиати қизиқ. Ўтган ҳаётим ҳақида кўп ўйлайман. Афтидан, ёши бир жойга бориб қолган одам шунақа бўлиб қолади, шекилли. Ҳатто, эслаш жуда оғир бўлса ҳам, кўп жабр қилган ғаламислар ҳақида ҳам ўйлайман. Айниқса, уларнинг бугунги хатти-ҳаракатларидан, қилғиликни қилиб қўйиб, не-не санъаткорларнинг бошига кулфат ёғдириб, ҳатто баъзиларининг ёстигини қуритиб, ҳеч нарса қилмагандай, «фалончи зўр ёзувчи эди», «мен қадрдон дўст эдим», «фалончи ҳаёт ва табиатнинг оташнафас куйчиси эди», «файласуф шоир орамиздан кетди» деб ёзиб, китобхонни чалғитаётганидан ғазабим қайнайди. Ахир, уларнинг кечаги қилмишларидан хабардор одамлар ҳаёт-ку! Уятсизлик, иккиюзламалик ҳам эви билан-да, дегим келади. Мана, Абдулла Қодирийга тош отганлар ҳам охири нима бўлди...»

Адабий жараённинг нечоғли мураккаблиги ҳақидаги шоирнинг сўзлари мени яна бир нарсани сўрашга журъатлантирди.

\* \* \*

— Миртемир ака, Чўлпонни 20-йиллар шеърятининг машҳур вакилларида бири дейишади. Сиз қандай фикрдасиз?

— Тўғри, Чўлпон ижодига 20 ва 30-йилларнинг бош-

<sup>1</sup> Бу фикр-мулоҳазалар шоирнинг «Дўстлар даврасида» китобида («Ёш гвардия» нашриёти) батафсил ёритилган.— ред.

ларидаги шеърятимизнинг савиясидан келиб чиқиб ёндошсак, шоирларимизнинг олдинги сафларида борганлигига шубҳа йўқ. Нимасини яширамиз, Чўлпоннинг шеърлари ўз-ўзидан ёд бўлиб қоларди. Аммо ўзбек поэзиясининг ҳозирги парвози жуда баланд, Чўлпон ижодига шу чўққидан туриб қарайдиган бўлсак, унинг оддий шоир эканлиги, кўпиртириш, тоширишларнинг ўринсизлигини билиш қийин эмас. Қилни қирқ ёрадиган алломаларимиз бор, билмадим, улар қандай фикрда экан? Ҳозирги китобхон анойи эмас, қандай асар танлашни, ўқишни яхши билади. Чўлпон асарларини очиқ-ойдин ўқишга эришган ўқувчи «буни нимасига шунча шов-шув, унчалик нарса эмас-ку! Атиги шу экан-ку, шунга ҳам шунчами» деб ўйлаши мумкин.

Шундан кейин суҳбатни Миртемирнинг дастлабки икки тўпламига ҳам тақриз ёзган Юнус Латифга бурдим. Миртемир ака Юнус Латифнинг истеъдодли, билимдон эканлигини, шубҳасиз хатоси бўлганлигини, аммо арзимас хатоси учун унутиб юбориш ўринсиз эканлигини айтди. Худди шундай гапни Сотти Ҳусайн ҳақида ҳам сўзлади.

Устознинг маслаҳатлари билан кейинги суҳбатларга савол ўйлаб келадиган бўлдим.

\* \* \*

— 30-йилларнинг бошларида поэмалардан ташкил топган икки китобингиз чоп этилган. Бошқа китобларингиз ҳам поэмасиз чиқмаган. Аммо уларнинг кўпларини қайта нашр эттирмагансиз ёки шеър сифатида тақдим этгансиз! Бунинг боиси нима?

— Агар илк дostonларимда даврнинг мукамал, ҳаётий типларини яратганимда, албатта қайта нашр эттирардим. Ҳозир ўша асарларимни ўқувчиларга тақдим этганимдан уялиб кетаман. Аммо у пайтда ўқувчилар ташна эди. Шу «дostonлар»ни ҳам китобхонлар қабул қилишар, мени турли жойларда ўқишга даъват этишар эди. Ният катта ва холис эди. Қандай бўлмасин, замон ҳақида, одамлар тўғрисида бирор шаклда ўз фикримизни айтишга шошилардик. Афсус, маҳорат етишмаслиги туфайли мақсадимизга кўнгилдагидек эриша олмаганмиз. Кейинчалик шеър бўлиб чиққан «дostonлар»нинг асоси поэмабоп бўлмаган. Шунинг учун улар осонгина шаклини ўзгартирган.

— «Номус» поэмасидаги воқеаларни таржимаи ҳолингиздаги айрим нуқталар билан боғлаш мумкинми?

— «Номус» бошимга синоғлик кунлар тушган даврининг маҳсули. Мен 1932 йилдан 1934 йилгача дастлаб оддий ишчи, кейинроқ маданий-оқартув бўлимида хизматчи бўлиб, Оқ денгиз — Болтиқ каналида ишладим. Аммо ўша ерда ҳам ижодий ишни канда қилмадим. Кўп шеър машқ қилган бўлсам ҳам, поэма ёзиш ҳаёлимда йўқ эди. «Экскаваторчи» деган шеър ёздим. Шеърни ўқиган дўстларим асарнинг материали «достонбоп» эканлигини айтдилар. Бу менга катта далда бўлди. «Номус»да тўғри йўлдан адашган, ўзим кўп бора суҳбатлашган, катта қурилиш маъракасида ўз ўрнини топган, келажакнинг донғил йўлига тушиб олган ўсмирларнинг ҳаётини ифодаламоқчи бўлганман. «Экскаваторчи» шеъри поэманинг муқаддимаси бўлиб қолди.

— Поэмачиликдаги фаолиятингизнинг чўққиси — «Сурат» адабиётда воқеа бўлган, ўқувчиларда кучли акс-садо қўзғатган. Албатта, ўқувчилар ана шу лирик қиссанинг асосларини, тимсолларини билгиси келади. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— «Сурат»га тимсол бўлган воқеа 30-йилларда менга «сирдош» одамнинг тақдирида бўлиб ўтганди. Уша одамнинг маъшуқаси атиги икки йиллик айрилиққа, синовга бардош беролмай, аҳдини бузади. Бу кўнгилсиз факт қалбимни ларзага солди. Ана шу ларзанинг сачратқиси сифатида «Сен у ёнга кетдинг, мен бу ёнга» мисраси билан бошланадиган шеър майдонга келди. Бу билан қаноатланмадим. У ҳақда йирикроқ асар ёзишни кўнглимга узоқ вақт тугиб юрдим. Кутилмаганда китоб орасидан бевурд гўзал билан тушган сурат чиқиб қолди. Бу тирноқдай сурат қалбимдаги эски ярани янгилаб юборди, ёзмасам бўлмайдиган ҳолатга солди. Илҳом деганда ана шу ҳолатни тушунаман. Бунга қўшимча қилсам, «Сурат» яратилган йилларда ижод имкониятлари кенгайиб, достондаги каби «шахсийроқ», мунглироқ, инсоний интим туйғулар бемалол ифодаланадиган бўлиб қолган эди. Ана шу икки муҳим сабабга кўра «Сурат» яратилди. Асарга асос бўлган воқеаларни ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирламаганман. Мен поэмада санъаткор ва садоқат масаласига муносабат билдирмоқчи эдим. Ана шу мақсадим туфайли, ўзимнинг ҳаётий-ижодий тажрибаларим асосида турмуш фактини қайта-қайта бичиб-тикдим. Ҳатто воқеанинг содир бўлган жо-



йини ҳам, вақтини ҳам ўзгартирдим: 30-йиллардан Улуғ Ватан уруши даврига, Тошкентдан Нукусга кўчирдим. Бу изланишларим қанчалик самарали бўлди,— мендан кўра илм аҳлига кўпроқ аён. Аммо китобхонлардан олган кўплаб хатларимга, адабиётчиларнинг илиқ гапларига қараганда, меҳнатларим зое кетмаган, шекилли:

«Сахий табассум» (М. Бобоев) соҳиби, қалби дарё устоз билан мулоқотларимизнинг мавзуи тобора кенгайиб борди. Суҳбат орасида шоирнинг лирик қаҳрамон ҳақидаги, ижодкор тил бойлигининг манбалари тўғрисидаги фикрларини билмоқчи бўлдим.

— Атоқли шоир Николай Грибачев «Фақат кўрганларим, ҳис қилганларим» сарлавҳали мақоласида лирик шеърнинг қаҳрамони шоирнинг ўзи, аммо шоир ўзида замондошларининг кайфиятини ҳам жамлаган бўлади» деган қарашни илгари суради. Сиз қандай фикрдасиз?

— Николай Грибачев анов-манов шоирлардан эмас. Совет шеърятининг байроқдорларидан биридир. Унинг лирик қаҳрамон тўғрисидаги фикри, менимча ҳам тўғри, ишонгулик. Чиндан ҳам ҳақиқий лирик шеърнинг қаҳрамони шоирнинг ўзидир. Лекин шоир образини тор, биқиклик маъносида тушунмаслик керак. Шоир ўз образида шахсий кечинмасинигина ифодаламайди. Балки ўзига ўхшаганларнинг туйғуларини, фикри-зикрини ҳам беради. Агар шоир шундай йўл тутмаса, ўзида даврдошларининг ҳис-ҳаяжонини ва ўйларини ҳам жамломмаса, унинг шоирлиги қайга борарди-ю, асари кимнинг ҳам кунига яради.

\* \* \*

«Мен саноқсиз тўйларни ҳам, ўтиришларни ҳам кўрдим. Энди менга уларнинг қизиги йўқ. Ажал нотантилик қилмаса, халқим олдидаги бурчимни бажарсам, ниятларимни қоғозга кўчирсам...» Миртемир домла шу сўзларни кўп такрорлагувчи эди. Афсус... Қанчадан-қанча янгроқ, ёлқинли шеърлар, дostonлар ва бетакрор хотиралар қоғозга кўчмай қолди. Аммо бизга шоир қолдирган ўлмас маънавий ёдгорлик бир оз тасалли беради. Бир нафас Миртемир шеърятини йўқ деб тасаввур қилсак, руҳий дунёмиз қашшоқлашиб қолгандай туюлади. Шунинг ўзи Миртемирнинг ҳамиша барҳаётлар сафида эканлигини кўрсатади.

Миртемир «Сўнгги сатрим ҳам...» шеърида ёзган эди:

Шеърларимда жилва қилсин замона,  
Юртим мадҳи бўлсин сўнги сатрим ҳам...

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза мукофотининг лауреати Миртемир бу олижаноб муддаосига тўла-тўқис эришди. Миртемир яшайпти...

### ДИЛДА ҚОЛГАН ЛАВҲАЛАР

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати Миртемирни ким билмайди дейсиз. У кишининг шеърлари, достонлари, драмаси, таржималари ҳақида илмий китоблар ёзилган, диссертациялар ҳимоя қилинган ва қилинаверади.

У Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Фафур Гулом, Ойбек, Шайхзодалар сафидаги буюк шоирдир.

Миртемир аканинг 60 йиллик юбилеи муносабати билан Москвадан берилган радио эшиттиришда Миртемир Ўзбекистондаги 50 ёшгача бўлган ҳамма шоирларнинг устози дейилган эди. Бу ҳақ гап. Зулфиядан тортиб Абдуллагача ҳамма шоирлар устоз деб мурожаат қилганини биламан. Шулар қаторида менга ҳам у киши «оқ йўл» тилаб устозлик қилганлар. Шу сабаб у кишининг ҳузурларига — хонадонларига тез-тез бориб турганман. Шеърларимни кўрсатиб кўп қимматли фикрлар олганман. Шу учрашув чоғлари дилда қолган лавҳаларни бир қатор қоғозга тушириб, буюк ўзбек совет шоирининг сиймосини ўз имкониятимча тиклаш ниятларим бор.

Мен ана шу лавҳалардан баъзиларини қимматли ўқувчиларга ҳикоя қилмоқчиман.

Энди сизга қийин бўлди

Миртемир аканинг менга тилаган «оқ йўл»и «Совет Ўзбекистони» газетасида босилиб чиқди. Миннатдорчилик билдириш учун ишдан сўнг устозимнинг уйларига

югурдим. Борсам, ҳовлида, гуллар орасида қулоқларига транзистор — радиони яқин тутиб, қўшиқ тинглаб юрган эканлар.

Салом бериб, тез олдиларига бориб кўришдим. У киши одатдагидек кираверишдаги, узум сўрисининг тагидаги, чамаси, 30 чоғлик одам ўтирса бўладиган узун кўк столга бошладилар. Катта столнинг бир чеккасида ҳамиша устига оппоқ сочиқ ёлиб қўйилган меҳмон дастурхони бўларди. Қачон борманг, Ерқиной кеннойи дарров ҳол-аҳвол сўрашиб қайноқ чой ва косада иссиқ овқат олиб келардилар. Менимча эрталабдан кечгача қозон қайнаб турса керак. Мен ҳовлиқиб «оқ йўл» чиққанлигини айтдим.

— Кўрдим,— дедилар Миртемир ака ўйчан, босиқ овозда.

— Ишончингиз учун раҳмат, Миртемир ака,— дедим шодлигимни қандай ифода этишимни билмай.

— Энди сизга қийин бўлди— дедилар.

— Нега?— сўрадим ҳайрон бўлиб, чунки «оқ йўл»дан сўнг йўл очилди. Энди китоблар, шеърлар газета ва журналларда гумбирлаб чиқиб кетаверади деб ўйлаган эдим.

— Қийин бўлди, деганим шуки, энди сизни бутун республика шоир деб билади. Сиздан яхши асарлар кутади. Яхши асар ёзиш нина билан қудуқ кавлаш деганидир,— лекин мен сизга ишонаман,— дедилар дастурхонга ундаб.

### Шунча кўп китоб ўқийманми?

Домланинг уйига кўпчилик ўз шеърини машқларини кўтариб келиб, ёқимли маслаҳатларини олиб кетарди. Кунларнинг бирида ҳузурларига консерваторияни битирган О. исмли йигит шеър ёзиб келиб кўрсатибди. Миртемир ака шеърни кўрсалар, шеърининг элементар қондаларига ҳам риоя қилинмаган сўзлардан иборат экан.

— Ўғлим, машқингиз ҳали хом, шеър ёзиш қондаларига амал қилмагансиз. Олдин ўрта мактаб 6, 7, 8 синфлари адабиёт дарсликларида ёзилган шеър нима, ҳикоя нима деган назарий билимларни бир ўқиб чиқинг, бундан ташқари Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон

жаби атоқли шоирларимизни тўпламларини ўқинг,— десалар:

— Вой-бў, шунча кўп китоб ўқийманми?— депти. Домла бир оз ранжиброқ сўрабдилар:

— Сиз қаерда ўқигансиз ва нима касб қиласиз?

— Гижжак чаламан оркестрда, аввал музика мактабда, кейин консерваторияда ўқиганман,— дебди гурурланиб.

— Ана кўрдингизми, ўғлим, битта гижжак чалиш учун шунча йил ўқибсиз, шеър ёзиш учун бир умр ўқилади,— дебдилар.

### Миртемир аканинг пианино сотиб олганлари

1977 йил.

Миртемир аканинг катта ўгли Миржалол Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишларди. Иккаламизнинг иш жойимиз битта бинода, мен учинчи қаватда, у тўртинчи қаватда эди. Тушлик қилиш учун шошиб тушиб кетаётган эдим, ним қоронғи коридордан Миржалол келаётганини кўрдим. Кўришдик.

— Ҳайдар ака, мен сизни олдингизга келаётган эдим,— деди у.

— Жуда соз, тинчликми?— деб сўрадим.

— Тинчлик. Момом сизни олдингизга юбордилар. Нега десангиз, Папам бугун менга пианино сотиб олиб келгин деган эдилар. Момом, пианинони нима кераги бор, уйда чаладиган киши бўлмаса... мен айтсам дандгни кўнгли ранжиб қолади. Бориб Ҳайдар аканга айтгин, у кишига қулоқ солади дедилар. Шунга сизни олдингизга, овқатга чиқиб кетиб қолманг, деб шошаётган эдим.

Домлани гапга кўндирилиш қудрати менда бор деб ишонилганидан хурсанд бўлдим.

— Хўп, ишдан кейин бораман,— дедим.

Кечгача домлани пианино сотиб олмасликка кўндириш учун бисотимдаги бор гапларни ўйлаб, соат беш ярим-олтиларда бордим. Шундай кўчаларига бурилсам юк машинаси турибди. Ичида пианино. Шофёри бортни очяпти. Миржалол пианинони тушириш учун уйдак тахта олиб чиқаётиб менга кўзи тушди-да, мийиғида кулиб

қўйди. Унинг бу кулгусида «сўзларини қайтаролма-  
дик...» деган маънони уқдим.

Пианино оғир экан. Зўрға машинадан туширдик.  
Амаллаб ҳовлига киритдик. Домла хурсанд эдилар.  
Атрофида айланиб, қопқоғини очиб, бир-икки клавиш-  
ларини босиб даранглатиб кўрдилар. Мен ўйлаган ҳам-  
ма гапларим бекор бўлди.

Одатдагидек ҳовлидаги столга таклиф қилдилар.  
Суҳбат давомида,— Миртемир ака, пианино олиш зару-  
рати туғилиб қолдими?— деб сўрадим Миржалол би-  
лан пешинда бўлган суҳбатни сир тутиб.

— Мен, хабарингиз бор, Муқимий театри учун гур-  
жи ёзувчиси Гецадзени, «Встреча в небесах» музdra-  
масини таржима қиляпман. Ашулаларини эквиритмик  
таржима қилмаса бўлмайди. Стационарда ётганимда  
концертмейстери келиб шоширди. У ерда врачлар рух-  
сат беришмади. Концертмейстер:

— Стационардан чиққанингиздан сўнг театрға бора-  
сиз,— деб кетди. Театр, биласиз, тўпаланг жой. Одам  
хотиржам бўлмаса ижод қилиб бўлмайди. Эквиритмик  
таржима мураккаб, сўз оҳангга мос тушиши керак. Шу-  
нинг учун пианино сотиб олдиртирдим, яна кўп режала-  
рим бор. Ҳозирча қизалоқ Гулнорага эрмак бўлиб ту-  
рар. Невараларнинг бири балки композитор бўлар,—  
дедилар.

Шунда мен Миртемир ака фақат оригиналга эмас,  
ҳатто таржима асарларига ҳам катта масъулият ва та-  
лабчанлик билан қўл уришларининг шоҳиди бўлдим.

\*  
\* \* \*

Миртемир ака табиатан ўта камтар эдилар. Ҳамиша,  
мен халқдан кўп қарздорман, иш столига ҳали росмана  
ўтиролганим йўқ. Давлатимиз мени кўп эъозлаяпти.  
Манзур бўларлик нима қилолдим, деб ижодларидан қо-  
ниқмас эдилар. У киши ҳеч қачон ўзларини шоир Мир-  
темир деб таништирганларини кўрмаганман. Бирон ки-  
ши билан танишиш зарурати туғилиб қолса, Турсунов  
деб фамилияларини айтиб кўришардилар.

Миртемир ака уйларига газ ўтказиб беришини сўраб  
Райгаз идорасига ариза берибдилар.

— Турсунов, сиз кетаверинг, биз ўзимиз бориб, кў-

риб, қуриб берамиз,— дебди аризани қабул қилган киши. Домла олти ойча газчиларни кутибдилар. Охири яна бир учраб келай-чи, деб бориб навбатда турган эканлар, у кишини танийдиган йигит учраб қолипти. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач:

— Бу ерда нима қилиб турибсиз?— деб сўрабди.

— Газ ўтказиш учун ариза ташлагандим,— дебдилар.

— Ия, бошлиқни олдига кирмайсизми?

— Бошлиққа нима деб кираман?..

— Ия, юринг,— деб бошлиқни олдига қўярда-қўймай олиб кириб, таништириб, масалани тушунтириб чиқиб кетибди. Бошлиқ хандон ташлаб қотиб-қотиб кулармиш. Домла хижолат тортиб:

— Нега куляпсиз, бошлиқ иним?— деб сўрабдилар тағин у ер-бу еримда бирон нарса йўқмикан деб ён-верларига қараб.

— Ҳайрон бўлманг, мен шунга куляпманки, Сиз Ўзбекистон халқ шоири бўлсангизу шу вақтгача уйингизда газ бўлмаса, Сизнинг кўчаларингиз аллақачон газлаштирилиб бўлинган-ку, ахир,— дебди.

— Олти ойдан бери кутяпман ходимларингизни,— дебдилар.

Бошлиқ дарров кнопкани босиб, секретарь орқали ходимларидан бирини чақиртириб топшириқ берибди.

— Навбат бор... деб тутун қайтарибди, чақирилган йигит.

— Бу менинг буйруғим, бажаринг! Қанақа гаплар бўлса кейин кирасиз,— дебди бошлиқ жиддий. Эртасига уйларига газ қуриш учун асбоб-анжомлар, трубалар, 80 литрлик АГВ дан иккита, газ плиталар ташлаб кетишибди.

Мен борсам хурсанд юрибдилар.

— Қаранг, бошлиқларда ҳикмат кўп экан. Шунинг учун кўпчилик бошлиқлар ҳузурига киришга ошиқар экан-да,— дедилар.

**МУҚАДДАС ЗАРРАЛАР**

(Отам ҳақида хотиралар)

«Даштда сўфитўрғай деган қуш бўлади. У ҳар баҳорда тўртта тухум қўйиб, бола очади. Полопонлардан бири булбул бўлиб, қолгани оддий тўрғай бўлади. Уша булбул — отанг!»

Тўра амакимнинг гапларидан. «Тоғдан қанча узоқлашсанг, унинг салобати шунчалик тиниқ кўринади. Миртемир аканинг халқ учун қилган ишлари энди яхшироқ юзга чиқади.»

Профессор Худойберди Дониёровнинг таъзиядаги сўзларидан.

Сўнгги кезларда ношир дўстларим ва ҳамкасбларим мендан отам ҳақида ёзишни, унинг порлоқ хотираси олдидаги фарзандлик бурчимни шу йўл билан ҳам ўташни илтимос қилишади. Ўйлаб қарасам, дилдаги гапни қорозга тушириш анча мушкул экан. Мен нима ҳам ёзар эдим? Оилада бешта фарзанд бўлсак ҳам биронтамиз қаламкашликни отадан меърос қилиб қолмаган эканмиз; биримиз тупроқшунос; иккинчимиз врач, қолганларимиз эса шарқшунос. Аммо барибир отамни биз — фарзандлардан бўлак ҳеч кимнинг яхши билмаслиги аён. Шунинг учун ҳам мен эндиликда муқаддас бир ёғду бўлиб қолган хотираларимни қурбим етганича қаламга олишга аҳд қилдим.

Назаримда, отамнинг ҳеч кимдан ортиқ жойлари йўқдай. Ҳамма оталардек меҳрибон, фарзандларига ғам-



хўр, ўрни билан қаттиққўл мураббий ҳам эдилар. Мен ҳеч қачон уларни ўзим тасаввур этган шоирларга ўхшатолмас эдим. Зотан, менинг тасаввуримда шоир деган одамнинг қават-қават иморатлик ҳовли-жойлари, киши кўзини қамаштирувчи боғ-роғлари бўлиб, башанг кийинган болалари ярақлаган енгил машиналарни шамолдай елдириб юарди. Бизлар эса ўртамиёна яшар эдик. Даргоҳимизда дабдабаю асъасадан ном-нишон йўқ эди. Бироқ отам ниҳоятда бағри кенг одам—танги, қалби дарё, меҳмоннавоз эдилар. Яқин-йироқдан келувчиларнинг кети ўзилмасди.

Отамнинг ўз дўстларини нақадар улкан муҳаббат билан севишларини, нақадар эъозлашларини жуда кўп кузатганман. Шу муносабат билан бир воқеани сўзлаб бермоқчиман. Бир куни эрталаб нонушта чоғи гангир-гунгир гаплашиб ўтирганимизда, ҳовлига чўпоннамо кийинган, юзлари офтобда қорайган, барвастагина бир қозоқ чол кириб келди-да, «Миртемирдин уйи шуми?!» деб сўради. Меҳмон билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб, уни дастурхонга таклиф қилдик. Биз, Қозоғистон, Қорқалпоғистон, Қирғизистондан, бу ёғи бутун Ўзбекистон областларидан, хуллас, турли-туман жойлардан отамнинг турли касб-кордаги дўст-биродарлари, таниш-билишларининг ёшу кекса булҳавасларнинг хоҳ кечаю хоҳ кундуз «Ассалому алайкум» деб тўғри уйга кириб келаверишига кўникиб қолган эдик. Отам бояги чол билан қозоқчалаб бир-икки оғиз гаплашдилару, бирдан иккаларни қучоқлашиб, бошқатдан кўришиб кетишди. Бу одам отамнинг болалик вақтларда Туркистоннинг қайноқ тупроқларини яланг оёқ бирга тўзитиб ўсган дўстларидан экан. Нақ ярим асрдан мўлроқ вақтдан кейин икки дўстнинг дийдор кўришуви!

Чол бола-чақалик, неварра-эваралик, пири бадавлат экан. Мен уларнинг суҳбатига жим қулоқ солиб, чой қуйиб ўтирардим. Маълум бўлишича, чолнинг кенжа ўғли Олмоатага ўқишга боргану икки-уч йил ўқиб, у ёғига эпполмай, ўқишни ташлаб кетибди. Юриб-юриб уйга қайтиб келибди-да, домлаларим мени ёмон кўриб қолди, деб нолибди. Ўғилларининг бари колхозчию ишчи бўлиб, чол мана шу кенжа ўғлининг ўқимишли, зиёли бўлиб етишувини орзу қилар экан. «Айнаанаёв, чирағим,— деди чол отамга қараб,— шу боламга кўмаклашиб жубар». Чолни обдон меҳмон қилиб, кузатиб қўйгач, отам менга

аэропортга бориб, Олмаотага шу бугунга иккита билет олиб келишни тайинладилар.

Сўнги пайтларда отам тез-тез бетоб бўлиб, ҳийла қуватсизланиб қолган эдилар, бирон ерга бормоқчи ё сафарга чиқмоқчи бўлсалар, мени ўзларига ҳамроҳ қилиб олиб юрадилар.

Биз ўша куни Олмаотага етиб бордик. Отам ҳалиги йигитнинг домласи билан учрашиб, боланинг аҳволи билан обдон танишдилар, маслаҳатлашдилар ва бу йигит ўзини ўнглаб, тўғри изга тушиб олиш учун унга ўқув отпускасини беришни сўрадилар. Отамнинг илтимослари ерда қолмади. Икки кун меҳмонхонада туриб, яна Тошкентга қайтдик. Қасал бўлсалар ҳам, бир оз чиқим қилиб, ёшликдаги дўстларининг ҳожатини чиқариб келганларидан хурсанд эдилар ўшанда отам.

Модомики, отам тўғрисида ёзар эканман, бир қур қўлимдан келганича уларни кўкларга кўтариб ёзишим керак-да, деган хаёлга борганимни яширмайман. Бироқ отам ғоятда камтарин одам эдилар, ҳеч қачон бировга шоирликларини пеш қилмас, ўз номларини сотмас, бизларни ҳам муштдайлигимиздан шундай тарбиялаган эдилар. Мен дўстларнинг маслаҳати билан ушбу қалб хотираларини қозога туширар эканман, отамнинг ортиқча мақтовга, бўёққа муҳтож эмасликларини бир қара тушундим. Шунинг учун ҳам, ҳурматли ўқувчи, сизнинг ижозатингиз билан мен учун ҳамиша азиз бўлган хотира саҳифаларини варақлаб кўрсам...

\* \* \*

Бешинчи сифдан бошлаб, ҳар йили ёзги таътил пайтларида бирон-бир ҳунар ўрган, деб отам мени она қишлоққа, қариндошларимиз ҳузурига юборардилар.

Отажон деган бир тоғам бор, ўзи комбайнчи, бутун умри техника билан боғлиқ. Отам ўша кишини айниқса ҳурмат қилар эдилар. Бир йили буғдой ўрими мавсумида тоғам мени ёнида олиб юриб, комбайн ҳайдашни ўргатган эдилар. Ўша йили қишлоқдан қайтиб келгандан кейин отам мени сўроққа тутдилар: ҳамма тинч-омонми, амакиларинг яхши юрибдими ва ҳ. к. Мен отамнинг таъсирчан кўнглига оғир ботмасин, деб уларнинг ҳаётидаги баъзи бир қийинчиликларни ялпизлаб гапирмоқчи бўлдим. Шунда отам менинг пайсалга тушганим-

ни сезиб, «Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир», деб мени койидилар.

Укам Мирзатой эса бор гапни дангал айтадиган хилидан. Отам доим укамнинг шу феълини яхши кўрар, уйда бирорта маслаҳатли иш чиқиб қолса, укамнинг гапига қулоқ солар эдилар. Менга қолганда қаттиққўл эдилар.

Бир воқеа учун ўзимни ҳалигача кечира олмайман. Армияга чақириқ қоғози келганда, баъзи бир таниш-билишлар: «Нима қиласан армияга бориб, уч йилинг бекор ўтиб кетади. Военком — отангнинг қадрдон дўсти — отанг бир оғиз айтса, сени хизматдан олиб қолади», деб маслаҳат беришди. Мен ҳам уларнинг гапига кириб, отамга: «Военком ўртоғингиз экан, армияга боргим келмаяпти, айтинг, мени қолдирсин», дедим. Отам ётиғи билан: «Ҳа, у киши дўстим, лекин одамлар фалончи ўғлини армиядан олиб қолди, демайдим, бошимни қандоқ кўтариб юраман. Борганинг яхши, қайтанга чиниқиб келасан», дедилар. Дарҳақиқат, ҳарбий хизматга бориб хато қилмаган эканман. Қайтиб келганда, бўйим бир қарич чўзилган, совуқдан ҳам, иссиқдан ҳам кўрқмайдиган, ҳар қандай оғир ишларни писанд қилмайдиган, бутунлай бошқа одам эдим.

Отам бизларни ортиқча эркалатмаганлар. Лекин тунлари, улар одатда азонгача ишлар эдилар, ухлаганимизга ишонч ҳосил қилгандан сўнг хонамизга кириб, устимиздаги кўрпаларни тўғрилаб, «Туф, туф, ёмонларим», деб чиқиб кетар эдилару, кундузлари негадир ҳеч қовоқлари очилмай, бизларга хўмрайibroқ қарар эдилар.

Ёшим йигирма олти-йигирма етиларга борганда, бир куни юрак ютиб, отамдан: «Нега бизга жуда қаттиққўл бўлгансиз?» — деб сўрадим. Отам чиройли кулиб: «Не-не профессору, академикларнинг болалари эрка ўсиб, ёмон йўлга кириб кетган, одам ўлдириб, қимор ўйнаб, қамалган. Мен сизларни шундай бўлманглар деган эдим-да», деб жавоб қилдилар.

\* \* \*

Ҳовлимиз чоғроқ бўлса ҳам, бағри кенг. Боя айтганимдай, ҳар куни меҳмонларнинг кети узилмайди. Айниқса, ёз кунлари қишлоқдан 5—10 нафар йигитчалар ота-оналари, ука, сингиллари билан келиб, 10—15 кун-

дан туришади. Сўнг Тошкент дорилфунунларига кировчи бу йигитларнинг ота-оналари уларни «аввало худоба, кейин отамга» топшириб, бамайлихотир кетаверишади. Шулардан баъзилари ўқиб, ҳаётда муносиб ўрнини топади.

Отам уларнинг иссиқ-совуғидан, кийим-кечагидан, чой-чақасидан доим хабар олиб турар эдилар. Кўпинча «прописка»,— уй дафтарига кириш масаласи сансоларли бўларди. Бир амакиваччам шу иш деб анча қийналди. Баъзи идора ходимларининг тўраларча хатти-ҳаракати туфайли ҳеч иши юришмаётганидан нолиди. Отам у ёққа югурдилар, бу ёққа югурдилар, бўлмади. Охири кимдир Ички ишлар министрига мурожаат қилинг, деб маслаҳат берди. Отам: «У киши катта одам бўлса, олдига қандай кирай?!» деб ҳайрон бўлиб чиқиб кетдилар. Лекин пешинда хурсанд бўлиб қайтдилар. Қабулхонада анча навбат кутиб, министр ҳузурига кирганда у киши жуда яхши қабул қилиб, «Келинг, домла, хуш кўрдик. Тўғри кириб келавермабсиз-да, ахир шогирдингизман, Самарқандда бир вақтлар сиз олиб борган тўғарақда қатнашганман», дебди. Бу собиқ министр—шоир Ҳайдар Яҳёев экан.

\* \* \*

Отам ҳар уч-тўрт ойда ўзларига янги пойабзал олар ва бир оз кийгач, уни бизларга ёки қишлоқдан ўқишга келган бирорта жиянларига берар эдилар. Бир куни мен, нега кўп оёқ кийими оласиз, деб бунинг сабабини сўрадим.

Отам бир оз сукут қилгач, «Ёшлигимда қиш кунлари сандал ёки йиртиқ ковуш кийиб, қорда ҳам, жалада ҳам юрар эдим. Ҳа, детдомда бир бурда қора нону ярим коса бўтқа беришарди. Кўзларимга суриб-суриб ер эдим. Ўша кунлардаги армонимнинг чеки йўқ эди. Ҳозир қандоқ яхши, у кунлар унут бўлиб кетди, ҳар уч-тўрт ойда эмас, уч-тўрт кунда ҳам оёқ кийими олса арзийди бу замонда», дедилар. Чамамда, отамнинг тез-тез пойафзал олишларидан улар ҳам, биз ҳам хуморсиз яшаб ўсдик.

\* \* \*

Қайси бир йили ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ съезди-га отамни ҳам вакил қилиб сайлашди. Докторлар, сизга

узоқ йўл юриш мумкин эмас, дейишларига қарамасдан, «Ҳамма дўстларим бир ерга йиғилишар экан, бормасам бўлмайди, кейин қачон кўраман», деб мени йўлга етакладилар. Москвага етгунча самолётда неча марта дори ичиб, анча лоҳас бўлдилар. Пойтахтга етиб боргач, «Россия» меҳмонхонасига жойлашдик. Мен отамни суяб, битта-битта юриб, вестибюлга олиб кирдим. Шунда ёш ёзувчи ва шоирлардан бир нечтаси машҳурроқ ёзувчиларнинг жомадонларини кўтариб, меҳмонхона хоналарига кириб кетишди. Зулфия опа бир ўзлари қолганларини кўриб, отам хаста товуш билан менга: «Бор, болам, Зулфия опангнинг қўлидан юкини ол, мен шу ерда ўтира тураман», дедилар ва креслога чўкдилар. Мен итоаткорлик билан ёрдамга шошилдим.

\* \* \*

Бир куни отамни кўргани касалхонага бордим. «Газеталарни уйга олиб кет», дедилар столда қалашиб ётган бир гала газетага ишора қилиб. (Отам қардош республика ва маҳаллий матбуот органларидан жуда кўпчилигига обуна эдилар, ҳар куни почтальон бир сумка газетани уйга ташлаб кетар эди). Шунда кўзим столдаги бир откриткага тушди. Унда Тамарахонимнинг ёшлик пайтидаги сурати акс эттирилганди. Орқа томонида отамнинг бир шеърларидан олинган тўртлик ва қуйроқда «Миртемир ака, не болейте! Я Вас люблю» деган сўзлар ёзилган эди. Операция столига ётадиган одамга Тамарахонимнинг шу бир оғиз илиқ сўзи қанчалар далда бермаганди.

\* \* \*

Бир куни отам Москвадаги дўстларидан бирига хат ёзмоқчи бўлдилар. «Кел, сен русчага чечанроқсан, деб ўз мақсадларини қисқача баён қилдилар-да, хатни менга ёздирдилар. Хатнинг ярмига келганда, ручка қоғоз тагида ётган аллақандай қаттиқ нарсага келиб тақалди ва «чирт» этиб, қоғозни тешиб юборди. Менинг, отамнинг ҳам диққатимиз бўлиниб, фикримиз чувалди. Хатимни кўзойнак тақиб, кузатиб ўтирган отам, нима экан у, дея қоғозни кўтариб қарадилар. Қарасак, қум зарраси. Отам хаёлга чўмиб, узоқ тикилиб қолдилар. Балки ўшанда арзимас бир одам кўпгина фозилларнинг бошига

оғир кулфатлар солган йилларни эслагандирлар. Охири, «Тавба, бутун бир оламини шу биргина қум зарраси ағдар-тўнтар қилиб ташласа-я»,— дедилар.

Мен шунда отамнинг шоирона табиатини ҳам, нозик ва таъсирчан дилини ҳам аён кўргандек бўлдим.

Менинг бу узук-юлуқ сўзларим ҳам ўша қум зарраси каби отам ҳақидаги хотираларнинг — бутун умримни ёғдуга, қувончга, бахтга тўлдирган муқаддас хотираларнинг зарралари холос. Бу хотиралар менинг кичик бир олашимни баъзан ағдар-тўнтар қилиб юбораётгандек туюлади менга...

## ШОИР ҲАҚИДА ИЛК ХОТИРА

Бу йил атоқли ўзбек адиби, шоири Миртемир Турсунов туғилганига 70 йил тўлади. Мен бу азиз инсон, бениҳоя камтарин педагог-шоир билан қарийб олти йил бир ўқув юртида таҳсил кўрганман, бир ётоқда истиқомат қилганман, бир курсда ўқиб, уни бир вақтда тугатганман.

— Ёшлиқ, талабалик даврида билим асосларини эгаллашдаги бу муносабатларимиз бизларнинг келгусидаги дўстлигимизга замин ҳозирлади. Менинг бу мўътабар инсонга бўлган эҳтиромимни одирди.

1925 йил. Куз. Ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолган. Инқилоб хиёбони (сквер) нинг ҳар ер-ҳар ерида узоқ-яқиндан Тошкентга ўқишга келган болалар тўпланишиб нималарнидир суҳбатлашмоқда. Ҳамманинг фикру-зикри ўқишда, билим юрти талабаси бўлиш орзусида.

Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтда Тошкентдаги Маориф институти (Ўлка ўзбек эрлар билим юрти) Ўзбекистондаги ўқитувчилар тайёрлайдиган илк ўқув даргоҳларидан эди. Бу билим масканида ўқиш катта фахр ҳисобланарди.

Маориф институти ҳозирги Тошкент курантининг рўпарасидаги бинога жойлашганди. Атрофда бошқа ўқув юртлари ҳам бўлгани учун Инқилоб хиёбони доим талабалар билан гавжум бўларди.

Мен Миртемир билан дастлаб ана шу ерда танишдим. У менга мурожаат қилиб, қаердан келганлигимни, имтиҳондан қандай баҳолар билан ўтганлигимни сўради. Кейин:

— Билим юрти, билим юрти, мендекларни ўз қалбига гирён қилган билим юрти,— деб қўшиб қўйди. Шушу ҳар кўришганда «билим юрти, билим юрти...» деб қувониб, ҳазиллашардик.

Маориф институтида ўқиш давомида бизлар бир-биримиз билан доимо иноқ, дўст бўлиб яшадик. Бирга дарс тайёрлашардик, биргаликда жамоат ишларини бажарардик, сайр қилардик. У китоб ўқишни яхши кўрарди, чинакам китобсевар эди. Доимо унинг қўлида бирор китоб, газета ёки журнални кўриш мумкинди.

Миртемир жуда хушмуомала эди, ҳеч қачон бақириб-чақириб гапиришмасди, ҳеч қачон ҳеч ким билан жанжаллашмасди. Синфга, ётоқхона ёки ошхонага навбатчи бўлгудек бўлса, доимо офаринга сазовор бўларди. Ҳар қандай топшириқни сидқидилдан бажарарди. Кичик-кичик шеър ва лавҳалар ёзишни яхши кўрарди, бу борада кўп машқ қиларди. Баъзан кечалари ётоқхонадан чиқиб, коридорда ёки залда нималарнидир ёзарди. Гоҳогоҳо синф доскасига ҳазиломуз шеърий мисралар ёзиб қўярди. Қандай предметга оид дафтари бўлмасин, унинг ҳошиясида, албатта, бир неча сатр шеър ёзилган бўларди. Мажлисларда, турли йиғинларда, кечқурунлари синфда дарс тайёрлаган вақтларда ўз яқинларига 3—4 сатр шеър ёзиб узатиш одати ҳам бор эди. (Бундай шеърлардан 2 таси ҳамон менинг архивимда сақланмоқда).

Билим юртида Шерали Гинтилло, Абдулла Авлоний, Аббос Алиев, Н. П. Архангельский, Т. Н. Больбарг, Саидолим Шарафутдинов, Боис Қориев (Олтой), Қайюм Рамазон, Ойбек сингари атоқли педагоглар, оташин маърифатпарварлар ишлашарди. Улар бизга чиндан ҳам чуқур билим ва яхши тарбия берди. Миртемирнинг шеъриятга бўлган иштиёқини, талантини оширишда, унинг илк шеърларининг матбуотда пайдо бўлишида, хусусан, Саидолим Шарафутдинов, Олтой, Ойбек ва Қайюм Рамазон каби тилшунос, адабиётшуносларнинг маълум даражадаги таълимий ва тарбиявий ҳиссаси бор, албатта.

Миртемир адабиётга шунчалик қизиқардики, унинг учун кунда адабиёт дарси бўлса, шунча яхши эди. У институт адабий ҳаётининг пешқадамларидан эди. Адабиёт тўғараги машғулотларига, «Еш куч» ва «Шапалоқ» деворий газеталарига актив қатнашиб турарди.

1980



## УСТОЗ РУҲИГА ТАЪЗИМ

Ҳар гал Тошкентда бўлганимда домланинг ўгли Миржалол билан ёки шоир Муҳаммад Али билан устоз дафн этилган Чигатой қабристонига бораман ва унинг қабри ёнида ўтириб:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.—

мисраларини такрорлайман.

Мен хотирамни Миртемир ундай, Миртемир бундай, мен унинг сеvimли шогирдларидан эдим, деган гаплардан бошламадим.

Марҳум устоз руҳига таъзим қилиб, унинг хатлари ва баъзи шеърларининг ёзилиши тарихи ҳақидаги билганларимни ўртоқлашмоқчиман.

1962 йили Андижонда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг кўчма Пленуми бўлди. Ўшанда биз ҳар куни 4—5 тадан «шеър» ёзиб, газеталарда бошланғич машқларимиз чиқса ўзимизни «шоир» ҳис этиб юрувчи ёшлар эдик. Пленум бизга жуда катта ёрдам берди. Биз улкан адиблар билан танишдик. Танишдиккина эмас, улар билан юзма-юз туриб гаплашиш, машқларимиз ҳақида фикрларини эшитиш шарафига муяссар бўлдик. Менинг машқларим устоз Миртемирга берилган экан. У киши мени чақириб, шеърларингизни кўриб чиқдим, минбардан туриб айтадиган гаплар йўқ, деди-да, қўлёзmani

варақлай бошлади. Уларни учга ажратди. Мен домланинг характерларини кузатиб, терлаб-пишиб ўтирардим. Ҳозир «Бўлмайдими» десалар-а, деган ўй кўнглимга келди. Шу вақт у киши хаёлимдан кечган гапларни пайқадими, ҳар ҳолда мени авайлаб, «Олимжон, мана, шеърларингизни учга ажратдим. Мана бу биринчи группаси — тўққизта шеър, яхши. Иккинчи группасини кўриб турибсиз, белгилар қўйибман, жиддий ишлаш керак. Қолганлари ярамайди. Бироқ анча қўлингиз келиб қолибди, белги қўйганларимни нима учун эканлигини ўзингиз топишингиз керак. Бир ойдан кейин Тошкентга борасиз».

Қўлимга уй адресини берди. Конференциянинг охири куни устоз адиблар андижонлик у ёки бу ёш шоирнинг китоблари ҳақида бирин-кетин чиқиб гапиришди. Шу йиғилишда қайси бир ёш адиб кўкларга кўтарилиб мақталди, қайси бир ёзувчи танқид қилинди. Навбат Миртемирга келганда, у минбарга ҳам чиқмади, ўтирган жойидан туриб: «Мен Олимжон Холдор шеърларини ўқидим, биз у билан келишиб олдик, маслаҳатларимни айтдим», деди-да, гапини тугатди.

Уч ой ўтгач мен Тошкентга йўл олдим. Бу биринчи Тошкентга боришим эди. Миртемир домланинг уйини аранг топиб бордим. Домланинг ўзлари чиқдилар. «Э, Олимжон, яхши келдингизми, нега турибсиз, қани ичкарига киринг!» Уйга кирдим... Устоз дарҳол ундан-бундан, ижоддан сўроқлаб кетдилар. У ўсиқ қошлари ўртасига кўзойнагини қўндирди-да, қўлига қалам олиб ўқий бошлади. Яна шеърларимни учга ажратди. Хуллас, бу сафар ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ шеърни танлашди.

1963 йилда республика ёш ёзувчиларини семинарида мен ҳам қатнашдим. Семинар якунида бир неча ёш қаламкашларнинг китобларини нашр қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Булар орасида менинг китобим ҳам бор эди.

Ушанда домла, «Олимжоннинг китобига агар нашриёт рози бўлса жамоатчилик асосида муҳаррирлик қилман», дедилар. Орадан 2 йил ўтгач, биринчи китобим босилиб чиқди.

1965 йили Союзга ўтишим учун устоз йўлланма ҳам бердилар.

Мен Андижонда чиқадиган «Коммунист» газетасининг қишлоқ хўжалик бўлимида ишлаб юрган кезларим бир куни домла телефон қилиб Тошкентга ров келиб

кетишимни ва келганимда Андижоннинг ери, суви, иқтисоди, одамлари ҳақида баъзи нарсаларни қоралаб олишимни илтимос қилдилар. Устознинг Андижон ҳақидаги сўроқларига жавоб ҳозирлаб Тошкентга учдим.

— Олимжон, «Совет Ўзбекистони» бир саҳифа материал берапти. Шеърлар, ён дафтардан ва бошқа гаплар ҳам беришим керак экан. Ёш шоирларга айтадиган анча гапларим бор. Сизнинг номингизга газета орқали очиқ хат ёзсам нима дейсиз,— деб қолдилар домла.

Мен хурсанд бўлдим ва у киши олдиндан қоралаб қўйган қоғозларни кўрсатди. Эртага эрта билан ўқиймиз, олиб келган фактларингизни ҳам сингдираман.

Эртасига нонуштадан кейин (домла кечаси билан ухламаган эди) ўқидик. Яхши ёзилган, жиддий гаплар айтилган. Редакцияга бирга бориб топширдик. Орадан икки кун ўтгач, 27 март куни «Совет Ўзбекистони»да туркум шеърлар билан бирга «Олимжон Холдорга маслаҳатларим» деб аталувчи очиқ хат босилиб чиқди. Бу хат мен тенги ёшлар ўртасида севилиб ўқилди. Мунозараларга сабаб бўлди.

Миртемир домла кейинги йилларда Фарғона, Қўқон ва Андижонга тез-тез келиб турарди. Шундай сафарларнинг бирида 1973 йил октябрь ойи эди, бир ҳафтадан ортиқ районларда бўлдик, колхозчилар билан учрашдик, шеърхонлик қилдик. Андижон таассуротларини устоз республика газетаси ва телевизор орқали чиқиб айтди.

1974 йили яна домлани ишчилар, колхозчилар, студентларнинг талаби билан таклиф этдик. Катта давраларда учрашувлар бўлди. Москва районидаги авиация техникумида бўлиб ўтган учрашув эсимдан асло чиқмайди.

Бир кун аввал домлага. Шаҳрихонга борамиз, водийда ягона механика техникуми талабалари билан учрашамиз, деганимда у киши ўйланиб қолдилар. Хаёлидан нималар кечганини кейинчалик билдим. Техникумга борганимизда зал лиқ тўла эди. Бу учрашувга Наманган областининг Учқўрғон районидаги Ленин номи совхозда истиқомат қилувчи Жўра ота Шожалилов оила аъзолари ҳам келган эдилар. Жўра ота Шожалилов ўз фарзандлари ҳақида ажойиб гаплар айтди. Катта ўғли капитан Муҳаммадали авиация қисмларидан бирида звено командири бўлиб хизмат қилаётганлиги, лейтенант Алижон ҳам шу полкда, учинчи ва тўртинчи ўғиллари Раҳимжон ва Тоҳиржонлар эса акалари изидан бо-

риб механика билим юртида таълим олаётганлиги, қизи Зулфия эса механика заводида инженер-технолог бўлиб хизмат қилаётганлиги ҳақида ғурур билан гапирди. Беш лочин ҳақида айтилган гаплар устоз қўлига қалам тутқазди. Шу ернинг ўзида алланарсаларни блокнотига тушира бошлади. Домлага сўз берилганда «Беш лочин» деб аталувчи шеърни ўқиди. Йиғилишдан кейин домла шеърни менга берар экан, «мендан эсдалик», деб қўйди. Мен домланинг ўз дастхати билан учрашув пайтида битилган ўша шеърни бир хазинадек асраб келаман. Шеър биринчи марта эълон қилинмоқда:

Зап хуш хабар пайқаб қолдик  
рости гапнинг жўясидан,  
Беш учирма учиб чиқмиш  
қоялардан-уясидан.  
Беш навқирон кирмиш бир-бир  
фазогирлар қаторига,  
Беш азамат мадор бўлмиш  
чексиз Ватан мадорига.  
Ота-она ифтихори  
Эл қувончи шу беш полвон,  
Бургутлардек бешовлон ҳам  
фазоларда этгай жавлон.  
Севинчлари етти қат кўк  
тоқларида жаранглаб соз,  
Пахтакорлар диёридан —  
бешовлон ҳам бургут парвоз.  
Пахтакор юрт, бободехқон  
фахри бўлиб учсин юксак,  
Арзир бу кун ботирларга  
парвоз қилинг, толманг десак,  
Балли, бор бўл, ота бургут,  
ота десак дегулик мард,  
Юз яшасин, оқ дилига  
қўнмасин гард, қўнмасин дард.

Андижон шаҳридаги «Ешлик» мактаби талабалари билан бўлган учрашув алоҳида аҳамиятга эга. Бунда Тўра Сулаймон, Муҳаммад Али, Абдуҳалил Қорабоев ва мен ҳамроҳ бўлиб бордик. Йиғилиш охирида мактаб директори Алижон Сиддиқов ўз шогирдлари номидан устозни табриклади ва эсдалик сифатида эркаклар соябонини совға қилди ва у шундай деди:

— Ҳурматли Миртемир ака, биз сизнинг ижодингизни кузатиб борамиз, бу арзимас совға ҳам асо, ҳам соябон вазифасини бажаради. Сизнинг бошингизга қанчадан-қанча жалалар, дўллар қуйиб ўтмаган, буни яхши биламиз. Агар энди ёмғир ёгса бошингизни шу соябон тўссин. Агар сиз тийғансангиз асо бўлиб сизни тираб қолсин!

Мен устозни кузатиб турардим, у кишининг ўнг елкалари кўтарилиб, чап елкалари пасайгандай кўринди, кўзлари бир нуқтага қадалди. Назаримда ҳозир шеърга мавзу туғилди. У ўрнидан туриб гап бошлади:

— Мени ғоят тўлқинлантириб юбордиларингиз, раҳмат! Гап соябонда эмас, бизни кузатиб, ўқиб бораётганингиз учун раҳмат. Энди бошимизга балолар ёғилмас, бунга тўла ишонаман. У даврлар ўтиб кетди. Ёшим анчага бориб қолди. Асо мен учун жуда зарур. Дўстларим, йўлдан тойисам энг аввало сизларга суянгим...

Шу куни домла ниҳоятда ҳаяжонда эди. Бир нарса ёзишга шай эканликларини сездим.

Эртасига меҳмонхонада учрашдик. Устоз кечаги ҳаяжон билан яшарди. Мени остонада кўриши билан «келдингизми, Олимжон, эшитинг!» деди-да, «Асо» шеърининг дастлабки қоғозга тушган вариантларини менга ўқиб берди. Кейинчалик устоз бу шеърни қайта ишлаб, «Гулистон» журналида эълон қилди. Кейинчалик у шоирнинг энг сўнгги «Едгорлик» китобидан жой олди...

Тошкентда бўлган семинарларнинг бирида Миртемир домла ижоднинг машаққатлари, қийинчиликлари ҳақида гапириб, газеталарда ишлаб юриб газета шоирларига айланган кимсалар адресига танқидий гапларни айтдилар.

## МУНДАРИЖА

Хотира тўлқинлари (Наим Қаримов)	5
Собит Муқонов. Юзи ёруғ ёзувчи	14
Расул Ризо. Бурчлиман	15
Абдулла Тожибоев. Миртемир юлдузи	16
Сулаймон Рустам. Дўст ҳақида сўз	19
Комил Яшин. «Жаранг шеър бўлмас ҳеч унут!»	21
Чингиз Айтматов. Зукко шоир, дилкаш инсон. (Сулаймон Раҳмон тарж.)	24
Собир Абдулла. Камолот ёши.	29
Асқад Мухтор. Устознинг табаррук ўрни.	31
Туманбой Бойзоқов. Оқин ҳақида сўз (Отаёр тарж.)	38
Туроб Тўла. Миртемир	39
Пўлат Мўмин. Улкан шоир, меҳрибон устоз	44
Воҳид Зоҳидов. Асло унутилмас	49
Шоислом Шомуҳамедов. Шингил хотиралар	57
Муқова гўзаллиги	57
Шеър ҳарорати	57
Бир шеър тарихи	58
И. Ғ. Сатторов. Хотира саҳифалари	60
Оғамнинг қалбига йўл	60
Бажарилмаган топшириқ	61
Фронт бригадаси	63
Жуманиез Жабборов. Устод сабоқлари	65
Маҳмудали Юнусов. Зако ярқирарди пешонасида	70
Назармат. Бир шеър тарихи	78
Мирмуҳсин. Олмос қирралар	83
Рувим Моран. Қалбдан қалбга (Муҳтарам Улуғова тарж. маси)	85
Асан Жақшилиқов. Дўстликка садоқат (Турсунбой Адашбоев таржимаси)	91
Тамарахоним. Ижодкор намунаси. (Отаёр таржимаси)	94
Йўлдош Шамшаров. Улкан шоир	96
Носир Фозилов. Яхшиларга ёндошиб	102

Оғалар	102
Сир	113
<i>Мақсуд Қориев,</i>	
<i>Эътибор Охунова.</i> Бир бағир ёлқини ёки саҳифадаги излар	127
<i>Хусниддин Шарипов.</i> Сунгсиз қўшиқ	134
<i>Эркин Воҳидов.</i> Миртемир ҳақида сўз	136
<i>Абдулла Орипов.</i> Юксак ҳаёл	140
Устоз Миртемир хотирасига	142
<i>Тўра Сулаймон.</i> Еруғлик шайдоси, равза шайдоси	143
<i>Муҳаммад Али.</i> Шоир ва инсон	152
Шоирнинг бир кунини	154
<i>Саъдулла Сиёев.</i> Бир шеър тарихи.	156
<i>Отаёр.</i> Мен қуёшни кўргали келдим	163
Зайнаб момо ўғитлари	165
Мен севгувчи эдим	169
Умрим оддийлардан тагин оддийроқ	170
Шукрона	171
Яна Иқон ҳақида	173
Биби Саҳро бувининг билгавлари	174
<i>Ваҳобжон Дадабоев.</i> Икки сафар хотираси	177
<i>Қудрат Хўжаев.</i> Хотирамда қолган ёғдулар	182
<i>Малик Муродов.</i> «... Фольклор менинг руҳимга яқинлигини ёшлигимдан сезардим...»	184
<i>Турғунбой Халилов.</i> Шеърятдаги умр	195
<i>Ҳайдар Муҳаммад.</i> Дилда қолган лавҳалар	203
Энди сизга қийин бўлди	203
Шунча кўп китоб ўқийманми	204
Миртемир аканинг пианино сотиб олганлари	205
<i>Миржалола Турсунов.</i> Муқаддас зарралар	208
<i>Тоҳир Зуфаров.</i> Шоир ҳақида илк хотира	215
<i>Олимжон Холдор.</i> Устоз руҳига таъзим	217

На узбекском языке

**Миртемир в воспоминаниях  
современников**

Редактор А. Шаропов  
Рассом В. Немировский  
Расмлар редактори А. Қива  
Техн. редактор Н. Жўраева  
Корректор З. Ғаниев

ИБ № 1455

Босмахонага берилди 18.12.81. Босишга рухсат  
этилди 25.10.82. Р-16121. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Бос-  
махона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Юқори  
босма. Шартли босма л. 11,76. Нашр л. 10,68.  
Тиражи 5000. Заказ № 50. Баҳоси 1 с. 10 т.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва  
китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг  
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқар-  
иш бирлашмаси 3-босмахонасига қарашли 1-дех-  
да босилди. Тошкент, Радиаль пр., 10.